



# Uzbek Fozuluzi

1995  
7-8

---

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ЖУРНАЛИ

---

64-ЙИЛ ЧИҚИШИ

*Бош муҳаррир:*  
Уткир ҲОШИМОВ

*Таҳрир хайъати:*  
Тоҳир МАЛИК  
(Масъул котиб)  
Мурод МАНСУР  
(Наср бўлими мудирини)  
Омон МУХТОР  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Икром ОТАМУРОД  
(Назм бўлими мудирини)  
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН  
(Мерос ва қадрият бўлими мудирини)  
Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ  
(Мақоланавислик бўлими мудирини)

МУАССИС:

ГАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

1996 йилда қуйидаги асарлар эълон қилиниши мўлжалланган:

Саодат асри қиссалари. Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлари тўғрисида бадиий асар.

Тасаввуфга муносабат. *Сухбатлар.*

Тўй мажлиси? Эски ва янги удумлар тўғрисида баҳслар.

Саид Аҳмад. «Бадбахтдала тутқунлари». *Роман.*

Шукрулло. «Кафансиз кўмилганлар». *Хотира-роман.*

II китоб.

Омон Мухтор. «Фу». *Ривоят роман.*

Тоғай Мурод. *Янги роман.*

Саъдулла Сийев. «Яссавийнинг сўнги сафари». *Роман.* II китоб.

Абдулла Орипов. «Амир Темур». *Достон.*

Омон Матжон. «Шайх Нажмиддин Кубро». *Достон.*

Икром Отамурод. «Ичкари-ташқари». *Достон.*

Абдували Қутбиддин. «Пули сирот». *Достон.*

Иброҳим Мўминов. Ҳаёт саҳифалари.

Миркарим Осим. Бир адиб қисмати.

Чернобилда бўлган ўзбеклар. *Бадиа.*

Мустақиллик йиллари адабиёти.

Муқоваларда:

1-4 бетда «Жудалик диёри» романига рассом Раҳима Қўнгирова ишлаган сурат.

2-бет — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков.

3-бет — «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни нашр этган китоблар.

## ВАТАННИ, ХАЛҚНИ САМИМИЙ СЕВИШ КЕРАК

ОДИЛ ЁҚУБОВ БИЛАН ТОИР ЮНУС СУХБАТИ

*Қисқата маълумот:*

Одил Ёқубов. 1926 йилда туғилган.

1956 йилда Шовкент Давлат университетини тугатган. I-ЛК китоби 1951 йилда босилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Ҳамза номидан Давлат мукофоти соҳибдори. Ҳозирги кунда Республика Атамалар кўмитасида раислик қилади.

- китобга бўлган ташналикни сўз билан ифодалаш қийин.
- жуда оғир кунларни бошимиздан кечирдик.
- ёзувчи адабиётга кираётганда, устозни бўлиши керак экан.
- халқнинг юрагида еруғ нур қолдириш керак.

Т. Юнус. Одил ака, суҳбатимизни анъанавий савол билан бошласак. Қачон, қаерда ва қандай оилада туғилгансиз?

О. Ёқубов. Авваламбор бу илтифотларингиз учун, мени камтарин ижодим ҳақида суҳбат ўтказиш ниятида таклиф қилганингиз учун катта раҳмат.

Мен Чимкент вилояти, қадим Туркистон Қулхужа Аҳмад Яссавий туғилган, қадимда Ясси деб аталган, ҳозир Туркистон деб аталадиган кўҳна ва қадим шаҳарнинг шундоққина биқинидаги Қарноқ деган бир гузал қишлоқда таваллуд топдим. Мен узимни бахтиёр инсон, деб уйлайман, чунки бу ер қадимий қишлоқлардан бири. Бу ерда инқилобгача 10 минг аҳоли яшаган. Жуда катта қишлоқ. 4 та мадрасаси, 29 та мечити бўлган. Шундай улкан қишлоқда туғилганман. У Туркистондаги Қоратовда жойлашган. Одамлариям жуда яхши. Уша қишлоқда бизнинг бобомиз Ёқубшайх Жумамачит масжи-

Эсингизда бўлса, «Шарқ юлдузи» журнали Ўзбекистон радиоси билан ҳамкорлик қилиб, ўтган йиллар машҳур адиблар билан бир қатор суҳбатларни бериб борган эди. Шу ҳамкорликни давом эттириб, яна шундай суҳбатлардан айримларини ёритиш ниятидамыз. Бу ҳақда таклиф ва тилақларингизни бизга ёзиб юборинг.

дида суфи бўлганлар. У киши азон айтганда фақат қарноқ аҳли эмас, 30 қақирим наридаги Туркистон шахриям эшитарди, деб ҳанузгача хотирлашади. Шунинг учун одамлар ҳурмат қилиб, оддий суфи булсалар ҳам бобомизни шайх деб қақирар эканлар.

Бизнинг агар бобомиз диндор одам бўлган бўлса, отамиз 16-йилдаги очарчиликда оиласини боқолмай қолиб, иккита қўй, иккита қоп, бир бойнинг ўгли урнида мардикорликка кетган экан. Қизиги шундаки, у киши у ёқдан большевик бўлиб қайтганлар. Кейинчалик катта вазифаларда ишлаганлар. Қозоғистонда Чимкент вилоят халқ комиссари даражасига кутарилганлар. Ва 37-йили халқ душмани сифатида отилиб кетганлар. Бобомиз ҳам ниҳоятда зиёли одам, отамиз ҳам шундай зиёли одам эди. Мана шундай оилада туғилганман ва бу менинг ижодим учун катта аҳамиятга эга бўлган, дейишим мумкин.

Волидамиз садоқатли, меҳрибон аёл бўлганлар. У киши отиний бўлмасалар ҳам, лекин адабиётни севган.

Отамиз мардикорликдан келиб, мансабга кутарилган пайтларида доим устидан ариза тушган. Айримлар отаси диндор бўлган-ку, нега бу мансабга кутарилади, деб даъво қилишган, оқибатда у кишини ишдан олишгач, қишлоққа қайтганлар. Ёдимда бор, отамиз раҳматли қишлоқнинг ёшларини йигиб, бадий асарлар ўқиб берардилар. Шундай энг севимли асарлардан ёдимда қолгани «Минг бир кеча» ва Абдулла Қодирийнинг буюк асари — «Ўтган кунлар» романи. Демоқчманки, уша пайтларда Абдулла Қодирий, Чўлпонларни оиламизда ўқирдик. У пайтда электр йўқ, танча атрофида утириб олиб, кечаси билан ўқиларди. Ушанда онамиз ҳам ўқишларда иштирок этардилар. Яъни, менинг шаклланишимда у кишининг ҳам хизматлари бўлган. Отамиз 37-йилда отилиб кетган булсалар, онамиз 1982 йили, 83 ёшларида вафот этдилар.

Т. Юнус. Адабиётга қачон меҳр қуйгансиз, Одил ака?

О. Ёқубов. Адабиётга булган меҳр, ҳавас 40-йилларга келиб, 13-14 ёшларга кирганимда катта бир туйғуга, катта бир интилишга айлангани эсимда. Уша пайтлари Ойбекнинг «Қутлуг қон»и чиққан эди. Уни қўлдан-қўлга олиб ўқиганмиз. Чунки Қодирийлар, Чўлпонлар таъқиқланган. Бошқа йирик асарлар учраса ҳам, биринчи китобхоннинг қалбига бориб жиз этиб теккан асар — шу «Қутлуг қон» эди. Унгача Гафур Ғулومнинг «Шум бола»си, ҳикоялари машҳур бўлсаям, йирик, катта асар сифатида Ойбек аканинг «Қутлуг қон»и салобатли аҳамият касб этди. Ундан кейин уруш арафасида, 40-йилда яна шу ёзувчининг «Навоий» романидан дастлабки боблари китоб бўлиб босила бошлаган эди. Бу пайтда мен азбароити китоб озлигидан рус адабиёти, қозоқ адабиётига ҳам мурожаат қилганман. Ниҳоятда кўп китоб ўқирдим. Мактабимиздаги кутубхонанинг деярли ҳамма китобларини ўқигандим. Ҳозирги одамларнинг китобга интилиши бошқача: у пайтларда телевизор бўлмагани учунми, кино кам бўлгани учунми, маънавий озқувнинг ҳаммаси китобдан олинарди. Китобга бўлган ташналигимни сўз билан ифодалаб беришим қийин!

Т. Юнус. Сизларнинг тақдирларингиз шундай кечганки, айна китоб ўқийдиган, дунёқарашларингизни шакллантирадиган даврда уруш бошланиб қолган. Ёш бўлгансиз. Лекин тақдир тақозоси билан оёғингизга этиб кийиб, лой кечгансиз. Буни кейинроқ «Эр бошига иш тушса...» деган асарингизда акс эттирдингиз. Айтинг-чи, уруш йиллари сизда қандай таассурот қолдирган?

О. Ёқубов. Уруш халқимиз бошига ниҳоятда катта бир мусибат бўлиб тушди. Ушанда кундалик ҳаётнинг қийинчилиги ҳеч гап бўл-

май қолди. Бутун даҳшат шундаки, қишлоқдаги бизнинг тоғаларимиз, амакиларимиз, акаларимиз, холавачаларимиз, оға-иниларимизнинг деярли ҳаммаси фронтга кетди. Биз қора хатлар келган мусибатли дақиқаларни, оналаримиз, опаларимиз, холаларимиз, бувиларимиз фарёд чекиб, оҳ урганларини курганимиз, эшитганимиз. Юракларимиз чок-чокидан кетган. Бу маънавий мусибатли онлар бўлса, турмушнинг узиям жуда оғир бўлган. Урушнинг барча оғирлиги 13-14 яшар болалар ва аёлларнинг бошига тушган. Тўрт ярим йил, қилмаган ишимиз қолмади. Қуш ҳайдаб, экин экдик. Пахта экдик. Уроқ ўрдик. Бошоқ тердик. Машокдан бошқа бизга ҳеч нарса қолмас эди. Униям романда тасвирлаганман. Уша машоқларимиз-нияма тортти олишарди. Мана шундай оғир ишларни қилдик, лекин барибир мен бир нарсани англайман. Ёшликнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Масалан: Айниқса, усмирик даврида тушкунлик руҳи бўлмас экан! Уша оғир даврлар ҳам барибир, шу қийинчиликларга, шу қайғу-ҳасратларга қарамасдан, қандайдир ёруғ таассурот қолдирган. 35 қақирим наридаги зағотзерноларга дон таширдик, «Эр бошига иш тушса» романида ҳаммаси тасвирланган. Ялангоёқ тикан кечибордик. Юкни эшакка ортиларди, биз ортидан ҳайдаб кетардик. Топшириб келардик. Шунда қайтиб келганимиздан кейин, офтобга тўтсангиз, офтоб курнадиган нон беришарди. Бир пиёла сув берарди. У нонларнинг таъми бутунлай бошқача бўларди. Ҳалигача таъми оғзимизда турибди. Биринчи севи дақиқалари, туйғуларимиз уйғонаётган пайтлар... оддий қишлоқ қизлари... ҳозир гузал қизларимиз кун! Лекин улар бизлар учун гузал бўлишган! Мана шу таассуротлар мунаввар таассуротлар бўлиб қолган.

Т. Юнус. Сиз уруш охирига қолганда бирдан хизматга қақирилдингиз...

О. Ёқубов. Мен ҳарбий хизматга ҳатто қақирилган эмасман. Туғилганлик ҳақида ҳужжатлар йўқ эди бизда. Қишлоқ советида дафтар булар экан, унда ким қачон туғилганлиги қайд этиб бориларкан. Эсимда бор, сал пулдор одамларнинг, раисларнинг болалари ўзлари 20 га бориб қолган бўлса ҳам, дафтарда ҳали 16 ёш бўлиб қайд этилган. Уйланиб, бола-чақали бўлиб кетган йигитлар бор эди. Менинг армияга кетишимга, дўстларимдан бир йўла 40 киши ҳарбийга қақирилгани сабаб бўлди. Ушанда мен, ҳамма яширинаётган бир пайтда, военкомга бориб 1926 йилда туғилганман, дафтарга нотўғри тушган, деб ишонтирганман. Военком фронтдан келган қозоқ эди. Шунда одамларни йигиб, мени уртага олиб чиқиб, роса мақтаган. Мана, ҳақиқий ватанпарварлик, ҳақиқий мардик, деб айтган. Бу гаплардан менинг бошим осмонга етган. Лекин бошимизга тушган қийинчиликлар шу даражада даҳшат бўлганки, қилган «ватанпарварлигим» учун афсусланганман. Тўғрисини айтанда! Аммо булар иш бўлган эди. Бизни Ғарбда ўқитишди. Герман урушига улгурмадик. Кейин Шарқ фронтга олиб кетиб, япон урушига ташлашди. Энг даҳшатли нарса шу бўлдики, 1900 километр масофани Гоби саҳросидан утишга тўғри келди. Мўғилистоннинг оби-ҳавоси ниҳоятда оғир. Ёзи бизнинг Урта Осиё иқлимидан ҳам жазирама; ниҳоятда иссиқ бўлади. Кечаси шимолдагидек совуқ бўлади. Мана шу вазиятда чамаси икки ой пиёда юриб, Квантун армиясининг орқа томонидан ҳужум қилиш учун бизнинг армияни олиб утишган. Жангсиз, жадалсиз минг-минглаб одам ҳалок бўлган. Хинган тоғларидан танклар утолмай қолган. Хинган оддий тоғ эмас экан. У тоғ-тоғ қум экан. Шу қумларда танклар ҳам, машиналар ҳам — ҳамма нарса қолиб кетган. Бизнинг этикларимиз, ботинкаларимиз тузиб, яланг оёқ йўл юрганмиз. Жанг қисқа бўлган. Бир ойга

ҳам ҳузилмади. Лекин жуда оғир кунларни бошимиздан кечирдик. Кўп жойда, қудуқ бор, деган жойда қудуқ чиқмади. Тасаввур қилинг, эрталаб соат олтида туриб, энди сув ичман, деб қудуққа етдим, деганингизда қудуқ йўқ... Мен ҳозир кулиб айтаяпман, ушанда кунглимдан нега бу хатога йўл қўйдим, деган фикр ўтган. Қишлоқдош дўстларимдан 5-6 таси шу армияда эди. Мен жисмоний жиҳатдан жудаям бақувват эмасдим, бир-биримизни сўяб, йиқилиб қолган жойларида опичиб, шу йўллардан ўтганмиз. Мана шундай қийинчиликлар бўлган. Эслаш оғир, жуда оғир...

Т. Юнус. Одил ака, мен бир нарсага ҳайратланаман, мана, сиз уруш давридаги азоблар ҳақида ҳикоя қилдингиз, кўп қийинчиликларни бошингиздан кечиргансиз, лекин таажжубланарлисиз шуки, сиз илк асарларингизни ҳам шу армияда хизмат қилаётганингизда ёздиргансиз. Қандай қилиб, қандай шароитда ёзгансиз?

О. Ёқубов. Мен пулемётчи бўлганман. Кейин автоматчи бўлдим. Кейин менга старшина унвонини беришди. Порт-Артур деган жойда маълум энгиллик муддатгача мўқим туриб қолдик. Буш вақтлар пайдо бўлди. Ундан ташқари, бизнинг қисмда жуда катта кутубхона ташкил этилди. Менинг кутубхонага кириб ўқиш имкониятим туғилди. Старшина ҳам офицерга яқин унвонда. Бу кутубхонада Ғарб адабиётини, рус адабиётини... неча китоб бўлса, беш мингми, ун мингми... тўрт ярим йил давомида ҳаммасини ўқидим. Армияда олти йил қолиб кетдик, хуллас, беш йил ичида китоб қолмадики, мен ўқимаган. Шунда ижодга ҳам майллик туғилиб, биринчи болалар учун ёзилган қиссани армияда ёзганман. Ва бу ёққа юборганман. Қисса мен армиядан қайтиб келгандан кейингина 50-51 йилларда «Шарқ юлдузи» журналида ва «Ленин учқуни» газетасида тўлиқ босилган. Бу 5-6 босма табоқ эди. У пайтда адабиёт ҳаётдан олиниши керак, шундагина ҳақиқий адабиёт бўлади, деган тасаввур йўқ экан-да! Уша пайтда ҳаётни бежаб курсатишлар авж олганди, сунъий асарлар кўпайиб кетганди. Бабаевскийларнинг «Олтин юлдуз» деган асарлари буларди. Уша китобларни ўқиб адабиёт шундай буларкан, деб қишлоқ болаларининг ёзги каникули ҳақида ёзганман. Булмаса армия ҳаётидан, Гоби чўллари ҳақида ёзмаймаманми ушанда?! Уни эмас, қишлоқни кўмсаб, қишлоқ ҳақида ёзганман. Шунга эътибор бериш керакки, у пайтда асар жуда кам эди. Айниқса, проза. Умуман, 50-йиллар адабиётида ҳаётни сохта курсатиш авж олган, қандайдир доврираш бор эди. Мен ҳалигача тушунолмаймаман. Лекин менинг кичкинагина, сунъийгина қиссам ҳам воқеа бўлиб кетган. Танқидчилар ижобий фикр билдиришган. Ёзувчилар уюшмасига мени қабул қилишган.

Т. Юнус. Ҳақиқатан ҳам, 50-йилларни урра-ура йиллари деймизми, сохта асарлар яратилаётган, ҳамду санолар ўқилаётган даврлар эди... Сиз эса у ёқдан — реал ҳаётдан қайтиб келгандингиз. Кўп нарсаларни англаб келгандингиз! Бу шароитга қандай кундингиз? Сизда қандай куч топилди? Қандай ёздиргансиз?

О. Ёқубов. Тўғри, давр мураккаб эди. Сталин сиёсати ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ эди. Бу ҳақиқат, лекин яхши асарлар ҳам бўлган. Масалан, Ғафур акалар баъзи байрамларга шеър ёзсалар ҳам, баъзан жуда чуқур фалсафий шеърлари ҳам бўлган. Лекин Ғафур ака, Миртемир ака, Шайхзода, ҳатто Ойбек домлалар ўз даврининг сиёсатига қайтишларига тўғри келган. Ойбек домла «Олтин водийдан шабадалар» деган роман ёзганлар. Тили яхши, услуби яхши. Ойбек аканинг бадийий маҳорати сезилиб турса ҳам, конфликт нуқтаи назаридан, ҳаётий воқеалар нуқтаи назаридан, албатта, уша даврнинг таъсири сезилган. Айниқса, менинг шу йил-

ларда яратган сахна асарларимда буртиб куринди. Драматургияга ҳавас тугилиб, пьеса ёзиб, бу пьеса қуйилиб, 2-3 йилнинг ичида 3-4 сахна асари ёзиб юборганман. Уларда давр сезилиб туради. Уша жимжимадорлик деймизми, ҳаётни бежаб курсатиш, сохталик... Умумадобиётнинг салбий таъсиридан чиқиш қийин булар экан. Шунинг учун дастлабки пайтларда ёш ёзувчи адабиётга қираётганда унга тўғри маслаҳатлар бериб, қайси асарлар ҳақиқий эканлигига тасаввур туғдиришнинг аҳаҳийати ниҳоятда катта. Биз буни аста-секин тушуниб етдик.

Т. Юнус. Одил ака, мен бу саволни беҳуда бермадим. Чунки уша пайтларда «конфликтсизлик назарияси» деган галати гап буларди. Биз бу ҳақда унча-мунча биламиз. Лекин адабиётларда мазкур назария хусусида жуда қисқа ёзилган. Айтинг-чи, конфликтсизлик назарияси нима?

О. Ёқубов. Сталин ва ундан кейинги давр, уша урушдан чиқиб, ҳозир уйлаб қуришимча, гуё ҳаммаёқ яхши бўлиб кетди. ҳаёт ургираяпти, халқлар бахтиёр, деган тушунчаларни одамларнинг онгига синдириш учун қилинган нарса. Бу мафкуранинг илдишлари уша муаммоларга бориб тақалади. Халқнинг қорни ҳали нонга тўймасдан туриб, ҳаммаси яхши бўлиб кетди, биз дунени фашизмдан сақлаб қолдик, деган тушунчани синдириш лозим эди. Ҳолбуки, мен 1949 йил армиядан бир ойлик таътил олиб, қишлоққа келиб кетганман. Ушанда бизнинг қишлоқда одамлар очидан улаётганди. Бошқа жойларда, масалан Тошкентда бунчалик эмасди. Қишлоқда оғир кечди. Социалистик тузумда қийинчилик бўлмади, деган назария бор ва ёзувчилар шунга қараб, ўз фикрларига яраша тун бичишлари керак эди. Бу адабиётимизга катта салбий таъсир ўтказди.

Ёзувчи адабиётга қираётганда, устози бўлиши керак экан. Биз тортиниб, устоз ҳам қидирмаганмиз. Бузчи тортингани туқийди, дегандек ўзимизча ёзаверганмиз. Қандайдир тортинчоқ эдим. Кейинчалик Ойбекдек, Ғафур Ғулومдек, Абдулла Қаҳҳордек адилблар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Уларнинг ижодини урганиб, кўп нарсаларни ўзимча кашф қилдим. Тинмай ўқидим, ургандим. Кечаги адабиётдан кунглим тўлмай, изландим. Ўзимча алланималарни қораладим. Охир-оқибатда аста-секин ҳаётий ҳақиқатларни англай бошладим. Менинг бу маънодаги биринчи асарим — «Муқаддас» деган қиссам бўлди. Бу асар эълон қилингандан кейин икки қоп хат олганим ҳалигача ёдимда.

Т. Юнус. Шу асарнинг ёзилиши тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

О. Ёқубов. Ҳақиқий асарнинг негизиде, асосида албатта ҳаётий воқеалар бўлиши, ҳаётнинг ўзи акс этиши керак. Сиз курган одамлар, сиз билган одамлар бадийий асарнинг негизини ташкил қилиши лозим. «Муқаддас» — бу менинг талабалик йиллари курган кечирганларимни шундай, яъни сохталикдан кечиш керак экан, деган хулосага келган пайтимда ёзган асарим. Қандай бўлса шундай ёзганман. Муқаддас образиям, уни севган йигит ҳам, воқеаларнинг ҳаммаси ўзимга таниш, ўзим яхши билган одамлардан олганман. 60-йилларгача сохта асарлар кўп эди. Энг ёмони, бу сохта китобларни кўкларга кўтариб мақтовчи танқидчилик бор эди. У пайтда ишлаб чиқариш романлари пайдо бўлганди. Яхши партокм, ёмон раис, яхши бригадир, ёмон звеновий, бир болалар-да... Зурма-зураки конфликтларга қурилган асарлар! Бундай кишанларни парчалаб чиқиб кетиш ҳам қийин эди. Хрушчëв Сталин вафотидан сўнг собиқ СССРнинг ҳокимиятига келган бўлса, шахсга сифинишнинг

фожиаларини Фош қилгачгина, анча ҳаётӣй ҳақиқатлар юзага чиқа бошлади. Айниқса, 30-йиллар воқеаларига адолат нўқтаи назаридан баҳо берилди. Сталин утказган сиёсат ошқора айтилди. Шунда илиқ бир адабий муҳит пайдо бўлди. Ҳақиқатга юз тутадиган иқлим юзага келди. Уша пайтларда Пиримқул Қодировнинг «Уч илди» деган романи яратилди. Саид Аҳмад, Шукруллолар ишга дадил киришдилар. Адабиётда муҳит ҳам, иқлим ҳам бўлиши керак. Яхши асар бўлса-ю, унда жиддий бир муаммолар кутарилган бўлмаса, танқидчилар сохта асарларни мактаб турса, бу истевдодларга жуда ёмон таъсир курсатади. Абдулла, Эркинларнинг дастлабки қадамлари шу маънода яхши бўлдики, биринчидан имкон пайдо бўлди, иккинчидан Миртемир ака, Абдулла ака, Шайхзода каби устоз шоирлар уларнинг асарларини йўргаклаб олдилар. Уларга катта йул очилди.

Т. Юнус. Одил ака, мана сиз билан олтмишинчи йиллар адабиёти ҳақида гаплашяпмиз. Бу давр сизнинг ижодингизда алоҳида бир урин тутди. Таъбир жоиз бўлса, бу давр сиз учун адабиётда узингизни, катта ишларни қилишингиз учун тайёргарлик курган даврингиз бўлди. Худди шу йилларда машҳур киссаларингизни яратдингиз. «Қанот жуфт бўлади», «Матлуба», «Бир фельетон қиссаси», «Излайман», «Тилла узук...» Бундан ташқари, уквчиларга жуда маъқул келган «Видо», «Аямажиз» каби унлаб ҳикояларингизни ёздингиз. Мана шу асарларингиз ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

О. Ёқубов. Энди... бу гапларни такрорлайверишимиз туғри бўлмас, лекин уша йиллари биз адабиётда ҳақиқий ҳаёт бўлиши керак, деган хулосага келган пайтимиз эди. Бу асарлардаги воқеаларни ҳам, ҳаммаси, бемалол айтишим мумкин, тафсилотларигача биламан. Мисол учун «Бир фельетон қиссаси»ни олиш мумкин. Мен уша пайтларда «Литературная газета»нинг Узбекистон буйича мухбири бўлиб ишлардим. Бу мухбирлик менга ҳаётни урганишимда катта имкон берди. Биринчидан, «Литературная газета» уша пайтда бутун Иттифокда, айтиш мумкинки, энг машҳур газета эди. Энг утқир мақолаларнинг ҳаммаси шу газетада бериларди. Одамлар уни соғиниб кутишарди. Кейин билсак, Политбюронинг махсус қарори бўлган экан, лоақал битта газета ҳақиқатни ёзсин, деган. Буни биз кейин билдик. Ёдингизда бўлса, қиссамдаги журналистнинг хатоси туфайли жабрдийда бўлган оила ҳақида... менинг бошимдан утган воқеалар худди узидек бўлмасаям, асос қилиб олинган. Бу асарларнинг ҳаммасиям бир руҳда ёзилган, савияси нўқтаи назаридан бир хил, дейиш мумкин эмас. Лекин тагида ҳаётӣй гаплар бўлгани учун уквчиларга маъқул келган. Танқидчилар ҳам яхши баҳо беришган.

Т. Юнус. Одил ака, уша давр адабиётига, шунингдек, сизнинг ижодингизга назар ташлаганимда, бир нарсани сезаман. Масалан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеърятда инсоннинг қалби, дарди олиб кирилган бўлса, сизнинг прозанингизда худди шундай бўлган. 40-50 йиллар адабиётини солиштириб ҳам бўлмасди. Бунда тирик одамларнинг ташвишларини кургандик.

О. Ёқубов. Сизнинг бу гапингизга нима дейман? Ҳаммамиз ҳам яхши гапингиз гадосимиз! Ҳар ҳолда, бу йиллар менинг ижодимда бурилиш йиллари бўлган. Ва уша бурилишларнинг мевалари, дейиш мумкин бу қиссаларни.

Т. Юнус. Менимча, бу давр тажриба орттириш йилларидек туюлади. Назаримда, сизнинг ижодингизнинг бурилиш қисми

«Улугбек хазинаси» тарихий романингиз билан бошланди. Шу асарнинг ёзилиш жараёни ва ёзиш жараёнида кечирган кечинмаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

О. Ёқубов. Баъзан, биласизми, кичкинагина бир қисса ёки ҳикояга асос бўладиган нарса катта воқеалар бўлиши шарт эмас экан. Баъзан бир қарашда арзимаган туртки ҳам сизда хоҳиш, интилиш уйғотишга сабаб бўлади. Яқинда Тошкент Политехника Университетиде катта анжуман бўлди, шунда гапириб бердим. 70-йилларнинг бошида Радик деган альпинист бор эди. «Правда Востока» газетасидаги мақоласида Улугбекнинг жуда катта кутубхонаси бўлган, унинг фожиасидан кейин тоғларга яшириб қўйилган, деган фикрни илгари сурганди. Мақолага кўп эътибор бермадим, кейинроқ Андронников деган машҳур адабиётшуноснинг фикрига кўзим тушди. У ҳам Улугбекнинг катта кутубхонаси бўлган, тоғларга олиб чиқиб яширилган бўлиши керак, уни қидириш керак, мазкур вази-фа билан Фанлар Академияси шуғулланиши лозим, деган гаплар ёзганди. Шундан кейин мен бир кўрайин-чи, деб Самарқандга бордим. У ерда бир ҳафта мобайнида Улугбек мадрасаси, расадхонаси, қазитган каналлари, курган хонақоҳларининг қолдиқларини курдим. Катта таассуротлар олдим. Бунгача мен Самарқандда бўлмаган эдим деярли. Бу нарсалар билан кўп қизиқмагандим. Ушанда, эсимда бор, расадхонани кўздан кечираётим, айниқса, бир қисми сақланиб қолганини курганимда, Улугбекнинг буюклиги шунчаки гаплар эмас, балки у ҳақиқатан ҳам ўз илмини чуқур билганига имон келтирдим. Расадхонадаги юлдузларни тадқиқ этувчи асбоблар шу қадар муқаммал бўлганки, ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Кўнглимда алланималар туғила бошлади. Самарқанднинг эски шаҳарини курдим, 500 йил аввалги замонни кўз олдимга келтириб, кечалари юриб чиқдим. Расадхонада тунадим. Кейин Улугбек ҳақидаги китобларни урганишга киришдим. Академик Бартольднинг, Вамберининг асарини, Самарқанднинг, Мирхонднинг асарларини ўқиб таъсирландим. Шунда Улугбек сиймосини яратиш, шу билан бирга, бугунги кўннинг кўп муаммоларини қамраб оладиган катта асар ёзиш мумкинлигини сездим. Масалан, асарда вафо ва жафо, садоқат ва хиёнат, диёнат ва хиёнат, шоғирд-устоз муносабатларини акс эттира олиш мумкинлигини ҳис қилдим. Бугун сизга устоз деб, эртага хиёнат, сиздан юз уғирадиган одамлар ҳам бор. Бу масалаларни Улугбек даврида куриб акс эттиришни мақсад қилиб қўйганимдан кейин, Самарқандга тез-тез қатнайдиغان бўлдим. Фикрим шаклланиб, 4 йиллик узлуксиз меҳнат оқибатида бу асар чиқди. Нокамтарлик деб ўйламанг, шундай ёзилди-да, шундай булар экан-да!

Т. Юнус. Асар ҳақида дастлаб фикрлар қандай бўлди?

О. Ёқубов. Бу асар буюк бобомизнинг бошидан утгани учунми, шунга кўп ўрин берилгани учунми ишқилиб, асар чиққандан кейин китобхонлардан эътибор кўп бўлди. Тили ҳақида ҳам фикр билдирилди. Илгари тилимизда бўлган, лекин чиқиб кетган ибораларнинг қайтадан кириши... Энди... бу меҳнатга боғлиқ. Ёзувчи меҳнат қилса, урганса тириши мумкин. Бошқа жиҳатлари, бу даврни теран урганиш, самимият, меҳр, кейин муаммоларнинг долзарблигини тушуниш оқибатида бўлса керак, роман яхши қабул қилинди. Бунинг яхши бўлишига яна битта сабаб ҳам бўлди. Телевидение режиссёри Мақсуд Юнусов уни дарҳол беш қисмли телефильм қилди. Натижада кўплаб хатлар келди ва бир неча йил давомида беш марта курсатилди. Менимча, машҳур бўлиб кетишимга буюм сабаб бўлди. Бошқа тилларга таржима бўлишида рус тилига таржи-

маси катта роль уйнади. Энг муҳими, таржима қилингандан кейин, замонавий журнал «Дружба народов», тиражи 200 мингга етганда, шу журнал босди. Журналда босилса, бошқа мамлакатларга тез тарқар экан. Боз устига, 50 йиллигим бўлди. Шунда Чингиз Айтматов роман ҳақида менга катта хат ёзди. Кейин шу хат асосида «Литературная газета»да чиқиш қилди. Бошқа ёзувчилар ҳам юксак баҳо беришди. Тез орада, асар Словакияда нашр этилди. Кейин чех тилига таржима қилинди, Югославияда чикди, Олмония, Венгрия, Булгория, собиқ узимизнинг республикаларда чоп қилишди. Кейин бу уйғур тилига таржима бўлди. Ҳозир эсимдаям йуқ ҳаммаси. Бизнинг узбек адабиётида энг кўп таржима қилинган, буни нокамтарлик деб уйламанг, шу асар бўлди.

Улуғ бобомизнинг руҳи қўлади, деб уйлайман. Мен бугун ниҳоятда хурсандманки, президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини ўтказиш масаласи қўйилган эди. Минг қатла шукр, бутун жаҳон ҳавас қилгудек нишонладик. Ҳеч шубҳасиз, мустақил Ўзбекистонимизнинг номини жаҳонга олиб чиққан энг катта тadbирлардан бўлди. Бу ҳаммамизни қувонтирмаслиги мумкин эмас.

Т. Юнус. Сиз Улуғбек ҳақида ёзганингизда, уни то дунёқарашидан тортиб, қадам босишигача пухта уйлагансиз. У одамнинг буюклиги ва сизнинг маълум маънода истеъдодингиз мутаносиб келишининг маҳсули бу, деб биламан. Узингиз шу ҳақда нима дейсиз?

О. Ёқубов. Халқимиз тарихга ниҳоятда чанқок. Мана, Пиримқулнинг «Бобури»ям шуни курсатди. Шайх аканинг «Мирзо Улуғбек» асари ҳам. Халқ ўз тарихини билгиси келар экан. Энди бу албатта, мураккаб нарса. Авваламбор ўша давр рўҳига кириш, уни ҳис этиш керак. Улуғбек дарди сизнинг — ёзувчининг дардига айланиши лозим. Шуни ёзувчи чуқур туймасдан, ҳис қилмасдан туриб, албатта, қўл уриши мумкин бўлмаган нарса. Бу масалада менинг фикрим борки, Улуғбекни фақат буюк инсонгина эмас, бошидан кечирган фожиаси ҳам буюк. Илм йулида, тинчлик бобида, осийшталик бобида шундай ишлар қилган инсон умрининг охирида фожага учраши... Баъзан одамлар тушунмайди. Фожа керакмикан, деган гаплар ҳам бўлиб туради. Улуғбекнинг угли унга шунча хиёнат қилган бўлишига қарамасдан, уни қарғамайди. Аксинча, углига ачинади. Абдуллатиф ҳам олти ой ўтмасдан қатл қилинади.

Биз, умуман адабиёт ва санъат ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни унутмаслигимиз керакки, жаҳон адабиётининг энг шоҳ асарларининг ҳаммаси фожиали воқеаларга бағишланган.

Адабиёт тарихий воқеаларни қайд этиб қолмаслиги керак. Бу адабиётнинг иши эмас.

Шу ўринда бир нарсани айтай. «Ҳамлет»нинг воқеаси, агар ёдингизда бўлса, Дания қироллигида бўлади. «Ҳамлет» асари бу юртга этиб келганда, олимлар дод деган, маълум бўлишича, бундай воқеа Данияда бўлмаган экан! Бу воқеа катта жанжалга айланган! Дания олимлари Англия қиролига хат ёзишган. Бу бўхтон, дейишган! Лекин бу билан асарни бўхтон, сохта деб бўлмайди. Чунки у ривоятларга асосланган, бундан ташқари, бундай воқеалар қардадир бўлган... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Пушкиннинг «Моцарт ва Сальери» асарини олинг. Унда Моцарт Сальерининг заҳари туфайли ўлади. Юз йилдан кейин бу жанжал бўлиб, Моцарт бечорани қабридан кавлаб олиб текширилган, қарангки, заҳар суяқда қоларкан. У заҳар бермаган экан. Яхшилик ва ёмонлик — булар, жаҳон адабиётининг буюк мавзулари. Ҳасад масаласига жаҳон адабиётининг жуда кўп асарлар бағишланган.

» | 2

Т. Юнус. Домла, ёдингизда бўлса, суҳбатимизнинг бошида, 50-йиллар адабиёти ҳақида гапирганимизда, адабиёт кам, сохта асарлар кўп эди, деган гапни айтдик. Менимча ҳам шундай. Масалан, шу пайтгача миямизга қўйиб келишгани — «Ёш гвардия», «Чин инсон ҳақида қисса» каби асарлар ҳам тузумга хизмат қилган, одамларни ватанпарварликка қақирадиган ўзаки китоблар экан. Бу асарларнинг ўзакилиги кейинроқ билинди. Орадан 20 йил ўтган, сизнинг тенгқурларингиз Юрий Бондарев, Василий Белов, Василь Биков... булар уруш ҳақида шундай асарлар ёза бошлашдики, урушнинг фожиаларини инсон психологияси орқали очиб беришдики, инсоният том маънода уруш фожа эканлигини сездим. Мана, энди сиз, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, бутун фожиаларни ўзингиз кўргансиз, лекин йирик асар ёзмадингиз. Бондарев, Биковларга ўхшаб уруш ҳақида яхши роман ёзишингиз мумкин эди-ку?! Аксинча, сиз тусатдан бутунлай янги замонавий асар «Диёнат» романингизни ёздингиз. Буни қандай тушуниш керак?

О. Ёқубов. Ҳаётини тажриба баъзан ёзувчини етаклаб кетиб қолади. Албатта, мен бу ҳақда уйлаганман. Ёзишни истамаганман. Ҳозир афсусланаман. Лекин ҳаёт ёзувчига йўл кўрсатиб тураркан. «Диёнат» ҳам худди шундай бўлди. Мен унда аслида ҳалол, йигитчалигида ҳам ҳалол бўлган Отақузининг — муваффақият, доврўқлар бошини гангитиб, манманликка юз тутиши ва уни йўлга солмоқчи бўлган кекса большевик Нормурод Шомуродовнинг сиймосини яратишга ҳаракат қилганман. Энди, большевик деганда уларнинг ҳаммаси ёмон бўлган, большевиклардан яхши одам чиқмаган, ҳаммаси халққа хиёнат қилган, деган тушунчалар пайдо бўлди. Мен бу гапларга унча қўшилмайман. Тўғри, кўп большевиклар халқни қонқақшатган. Лекин халққа астойдил хизмат қилган, эзгу ниятли инсонлар ҳам кўп бўлган.

Т. Юнус. Домла, эҳтимол Ҳозир ўзингиз ҳам янглишаётгандирсиз. Мана, Нормурод Шомуродов шаҳарда яшаган, умрини ўтказган, ҳаётини илмга бахш этган зиёли. Келинг, шу одамни большевик демасдан, имснли, эътиқодли одам, деб тасаввур қилайлик.

О. Ёқубов. Йуқ, нега?! Большевик бўлган-ку?! Унияма илдизи қишлоқдан. Уша эски мадрасаларда ўқиган. Лекин ниҳоятда покиза одам. Шу одамнинг сиймосидаги чизгиларни отамнинг бир дустидан олганман. У одам катта файласуф эди. ТошДуда дарс берарди.

Т. Юнус. Энди, домла, Отақузи ҳам айна пайтда ёмон одам эмас. Бир жойини эсланг. Одамни хафа қилиб қўйса, кечқурун келиб руҳан эзилиб, кейин хотини билан ўша одамнинг уйига коньяк кўтариб бориб, уэр сураб келадиган одати ҳам бор. Ўзбекнинг озгина манман, айна пайтда жумард фарзанди.

О. Ёқубов. Акс ҳолда, у Отақузи образи бўлмасди. Аксинча, бир схема бўларди. Қўғирчоққа айланиб қоларди. Ушундай одамларнинг купини кўрганман. Мухбир бўлиб юрганымда жуда кўп хужалик раҳбарлари билан учрашганман, уларни кузатиб, нухчасини эмас, йиғма образини олганман. Суз келганда айтиш керакки, «Диёнат» ҳам беш серияли фильм бўлган. Бу фильм ҳам телетомошабинларнинг илтимоси билан беш марта қайта-қайта қўйилган. Шунинг учун бу роман ҳам машҳур бўлиб кетди. Боя айтганимдек, шундай хатлар келганки, содда одамларнинг хати-да, сизлар бизнинг раисимизни танқид қилибсизлар, энди қачон ишдан оласизлар, деган мазмунда хатлар келган. Буларнинг ҳаммаси ўша ҳақиқатни таъкидлайди.

Т. Юнус. Одил ака, роман видеофильм қилингандан кейин

машхур бўлиб кетди, деб озгина камтарлик қилдингиз. Ундай эмас. Яхши асар бўлгани учун видеофильм қилинди. Йўқса, ўнлаб романлар яратган, лекин видеофильм қилинмаган ёзувчилар бор. Яхши асар бўлгани учун ҳам 40 дан ортиқ, 50 дан ортиқ мамлакатларда таржима бўлди.

Навбатдаги саволим шуки, сиз бу асарларни кетма-кет ёздингиз. «Улугбек хазинаси» устида тўрт йил ишлаган бўлсангиз, назаримда, 75 дами 76 да...

О. Ёқубов. 76-77 да...

Т. Юнус. Бир йил, икки йил орасида шу асар дунёга келди. Қисқа давр ичида бутун бошли полотно ёзиш...

О. Ёқубов. Энди биласизми... баъзан ёзувчи тайёр булади, ҳаёт тайёр қилиб қўяди. Бу нарсалар узим гувоҳ бўлган нарсаларку. Нормурод Шомуродовнинг Фазилатга ошиқ бўлгани, кейин фронтга кетгани, уртада райжроқумнинг раиси Фазилатни йулдан уриши... буларнинг ҳаммаси бизнинг қишлоқда бўлган. Нормурод Шомуродовнинг угли атрофида бўлган воқеани олинг, мен узим уларнинг севгисига хизмат қилганман. Бу севгининг фожиасини ҳам кузатганман. Булар одамларни лол қолдирадиган воқеалар. Шундай бўлган ва кейин бир тайёр шаклга айланиб, энгил тизилиб кетди. Тез ёзилганининг сабаби шу, деб уйлайман.

Т. Юнус. Одил ака, яна бир-иккита саволлар берсам. Сизнинг «Кўхна дунё» деган романингизни, «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» асарингизни ўқиганмиз. Бундан ташқари, 40 йилдан бери ижод қилаётган бўлсангиз, жуда кўп очерклар ёздингиз. Жуда кўп кишилар билан учрашдингиз: Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Ғафур Ғулوم, давлатимизнинг катта арбоблари Шароф Рашидовдек инсонлар билан мулоқотда бўлгансиз. Бугунги кунда ҳам раҳбарият билан кўп алоқада буласиз, телефон орқали гаплашиб турасиз. Айтинг-чи, булар ҳақидаям йирик портрет-очерклар қилиш ниятингиз борми?

О. Ёқубов. «Кўхна дунё» ҳақида гапирай. Қўл уришимнинг бош сабаби «Улугбек хазинаси» бўлди. Уша романимни ёзганимдан кейин, халқнинг тарихга ташналигини сезиб, Ибн Сино билан Беруний каби буюк сиймолар ҳақида роман ёзиш истаги туғилди. Унда ҳам бугунги кун масалаларини қўйиш мумкин бўлган жиҳатларини кўрдим. Масалан, ҳақиқий инсонларнинг қадри билан сохта инсонларнинг, фирибгарларнинг ҳаёти... Бир фирибгар узини Ибн Синоман, деб Маҳмуд Ғазнавий саройида катта шарафларга муяссар бўлган. Бу нарсалар бугун ҳам бор. Қаёқдаги одамлар мансаб учун, яхши турмуш учун талпиниб яшаган. Шу сохта Ибн Сино ҳақидаги машхур ривоятни топиб, танишмағунимча, романим қандай бошлашни билмай юрдим. Уша ривоятни топдим ва ярқ этиб бу буюк сиймоларнинг образини яратиш мумкинлигини сезиб, шу нарсага қўл урдим. «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» — бу 85-йиллар Ўзбекистон бошига тушган оғир мусибатлар билан боғланиб кетадиган роман. Портрет-очеркларга келсак, жуда кўплари ҳақида ёзиб қўйганман. Мен уша инсонларнинг ҳақиқий сиймосини кўрсатиш умидида шошилмадим. Мана Шароф ақини яхши биламан. Жуда яқин бўлганман. У киши «Адабиёт ва санъат» газетасига мени бош муҳаррир қилиб тайинлашда ўзлари чақирганлар, сўхбатлашганимиз ва Улугбек ҳақида роман ёзилганда ҳам чақириб гаплашганлар. Мана, у кишининг қадри тикланди. Мен бундан жуда хурсандман. Лекин зиддиятлар бўлмаслиги мумкин эмас.

Мен ҳали очеркларга қайтаман. Бир неча дафтарни тулдириб қўйганман. Вақти келганда эълон қиламан, деб қўйганман.

Т. Юнус. Сиз ўз олдингизга қўйган мақсадларга эришганми-сиз?

О. Ёқубов. Мақсадларимга эришдим, дейиш жуда қийин. Уша мақсадлар йўлида қўлдан келган ишни қилдим. Қўлимдан келган ишлар фақат шу, десам хато булар. Мен ҳам кўп вақтларимни қадрига етмай, бой берганларим ҳам бўлди. Афсуски, баъзан ҳаётнинг узи шунга мажбур этиб қўяди.

Т. Юнус. Одил ака, ўз-ўзингизга эътирозингиз борми?

О. Ёқубов. Узимга эътироз бўлмаслиги мумкин эмас. Эҳтимол, 50-йиллар суронларини яхши англай олганимда, берган маҳсулотим ҳам яхшироқ булармиди? Беайб Парвардигор, дейишади. Инсон сифатида камчиликларим, қўсурларим бўлган. Уша муҳбирлик пайтларимда ҳам бир қанча хатоларга йўл қўйганман. Балки депутат бўлганимда ҳамма ишни қилолмагандирман. Бундай томонлар бўлмаслиги мумкин эмас. Мен ҳам инсонман.

Т. Юнус. Одил ака, сиз халқимизнинг оқсоқол ёзувчисисиз. Жуда кўп масалаларни ўртага қўйган, уша собиқ қизил империя давридаёқ Москвада аёллар масаласида бонг урган, муаммоларни кўндаланг қўйган, уjarлик билан, тажанглик билан, ҳатто столни муштлаш даражасида масалаларни қўйгансиз. Хусусан, ўзимизнинг Олий Кенгаш сессияларида ҳам шу масалаларни кўтаргансиз. Бу нарсалар сизнинг халқпарвар инсонлигингиздан далолат беради. Бугун шу халққа қандай тилаклар билдирасиз?

О. Ёқубов. Сиз муҳим гапларни айтдингиз. Бу ҳақдаям бояги фикрни айтишим керак. Қўлдан келганча ишлар қилинди. Кечалари уйғониб кетаман. Мана кексалик яқинлашиб келяпти. Пайгамбар ёшидан ўтди. Оллоҳга шукр. Биз соқолни қиртишлаб, юрибмиз ёш бўлгимиз келиб. Уйлаганда икки нарсага мен мамнун буламан. Биринчиси: ҳар ҳолда, уйлайманки, баъзан бировларнинг кўнглини қолдирган пайтларим бўлиши керак. Бўлган! Ёшлик сабаб. Бошқа сабаб! Лекин виждонимга қарши шу ёшга келиб ҳеч бир иш қилмаганман, дейишга ҳақлиман. Узимча-да! Тагин ким билади?! Ҳар ким ҳар хил уйлаши мумкин. Бирор масала юзасидан бировга сотқинлик, хиёнат қилган эмасман. Ёзувчилар Союзидек жойда беш йил раҳбарлик қилган пайтимда ҳам қўлимдан келгунча уша гапларни айтдик... «Сизлар империясизлар. Илгариги рус савдогарлари ҳам бир пуд пахтага ўн олти пуд галла берган, қанд-қурс берган. Сизлар ярим кило помидор беряпсизлар. Уша Африкада қўлларига кишан уриб, ишлатилаётган қўллариниям аҳволи биздан яхши. Уша қўл негрларни ҳам яхши насл олиши учун тўйдириб овқат берган, сизлар бизнинг болаларимизни нима аҳволга солдингизлар», деб айтганман. Кейин мен виждонан айтишим мумкинки, Олий Кенгашда Давлат тили масаласини ўзбек тили эмас, рус тили бўлиши керак, деб бизнинг айрим ёзувчиларимиз, олимларимиз айтиб турганда, ҳар ҳолда, Олий Кенгашда, мақолаларимдан ташқари, бир неча марта ҳимоя қилганман. Уша Москвада нутқ ирод қилганимда ҳам, президентимиз Ислон Каримов қўлаб турганлар, мадад берганлар, маъқуллаганлар. Адолат нуқтаи назаридан бу гапни яна бир бор айтиб утишни истайман.

Энди... жон дўстим, энг муҳим нарса, уша, ёзувчи учун виждон азобига учрайдиган ишларга йўл қўймаслик. Ёзувчини ёзувчи қиладиган фазилати, хислати ҳалоллик бўлиши керак. Ўз Ватанини, халқини астойдил, самимий севиши керак. Ва халқнинг кўнглида ёруғ нур қолдириши керак. Менинг айтмоқчи бўлган гапим шу...

Т. Юнус. Раҳмат, Одил ака! Соғ-саломат бўлинг!

Гулчехра Нур

## КҮКСИМГА ТАФАККУР ЎТИН ИСТАЙМАН

\*\*\*

Узоқларда милтиллади нур,  
Мен мажнунвор куйига тушдим.  
Йулда қувонч алам-ла ёнур,  
Йулда омад тугади муштин.

«Сен учун йуқ узгача тақдир —  
Шивирлайди лабим муттасил.  
Ахир, унда шамчироқ тоқдир,  
Еқ ақалли яна биттасин!..»

Кетаяпман. Шилади пўстим,  
Чакалаклар очганча кучоқ.  
Қалам — менинг камсухан дўстим,  
У ҳам емиш бошидан пичоқ...

\*\*\*

Баҳор. Қуёш. Ҳайбатли тоғлар,  
Унгу сулда ястанган ҳарсанг.  
Сен соғинган гуж қизғалдоқлар,  
Энтикиш-ла қошига борсанг...

Майсаларни билиб патгилам,  
Майса руҳинг отсанг устига,  
Шеър уқиса баҳор шавқ билан,  
Баҳормижоз сендай дўстига...

Майса узра чалқанча ётиб,  
Кузларингни юмсанг бир зумга...  
Ҳаво латиф, сукунат латиф,  
Бир латиф қул тегса юзингга...

Куз очмаёқ англасанг, сенга  
Меҳр тутиб турар қуёшинг...  
Эллик ёшли ҳоргин уйингга  
Олиб қайтсанг ун саккиз ёшинг...

\*\*\*

Мен эмасман, режангизга  
Кириб борар бесуров, тик.

Менмасман, кун-кечангизга  
Фармонлари қатъий битик.

Менман, титраб жунжикувчи  
Қабоҳатдай алвастига.  
Менман, гулдан тўн бичувчи  
Баҳодирлар буй-бастига...

\*\*\*

Бир қизалоқ турар йулим бошида:  
Бошланг, бўзқуйлак, сочи жамалак.  
Мовий само кулар унинг қошида,  
Кулар атлас рангли нафис камалак.

Бир қизалоқ турар йулим бошида,  
Гуё у — қондаги ажиб анъана:  
Ҳаммага меҳр бор кўз қарашида,  
Ҳаммага ишонч бор кўксида яна.

Бир ҳадик бўрони кўксимда учар:  
Тухта! — дер, олдинга бир қадам ўтсам.  
Гуё қашшоқликка буларман дучор,  
Ушал қизалоқдан олислаб кетсам...

\*\*\*

Олисла тинмаган булогим, салом,  
Тегрангизда бормиш янтоқ-тиканлар.  
Йулингиз беркитмоқ қасдига мудом  
Тушган эканлар.

Қуёш упар эмиш юзларингизни,  
Ўзин топар эмиш баҳор сизлардан.  
Булогим, асрасин худойим сизни  
Ёмон кўзлардан...

\*\*\*

Аввалгидай турмас осмон кўк либос илиб,  
Аввалгидай кўз-кўзламас нақш олма кўркин.  
Кеч кўз...  
Олма япроқлари бўлди тўкилиб,  
Энди унинг кучоғида шамоллар эркин.

Шоҳда фақат биттагина бужмайган олма,  
Ўтган-кетган боқар унга истеҳзо билан.  
У бўлса-чи, тураберар гурурдан қолмай,  
Ўз кўнглида... эътибори нақадар баланд...

\*\*\*

Бевгин, беуқув, сийрак булутлар,  
На кетмас, на кўкни ўраб-урамас.  
Мен беҳад севгувчи шиддатлар-ўтлар,  
Ҳолим сўрай олмас, ҳолим сурамас.



Улар эди менга ардоқли, сара,  
Улар эди менинг сайроқи қумрим.  
Дераза олдида бир хил манзара,  
Алдамчи сукунат... чўзади умрин...

\*\*\*

Сўзланг, дедим. Жим турдингиз. Сўзлолмадингиз.  
Сездим, титраб қай офатдан олгингиз ҳадик?»  
Гуё бошда тиг тутганди у кезлар Чингиз,  
Купларимиз кўрқувларга қул бўлган эдик.

Нари кетдим. Чанқоғимни қондирди ўзга.  
О, ушал мард! Арзир кўзга сурсам пойини.  
Шундан сўнг, мен, ихлос кўйдим беҳадик сўзга,  
Шундан сўнг, мен, имонимда билдим жойини.

Беҳадик сўз зафар олиб келди бугунга,  
Ажаб, унинг арқоғига энди ҳамма — буз!  
Сўз айтасиз. Лоқайд қулоқ тутаман унга.  
Сўз айтасиз. Мен зор кезлар айтилмаган сўз...

## Рубенс хатларини ўқиб

Мактуб эмас, нуроний юз, ҳалим сўзлар у,  
Ҳақимларнинг малҳами-ю, беҳимоя гул.  
Одамларга севги ила боқар кўзлар, у,  
Пойда туриб, юксакларга сайланган кунгул.

Бизлар бўлсак... юраклари айланмиш тошга,  
Манфаати орқасидан югурмиш илдам.  
Бизлар бошқа... Бизлар бошқа... Биз буткул бошқа...  
Оҳ, айрилиб булибмиз-ку ҳалим кунгулдан...

\*\*\*

Қачон кўрмай, олов тандирсан,  
Ёнарсан-у, яна ёндирсанг.

Очу тўқни тўйдирай, деган  
Ширин хаёл ила банддирсан.

Кўксингдаги саржинлар уюм,  
Чарс-чурслардан тукис жондирсан.

Кимлар юзин терс бурар, балки —  
Ўқилмаган янги фандирсан.

Эҳтимолки, куйлаш учунмас,  
Куйиш учун яралгандирсан?!

\*\*\*

Ҳаёт сизни юрар эди қушдай учириб,  
Оғушига босар эди онадай мунис.

Сархуш-сархуш шарбаатларин сизга ичириб,  
Дабдабалар қаршингизда чўкар эди тиз.

Ажаб, букун булар бари туш каби гуё,  
Ажаб, букун ихтилофлар, изтироблар мул.  
Уйланг: кимга бўлгандингиз оғриқли дунё,  
Уйланг: қандай гуноҳларга ургандингиз қул?!

\*\*\*

Шу парча вужуднинг муштдай жони бор,  
Шу муштдай жонига қанча моне бор,  
Айтари қушиқмас, беадад фиғон,  
Куйлаган они йўқ, куйган они бор.

Умр наҳри агар ол бўлса, билинг,  
Дил-дили ёввойи тиглардан тилим,  
Яшаш — сирли сўқмоқ, тиш ўтмас илм,  
Бағридан наҳрига оққан қони бор.

Онглар тўқислиги — унинг муроди,  
Йуллар текислиги — унинг муроди,  
Диллар эгизлиги — унинг муроди,  
Дастурхонда қотган парча нони бор.

Қанча йил яшади овози майиб,  
Тугабди экан, деб қуймангиз айб,  
Зумда кичик қалби кетди кенгайиб,  
Энди унинг улкан Туркистони бор.

\*\*\*

Сизни десам, хотирамда мукаммал сиймо,  
Ўтганда бўлиб кўринарди сурат ва сийрат.  
Сиз — жасорат. Сиз — маҳорат, эътиқод, иймон,  
Сиз — Навоий байтидаги насталиг бир хат.  
Йуллар бизни бир-бировга танитди ҳаргиз,  
Сезгандирсиз нималарга қилганим имо.  
Узоқлашинг... Узоқлашинг... Хотирамда сиз —  
Ақли расо, жасур, латиф, мукаммал сиймо...

\*\*\*

Умримга чидамни метин истайман,  
Кўксимга тафаккур утин истайман.  
Мени шикаста деб қилманг маломат,  
Ғам чекиб, бахтингиз бутун истайман.

\*\*\*

Айб менда, тинчингизни буздим билмайин,  
Айб менда, солиб қўйдим мотам-ийгига.  
Юрак буни кўтаролмас. Кетмоғим тайин,  
Омонатман кўзингизнинг қорачигига.

Сиз кузгусиз. Мен ўзимни кўп кўрдим унда:  
Яшарканман кескин. Сиздай юкиниб эмас.

Мардлигини ёстикдошга пичирлаб тунда,  
Кундуслари ҳадиклардан тукилиб эмас.

Баки дерсиз: «О, сўзлари — уқ отар сўз-ку!»  
Сиз-чи, мени ўлдирасиз кул бўлиб сассиз...  
Омонатман — қаршингизга қўйилган кўзгу —  
Нечун унга бундоқ боқиб, узни кўрмассиз?..

\* \* \*

Деразанинг сурати хушрўй,  
Кўкмак тўла каттакон сават.  
Марказдаги тўрт хонали уй,  
Гиштин девор. Учинчи қават.

Дала ҳовли — унинг давоми,  
Кимсасиз йул, кимсасиз чорбоғ.  
Ҷалиб ётар мунгли навоми,  
Эгалари қарамас хор боғ.

Шулар аро биттаси обод,  
Ушшал эрур қалбни кўяр жой.  
Ногоҳ шарпа. Таниш эмас. Ёт.  
Яна изга тушиш, ҳойнаҳой?!

Аям билан анҳорга боқиш,  
Излаш тулқин чалар куй отин.  
Жаёлларнинг мавжида оқиш,  
Шулар бари — менинг ҳаётим...

\* \* \*

Яшамадим — юрдим олиб басир қалбимни,  
Йиллар гуноҳ-хатосини бир-бир кечириб.  
Энди билсам, тиклабдйкан яккаш қабримни,  
Йиллардаги қанча ёлгон, қанчалар фириб.

Мен бўлсам-чи, сира кўрмай мардум ёшларин,  
Ёзганмидим у йилларга мақтов-қасида.  
Энди, қалбим алам билан юва бошладим,  
Оҳор истаб умр шомин бусағасида...

\* \* \*

Умр утиб борар баландлаб, пастлаб,  
Узун туюлади бизга у дастлаб,  
Бўлмас яшамасанг ақлингни ростлаб,  
Умр утиб борар...

Ёлғизликда умринг бўлади сағир,  
Нодон ила яшаш янада оғир,  
Куйинг чал, куйинг чал, куйинг чал, бағир,  
Умр утиб борар...

Наср

Мурод Мансур

## ЖУДОЛИК ДИЁРИ

Роман

Оллоҳдан ҳам гузалроқ ранг бергувчи борми?  
Куръони Карим (2-138)

Жаннати волидам Каромхон Умархўжа қизига  
ва мунқулдошим Саидага атадим ушбу битикла-  
рим.

Муаллиф

## СУЛТОНМУРОДНИНГ ЁЛГИЗ ЎТИНЧИ

Эй инсон... ўз аслинг нимарсадур ва не ердин  
келибсан ва не ерга боргунгдур? Бу олам манзил-  
гоҳига нима ишга келибсан ва сени нима учун  
офарида қилибдур? Саодатинг не ишдадур?..

Муҳаммад Газзолий

## Ёввойи наъматак

Худойим болагингиз кечган жойлардан айирмасин экан.  
Айирсаям, ёддан кўтармасин у азиз хотираларни.

Ёдимда: жимжилқдай келадиган пичоқчам буларди. Йўқ-  
йўқ, паккича эмас, қ ламтарош ҳам эмас, садаф бандли митти  
пичоқча. Тоғам ҳақ қилган эдилар. Катталарниқидан фар-  
қи — қини йўқ эди, холос.

Еру кўкка ишонмай, кечалари ёстигим тагига қўйиб ётар-  
дим. Кўз очишим билан эса, худди биров ўмариб қўймадим  
(!) дегандай ёстик тагини пайпаслаб қолардим.

Мактабда болаларга кўз-кўз қилгани олиб борадиган бул-  
сам ҳам, йўлда тушиб қолмасин, деб, тарих китобимнинг му-  
қоваси орасига яшириб қўярдим.

Бир кун иша пичоқчам... осмонга учдим, ерга кирдим,  
йўқолиб қолди. Ҳеч ерда йўқ-да. Бир алам қилади, бир алам  
қилади! Зир югуриб, ҳаммаёқнинг тити-питисини чиқарвор-  
дим. Токчадаги киртахнинг тағлариям қолмади, китобларим-  
нинг ичим. Юрган йўлларимни неча қайталаб айланиб чиқ-  
дим, қани топилса! Шундай алам қилади, шундай алам қилади!  
Гўё ичим ёниб кетяпти. Ахийри чиқолмадим: ўзимни сандал  
чеккасига отиб, ҳўнграб юбордим.

Аввал ҳўнграб-ҳўнграб, кейин куйиб-куйиб, сўнгида уксиб-

уксиб, тоза йигладим. Ҳеч алами тарқамасди, унутолмасдим пичоқчамни. Ахийри йиглай-йиглай, оймларнинг келишларини кутиб, намозшомга яқин ухлаб қолибман.

Уша ётишимда туш курибман. Жондан азиз пичоқчам тушимга кирибди. Чиройли мўйлов қўйган, қора қош, қора кўз-ли, улоқчилардай хушқад — қизлар кўрса улиб қоладиган бир йигит — ё тавба! Шунақаям аниқ-таниқ кўринади, белги берадими?! — тепамда жилмайиб турибди. Қўлида уша садаф банди митти пичоқчам...

— Шуми, болакай? Йигит киши дупписию пичогини олдириб юрмайди, билдинг. Ма, маҳкам бул энди, — дейди...

Пичогимни олаётиб уйғониб кетдим. Аммо суврати шундай кўз олдимда турибди. Қариндошларимиздан кимгадир жуда-жуда ўхшаб кетади, қўйиб қўйгандегу, лекин кимлигини ҳеч эслай олмайман. Ё Хизр бува йигит сувратида кўриндиларми-кан, бунисиниям билмайман. Унда мени овутиб, пичоқчамни қайтараётган ким — фаришталарми ё руҳлар? Улар шунчалик аниқ-таниқ кўринишар эканми? Нима бу — шунчаки бошимни силашгитими ё бирор нарсадан белги беришянгитими?..

Шундан кейин чинданам пичоқчамни топиб олдим. Эрталаб уйгонсам, сандал устидаги катта гардин<sup>1</sup> патнисимиз тагида турибди! Биров йўқолган жойидан топиб келиб, шу ерга қўйиб кетгандай. Ўзим жуда яхши эслаймак: пичоқчамни садаф банди қирилиб қолади деб ҳеч патнис тагига яширмас эдим. У бўлса, шу ерга қўйилиб қопти...

Мен сизга болалигим кечган ва биз айрилиб қолган жойлар, қон-қариндошларимиз тутрасида бир қисса сўзлаб бермоқчи эдим. Пичоқчам эсга тушиб... Ҳа, қаранг-а, арзимаган битта пичоқча йўқолса шунчалиг-у, бутун бошли Қатортолу Навзайю Яқкабоғу Каттабоғлар йўқ бўлиб, унинг иззаю сойлари, далаю боғлари кўзга кўринмас «аждаҳо» домига ютилиб, осмондаги ойни узиб беришга қодир не-не кишилар дому дараксиз йўқолсалар одам қай кўйларга тушмайди? Тагинам эсхўшдан айрилиб, Ҳамид қилтириқдай бошинг огган ёқларга тентираб кетмайсан...

Ойим узун кечалар қора чироқ ёруғида машина тикиб ўтириб, баъзан худонинг қаҳрига учраб, юртини ер ютган, тўфон олиб, сув босган, вулқон отилиб, кун-пайақун бўлиб кетган жойлар, утмишдаги қавмлар ҳақда ҳикоя қилиб қолсалар, мен даҳшатта тушиб, мана-ҳозир уша фалокатлар ёпирилиб келаётгандек, сандал кўрпасини бошимга тортиб, танча ичига кирибла кетар эдим. Ойим эса иссиқ жилмайганча, юпатар эдилар:

— Сен кўрқма, ҳали қиёмат қўпмайди. Намоз уқийдиган битта одам қолсаям, бизни ер ютмайди. Ушанинг шарофатидан худо узи асрайди.

<sup>1</sup>Танчанинг курсисини тула эгаллайдиган катта тутарак патнис. Орқасида «гарднер» деган ёзуви бўларди.

Ва эрталаблари саловат овозидан уйғониб кетиб, унинг ёқимли оҳангидан эриб ётарканман, ўзимга ўзим таскин бериб қўярдим:

— Яхшиям ойм борлар — қиёмат қўпмайди...

Аммо орадан ку-уш йил утиб, уригимизнинг шохлари нечанчидир марта гуш бўртиб, анор дончаларидай қизарган кезда ер остидан гулдираб келган офат (у синчли уйларимизни кўтариб-кўтариб ташлагани билан ҳеч кимни том босгани йўқ, на тахмон, на тоқча ташлаб юборди, аммо) шу офат баҳона ҳамма кўчирмага тушди. Боғларимизу сойларимизни шаҳар ютиб, ўрнидан дўмлар кўзиқориндай потраб чиқа бошладию киндик қонимиз тукилган ерлар тошқўргонлар остида қолиб кетди. Болагимиз кечган, оталаримиз, неча пуштимиз утган у азиз диёрдан жудо бўлиб қолдик. Узи ҳеч қаерга йўқолмаганди-ю, лекин у диёр энди йўқ эди. Ҳатто уни ёдга соладиган бир ўру қир, сойу жилга, қўргону ҳовли қолмаган эди. Болаликдан таниш бир бута, бир дарахтни тополмасдик. Тирик туриб улардан айрилиб қолган эдик биз. Тошқўргонлар энди бизга ватанлик қилолмасди.

Шу қўргонлардан бирининг қай бир каталагини ошиён тутган ошнама неварасига ақиқа қилиб берадиган бўлдию кечқурун савзи тутрагга бордик.

Уша тошқўргонлар ўртасидаги ўрис дарахтлар босган ҳовлида жой ҳозирларканмиз, қай биринингдир гулидан таралаётган бўйдан ошнама ҳузурланди:

— Бай-бай-бай, жийда гулининг ҳидиданам ўткир-а, қаранг, бир чақиримдан гуркираб келиб турибди.

Мен кулгим қистаб, замзама қилдим:

— Сув йўғида тайаммум экан-да бу ёғи? Жийда гулининг ҳиди қаёқдаю... Бу дўмларнинг остида қолиб кетган боғларни кўрмабсиз — бу дунёга келмабсиз...

Ўзим энтикиб, болалигим кечган боғларни эсладим. Беихтиёр хўрсиниқ босиб келди.

— Шошманг-шошманг, чинданам шу ерда бир ташландиқ ҳовуз буларди гир атрофидан ҳар баҳор бир чиройли сафсар гуллар ўсиб чиқадиған. Кейин ахлат билан тўлиб кетди у. Ҳозир пастак бўлиб ўрни қолган холос, қаранг.

— Ростданам... — Мен ҳовузнинг гир айланаси сал чўкиб турган жойга ютоқиб тикилдим. Ва шу баробар кимнинг ҳовузи экан, деб эслашга уриндим. Шу алфоз... ўша «чўкма» четида чўкиртак тўнкасидан гуркираб ўсиб чиқиб, якка-дуккам гулланга улгурган... ёввойи наъматакка кўзим тушиб, ҳайратдан лол қолдим. Гулкосалари йирик-йирик, гулбарглари бўлиқ-бўлиқ, тиниқ-тиниқ, нафармон...

Хотирамда эса, ҳовузнинг бир томонини эгаллаган супа, супанинг четида ўсган ёлғиз наъматак ва ҳовузнинг юзи билан битта бўлиб сузиб юрган наъматак гулбарглари жонланиб борар, ҳовуз сувининг енгил мавжларида улар худди нимпушти елканли қайиқчалардай, у томондан бу томонга сузиб бориб-сузиб келар эдилар.

Мен эртакка айланиб қолган азиз дунёни тошиб олгандай сархуш туриб қолдим. Қаршимда эса, йўқликка кучган у жаннатмакондан бир муждадай, наъматак гули нафармон рангда товланиб, қалбимни аллаларди.

Эсладим! Бу наъматакка ит тегиб, қаровсиз қолиши уша ёлғиз наъматакли, боғларида маймунжону бинафшалар ушиб ётадиган қўргон харобага айланишидан. холавачаларим ҳар ёққа тирқираб кетиб, беватан қолишларидан бошланган эди.

Ёввойи наъматак у сафоли ва балоли кунлардан бир ёдгордай, тирик эртақ гулидай дўмлар ўртасида ўзи ўсиб, ўзи гуллаб ётар эди. Яқинроқ келинг, бошимиздан кечган у кунларни сўйлаб беришга бир иштиёқ сезиб турибман. Айтмасам, бўйнимда қиёмат қарз бўлиб қолгуси.

## Ойдинда учган турналар

Қовутим тўлиб сим-сим ачишар, қовоқларимга худди қум тулгандек, киприкларим очила қолмас, аммо қулогимга «қур-ей, қур-ей»лаган бир ажиб товушлар аниқ-таниқ келиб турар эди. Турналар, шекилли. Тунга қолиб кетишибдимми бояқишлар? Ундай десам...

Кўзим ярақлаб очилиб кетди: ўзим дераза тагида ётар, устимга келиб қолган тўлин ой деразанинг тепа кўзидан чиқиб кетай-чиқиб кетай деб, турар эди.

Ташқари эса, сутдек ойдинга чўмиб ётибди: ишқомлару девор сархоқларигача аниқ-таниқ кўзга ташланади. Боғ томондан бояги қур-қурлару сирли қушларнинг сирли чағур-чуғурлари бемалол эшитилиб турибди. Гуё турналар сувсаб, ёнимиздаги ҳовуз бўйига қўр тўккандек.

Дик этиб тура ҳовлига чиқдим у беихтиёр боғ эшикка йўналдим. Занжирини тушириб, тамбани олдим останада лол қолдим. Ҳали ҳануз англаб етолмайман: бу тушиммиди ё ўнгим? Бир гала оппоқ қушлар ойдin ютиб ётган хароба қўргон тепасидан пастлаб келиб, ойдан-да оқ қанотларини ёзганича ҳовуз бўйига қўнишар, қайбирлари «қур-ей, қур-ей»лаб сувга талпинишар, сувга қонган қайбирлари эса, жуфт-жуфт бўлиб, ҳовуз бўйида рақсга тушишар, ўз тилларида бир-бирларига роз айтиб, бозор қилишар эди.

Ҳар кўкламу ҳар кузда осмони фалақдан аргамчи солиб ўтгувчи, «қур-ей, қур-ей»лаб бизни далау кенгликларга, тому тепаларга чорлагувчи бу қушларни мен жуда яқиндан, эллик қадам беридан кўриб турар, уларнинг худди тушдагидай ойдинда учиб-қўнишларидан ҳайратда эдим. Улар шундай овлоқларни хуш кўришади. Илгарилари Қўшилишга қўниб, Бўз-

сув бўйларида сувлаб қўвнаган бўлсалар, бутун холамларнинг ташландиқ қўргонига оралабдилар. Йўлдан адашдиларми ё кимсасиз ҳовуз ойдинда қўзларига чиройли кўриндимикан?

Балки мен ҳамон туш кўрмоқдадирман?..

Кўзларимга ишонмай, ишқаб қўйдим: йўқ, унгим. Бу овлоқ, бу хароба қўргон шунақа: ҳали наъматак гуллаб, сафсар гуллар очилсин -- кўрасиз, биздек катта болалару қизлар ҳам унинг ёнидан жилломай қолишади. Анув қаровсиз боғ ортида қўзиқоринлар потраб маймунжонлар шишсин-чи, бизни қаердан топаркансиз. Ҳозир эса, оқшомлари бу қўргону ҳовуз бўйида беркинмачоқ ўйнашни хуш кўрган болакайларга ўхшаб, турналар ҳамон учиб-қўнишар, жуфт-жуфт бўлиб, сакраб қўвнашар эди.

Балки булар турна ҳам эмасдир? (Ахир бундайин оппоқ турналарни ким кўрибди? Овозини демаса, нимаси ухшайди?) Ажиналар авраб, ётган еримдан... олиб чиққан бўлсалар-чи? Ва ўзлари куш бўлиб кўриниб...

Қўрқувданми, совуқданми жунжикиб, боғ эшикни секингина ёпдим тамбани боса, уйга югурдим. Урнимга кирасолиб, кўрпани бошга тортарканман, тахмон томондан ойимнинг овозлари келди:

— Ҳа, Мақсудхужа, нима қилиб уйқусираб юрибсан боғ эшикда?

— Ўзим... дедим уялиб.

— Ҳайаллаб қолдинг?..

Дарвоқе, тушим ҳам, ажиналар ҳам эмаскан-ку?! Ойим билиб-сезиб ётган эканлар-ку?! Сал ўзимга келиб, кўрганларимни айтишга ошиқдим. Бошимдан кўрпани отиб ташлаб, азда-базда ўтириб олдим.

— Ойи-чи, ойи, холамгиларнинг қўргони устида нимани кўрдим денг?

— Нимани кўрдинг? — дея вйқули овозда сўрадилар ойим.

— Алмақандай катта-катта, оппоқ қушлар учиб юрибди. Турналарми-ей. Ҳовуз бўйида жуфт-жуфт бўлиб ўйинга тушишларини кўрсангиз! Қур-қурлаб нағмалар чалишади-ей.

— Ет-ухла. Кўзингга кўринибди, болам. Кечаси қушлар нима қилсин! Улар ҳам ухлайдилар.

— Йўқ, ойи, ўзим кўрдим. Ростданам турналарга ўхшайди. Узоқ юртлардан учиб келатуриб қўнишган шекилли. Сиз бир кўринг.

Ойим узоқ жим қолдилар.

— Ишонмайсизми?.. — деб қайтариб сўрадим.

У киши чуқур тин олиб, хўрсиндилар. Овозлари негадир қалтираб чиқди:

<sup>1</sup> Шаҳарнинг Урда суви Бешёгочга келиб, Бурижарга, Оқтепадан ўтиб Бўзсувга айланади, кейин Чулпон отани ёқалаб, баланд-баланд тепалару терак бўйи жарлар оралаб. Тувагу Каттабоғни ярим оролдек ураб утадино кунботарда Изза сойи билан қўшилиб, Аччи қирлари томонга оқиб кетади. Шу икки сув қўшилган жой -- Қўшилиш аталади. Олтишинчи йилларда ҳам шу жойда икки четиню алақанча сойликни қамишзор қоплаган муъжазгина қўл бор бўлиб, қамишлар

сал эпкинда ҳам шовулаб ётар эди. Жангарилигу тантиликда ҳечким олдига тушолмайдиган Усмон балиқчининг қайнида шу кўлни бир айланиб, балиқ тутган одам бу ерларнинг тароватини бир умр унутолмай юрарди. Афтидан, ҳақовчи қаҳрамонимиз ўртоқларига қўшилиб, Қатортоддан бошланган Изза бўйлаб, Қўшилишларга келган, Бўзсувларга ўтган, боғу сойларимизда кезган шекилли. (Муаллиф)

— Худо раҳмат қилган булсин ҳаммаларини. Руҳлари чир-қираб юрибди экан-да бояқишларнинг...

— Нега унақа дейсиз, оий? — Мен ҳайрон бўлдим.

— Бояқиш холангни, Абдурахим эшон поччани айтаман-да. Бу дунёга келиб нима ҳам кўришди? Шундай хонадон... тариқдай сочилиб кетди-я. — Ойим урниларидан туриб утириб, рўмолларини урашга тутиндилар. — Худойим ўзи билиб-кўриб тургандир, қасд қилганларни шундайин қолдирмас, ахир.

Ойим азда-базда рўмолларининг учини мижжаларига босдилар. Овозлари қалтираб чиқди.

Чиндан ҳам, ўзи нима бўлган? Шу кўргон ҳақида гап очилди дегунча кўзлари ёшланиб, овозлари ўзгариб, келаверади. Раҳматли холагн, раҳматли Абдурахим эшон почча дейдилар-у, у ёғини айтолмайдилар. Биз эсимизни танибмизки, бу уйларнинг томи очиқ, ёлғиз пахса деворлари қор-ёмгирларда нураб ётади. Шунча йилнинг бадалада бу ерга ҳеч ким кучиб ҳам келмади, томларини тиклашга уринмади ҳам. Қарғиш теккандай, сўппайиб туради. Фақат боғ орқасидаги сассиқсаримсоқ-зорда бинафшалар очилиб, ўзи ушиб-ўзи пишиб ётадиган маймунжонлар қизарганда бизлар оралаб киришимиз, тўйиб маймунжонхўрлик қилишимиз бор. Ҳовузга ҳам сув кириб-чиқиб, туради-ю, лекин биздан булак ҳеч ким ундан ичмайди. Ирим қилишадими-ей. Ойи-и, улар қаёққа кўчиб кетишган, нимага қайтишмайди, деб сўрагим келди-ю, сўрай олмадим. Улар юз ювиб, сигир соғгани чиқиб борардилар.

Ҳа, ойимларга ҳам осонмас. Ярим кечагача қора чирокда иш тикиб, мошиначилик қиладилар. Яна тонг отар-отмас туриб, сигир соғадилар. Кечқурунгиларини сузиб, иккита бонкани тўлдирадилар-да, паранжини қийишиқ ёпиниб. Чулпон отадаги сут бозорига йўл оладилар. Сотиб, бозор-учар қилиб келадилар. Унгача кун ҳам ёйилиб кетади. Кейин далага — утоққа қараб чопадилар. Тушгача бир қон, тушдан кейин бир қон сигирга ўт олиб келмасалар, бошқа ҳеч вақо йўқ. Қуни-миз шу сигирга қолган. Мактабдан келгунимча у кучамиздаги тол тагида «руза тутиб» ётади. Тушдан кейин мен битта китобни қўлтигимга қисиб, уни Иззага ўтлатгани олиб кетаман. Чўмилиб, баалиқ тутиб, чимзорларда гуриаклашиб умримиз ўтади. Зериксам, толнинг соясига ўтиб, чимзорга чўзиламанд-да, пага-пага булутларнинг минг шаклга киришию сўфитўргайларнинг чуғурлашига маҳлиё бўлиб, соатлаб кўкка тикилиб қоламанд...

Бундай қарасам, ой алақачон деразамиз кўзидан ўтиб ҳа-волаб кетибди. Энди бир парча нури тахмон томонга чўзала тушиб олибди. Бояги овозларни кўмсаб, қулоқ тутдим. Аммо нимагадир энди қурилдоқлар овозидан булак товуш эшитилмасди.

Қаранг-а бояги қушлар чинданам — ойим айтганларидай, холамгиларнинг руҳи эканми? Ё фаришталармиди? Шу хаёлларга борган жойимда тотли бир уйқу элтиб келиб, секин чўзила қолдим у хаёлий оламларга сузиб кириб кетдим.

## Офтобга ўпич берган шафтоли гуллари

Ҳеч қанча ухламадим. Бир маҳал том тепасида нимадир қасирлаб кетди. Осмон қоқ иккига бўлиниб, узилиб тушаётгандай жон-поним чиқиб, туриб ўтириб олибман.

Ўзимга келсам... бояги чарақлаган ойдиндан асар ҳам йўқ. Уйни зулмат босиб, тамоми бошқа оламда қолибман.

Ойим қани эканлар? Пайпасланиб, тахмон томон сурилдим. Йўқ, ойим уринларини йиғиштириб, алақачон жунаб кетиб бўптилар. Даҳлзда сут бонкалар ҳам кўринмайди. Того-рачалар, таги оқарибгина турибди. Қўрқа-ниса деразамизга бундай қарасам... Осмон қорайиб шундай пастлаб тушибдики, нақ буготимизга тиралиб турибди. Сўри ёгочлари ҳам аранг кўринади. Зулумот шунчалик. Ва шу маҳал кўкда чақмоқ илдиз отиб, олам бир лаҳза титроқ ёғду ичида қолдию боягидан баттар қалдироқ турди. Уйлар титраб, дераза кўзлари зирилаб кетди.

Чопиб остонага чиқиб олдим. Юзларимга, дераза кўзларини эшик тавақаларига намчил шамол эпкини урилиб ёмгир ҳиди анқиб кетди. Орқасидан шатир-шутур билан ўзи ҳам етиб келиб бирпасда ола-тасир жала қўйиб юборди.

Ё тавба. Шунча булут қаерда турганакану ҳавойи жаҳон қачон айниб улгура қолди?! Ойижоним наҳот сезмадилар экан? Ё сезсалар ҳам, таваккал жунаб юборавердиларми? Бир-пасгина сабр қилсалар-ку...

Момақалдироқ энди Яккабоғ тепасида, нақ холамгиларнинг ташлаб кетган кўргони устида гумбурлади. Осмонда бир-бирлари билан тош отишиб «уйнашаётган» чол-кампир биздан узоқлашиб борар, бу ёқда энди жала авжига минар эди. У томга урилиб тақирлар, тарновлардан ваҳимаси билан бир ариқ сув шариллаб тушар, ҳовли бетини қоплаган ёмгир юзи-да пуфакчалар бодраб чиқар эдилар.

Бунга сари мен остонада типирчилаб турибман. Ахийри бошимга бир қончиқни ташлаб, бўйнимни қисганча, зарил-жойга югура кетдим. Ва қайтиб келганимда жаланинг зуридан юз-қўлим ювилиб бўлган, иштонимнинг тиззалари шалаббо эди. Артиниб-суртиниб, урнимни йиғиштиришга тутиндим. Бу орада ҳаво сал ёришиб, зулмат қаёққадир чекингандай бўлди. Анча-мунча сувини тўкиб олган булутлар ҳам боягидан сал кўтарилиб, оқаришгандай эдилар. Қалдироқ Каттабоғу Тувак<sup>1</sup> томонларга кўчган, овози борган сари бўғиқлашиб-узоқлашиб борарди. Жаланинг ҳам кучи қирқилган, том илгаригидай тақирламас, тарновдан келаётган сув анча берига тушар эди.

Ҳозир жала тоғаларимнинг маҳалласи Каттабоғга етиб бо-

<sup>1</sup>Тошкентнинг шундай ёнида, қўл узатса ётадиган жойда, овақдон-овақ боғистон кучаги сивиланганнинг қадами етмаган мавзе боғлигини яқин-яқиншача ҳам кўнчилик билмасди. У Туваккуча дейилганча бор эди, охири берк бўлиб, Қўнчидада туғар эди. Бағзилар унинг номини айтинга уялиб, зўр бериб, Тувак эмас, Туванкуча деб исботлашга уришишар эди. Булса бордир.

риб, ҳамма ола-тасирни ўша ёқда қилар эди. Яхшиям ўша ёққа қараб юрди, Чулпон отага қараб босиб борса, ойим ва уларга ўхшаб бозорга кетганлар нима қилишар эди? Худонинг ўзи гамжур-да.

Мен сал таскин топиб, уй юзини йиғиштиришга киришдим. Тогорачаларнинг устини патнис билан ёпиб, дераза тавакаларини очиб юбордим-да, уйни супиришга тушдим. Ҳарна, ёрдам-да.

Отхонани тозалагунимча, Чулпон ота теңасида булут чокидан ёрилиб, осмон мовий дарёдай очилди. Сўнг узоқдан кун тождай ярқираб чиқиши билан бу ёқда ёмғир ҳам тина қолди. Ора-чора ҳувиллаб, куртак ёзган дарахтларни силкигиб, маржон-маржон томчиларни дувва-дувва тўкаётган шамол аллақайлардан бодроқ исидай тоза, хушбўй исни димоққа келтириб урар эди. Бунга сари уни ҳидлаб туймайман, ёмғирдан кейинги ҳавони ютоқиб, кўксимни тўлдириб-тўлдириб симиргим келаверади. Курагимдан қанот чиқариб, тозариб бораётган кўкка учгим, далаю кенгликларга чиқиб кетгим келади. Балки ҳалиги момақалдироқдан кейин ийкомлар орасиyo ёлғиз биз биладиган жойларда қўзиқоринлар потраб чиққандир? Бир дўппи-бир дўппи териб келиб қовурганга, оловга тутиб кабоб қилиб еганга нима етсин. Эҳ! Алиакбарни чақириб, мактаб вақтигача ўтиб келсакми эди!

Мен кўчанинг нариги бетигаги теңаликка солинган, гир айланаси тупроқ томи (баҳор келди дегунча биз устида варрак учириб чарчамайдиган) қўргонга қараб чопдим. Шунча жала қўйгани билан тупроқ кўчага «жин ҳам урмаган», яккам-дуккам кулмакларни демаса, намини шабада кўтариб кетиб, селгиб улгирган эди. Алиакбарларнинг эшини олдидаги азим ёнгоқ носранг кучала чиқариб юборибди. Таги билан бит-та «зулуқлари»... Том орқасидаги қатор олчалар ҳумчалаб ётибди. Ҳар хумчасида бир томчидан ёмғир-зирак, қилт этган шабадага ҳам дув-дув тукилади. Алиакбарни ҳовлисида куриб узимиз тушунадиган тилда секин имладим:

— Юр, ўтиб келамиз?

— Қаёққа? Мактаб-чи?

— Бул, улгурамит. Болалар териб кетмасларидан...

— Нимани териб кетмасларидан? — У кўз пириратишини қўймасди.

— Қўзиқоринни-да! Холамгиларнинг қўргонидан ўтган эски ариқни биласан-ку. Ҳар йили потраб чиқади.

— Ҳа-а, уми?! Шошма, мен ҳозир.

У ягир дўпписини бошига илиб чиқдию биз Яккабоғ томонга қараб, шипилаб югуриб кетдик. Узоқдан неча кишу

<sup>1</sup> Тошкентнинг биқинидаги Оқтепа, Новзадан кейинги мавзе. У гузари, анҳор ёқасига жойлашган соя-салқин чойхоналари, дўкону расталари, айниқса, сут, мевачева бозорлари билан машҳур эди. Бу ердан ёлғиз сут-қатиклар, қаймоқлару, ширин-шакар мевалар кўтара олиниб, сунг шаҳар бозорларида сотилар эди. Қаторгол, Чулпон ота, Қанглилар меванинг қони эди. Йўқ меванинг ўзи йўқ эди бу ерда. (Муаллиф.)

кўкламларнинг қор-ёмғирларини кўравериб, учинчи паҳсаси емирилиб бўлаёзган қўргон харобалариyo унга кўтарилаверишдаги ёлғиз шафтоли бутун мана мен деб кўзга ташланиб турар эди.

Ё тавба! Хароба тагида мунгайибгина ўсган бир туп шафтоли бу кеча шу қадар қийғос гуллаб, кўхлик тортибдики, гушангадан чиққан келинчак ўтган-кетганга келинсалом қилиб турибдими дейсиз.

Мен уни қачондир, яна қаердадир кўргандай, юрагим гугуп уриб, тўхтаб қолдим ва Алиакбарни қистадим:

— Уни қара, уни! Туришини қара! Шунча ўтиб, ўша ерда шафтоли борлигини кўрганмидинг?

Алиакбар ҳам беш кетиб тўхтади:

— Ў! Роса очилибди-ку! — Кейин ачиниб қўшиб қўйди: — Шундай қўргон... холаваччаларинга буюрмаганини қара.

— Э, нимасини айтасан!.. (Бойўғлихона булиб ётиши... кимларга керак экан?!)

Офтоб ҳар шох, ҳар куртак, уй пештоқлариyo девор сархоқларини, ҳар бутаю ҳар майсани упиб, ёйилиб кела бошлади. Қушлар ҳам саломга чиқишибди. Учиб-қўниб, чағир-чугур билан бозор қилишяпти. Ана, сассиқпонишак «куку-шиш»лаб ола қанотларини ёйганича ёнгинамдан ҳаволаб ўтди. Қаердадир майна қиқирлаб, саъва сайрашга тушди. Бедана патпалоқлаб, саногини саккизга етказди-ю, лекин қулоқларим остида ҳамон сайраётганга ўхшар эди. Худди олам қушлари шу ерга йиғилган каби, бир-бирларига навбат бергилари келмасди.

Алиакбар енгимдан тортиб қистади:

— Чопдик, кеч қоламиз.

«Ана айтмовдимми, вуй, буни қара»лаб ариқнинг у бетидан бу бетига сакраймиз. Бултурги ҳазонлар тагидан потраб чиққан қўзиқоринларни аввал битталаб, кейин танлаб тера кета-миз:

— Онабошиларини ол, онабошиларини! Мактабдан қайтгунимизча болачалари ҳам муш-мушакон булиб қолади, кўрасан. Устига ҳазон ташла, ҳазон! — деб билагонлик қилади Алиакбар. Мен эсам дўппим тўлиб, янги тошанларимни қўйнимга тикиштираман.

Алҳол, териб тугатолмаслигимизга кўзимиз етиб, қайтдик. Келсам, ойим сут бонкаларини чайиб, бир чеккага тўнкариб қўяётган эканлар, кўриб юзлари ёришди:

— Қаерга йўқолдинг десам, шуни излаб кетувмидинг?

— Алиакбарминан холамгиларнинг қўргонларига ўт, чдик. Шунақа бодраб чиқибдики...

— Ош бўлсин, болам, ош бўлсин. Эрта турганга шунақа ҳалолдан етказди, худойим. Қаний? — Ойим бир донасини қўлларига олиб, ҳидлаб кўрдилар-да, ўпиб кўзларига суртдилар. — Омонлик-сомонлик, шу кўналарга етказганига шуқр. — Қайтариб дўппимга солдилар. — Ошхонага киритиб қўй, пешинда қовуриб бераман. Бор, энди, чойингни ичу югур, мактабингдан кеч қолма.

— Хуп булади, ойижон.

Қаймоққа нонни булаб, паққос тушириб олдим у елкага жидди осиб, мактабга зингиладим. Хаёлимда эса, бояги манзара — харобазордан чиқиб келинсалом қилиб тургандек, қийгос гуллаган бир туп шафтоли ҳеч келмайди. Унинг ним пушти гуллари, саломга эгилган шохини худди биров миямга чизиб қўйгандек. Яна қаерда кўрган эканман бунақа чиройли нарсани?..

Ҳали офтоб ёйилиб кетсин, асаларилар устида гужгон уйнасин, ушанда тагидаги майсазорга чўзилиб, уларнинг бир маромда гунгиллашига қулоқ берсанг борми, бу оламда сендан хушҳол, сендан бахтиёр одам топилармикан?

Харобаси шунчалик гўзал, ободлигида қандай булган экан бу кўргон?..

## Асол холамнинг билакузуги

Кечқурун ойим жиндек хўрда-мастава қилган эканлар, ярим косадан ичгач:

— Дарсинг борми, болам? деб сўраб қолдилар.

— Боя тайёрлаб олганман, ойи, нима эди? — дедим юзларига тикилиб.

— Булмаса, Асол холангни кўриб кела қолайлик, — дедилар у киши аллақандай ўйчан тортиб. Кейин қўшиб қўйдилар. — Овқат ҳам бор... Савоб булар, ёлғиз одам?

Мен ҳайрон бўлдим:

— Келинлари-чи, ойи?..

Ойим ҳа деганда жавоб қилавермай, қора чироқни кутариб, ошхонага йўл олдилар.

— Бугун кучини ортиб кетишди...

— Йўг-е?! Маргу кеннойимни-я? Мен гарангсиб қолдим.

— Ҳа, болам, пешонасига сигмаган экан бу уй, бу кўргонлар...

— Наҳот... — Ва бирдан мийям тиниқ тортиб-ёришиб, худди биров олтин ҳал билан чизиб қўйгандек эрталабки манзара юз очди. Кўз олдимда келинсаломга эгилган келин каби ўша бир туп қийгос гуллаган шафтоли турарди. Топдим! Мен уни илгари ҳам кўрганман! Асол холамникига тўйдан кейин биринчи борганимизда кўрганман. Шунда у бошига шафтоли гулли узу-ун симрўмолми, тўр рўмолми ташлаб чиққан, аввал ойимларга, сўнг менга бир чиройли салом қилиб, мен ҳийла вақтгача эсим оғиб ўтириб қолган эдим. Топдим! Шунда кўрганман, уч бармоғи учига қўндириб чой узатаркан, ширин бир жилмайиб, — «Олинг, қайним-қайнижоним, дастурхонга қарангла», дея қистаган. Менинг бирдан эриб кетганларим — ҳамма-ҳаммаси қайта-бошдан ёдимга тушиб кетди. Ростданам тили бир галати ширин, аллақадёқли келинларникидай эди, овози бир аломат қулоққа мойдай ёқарди. Ўздан-чи, ўздан бир ёқимли ифорлар гурқираб, адо бўлмасми эди-ей. Кейин эрка-

лаб багрига тортиб қўйганида бошим гир айланиб, не ҳолларга тушмовдим? Ҳали-ҳали ўша атр ҳидларини қўмсаб қолишларим, ўзини кўргим келишлари-чи?

Шу келинойим бизни ташлаб кетибдими?..

— Энди холам... бир ўзлари қолдиларми? — дедим ачиниб.

— Қандоқ қилсинлар, болам. Аввал поччани олиб кетишибди эди. Кейин бу бало қаерда турганакан, бир кечада гунгурсдай ўғидан жудо бўлдилар. Мана, энди келин ҳам кетди.

— Тураверса булмасми эди, ойи?

Кўз олдимдан паканагина, бунинг устига, бир қўлини белига ташлаб, зўрга энкайиб юрадиган лўлибашара Асол холам утдилар. У киши ўша никоҳ кечаси ўгиллари йўқолгандан бери янаям бир бурда тортиб қолдилар. Уззукун дарвоза олдидаги қари қоратол тагида ҳали жавраб, ҳали йиглаб-сиқтаб, йўл қараб утирганлари-утирган. Биз, мактаб болалар ҳайқибгина кўчанинг нариги бетидан жим-жим ўтиб кета қоламиз.

Ойим чуқур тин олдилар:

— Уям бировнинг қизи, болам.

Мен тушуна олмадим. Бировнинг қизи бўлса, шундай ҳайхотдай хонадонда қари одамни ёлғиз ташлаб кетаверадимми?

Ниҳоят, чироқни пастлатиб қўйиб, эшикка танбани солдикда, бир ҳўқача хўрдани сочиқча ураб кутарганча, она-бола йўлга тушдик. Қушлар ётоғ-ётоғига кириб кетиб, қурулдоқларга навбат теккан. Бинафшами, бодрокми ҳидини олиб, юмшоқ баҳор шабадаси ўйноқлаб юрибди. Юз-кўзингдан ўргилиб, ипакдай майин қўллари билан асра силаб сийпаса, оламда йўқ бир роҳат сезасан. Тепадаги ёнғоқзор томонда ҳаққуш «қув-қув»лайди. Ҳайбат акамларнинг эшиги рўпарасидаги яланғоч сададан пастлаб учган бойўгли кўчанинг нариги бетидаги кўргон орқасига сингиб кетди. Холамларнинг эски ҳовузидида қўрбақалар базми авжга миниб, бири олиб бири қўйиб, вақир-вуқурлаб ётишибди.

Яккабоғ томондан ярим палла қовоқдай кемтик ой чиқиб келяпти. Шабада ўйноқлаб ўтиб, толбаргақлар ҳидини димогимга уради. Биз ярми кесилиб, ярми кесилмай қолган толлар тагидан чивиклари йиғиштириб олиб улгурилмаган йўлдан турганиб-сурганиб ўтиб, Асол холамнинг валонгор дарвозаларига етамиз. Бир вақтлар карвонсаройларникидек катта қилиб қурилган бу дарвоза мана неча йилдирки, ёпилмайди. Негаки, ёпса очилмас, очса ёпилмас бўлиб, тоб ташлаб қолган. Тузатиб қўядиган мард йўқ. Тўйда бир тузатилгандай бўлувди. Кейин бир муддат ёпиб юрилиб, яна тоб ташлаб қийшайди. Энди келин ҳам кетиб, валонгор ётибди. Холам қариган чоғларида шу кунлар ҳам бор эканми? Катта кўчанинг ёқасига тушган болахонали узун уй, пасти ишкомларга туташиб кетган очик ҳовли зимистонки, ютаман дейди. Ҳовлидаги букри кампирлардек беш-олти туп беҳиларни демаса, ишкомларгача қақ-қайган ҳеч вақо йўқ. Шунданми, ё вақт хуфтон бўлиб қолганигами, ҳаммаёқ ҳувиллаб ётибди. (Эртасига кўрдим: ишком бо-

шида ёлгиз бир туп шафтоли қийгос гуллаб чиқибди. У бошига шафтоли гулли узун сирмумол ташлаган келин каби бир жироили салом қилиб турар, хароба қўргон олдида кўрганимга жуда-жуда ухшаб кетарди. Балки ушадир, ўша келиб олган-дир?...)

Аммо муйилишга етган жойимизда... энг чеккадаги уй деразаси ёнида йўқ ердан одам қораси пайдо бўлиб... лип этдию кўздан йўқолди.

Нима бало, Қулочкаш! эканми? Деворга қапишиб турган бўлса, бизни кўриб, қочиб қолдимми?

Ундай десам, Асол холаминикида Қулочкашга нима бор? Ўзлари ёлгизлар-ку.

Шу маҳал ўша энг чеккадаги уй ичига биров кирди шекилли:

— Вой-ҳой, кимсан? Нима қиялсан? — дея қақшаб қолдилар.

Юрагим шув сидирилиб, ойимларнинг енгларида тортқиларим:

— Ойи-ойи, эшитяпсизми, ўтри юрибди.

— Ўтри нима қилади, болам? Холаиғ узи шунақароқ бун қолганлар.

Менга таскин бераптилар десам, шу вақт чинданам холамининг бир галаги суйинган овозлари янграб, кечани тилиб ўтди:

— Вой-ҳой, одамле-ер, эшитмадим демангле-ер! Баҳридингинан қайтде-е! Кўзимнинг оқу қораси қайтде-е!

Ойим огир хўрсиндилар:

— Бемаҳал кепмиз, болам...

Аммо суйиниб — бир ерга етиб турган холам... бирдан овозлари ўзгариб, ўзлари ҳирқираб қолдилар:

— Йўқотган... йўқ... отган, вой-ҳой, нима қивотсан? Кимсан узинг, балогинага йўлиққур!..

Ана, айтмадимми, ойи?!)

Бошимни силаб турган ойимнинг қўллари ҳам... қалгираб кетди.

Ўзлари қадамларини тезлатдилар:

— Чинданам ичкарида биров бор шекилли...

Лекин зинага чиқиб улгурмаган ҳам эдик. Катта дераза тарақлаб очилиб, биров бор буйича ўзини ҳовлига отдию оёғи ерга тегар-тегмас жон-жаҳди билан ишком томонга қоча бошлади. Орқасидан Асол холамининг аламли қаргишлари янгради:

— Балогинага йўлиқсанг бўлмасме, Султонмурод! Келиб-келиб мен гарибни тунайсанми-е?!)

Кўриб турибман: ойим тахта бўлиб қолдилар. Кейин уйга чошиб кириб, деразани тақа-тақа ёпиб олдилар-да, холамини уриша кетдилар:

— Ҳой, опа! Эсингизни еб қўйдингизми? Учиринг унингиз-

ни! Султонмуроддашингиз нимаси?! Ҳозиргина нима деятувдингиз?

Ҳали бузилмаган танчанинг ёнидан туриб улгурмаган холам... сандални муштлай-муштлай, айтиб йиғлаётган жойларидан... бирдан жимиб қолдилар.

— Саломхон, сенмисан? — дедилар йиғилари қотмаган бир овозда.

— Ҳа, менман, опа. Кўргани келаётувдик. Сиз адашманг, дераздан ташлаб қочган балогинага йўлиққурни менам кўрдим. Султонмурод деб аййўҳаннос соласиз, уми, умасми, қаёқдан билақолдингиз? — Ойим уриша-уриша лампани ёқа бошладилар.

Уй ёришиб, енгилигина ёпилган танча ортида оёқларини узатганча сочлари тузгиб ўтирган холамларнию ёнларида ду-молоқланиб ётган қора аёлни кўрдим.

Бекорларни айтибсан! Ўша эди! Ушандан булак гўр ҳам эмасди! — Бирдан Асол холамининг жазаваларию тутиб, бошларини бир хунук чайқаганча, бўгилиб-бўгилиб, тиззаларига муштлаб-сиқташга тушдилар. — Келиб-келиб мени уйимни босди-я! Менгинани тунади-я! Холам-ку демади-я! Онаи урнида онаи демади-я! Эркаи йўқ деб кирган-да, тиргаги йўқ деган-да, яшамгур! Санга дунё керагакан, сўрамайсанми, дайди ит! Вой, билаккинем, вой билакларим-э!

— Опа дейман! Бўлди-да! — Ойимнинг ер теплиб, жеркиганларини ҳечам курган эмасдим, тахта бўлиб қолдим. — Эшитган нима дейди, уйлаяпсизми?! Ўша санги бўлган тақдирда ҳам айтадиган гапми шу?!)

Асол холам бояги шахтларидан тушишга тушдилар-у, барибир билакларини силаб, юм-юм йиғлашдан ўзларини тия олмасдилар.

— Келиб-келиб мани тунайдимми, мангинани тунайдимми? Ҳайхотдай хонадонда шўшпайиб қолганим етмасканми? Вой, яна қанақа азоблари боракан худойимнинг? Қанақа кургиликлари қолган экан? Олса олақолмайдим омонатини-ей! Қутила қолмайманми ҳаммасидан-ей! Вой, Баҳридиним, Баҳридингинам, мани бу мзористонга ташлаб қаёқларга кетдинг, жоним болам! Жонгинам болам!

Ойим Асол холамини уришиб ҳам, ялиниб ҳам юшата олмасликларини сездиларми, сандалнинг ласт томонидаги калта кўрпача устига чўкиб, бирдан Қуръон тиловат бошлаб юбордилар.

Мен ҳам секингина бир четта чуқа қолдим. Холам бирпас ҳиқиллаб туриб, бошларини солинтирганча, жимишга мажбур бўлдилар. Лампа чироқнинг пилиги сўхта тортиб чирсиллар, олов тили кўтарилиб-кўтарилиб қўйгани сари бир арвоҳ қапалак унинг атрофида париллаб айланар эди.

Ойим қўлларини очиб, дуо қилишга тушдилар.

— Омин, уқиган шу Қуръонимдан ҳосил бўлган савобларни шу хонадондан ўтиб кетган авлод-аждодаларнинг руҳига, хусусан, гўрлари биз билмаган узоқ юртларда қолган поччамиз Мукаррам қори аканинг руҳи покларига фисабилло багиш-

<sup>1</sup> Шом тушиши билан эшикнинг ёнига келиб, деворга орқаси билан қапишганча, қўлини ёйиб, қўлоқсиз болаларни пойлаб турармиш.



ладим. Эй поко-парвардигоро, шу хонадоннинг бошига тушган балоларни ўзинг кутаргин, доми-дараксиз кетган фарзандларининг бошини тошдан қилиб, илоҳо, ўзинг дарагини чиқаргин. Қариганда бизларни бундай хору-зор қилиб қўймагин.

Тиловатнинг таъсири билан ҳаммамиз энди ўзимизга келиб қолган, бояги даҳшату қўрқувлар ҳам қаёққадир гойиб бўлган эди. Ойим ўринларидан турдилар-да, шолчанинг устида ётган румолни холамга олиб бериб, уйни йиғиштиришга тушдилар.

— Олинг, опа, бошингизга ураб олинг. Бунақа утирманг.

Қора аёлни тахмонга тутдилар. Йул-йул қизил дастурхонни топиб, сандалга ёйдилар. Токчадан битта коса олиб, ҳўқачадаги маставани сола бошладилар.

Асол холам ҳамон билакларини силаб-сийпаганча, дастурхонга тескари утирар-у, миқ эгмасдилар. Худди эси огиб юрадиган одамдай ора-чора баъзан хунук кулиб қўярдилар.

Ахийри ойим чой дамлаб келиб, ўзлари ҳам чўқдилар:

— Ўгирилиг, опа, дастурхонга қараб утириб олинг. Мана-ви овқатга қаранг.

Асол холам ҳеч нарса демадилар. Ҳатто ойимга қараб қўймадилар. Шундай бўлса-да, сўзсиз утирилиб, косани олдиларига тортидилар-да, овқатни хўриллатиб ичиб, тамшаниб ютишга тушдилар. Мен бир чеккада қисиниб ўтирганимни кўриб, ойим буюрдилар:

— Тур, битта пиёла олиб кел.

Мен дикка туриб, токчаларга алангладим. Пиёла кўрмай чор-ночор ҳовлидаги ошхонага қараб юрдим. Назаримда ҳозиргина деразадан ташлаб қочган ўтрининг шериклари ҳовлида пусиб тургандай, мен чиқишим билан даст кўтариб қошига тикадигандай эди. Кап-катта бола жон ҳовучлаб зинага чиқсам, дераза олдида шицдай бўлиб бир одам турганакан, юрагим шувиллаб, тахта булиб қолаёздим. Қичқирай дейман-у, овозим чиқмайди. Ҳалиги қора ҳолимни сезиб, томоқ қирди.

— Бу мен, Анвар тоганман. — Кейин деразанинг бир тавақасини очиб, ойимлар билан сўрашди. — Опа, яхшимисиз? Ўзингиз шўтга экансиз-ку. Яхши утирибсизларми?

— Ҳа, Анвархўжа, сизмисиз? Йўталиб қўймайсизам... — Ойим дабдурустан дераза тавақалари очилганига кўксиларига тўфладилар.

— Мен-мен. Опанинг овозларига чиққаним. Тинчликми-кан?!

Ҳамиша сиз-сизлаб, огзидан бол томиб турадиган бу одам мени кўрди дегунча аzza-баzza қаршимда чўнқайиб, сўраша кетар, чўнтагидан бир нималар олиб тутқазиб илинар эди. Мен ўзимга келиб ошхонага чоңқилладим.

Қайтганимда ойим у кишини койир, Асол холам эса, ҳеч гап бўлмагандай овқат ичар эдилар.

— Сиз қанақа одамсиз, Анвархўжа? Қари одамни шундай ёлғиз ташлаб қўясизми? Болаларнинг биронтаси чиқиб ётса бўлмайдими?

Ҳамон деразанинг у ёғида турган Анвар тога унгайсизла-ниб; ер суздилар.

— Энди, опа, ўзингиздан қолар гап йўқ. Болалар... — дея ямландилар.

— Кириг бу ёқдан, бегона одамдай тургунча! — Ойим шунақа эдилар, жаҳллари чиқса ҳеч кимни аямасдилар. — Нима, болалар? Ор қиладими?

— Нега, опа? Ор қиладиган бўлса, бошини уриб ёрарман! — У киши аzza-баzza дераза раҳига муштлаб қўйдилар. — Аммо бу кишининг одатларини биласиз, ярим кечасиям туриб олиб, «Баҳриддингинам»лаб қоладилар. Болалар юрак олдириб қўйишибди. Бўлмаса, ўлибмизми...

Ойим у кишига бир қараб қўйдилар.

— Сезгирроқ ётинг-да бўлмаса, сиз ҳам. — Негадир ойим ўтри тушганини айтмай қўя қолдилар.

— Хўп, опажон, хўп, жоним билан. — Анвар тога қутулганларига шукр қилган одамдай, «хўп-хўп»лаб дераза тавақасини ёпдилар.

Асол холам ўша ёққа қараб, афтиларини бужмайтирдилар:

— Қоранг ўчсин, илойим, сув илондай вишилламай... Булар ҳаммаси шерик! Ҳаммаси шу хонадонни тўзитсам, хомталаш қилсам дейди!

Асол холам яна айний бошлаган эдиларми, ё чинданам уни таниб қаргардиларми, билиб бўлмасди. Ойим бирдан мулоийм тортиб, холамни алдаб-сулдаб чалгитишга тушдилар:

— Ҳой, опа, опажон, мени келдингимиям демайсиз-а? Менам уйимни ташлаб келганман Сизни деб. Бу ёқда Мақсудхўжам утирибди...

Асол холам ойимни энди кўргандай қўлларини кўзларига тутиб, тикилдилар:

— Сенам мени ташлаб кетмайсанми? Айт, ташлаб кетмайсанми? — дедилар йиғламсираб.

— Нега унақа дейсиз, опажон? Худога шукр, мана еб-чиби утирибсиз. Ваҳимангиз нимаси?

— Қоласан-а? Ётиб қоласан-а? — дея ижикилаб қўймасдилар холам.

— Нима, кўрқаяпсизми? Кўрқманг, энди келмайди! Келган-даям, нимаийзни олади?

Асол холам ўша-ўша қайсарлик билан бош чайқадилар:

— Поччангни олиб кетти у ямоғиз! Баҳриддингинамни олиб кетди у яшшамагур! Келинимниям кўп кўрди менга. Энди сениям олиб кетадими, Салом? Айт, кимим қоляпти менинг?! Кимим?..

Ойим чидолмай, пиқилаб этакларини кўзларига босдилар. Нимадир деб холамни юпатмоқчи бўлдилар-у, овозлари чиқмай... туриб кетдилар. Холам бирдан ўзларига келиб қолдилар. Ҳай-ҳайлаб ўринларидан юлқиниб турдилар:

— Ҳой, Саломхон, мен эси йўқни кечир! Бирпастига утирақол. Юракларим қон булиб кетган, бирпастига ёзилайлик, жон сингил.

Яхши-яхши, мана, ўтирдим, — Ойим қайтган киши бўлдилар.

Холам энди мени ҳам сандал ёнига қисташга тушдилар.

-- Вой, яримта нўхотимдан ўзим айланай. Бери кела қол, бу ёққа ута қол. Мен сенга нималар олиб қўйибман-ку ҳали. -- У киши қути титкилашга, ундан ёнгоқ, жийдалар олиб, дастурхонга тўкишга тушиб кетдилар.

Пилдираб юриб, бирпасда чойни ҳам янгилаб келдилар. Қайсидир қутилардан оқ каллак қанд олиб, бир бўлагини менинг пиёламга солиб қўйдилар. Утирган жойларида ойимнинг елкаларига қоқиб, куракларини силаб, айланиб-ўргилганларини, чой бериб қистаганларини кўрсангиз. Дарровда тамомила бошқа одам бўлди-қолдилар.

-- Яхшиям сен бор экансан, Саломхон. Бирпас булсаям келиб, гаплашиб ўтириб, дардимни олиб кетасан. Худо хайрингни берсин, манави тойчогининг роҳатларини кўриб юргин, илоҳо.

Мен Асол холамнинг бу айланиб-ўргилишлари орқасида бирон гап йўқми деб хавотирланиб ўтирибман. Илгари қишда келганимизда шундай булган-да. Айланиб-ўргилиб, авраб ўтириб, бир вақт қарасак, танчанинг ичидан оёғимизни тизимча билан курсига боғлаб қўйибдилар. Ўз кўнгилларида кетиб қолмасин, деганмилар.

Шуни сезибми, ойим гапга соддилар:

— Ўзи, қўлингизда билагузугингиз бормиди, опа?

«Йўқолган пичоқнинг сопи» бирдан эсларига тушиб, холам билакларини силаб, ҳиқиллай бошладилар:

— Холамгина ташлаб кетганакан, шу бутун билагимга ила қолувдим, Салом. Ундан ола кетгани туззув эди. Баҳридингинамдан эсдалик қилиб тақиб юрарди...

Ойимнинг ранглари қора-қизил бўлиб кетди.

-- Қаёқдан ис ола қолибди экан, ярамас?! — Кейин овозларини пастлатиб, қайтариб сўрадилар. — Сиз ўзи башаранг кўргурни башарасини аниқ кўрдингизми ё тусмолаб?..

Асол холам хунук бош чайқадилар:

— Ушандан булак ит кирармиди. — Юзларини ўтириб ўтириб-ўтириб, анчадан кейин бўшашдилар. — Кузим илинай деган экан, бир маҳал қарасам, шифтдай бўлиб тепамда биттаси турибди. Қўлида бояги қора аёл. Мен юзини кўргунча бошимга ёпиб, ситиб олди-кетди. Вой-войлаганча қолавурдим.

— Ҳали кўрмасдан... Султонмуродлаб ётибсизми? — дея жержки бердилар ойим. — Ёмон бўлсаям, ўз-жигаримиз. Раҳматли синглингизнинг етимчаси. Фигонингизни эшитиб бояқиш гўрида тикка бўлди десангиз-чи.

Асол холам бирдан тўнларини тескари кийиб, ўтирилиб олдилар:

— Сен намунча ушанинг ёнини олиб қолдинг? Ўғрини ўғри, туғрини туғри дейди-да!

— Қўл билан ушламадингизми, жим ўтиринг. Уят бўла-

ди! — Буш келмадилар ойим. — Мен ҳам кўрдим қорасини. Уша бўлса, тилимни тишламай қаёққа борардим?!

Холам бўшашдилар:

— Мен қайдан билай. Пишиллаб-ҳарсиллашидан ушамми деб...

— Сизга шундай туйилган, энди хап ўтиратуринг-чи, дараги чиқиб қолар. Тура қол, ўғлим, вақт ҳам алламаҳал бўлди.

Мен уйку қисиб, ўтирган эдим, турдим. Буни кўриб, Асол холам аzza-баzza йиги-сигига тушдилар:

-- Мана шунақа-да. Ҳамманг келасан-кетасан. Суппайиб ўзим қолавураман бу ҳайҳотдай мазористонида. Унинг келади — талайди, бунинг келади — тунайди... Ив-в...

Холам яна айний бошлаган эдилар. Бир амаллаб зинадан тушиб олдиғу уйимизга зипиллаб қолдик.

Ташқарида ой терак бўйдан ошиб ҳаволаб кетган, атроф суддек ойдинлигига қарамай, ҳар битта дарахт орқасида бир кимса пусиб турганга ўхшар, узоқда акиллаётган ит овози ҳам аниқ-таниқ эшитилар эди. Биз ярим йўлга етмаёқ тун қўйинини ёриб, яна Асол холамнинг нолаю фарёдлари тарала кетди:

— Вой Баҳридингинем, менгинани ташлаб, қаёқларга бош олиб кетдинг, боле-ем?! Рузи Махшарга қолдимми дийдор, боле-ем? — Улар остонага чиқиб ўтирволиб чақирар эдилар.

Мен титраб кетдим. Ойим огир хурсиндилар:

Тирноққа зор утган опам!.. Асрандисига тегмасалар, нима қилибди эди?! Худойим ўзи кўриб-билиб тургандир. Жазоси бордир, бордир бу хўрликларнинг?..

Қуруқ қайрағочдан пастлаб учган бир нима хунук «қив-қив»лаб, кўчани кесиб ўтдию даф бўлди. Даф булгани рост бўлсин, дедим ичимда. Оппоқ тулин ой қуруқ қайрағочгайм, уқаланиб адо булган девор сархокигайм, йўл чеккасидаги кўрпа бўлиб ётган утларгайм нуруни бирдай аямай тўқар эди.

## Нусрат поччанинг ташрифлари

Салқингина шом тушиб келяпти. Тегирмонкўчанинг бу ёғидаги сойлик устида кўкиш бир туман Иззагача тасмадек ёйилиб борипти. Ҳамма даладан уй-уйига шошган маҳал. Ўзим бир қоп ўтни елкага ортмоқлаб, яланиб-юлқиниб экинга уриб кетаётган таргимини зўрга олдимга солиб келяпман. Худди шу паллада ҳар битта товушга иккинчи жон ато этилиб, жаранг-лашга бошлайди. Қуй-қузилару сугир-бузоқларнинг «маъ-мў»-сиям, пиёз ўтоқдан қайтаётган аёлларнинг бола-бақраларининг чақириб-чуқуришлариям, ҳатто қолган бир бог ўтни бошларига қўйганча орқада келаётган ойимнинг калишларини шап-шап сургаб босишларига. Бизнинг далаар шундай, тонгга қадар товушлар жаранглаб, сойлар шовуллаб чиқэди.

Она-бола олдинма-кетин ҳовлига кириб борсак, ё тавба, уйда меҳмон ўтирибди. Ўчоқда олов ёниб, қозонда гушт қовриляпти, ҳовлини пиёздоғ ҳиди тутиб кетган. Супада шаҳар-

лик қариндошимиз Нусратилла почча шом намозини уқияптилар. Биз келганимизни кўриб олди очик ошхонамиздан ипақдай мулойим жилмайиб, Ойпошша холам чиқиб келдилар.

— Вой, Саломхон, кела қолдингми далангдан? Сен ҳали қачон қайтасан, деб қозонга уннаб юборақолдим, майлими?

— Вой, опа, ўзингизми? Қаёқдан кун чиқди? — Ойим елкаларини тутиб бориб, опа-сингил кўриша кетишди.

— Эсонмисан-омонмисан, ёлғиз ўзинг рўзгорлар билан қийналмайгина утирибсанми? — дедилар холам бағриларидадан бўшатмай.

— Вой, опа-ей, келганакансиз, биронта болани югуртирмайсизми? Мени уялтириб нималарга уннаб юрибсиз? — Ойим хижолатга ботиб айланиб-урғидилар.

— Поччангни биласан-ку, шошириб ташлайдилар. Чупон отани гузаридан ёғ-гушт олганаканлар, қозонга босақол, арвоҳ хотира, Саломхонниқида бир кеча ётиб кета қолайлик, деб қўйдиларми...

— Ажаб қипсизлар-да, яхши кепсизлар-да, йўқлаб. — Ойим шошиб қолдилар. — Ҳой Мақсудхўжа, сен молларингга қарай қол. — Ўзлари йулакай румолларини тўтрилаганча уйга йўналдилар.

Шундагина холам мени кўриб, мулойим жилмайганча бир қўлларида кашпир, бир қўлларини кўтариб, куришгани кела бошладилар. Мен ҳам елкамни тутиб, салом бериб бордим.

— Ассаоому алайкум.

— Ва алайкум, кичкина Маҳмудхўжа. Катта йигит буб қопсан-ку, болам. Ойинг роҳатингни кўрсин, илоҳо. Жо-он худойим, ўша кунларга узи етказсин, — дея бағрларига тортиб, куракларимни силаб, пешонамдан ўпиб қўйдилар. Тавба, улардан ҳам ойимлардан келгани каби бир ифор таралиб, бағирларига сингиб кетгим келар эди.

Бу орада жойнамозни йиғиштириб, Нусратилла почча пишиллаб-ҳарсиллаб, супадан туша бошладилар.

— Э-э, Маҳмудхўжа эшоннинг чироги, яхшимисан? Қаниқани, кел-чи. Бир омонлашиб қўйайлик. Оббо дўнан тойчоғ-эй.

Мен салом бериб, чошиб бордим. У киши ҳам қучоқларига олиб, бағрларига босиб, буйларимни ҳидлай-ҳидлай, ўзимни алқай-алқай пешонамдан ўпа кетдилар. Катта-катта қўллари, ипақданам мулойим кафтлари билан бошу буйниларимни силашга тушдилар.

— Илоҳо, ўзи қўласин, шу уйларнинг чирогини ёқиб ўтиргин узинг. Юртада мартабалар топгин... — Сўнг «борақол, бутам», дегандай елкамга қоқиб қўйдилар. Мен ҳайитлик теккан болакайдай ичим тошиб турса-да, ўзимни босиб, сиполик билан нари юрдим. Бўйим чўзилиб қолди, уят бўлар ахир? Ўзим эса ширин бир туйғудан бошим осмонда. Суяги йўгон, гавдали бу одам бунча мулойим, бунча ҳалим экан? Ундан мушк-анбар ҳидига ўхшаш бир муаттар ҳид гуркираб келиб турар, бу буй юзига ярашиқли чиройли кузалган соқолларидан келарми ё уст-бошлариданми — билолмасдим. Улардан

бошқа биронта одамдан шунақа буй туйган эмасман, рости. Қолаверса, бировга овозларини кўтарганларини эшитмаганмиз. У кишини шунақа покиза, художўй одам, деб таърифлайдилар ойим.

Ниҳоят, ош дамланиб, самовар қайнагунча сигир ҳам соғиб келинди, бошқа ишлар ҳам кусар топди. Ойим ҳали кўмиб улгурилмаган танча атрофига жой қилган эканлар. Бувамиздан қолган табаррук сандал устига дастурхон ёзилиб, чор гардишли катта гирдоб қўйилди. Унинг уртасидаги гуллари ўнгиб кетган бўлса-да, гирдидаги нозик нақши бутун, биттаям сири кучмаган эди. Нон ушатилиб, чой келди. Токчадаги чироқ ўртага олинди, соялар деворга кўчди. Ҳамма файз бир ерга йигилгандай эди.

Турда Нусратилла почча сандалнинг бир тарафини тўлдириб, қўш ёстиққа суянганча, мамнун жилмайиб утирибдилар, ҳар қимирлаганларида «Ўзингга шукр, шу кунларга етказганингга шукр», деб қўядилар. Қаршимда эса, оқ-ошпоқ бўлиб, Ойпошша холам чой қўядилар, бошларидаги қўш қават оқ рўмоннинг бир учини буйниларидан ўтказиб, шундайгина елкаларига ташлаб қўйганларигами ё чироқ ўша ёқдалиги учунми, юзлари шундай нурланиб кетанки, қарабла туймайман.

Бу орада ойим ошни ёлғиз чинни лаганимизга сузиб келдилар. У ўртага қўйилдию дастурхонга яна ҳам файз кириб кетди.

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм, худойимга шукр, етказганига шукр, қани, неъматини маҳтал қилманглар. Мана, мен бошладим, — дея Нусратилла почча енг шимариб, ошга қўл узатдилар.

Ё тавба! Бу шаҳарлик меҳмонларимизнинг қўли шунчалар ширинмиди ёки қўй ёғи, қўй гуштининг мазасимиди — билолмадим, лекин ош жуда зўр бўлган эди, ҳиди гуркираб бошни бир айлантисар, узи томоқдан мойдек ўтиб, ўн ёқар эди.

Ойим самовар патнисга сездирмайгина чайинди ташладилар шекилли, тағига тушган чўг вашиллаб сунди. Ўзлари поччага чой узатиб, ошга қистадилар:

— Яхши-яхши олинглар, почча, опа, йул босиб келгансизлар.

Ўз навбатида холам ҳам ойимни қистайдилар.

— Ҳой Саломхон, ўзингга олгин-да, бундай. Ошни мен қилганман, сен меҳмонсан бутун, — деб ўзларига ярашадиган бир тарзда ширин куладилар. Сал кулгидан ҳам юзлари ёришиб, ич-ичидан нурланиб кетади.

— Хўп, опажон, хўп. Сиз қилган ошни емай бўларканми? Илгаридан қўлингиз ширин, — дедилар ойим.

Почча мамнун жилмайиб, бошларини сарак-сарак қилишга, сўнг алқашга тушдилар:

— Бай-бай-бай, бу дунёнинг таоми бўлмабди. Ростини айтсам, опа-сингиллар ҳеч қолишмайсизлар. Сизларнинг олдингизда янгамнинг ошини ширин қилган поччамнинг масаллиги, деган гапларам бекор. Бекор-бекор.

— Ойим раҳматлидан бизга юққани шу-да, — деб қўйдилар холам. — Бошқа нима қопти? Тугрими, Саломхон?

Ойим хаёлланиб бош силкидилар:

— У кишидай покиза, жаннати аёл қани?

Почча ошдан бош кўтариб, холамга қувноқ кўз ташладилар:

— Бошқа нима қоптими? Ҳе, кепчик-кепчик олтинлар-чи, олтинлар?..

Холам қанақадир бир воқеани эслаб, юзларига нур ёғиди.

— Э, Санобар-е, қайёқдаги унут гапларни кавлаштирасиз-а, Қариб қитмир чол бўлиб қолясизки бирам. — Сунг уша воқеа наша қилиб, сандалнинг четига уриб қўйдилар. — Саломхон, эсингдами, Умархўжабой қизларининг сепига бир кепчикдан тилла бўлишибдими деб эшигимизни турна қатор совчи босгани?..

Ойим юзларини яшириб куддилар:

— Шунинг учун сут пулига ҳам қурби етиб-етмайдиганлар кувёв бўлган экан-де!..

Мен ҳеч нарса тушунмадим. Почча хўриллатиб-хўриллатиб чой ичатуриб, ойимнинг гапларига қалқиб кетдилар.

— Халлоқ, халлоқ, денг. Рост-да, нега куласиз? — деб қўйдилар холам.

Почча ўзларини зўрга босиб, йўталнингми, кулгинингми зўридан кўзларидан тирқираб чиққан ёшларни арта-арта ҳансирадилар:

— Э, падарлаънати кепчик, падарлаънати сеп!.. Қайоқда-нам эсга солдим.

— Биз-ку майли, бошқа жойда айта кўрманг, почча, тешик қулоқ — билиб бўладими...

— Ҳа, шуни айт, — кутилмаганда холамнинг ошга узатилган қўлларни лаган четида қотди, — Ана, Асол опамларникига оралаган эмиш-ку. Ростми, Саломхон? Шунча сурасам, ўзлари, э, йўқ, ўғри нимамни олади, деб турибдилар?

Ойим тилларини тишлаб қолдилар. Афтидан, булар у кунги воқеадан беҳабар келиб қолишган-у, кимдандир бир учини эшитиб, холамникида ётолмай бу ёққа чиқишган эди. Ойим ҳам буни англаб, ямландилар:

— Ўзим устида эдим, опа...

Холам синчков-синчков тикилдилар:

— Сен, Саломхон, яширма, борини айтавур.

Ойим энди тасалли беришга ошиқдилар:

— Ҳай, опа, қизиқсиз-а, уша гапларга ишониб ўтирибсизми? Номини атаб қақирганлари билан у эмасди. Ўзим кўрдим-ку деразадан ташлаб қочганини. Пакана, пачоққина одамийди. Мен биламанми, улар биладиларми.

Почча қафтларини қошларига суркаб, бармоқларини яладилар. Кейин эринмай сочиққа артиниб, соқолларини силаб, кузадилар-да, пишиллаб ёстиққа суяндилар. Ошдан бир-икки чуқум егим келиб турган бўлса-да, мен ҳам секин қўлимни торта қолдим. Мендан сочиқни холам олдилар. Почча пиёладаги чойдан хуплаб:

Ҳа-а-а, — дедилар чўзиб. — Қизиқ бупги-ку. Биз бу гаплардан беҳабар, опам ёлғиз қолдилар, Султонмуродни юбориб турсакмикан, деб келиб юрибмиз. Бир чеккаси қора, бир чеккаси манави нотинг замода четроқ юратурсами деб...

Ўртага жимлик чўқди. Ҳар ким ўз хаёли билан машғул бўлиб қолди.

Почча яна томоқ қириб йўталдилар, юзларини ишқаб, утирган жойларида бетоқат кўзгалиб қўйдилар:

— У-у-у, чатоқ бупги-чатоқ бупти. Ҳовлиқиб қопмиз, ҳовлиқиб, Санобар.

— Нега унақа дейсиз? Мана, Саломхон айтвотти, хижолат бўладиган ҳеч гап утмабди-ку.

— Э, барибир-да, Санобар. Мен ҳовлиқма элбурутдан раисга кириб-ман. Рухсат олиб-ман юрибман.

— Кўнувмиди? — дедилар холам ҳам хижолатга тушиб.

— Кўнмай нима?! Қизиқсан-а, Санобар! — Почча холамга илкис қараб, тасбеҳларини шиқирлатганча, бу қафтларидан у қафтларига соддилар. — Нима, Султонмурод — номини эшитганда бешиқдаги бола ҳам шайтонлаб қоладиган иш қилган одаммидики... Гапингни қараю...

— Ҳай-ҳай, сўрабам бўлмайди-я... — дея енгил қўл силкиб юзларини бурдилар холам.

— Сен ундан кўра, раис нима деди, дегин? — Почча энди ёстиққа суяниб, соқолларини мамнун тутамлаб-силаб қўйдилар. — Бизга ўзи шунақа айтувли йигитлар керак. Ҳозир нима кўп — ҳар хил қочган-қувган кўп. Ана, Каттабогдан биттаси чиқибди. Парпи бебахт деган. На утдан тояди, на сувдан. Бу йўлтусар бебошларга на мелиса, на облочи бас кевотти. Кўзига нима чиройли кўринса, илиб кетвотти-да. Колхозга-ку жин урмас, лекин мушгипар бояқши кимга додини айтади? Қолаверса, анув машҳур отимиз Барзаннинг атрофида гирдиқапалак бўлиб қолганларам бор. Биламан, Ҳайбатимиз бўш келмайди. Аммо ёлғиз-да. Майли, уша Барзанимизга куз-қулоқ бўлсин-да, арава-кашик қилиб юратурсин, даргоҳимиз кенг, деди.

— Ула қолсин уша раисингиз, — дедилар холам ижирганиб. — Буни шаҳарни зўр қўзири фаҳмлаб, хўп депти-да. Айтмадизми, шу қишлоқни боласи, Абдурахим эшон<sup>1</sup> поччанинг ўгли деб...

<sup>1</sup>Шу мавзеда уша йиллари Абдурахмон эшон почча деган кўп табаррук зот ҳам уттанлар. Чақардаги мадрасада мударрислик қилиб, бир муддат Бешёғоч даҳасининг қозиси бўлиб турганлар. Шу кишининг Муржумондаги хонадонларида, Донбой кўчасидаги бог ҳовлиларида ўз даврининг айтувли зиёлилари тупланиб, китобхонликлар қилганликларини, маърифий мажлислар қўрганларини ҳали-ҳали эслаб юришадди.

Фақат, бу кишининг тақдирлари узгачароқ кечган. Қулоқ қилиниб, юртдан мосуво этилган кезларида (худонинг марҳаматини кўринг) совет бадарга идорасидан қайтадилар. Шу идоранинг масъул хизматчиси Абдурахмон эшон поччани таниб қолади. Бир вақтлар қўлларида ўқиган экан, кафиликка ўтиб, сургундан озод этиб юборадди.

Кейинги кечмишлари, элнинг иймонини бўлиб, еабр-қаноатга қақириб ўтганлари алоҳида бир китоб. Тақводор у зотларни Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин! (Муаллиф).

— Э, Санобар, қизиқсан-а, шу гапларни айтиб бўладими буларга. Э, тавбангдан, э, тавбангдан.

— Бугун бўлмаса эртага эшитади-ку.

— Эшитгунча худо халлоқ! Биз болани анув Зокир бадахтнинг кўзидан йироқроқ қилиб олайлик аввал. У ёғига Олоҳнинг узи асрайди. — Кейин почча бўш пиёлани ойимларга узатиб, тушунтира кетдилар. — Эй, Саломхон, бу эшон поччанинг ўгли бир йигит бўлди-бир йигит бўлди. Куркам десанг куркам дегудек! Ўнта йигит ичида журабоши бўлгудек. Қирқта йигит ичида бек саналгудек. Уту олов! Билмаган шахри, чиқмаган тоғи, ичмаган суви қолмади. Ўғриданам дўсти бор, тўғриданам. Билмадим, бу боладан ким чиқади, ким чиқади? Шаҳар бузмадими деб кўрқаман, холос. Яна анув Зокир бадахт — Эски жуванинг мелисаси одам қуригандай шу билан учакишиб қопти. Ё қаматаман, ё жунатаман дейди нуқул. Эгамнинг тиги парронига учрагур.

Почча чойни қўлларига олиб, оз-оздан хўплаган бўдилар, яна гирдобга қўйдилар. Нимадир наша қилиб, бош чайқаб-чайқаб куддилар:

— Ҳеҳ, боласи тушмагурлар, боласи тушмагурлар. Нима қилишибди дегин, Санобар?!

— Қачон? — дедилар холам юзлари ёришиб, жилмайиб ўтирганча.

— Ҳа, уша, қамалмасдан бурун-да.

— Йўғ-э...

— Ҳа-да. Тиргалуврадими бу деб... — Почча у ёғини айтолмай, айтишга истиҳола этиб, бош чайқаб-чайқаб, мижжаларини артишга уриндилар. — Тиргалуврадими бу деб... аввал роса мусалласга тўйдиришиб, постида «чироқпоё» қилиб кетишибди. Қарасалар, шам ёниб ётганмиш, эриб оқиб ётганмиш. Постни ичида биров узини ўнглолмасмишу бақириб-чақирармиш. Қоровуллар чошиб боришса, Зокир мелисамиш!.. Э, тоза ҳангома бўб кетди-да шу гап. Шундан бери, Султонмуроддан қасдини ололмай ҳалак...

— Вой, ула қолсин. Шунга ўтқазиб қўйганаканми? — дедилар кулиб холам.

— Ҳа-да, қанча ишловминан қутқазволсам бу кишим нима дермиш? Биз иккитамиз, қўйворса баравар қўйворсин, бўлмас, суди ҳақиқат қилгунча ўтиравураимиз эмиш. Ахйир унисигаем тулаб қўйдим. Кейин билсам, Чаман деган бир чўнтакесар экан. Шунақа гаплар, Саломхон. Шу бола шу ёқда юриб турмаса бўлмайдиёв. Жилла курси, кўчиб келгунимизча турса эди. Бу нокаслар эртага анув қиргинбаротга солворса, биз Абдурахим эшон поччанинг руҳлари олдида нима деган одам бўламиз? Тўғримми?

Якандознинг четини ҳимариб-текислаб ўтирган ойим илкис бошларини кўтардилар:

— Почча, унчалик бўлса, мана уй-жой, Асол опамникида турди нимаю бу ерда турди нима?! Келаверсин...

Мен ҳайратла ялт этиб юзларига қарадим: «Ўғри-каззоб

бир одам-а?! Келиб-келиб бизникида-я?! Ўғрихона буларканде!» Аммо ойим менга қараб ҳам қўймадилар.

— Бегона эмас-ку, тўғримми? — дедилар холамга.

— Бегонамасликка бегонамас, лекин... — Почча ямланиб тиззаларига тўкилган ушоқларни тердилар, кейин холамга саволчан қарадилар. — Уялтириб қўймасмикан-а, бу етимчамиз шўх-оловлигига бориб?..

— Ўлдимми, — дедилар холам, ишончсизгина. — Балки ота юртига келиб, қўйилбла қолар?..

— Шунми айт, шунми айт, — дедилар почча бу фикрни қувватлаб, — Шояд арвоҳлар ёр булиб, узини тутиб олса. Оталари ўтган жойга меҳри тушиб, туп қўйиб палак ёйса.

Қанийди, чироқларини ёқиб ўтирса, — дедилар ойим маҳзун тортиб ва лаганни олиб ташқарига чиқавердилар. Менинг қўлогим шу ёқда, динг: ростданми Султонмурод акам шаҳарда юриб, буларга буй бермай кетганми экан? Энди қишлоққа чиқариб, одам қаторига қўшишмоқчимми? Ёки облочилардан қочириб... дир?

Ойим қозон-товоқларни ювиб, ошхонани сарамжон қияп-тилар шекилли, ҳаяллаб қолдилар. Мен сандалнинг бир ёғида тиззамга патнисни тўнкарволиб, ўзимча дарс қияпман. Почча қўлларида дуланаранг тасбеҳ (донасиям дуланадек келди), хумдек бошларини солингирганча жим қолганлар. Кўзлари юмуқ. Мизғиб кетганларми, бир нарсани ўйлаб қолганларми — билиб бўлмайди.

Чой қайтараётган холам узларича гапирадилар:

— Одам ўз юртига сигмаси-я, тавба.

Почча миқ этмадилар.

— Бояқишларнинг отагинаси... худого нима ёзганакан, на тиригидан, на ўлигидан дарак бор...

Тасбеҳ шақирлаб, ахйир почча бош кўтардилар:

— Ҳеҳ, Санобар-а, Санобар, — дея чуқур тин олдилар,

Балонинг қаттиги кимга келишини билсанг, шундай дермидинг-а. Абдурахим эшон поччанинг кимлигини билмагандай гапирасан-а!

— Авлиёдек бир одам эдилар. Нега билмай?! — дедилар холам.

— Ҳа-а, ана энди узинга келдинг, Санобар. Худованди Карим ҳам балонинг қаттигини аввал пайгамбарларига, қола-вурса, авлиёларига юборади. Ҳа. Шу билан имтиҳон этади, билсанг. Ху-у, Саноба-ар, бу олаговур дунёда Абдурахим эшон поччадай балонинг огзига тўғри бориш, иймонни бермаслик осонми дейсан, осонми? У кишига жаннати-наъимлардан на-сиб этди десанг-чи, насиб...

— Шунақа дейсиз-у, бутун бошли бир хонадон тирқираб кетса, ачинмай бўладими?

— Ачин-ачин, зора бир таскин топсанг. Таваллоингни бирор эшитса!

— Шунақасиз-да, кулиш бўлса сизга. — Холам кутилмаган-да аразлаб қолдилар. Аразлари ҳам бир чиройли эди, бошлари-

да оқ-ошпоқ шаша дока румол, узлари юзларини хиёл бурганча юйни босиб-босиб, айлангириб-айлангириб, ичиб ўтирибдилар. Утирибдилар-у, бутун хаёллари шу ёқда.

Почча ана энди ростакамига, холамнинг аразлари наппа қилиб — силкиниб-силкиниб, юзу соқолларини силаб-сийпа-лаб, қиқир-қиқир кулишга тушдилар:

— Вой, Санобар-а, вой Санобар! Антиқасан-да, ўзинг! Мен тоғдан келсам, сен боғдан келасан.

— Ҳа, нима дея қолдим?

— Ҳеч нарса деганинг йўқ, ҳеч нарса, — дедилар почча кулгидан ҳамон узларини тия олмай.

— Ҳа, нега куласиз унда?

— Йиғлагандан кулган яхши-да, Санобар, кулган яхши.

— Булмаса, асрандимизнинг тақдири куладиган нарса эканми?

— Ҳа, йўқ, — дедилар энди почча намланган мижжаларини кафтларига арта-арта. — Мен бунимизнинг тақдиридан кўпам кўрқмайман. Ҳамма хавфим анув кичигидан. Қўлдошхўжа ўқишга юбориб яхши қилмабди. Саломхоннинг қўл остидан чиқармаса буларди.

— Тушунмадим. Униси қайтага Султонмуродингиздан мўминроғу...

— Индамас, шўртумшўқроқ десанг тўтри бўлар. Ана, Мақсуд билади-ку, тўтрими, дўнан тойчоқ? — Почча эркалагандек кузлари бир мулоим кулиб қарадилар. Олим акам ростданам аразгўй, ичимдагини топ хилидан эди. Лекин ойимлардан ҳайиқиб турар, сузларини иккита қилолмасди. Қочолмай турган экан, ўқишга кетдию қорасини кўрсатмай ҳам қўйди.

Мен ёмонлагим келмай, елка қисдим.

— Балким.

— Балким эмас, анчагина ичидан пишган. Ёш қолган-да. Ота-онанинг меҳрига қонмаган. Султонмурод эса, ўт-оловлигининан бўлак олам. — Кейин ийиб кетиб, узоқ йилги бир воқеани эслай кетдилар. — Бир кун дегин, Санобар, у вақтда раҳматли эшон поччам ҳаёт эдилар, биз чор атрофдан китобхонликка йигилиб турадиган пайтларимиз — борсам, энди аср намозиға ўтишган экан, қаватларида шу бир қарич ўғиллари — Султонмурод бир чиройли такбир тушириб турибди. Бориб мен ҳам қўшилдим. Эшон поччам имомликка ўтдилар, биз орқаларида туриб намоз ўтадик. Сунггида «қани, ўғлим, ўқиворасизми?» дедилар. Илгари эшитмаганаканман, қироатминан шу бир чиройли ўқий кетди, шу бир чиройли ўқий кетдики, «Таборакаллазий»ни. Шу жимитдек болачалик ихлосимиз йўқлигидан рости уялиблар кетдим. Кейин, десанг, «Опоқодаси, бизни озгина дарсимиз бор эди» деб ҳалиги ёнимизда қўндоқдек бўлиб намоз ўтаган болакайни имтиҳон эга бошладилар. Мен соме — қулоқ бериб утирибман. Эшон поччам сураб турибдилар. Бола бийрон-бийрон жавоб қилиб турибди. Кузлари порлайди, пориллайди яна суранг дегандай. Ҳар битта мўмин-мусурмон билиши шарт бўлган нарсаларни

бийрон-бийрон айтиб бераверса дегин — ёқамни ушлаб қолибман. Ҳа-ҳа.

— Кейин-чи?

— Кейин жумага қандай борилишинию ётар маҳалда ўқиладиган дуоларни сўрадилар. Оғизларидан чиқиши билан ўқдай жавоб қилиб турибди. Шу десанг, мен уша куни умримда эшитмаган амалларни боланинг оғзидан эшитиб лол қолдим. Шу-шу, ётар маҳал уша дуони ўқийман. Оятал курсийни тилимдан қўймайман. Ҳа, айтмоқчи. Ушанда эшон поччам бир ажаб савол қилдилар. Намози жумани фаришталардек беайб ва бенуқсон ўқиш ҳақида. Агарки ҳар ким жумага бориб, имом хутбага чиқмасдан бурун тўрт ракат намоз ўтаб, ҳар ракатида бир «Алҳамду» ва эллик мартаба «Қулҳуволлоҳу аҳад»ни ўқийолсам, улуг савобга эришгай экан. Болага жавоб бериб, узимиз қолгач, эшон поччам — биласан, юмшоқ, ҳалим одам эдилар — секин қулогимга: «Божа, бунинг савоби кўп-да жуда. Шуни ўқиб юрган одамга жаннатда борадурган манзили албатта кўрсатилгай», дедилар раҳматли... Ҳов-в, дариг! Шундай одамнинг мозори қай юртларда қолди-я, Санобар. — Нусратила почча бош чайқаб қўйдилар. — Ишқилиб узи раҳматиға олган бўлсин, илоҳим. Бу уша одамнинг фарзанди-да. Қатик тўкилса, юқи қолади-ку, ахир.

— Кенжаси кимнинг фарзанди экан, худо хоҳласа бир йигит бўлсин у ҳам, — дедилар холам.

Почча мийиғларида жилмайиб, бир қараб қўйдилар-у, индамадилар. Совуб қолган чойларини ичиб ястангачгина, дедилар.

— Мен айбситаётганим йўқ, лекин меҳрга қонмаган буни-си. Нарӣ борса, атак-чечак юрган бўла эди-да у маҳал. Ҳа, кейин сен унутма, Санобар. Илгари пошшолар хос навқарликка нега бутун есирларни, ота-онасини таниб улгурмаганларни олишган?

— Нега? — холам ҳайрон қолиб, у кишига тикилдилар.

— Чунки есирларда меҳр камроқ бўлади. Бераҳмроқ келди. Олганини беради-да, олмаса нимани беради, Санобар?!

— Қўйинг, жаям оширвордиз, Санобар. Худонинг ёзганидан ортик бўла-чиди. — Холам қўшилмадилар.

— Мен айтдим-қўйдим-да, болани уша ўқишга бериб, Қўлдошхўжанг чакки қипти.

— Ҳой, Санобар, узиззи жа билимдон санаворасизки, нима Қўлдошхўжа? Ёмон бўлсин, дептими? — Холам бирпасда хафа бўлиб, аразлаган кишидай юзларини буриб ўтириб олдилар. — Султонмуродингизниям маслаҳат қилмадиз, охири нима бўлди?

— Нима бўпти?

— Мана, Саломхонга тиқиштириб ўтирибсиз-ку. Қўлдошхўжага маслаҳат солганиз-да... — Холам қизишдилар. У кишининг қизишганларини энди кўриб турардим — юзлари оқаринқираб, тез-тез гапира кетарканлар.

— Қўлдошхўжанг авлиёмиди?! — Поччанинг соқоллари диккайиб тушди. Ҳагто узун-узун қошлари ҳам тиккайиб кетгандай бўлди.

— Авлиё бўлмаса ҳам бир тайинли маслаҳат чиқарди ундан.

— Хўш, нима дейсан?.. Нима бўлса, пешонасидан деб юбораверайинми ҳарбга — бировнинг боласини? Ўзлари тузиб кетгани етмайди? — Кейин сал ҳовурларидан тушиб, аябгина дедилар. — Ўзингдан чиқди-ку, Санобар, шу гап?!

Холам бўлашдилар.

— Келиб-келиб, бошида эркаги йўқ Саломхонга тиқишти-раимизми дейман-да.

— Саломхон тушунадиган хотин. Сиёсати ҳам қаттиққина. Султонмурод шўтта туради! — дедилар почча гапни кесиб.

Ана, холос! Шаҳарнинг машҳур ўғриси келиб-келиб бизникига қўр тўқаркан-да?.. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку...

## Кўч-кўч ёхуд ўғри урган олтин китоб

Чумчуқлар чирқиллаша-чирқиллаша ин-инларига кириб кетишди. Осмон ҳали ёришиб турган бўлса-да, девор тағларнио ариқ бўйларида қорамтир шарпа кезиб қолганга ўхшайди. Ойим шоша-пиша намоз ўқиб олиб, сигир соғишга тушдилар. Мен икки чойнаккина сув сигадиган жажжи оқ руҳ самоваримизга (унинг олд томонидаги тағгалари ичида икки бошли қуш расмиям бор) олов қалаб, карнайидан гуриллаб чиқаётган ўтга маҳлиё бўлиб турардим. Отхонадан эса, пов-пов соғилаётган сут овози келарди.

Шу маҳал кўча эшигимиз гижирлаб очилиб, барваста одамнинг қораси кўринди:

— Опа?! Шўттамисиз?

Мағрур овозларидан танидим: Қўлдош тоғам! У киши Қонқус томондаги алақайси колхўзда ким бўлибдир ишлайдилар. Ўзлари мўйлов қўйворган, барваста, унча-мунчани назар-писанд қилмайдиган, керилиб юрадиган одам. Лекин шу томонга йўллари тушса-тушмаса, ойда бир-икки бизникига бош суқиб ўтишлари, алламаҳалгача гаплашиб ўтириб кетишлари бор.

Мен тоғам лабларининг четида сассиз, лекин ёқимли кулиб туришларини жуда ёқтираман. Бир хил одамлар шундай кулса, ўзингни таҳқирлангандек сезасан. Лекин тоғамники бошқача. Худди «ҳа, жиян, нўхатполвон бўлиб юраверасизми, бундай бўйга ҳам зўр беринг-да», деб эркалаб тургандай. Мен югургилаб бориб, салом бердим:

— Келинг, тога. Ассалому алайкум.

— Э, жиян сенмисан. Бўйни қўйиб юборибсиз-ку, яхши-яхши. Йигитча деган шундоқ бўпти. — Қўдим у кишининг кафтларида йўқ бўлиб кетди. Ўзим бағриларига ёпишдим. Кийимлариданми, мўйловлариданми тамаки ҳиди гпиллаб анқирди.

Ойим сут чслакни бир чеккага қўйиб, куришгани шошилдилар.

— Келинг, Қўлдошхўжа, эсонмисиз-омонмисиз? Эл-овулар, ҳамма қариндошлар тинчми? Ўзингиз... — Ойим илгарит-

дан тоғаларимни шундай сизсираб, соясига кўрпача солгудек иззатлаб сўрашадилар.

Тоғам елкаларини тутдилар:

— Яхши ўтирибсизми, опа?!

Менинг назарим сутда. Челақдаги сут оқаришиб турса-да, худди порланиб тошиб бораётган каби, устида, бир нималар гужгон ўйнаётганга ўхшайди. Бундай қарасам, бутун ҳовлимизни ана шундай шом ивир-живири босиб, тизза баравар кутарилиб улгурибди. Тоғам бўйнимдан қучганча ичкарига қараб юрдилар.

— Юр-чи, мен сенга нима опкеддим экан. — Ва уйга кириб бўлиб, буюрдилар. — Қани, кузингни юмиб, қўлингни оч-чи.

Мен ҳовучимни очиб, кузимни юмдим.

— И-и-и, аноий-ей, — юмшоқ кулдилар тоғам, — кафтингни десам, ҳовучини очадия...

Қарасам, тоғам бир қўллари кўкрак чўнтаклариди, ўзлари сассиз кулиб турибдилар.

— Мана, бўлмаса, — дедим айтганларини қилиб. (Аммо-лекин нима экан дея ичим қуришиб боряпти).

— Бу бошқа гап, — дедилару кафтимга... қўломдек оғир, лекин ўзи гадир-будир икки донгина тош қўйдилар.

— Топдим, радёлни тоши! Ойи, тоғам тош обкептилар. Қўлоқ радёлимиз қўйлаб кетади энди! — Мен суйиниб-иргишлай кетдим ва кафтимни юма, чироқ ёрутига чопдим. Қарасам, чинданам ушандай тош! Кумушдай ялтираб, бир жуфт бўлиб турибди! Айни дитекторга қўядигани!

— Раҳмат де, йўқ ердан топиб, кептилар, болам.

Мен катта йигит бўлиб қолганимни унутиб, яна бир иргишладим:

— Раҳмат, тоғажон! — Сунг токчадаги дитекторни титкилаб, ўлиб қолган тошини алмаштиришга киришдим.

Ойим қўярда-қўймай тахмондан янги кўрпача олиб ёзгунларича радёлим қитирлаб-қитирлаб ишлай кетди.

— Энди нукул бешга ўқийсиз-да, жиян, — дедилар тоғам.

— Ўқийман! — Ваъдани қўлоқ қилиб юборавердим.

— Ўрни аълога тугатсанг... шаҳарга ўқишга киритиб қўяман, — дедилар тоғам.

— Тугатаман ҳам! — дедим-у, бирдан ўйланиб қолдим. — Унда... ойим нима қиладилар? Йўқ, ўқишизга бормайман.

— Ана, холос! — Утирган жойларида тоғам хандон тапалаб кулиб юбордилар. Ойим эса, бағриларига тортиб, елкамга қоқдилар:

— Ўзимнинг меҳрибонимдан айнаний! — Кейин ёнимга чўкиб, дуога қўл очдилар. — Илоҳо омин, қадам етди — бало етмасин. Отлар изини тойлар босиб, шулар чирогимизни ёқиб ўтирсин. Оллоху акбар.

— Ўзи иноят қилсин, иноят. — Тоғам қўлни юзга тортиб, шоп мўйловларини силарканлар: — Бунингизнинг манглайи бир бошқача. Қараб турасиз — узоққа боради, ҳа, — дедилар негадир. Кейин бирдан жиддий тортиб, менга қарадилар. —

Сен ҳеч нарсани уйламай ўқи. Мана, мен борақанман, хавотирланма. Кўзимиз очигида ўқиб қол. Тушундинг?

— Мен елка қисдим: Олим акамни жўнатворган эдилар, мени ҳам жўнатсалар, бу ерда ким қолади, ойимга қора бўлиб? Асол холамга ўхшаб, шуппайиб ўтирадиларми?

Тоғам тиззаларига енгил шапатилаб, дашином бердилар:

— Сен елка қисма. Кейин, танангда Каттахўжабойлар авлодининг қайсар қони кезинса ҳам бундан тийил. Бизнинг авлодан кўп айтувли одамлар чиққан, лекин ҳаммасини хароб қилган биласанми, нима?

— Нима? — дедим мен.

— Уша — қонимиздаги қайсар жоҳиллик! Уни тизгинлай олмаганимиз!

Тоғам бирдан нега насиҳат ўқиб, танбеҳ бера кетдилар, тушуна олмай ўтирдим. Кўзимни ердан узмасдим. Узсам, баттар туюқишларини билардим.

Ниҳоят, ховурларидан тушиб, бизни севинтиргилари келдими, тантанавор дедилар:

— Мен нимага келдим — биласизларми?!

— Бу ёруғ жаҳонда бизга яхшилик соғинадиган сиздан буақ кимимиз бор. Қўлдошхўжа. Албатта, яхши гап, яхши хабар билан келасизда, — дедилар ойим топган-тутганларини гирдим устига таширканлар.

Тоғам мақтовни хуш кўрар эдилар, орқаларидаги ёстиққа ястаниб, ҳузурланганча жим қолдилар. Ва шу жим туришларида фақат ўзларига ярашадиган бир тарзда сассиз кулганча турар эканлар:

— Опа, мен сизларни кўчириб кетмоқчиман, — дедилар.

Ойим қўлларида чойнак-пиёла, уй ўртасида тахта бўлиб қолдилар.

— Қаёққа, Қўлдошхўжа? — дея олдилар зўрга.

— Каттабоғга-да, опа, қаёққа буларди? Юрасизми, қийна-либ? Қаватимизда бўласиз. Укангизнинг ёнидаги жойни хатла-тиб қўйдим номингизга.

— Бу жойларимиз-чи? — дедилар ойим ҳамон ўзларига келолмай.

Тоғам қўллари чи айлантириб тушунтирдилар:

— Бу ерлар.. Яккабоғ атрофидаги бари қўрғонлар бузилади. Бузиб экин майдонларига қўшиб юборилади. Шунақа қарор бор, опа. Сизга Қанглидан жой ажратиб қўйишган экан.

— Ўзимиздан сўрамасдан-а?

— Ҳе, опа-я, шунча жойларимизни олганда сўровмиди, энди сўрайди? Энди ота-бобомнинг жойи эди, деган гаплариз ўтмайди. Қаёққа сурса, уша ёққа қараб кетаверасиз.

— Уруш пайтиям... шунақа қиларканми? — дедилар ойим, уларнинг эси борми, деган каби.

— Йўқ. Уртага уруш тушиб, бу нарсалар тўхтаб турибди. Лекин эрта-бириси кун тинчиб олиб, барибир кўчиради. Мен катта пилонларини биламан-ку, опа. Ундан кўра, ўз қаватимизга обкетиб олай.

Ойим энди жойларидан жилиб, ташқарига қараб юрдилар:

— Мендан аввал, ана, Асол опамларни опкетиб туринглар. Савобга қоласизлар.

Тоғам бир муддат ер сузиб туриб, яна илқис бош кўтардилар.

— Опам... унамадилар-да, унасалар қани эди. Ўламан саттор, Бахриддиним қайтмагунча, ҳеч қаёққа жилмайман, деб ўтирибдилар-ку.

Ойим нимадир демоқчи бўлиб бир қараб қўйдилар-у, индамай чиқиб кетдилар. Тоғам қўлларига битта лўппи жийдани олиб, унинг ҳол-ҳол қизил пўстини томоша қила бошладилар, аввал кафларига солиб чамалаб кўрдилар, бармоқлари билан эзиб-эзиб кўрдилар. Кейин тишлари билан этини ажратиб, чинчилогимдек узун данакни гирдим четига қўйдилар. Унда чинданам алиф битиклари бир нақшдай сафланиб турар эди. Беихтиёр жийда гулининг бирдан йўқолиб қолишини, катталар у данагига алиф ёздиргани хажга кетган, дейишларини эсладим... Тоғам ҳам хаёллари қочиб, яна битгасини шундай этидан жудо қила бошладилар. Сўнг қаршиларида мен ўтирганимни кўриб, хушёр тортдилар-да, кулимсирадилар:

— Хуш, сенам кеттинг йўқми, жиян?

Мен нима деяримни билмай гангиб қолдим. Кўз олдимдан Яккабоғу Миржумон атрофидаги ўзимиз буш қолдик дегунча шаббохун уриб кетадиган боғлар, мол боқадиган сойлар чарх уриб ўтди бирдан. Ва биз ҳар кеч хабар олгани бориб, ўтириб келадиган холамнинг уйларида тўхтаб:

— Биз кетсак, Асол холам... нима қиладилар? Улардан ким хабар олади? — деб юбордим. Тоғам кафти билан юзини иш-қаб қўйиб, кулимсирадилар:

— Шундай дегин?..

— Сиз билмайсиз, анув куни одам тушгани устига бориб қолибмиз, — дедим ҳовлиқиб. Тоғам ҳайратландилар:

— Одам?..

— Ўғри-да.

— Йўт-е, индамадилар-ку менга? Қачон оралабди? Ким экан?

— Султонмурод акаммиш...

Мен бу гапни қандай айтиб юборганимни ўзим билмай қолдим ва кўрқиб кетганимдан нафасим ичимга тушиб кетди.

— Султонмурод? Ўзимизнинг ўша... жиянимиз-а? — Тоғамнинг кўзлари қотиб, қорачуғи кенгайиб бора бошлади. — Ярамас! Мен уни шундай кўярканманми?! Ҳали шошмай турсин.

Мен ичим шувиллаб, кичкина тортиб кетдим: айтиб нима қилардим-а?

Чой кўтариб ойим кирдилар.

— Зерикмайгина ўтирибсизми, Қўлдошхўжа? Сиз бир пиёла чой ича туринг, мен овқатга уннаб юборай.

— Майли-ю... бу ёғи қизик бупти-ку, опа, — дедилар тоғам.

Мен пусиб кетарга жой топа олмай қолдим.

— Нима қизик бупти? — Ойим чой қўйишдан тўхтаб, мен-



га украйиб қарадилар. Мен талмовсираб секингина уйдан сир-галиб чиқдим.

— Опамларникига одам тушганини айтаман-да, — дедилар тоғам. — Эшитган қулоққа яхши иш бўлабди-ку.

— Ана шунинг учун ҳам бизни қўятуриб, у кишини кўчи-риб кетинг. Савобга қоласиз, — дедилар ойим.

Мен қия очиқ эшик тагидан кетолмай турардим. Тоғам тиззаларига шапатиллаб, чуқур тин олдилар:

— Шунча тушунтирдим, авраб боқдим, ялиниб кўрдим, қани кўнсалар. Гоҳ биб-бинойи бўлиб, «Мен Мукаррам поч-чангнинг руҳини чирқиратиб кетаманми, қаёқдаги гапларни гапирасан!» деб қоладилар. Гоҳ айниб, йиглаб берадилар. «Шу кеча Баҳриддингинам келадиган. Ўзи келсин. Келиб келинни чимидиққа опкисин, иннайкейин...» дейдилар.

— Худонинг хоҳиши, нимаям қилайлик. Ўзи сабр берсин ишқилиб.

— Айтишга осон, — дедилар тоғам хўрсиниб.

— Шукр қилинг, Қўлдошхўжа. Ҳаммангларни териб кетса, нима қилардик биз?

— Ўшанда нимагадир тегмовди. Энди қўймайди, опа. Бу урушда қўймайди! Битта қўймай оқкетайди! — деди тоғам қан-дайди алам билан.

— Сизниям-а, Қўлдошхўжа? — дедилар ойим ташвишга тушиб.

— Мениям, Ислом, Ақром, Исроилниям чақириб турибди.

— Битта суянганимиз сиз эдингиз...

— Шунинг учунам кўзим очигида кўчириб опкетай дев-дим.

— Ундай бўлса, майли, Қўлдошхўжа, — дедилар ойим бў-шашиб...

Шу куни тоғам алламаҳалда қайтиб кетдилар. Четидан бир бурдаси ушатилаган нондай кемтик ой Яккабоғ устидан қўчиб келар, узоқда ёлғиз ит акиллар, толзор кўчамиздаги кўприк остида қуриллаётган қуридоқ олам узиникидай нағмасини бў-шатмасди. Бу ерлардан кўчиб кетаримизнинг хабарини эшит-ган каби, баҳор кечасининг тентироқ шабадаси уйноқлаб уйноқлаб келиб, шоҳи рўмолдай майин, кўзга кўринмас қўлла-ри билан юз-кўзларимни сийпалаб овутомққа бошлар-у, ову-толмас эди мени. Ич-ичимдан хўрликми-хўрсиниқми — босиб келиб, назаримда, шамол ҳам мени қўйиб толлар тепасида хувиллаб йигламоққа бошлади. Тавба, тоғам кетдилару мен қаламторошини, йўқ, қаламторошиданам азизроқ бир нарсаси-ни олдириб қўйган боладек бўлдим-қолдим. Араз, гина, гариб-лик — барчаси қоришиб кетиб, ичимни кемиради. Кўзим жиқ-қа ёшга тўлиб, толзор кўчамизни, гулсафсарлар яккам-дуккам хумчалаган ўша ташландиқ ҳовуз бўйларини, томларию бугот-ларида ҳар турли утлар ўсиб кўрпа бўла бошлаган кулбамиз атрофида айланганим айланган (Ҳозир қизгалдоқ утлар шоки-ла-шокила бўлиб хумчалаб ётибди, айни «қизми-ўгил» ўйнайдиган пайт. Эрта-ичдин кеч бўлади). Шунда олдириб

қўйганим ўша нарса нималигини бирдан аниқ тасаввур этаман-да, томогимга муштдай, иссиқ бир нарса тиқилиб кела бош-лайди.

Наҳот томларида варрак учириб, буготларидан қизгалдоғу чучмўмалар териб катта бўлганим — уйимиз анув харобага ўхшаб хувиллаб қолаверади?

Кўчишимизни эшитиб, рости, уйқум ҳам қочиб кетди. Тиз-замда китоб, кўзимни қай замонлардир йўнилган қора-қизғиш тўсинлару тоқилардан уза олмай ўтирибман. Ойим шигилла-тиб кийим тикаётдилар.

— Ойи, нима зарил, ухласангиз-чи, — дейман зерикиб.

— Э, болам-а, шуларам зарилдан олиб келган.

— Бошқа бировга олиб борсин, — дейман тўнгиллаб.

— Ўша бошқа бировга олиб борарга бўлмаган-да, болам.

Мен тушунмайман:

— Нега бўлмасин? Олиб борсин, тамом-вассалом. Нима, сиз мажбурмисиз?

— Улар қиммат сўраса керак-да, болам.

— Сизам қиммат сўранг.

— Гапинг қизиқ, уларам ўзимизга ўхшаган одамлар, болам.

— Ўзингизам чокени икки қайталаб солиб ётасиз. Мун-дайроқ қилаверсангиз бўлади-ку.

— Ўшаларам умид билан тиктиради, болам. Бирпас вақтим-ни аямасам-аямабман...

Ана шунақалар ойим. Шундай бўлгач, етти қават олам кел-май — ким келсин. Ҳозир шу тикиш кўнгилларига сиққанига ҳайронман.

— Ойи-ойи, кўчмасак, нима қилади? Ўтирибмиз-ку, би-нойи?

Ойим кўзойнақларининг устидан бир зингил ташлаб қўйдилар-у, индамадилар. Чокни йўрмайвердилар.

— Ёлғизмиз десангиз, ана, Султонмурод акам келаркан-ку...

Ойим кўйлакни қайириб, бошқа қўлтигидаги чокни ўзлари-га ўнгладилар. Нинага янги ип ўтказиб, учини тутарканлар:

— Тоғанг бир нарсани билмаса, бунақа гап билан кел-майди, болам. Яхшиям шу боракан, — дедилар хўрсингандай бўлиб. Кейин қўшиб қўйдилар. — Раҳматли бувангга тортган, бутун уругнинг бошини шу қовуштирмаса, бошқаси бирлаш-тиролмайд.

Бир қурулдоқ супамизга туташ боғ деворининг қайсидир қавагида ўтирволиб, шу қуриллаяпти, шу қуриллаяпти. Кеча чексиз, олам чексиз, унинг нафаси ҳам чексиздай туюлади. Роса баҳорни соғингани эканми?

Ойимларни секин гапга тутаман:

— Ойи-ойи, бувамиз шунақа бой ўтганмилар?

— Айтувли деявер.

— Катта деганингизми бу?..

— Етимпарвар, қўли очик деганим...

— Бойларам шунақа буларканми?

— Ҳе, болам-а. Менга бир кўз ташлаб, хўрсиниб қўйдилар ойим. Уша буванг замонида урис Тошканга бостириб келган экан, кейин Улуғхужабой Кўкалдошда шаҳид бўптилар деган хабар тарқаганда, биласанми, нима булган экан?

— Нима булган экан?

— Улик бирёқда қолиб, ҳамма хизматкорлар оморда кепчиклаб тилла бўлашига тушиб кетишган экан. — Кейин қушиб қўйдилар ишдан бош кутармай. — Кўз қургур шунақа-да, тупроқдан бошқасига тўймайди.

— Нега энди кепчиклаб? — Мен анграйиб қолдим. — Олтиниям шунақиб бўлашадиларми?

Ойим мулойим кулдилар:

— Тошкентнинг бир даҳасини сўраб турган одамнинг бойлиги ҳам шунга ярашадир-да. Ишқилиб, бизнинг шажарамиз уша кишига бориб тақалади.

— Шажараси нимаси, ойи? — мен бу сўзни биринчи эшитшим эди.

— Ҳамманиям шажараси бўлади. Ота-боболарининг номи битилган китоб. Олтин китобам дейишади уни.

— Қани, қаерда бизнинг уша олтин китобимиз? — дедим ичим тошиб.

— Уғирлатган эканмиз. Раҳматли Истара буви айтиб утирарканлар, бировларга утиб кетди-утиб кетди деб...

— Нега утиб кетади? Талаб қилиб олиш керагиди.

Ойим мийигларида кулиб қўйдилар.

— Ҳе, болам-а, қайси сандиқларга тушиб, қайси кавакларга тикиб ташлашмади экан!

— Суришгирса...

— Ким суриштиради, қайси юракминан?

— Энди топиб бўлмайдимиз?

— Энди катта бўлсанг, узинг излаб топасан.

— Мен қандай топарканман? — дедим ҳалитдан ваҳимаси тушиб.

— Тоғанг айтиб юргувчи эди. Абдураҳим эшон почча уша китобни дараклатиб бир нарсалар топган эканлар. Кейин кўм-кўмда қайси гўрда қолиб кетди, боққа кумилдимиз, Сандиқли отага опчиқиб қўйилдимиз — ҳеч ким билмайди.

— Сўраб булар? Қанча вақт ўтибди-ку, ойи? — ховлиқдим мен.

— Айтасан-да! Бу ҳукуматти одамларига ишониб бўларканми? Очган кунинг — олиб кетиб қамашар...

— Қамашар? Ўз китобимизни очиб олишга ҳам қўйишмайдимиз?

— Тегиниб кўр-чи, узингни қаерда кўраркинсан. Индашмас, тоғанг биларди нима қилишни...

Ичим гурмишлаб, китоблар қаерда кўмилаганини билгим келяптики, асти қўйаверасиз. Девор тагидаги қурулдоқ эса мазах қилгандек чўзиб-чўзиб қуруллайди: Ху-ув, топиб бўлсан, очиб бўлсан, ху-ув... Менга алам қилади. Эшон почча деганлар китобларни қаерга яширдилар экан?

Айтмоқчи, уша қургон ортида ўзимиз мол боқиб юрадиган тепалик, шу тепаликнинг кунботар томонида ўпирилган жойи буларди. Ҳа-ҳа, ҳар кўклам бир ит болаларди унда. Ириллаб, тушгани қўймасди. Лекин бир кўрганамда деворлари қорайиб ётиб эди. Бир вақтлар ўт ёқиб, писта кўмир пиширишган шекилли. Балки, киши кўзига бир марта ёқсалар ёққандирлар. Аслида эса...

Ичим гурмишлаб, ойимларга қарадим.

— Ойи, уша китобларни анув тепага кўмишмаганмикан?

Ойим тиззаларидаги ишни йигиштириб, этакларидаги қийқимларни терар эканлар, юзимга бир қараб қўйдилар:

— Кўп билсанг, сочинг тўкилиб кетади, ухла энди.

Аммо уйқу келармиди?

— Поччанинг китоблари шунақа кўпмиди? Нима, у киши масжиднинг имомимидилар, ё...

— Мулла эдилар, болам. Бу депарада у кишига етадиган олим одам йўқ эди!

— Нима огирликлари тушибди... ҳукуматга?

— Билмасам, болам, худо-обло деган тақводор одам душман чиққанини ўшанда кўрдик. Раҳматли холанг билан кузатишиб борган Асол опам айтиб утирардилар. Боришса, бир шелон<sup>1</sup> саллали одамларни йигиб қўйишганмиш. Ҳаммасини қизил вагонга босиб опкетишибди. «Оқ пошшоём мардикор олганда бунчаликка бормаган. Булар сатта муллаларни йигибди. Қуриб, энди, йигламасанг ҳам йиглайсан», девдилар. Бу дунёнинг ишлари шунақа, болам. Энди ётақол, алламаҳал бўлиб кетди. Мана, мен ҳам йигиштирдим...

Алҳол чироқни ўчириб ётдик. Лекин қани уйқу келса. Хаёлим қочиб, холамгиларнинг эски кўргонида кезинаман. Ертўларга тушиб чиқаман. Томи очиб ташланган пахса уйларнинг валонгар эшикларини деразаларидан ўтиб, изгиб юрибман. Ҳар дўнг, ҳар тепа китоб кўмилаган жойга ухшаб кўринади. Бир маҳал кўзим илинибдию талай саллали одамлар ичида адашиб... йиглаб юрганмишман. Улар бошимни силаб, овутишга, узун чакмонларининг чўнтақларидан бир нималар олиб беришга уринадилар... Кейин кимдир қаватига ўтказдию мен унинг пинжиги кириб, кўксига бош қўйганча, ухлаб кетдим...

## Тирик ўғри

Сигирни арқонлаб, тол тагидаги ариқ буйида утирибман. Оқава ариқда кумушдек тиниқ сув шалдираб, садафдек кўпикланиб ётибди. Уша ёқдан ёввойи ялпиз ҳиди қўшилиб бир салқин уфурадики, қўяверасиз. Соями, ариқдан ураётган салқинми хуш ёқиб, аста чимга чўзилгим келади. Чўзилдим ҳам. Юмшоқ чимда ҳузурланиб бир думалаб олдим. Шунда бошим алланарсага тегиб, унгарилиб қарасам — ўқиш китобим, боя

<sup>1</sup>Шелон, демоқчи.

ташлаб кетганимча... ётган экан. Қорнимни ерга берволиб, нечанчидир марта ўрмонга кириб кетган қароқчи ҳақидаги ҳикоятни ўқиб ётсам... Иззанинг нариги ёгидан биров чақиради:

— Ҳов, эшон бола. Эшон бола-ёв...

Қарасам, Мимит амаки. Қарибам сгир боқишини ташламаган чол. Ниҳоятда сертакалуф, бир тутам эчки соқолини сийпаб, кўзиям, ўзиям кулиб турадиган одам. Мол боқиб юрсаям таҳорату намозини қанда қилмайди. Шуни демасангиз, боланинг ўзи.

— Ассалом алайкум, — деб овоз бердим.

— Ҳа, ўтмайсизми, биззи томонга. Зериктирманг-да одамни, эшон бола. — У тепачада муштдек бўлиб ўтирар эди.

— Сиз қаттасиз? Бир парча ҳам соя йуқ-ку у томонда, — дедим.

— Хув анави қуриқдаман, — деди Мимит амаки боши билан имлаб, — ўтинг, отамлашайлик бирпас.

Билдимки, Мирқобил ота менга ниманидир илиняптилар. Ҳойнаҳой белига бойлаб тушган кулча билан бир сиқим майизни ёлғиз ўзи қавшаниб ўтиришга ийманиб, шерик излаган. Қараса, бу ёқда мен ётибман.

— Ҳозир, — дея сапчиб турдим-да, ариқдан ўта, пастга қараб югурдим.

Мирқобил ота сўзини иккита қилмай борганимгаёқ елкамга қоқиб, курақларимни силаб кўришди. Боши сарак-сарак лиқиллаб, қалтироқ қўлларила бағрига тортиб қўйди:

— Оббо эшон болам-ей, катта йигит бўп қопсиз-ку...

Мен бу одам тоғамлар томонидан тушиб, мол боқиб кетишини биламан, лекин кимнинг буваси — ҳеч сўраб-суриштирмаган эканман. Биз учун у «анув бува» холос. Нонига шерик бўлганда элакишиб турамиз-у, бошқа пайтда парвойимизга келтирмаймиз. Биламизки, калта оқ яқтак устидан қават-қават белбоғ боғлаб, фақат оқ иштону калишда юрадиган бу мўмин-қобил чол бошқаларга ухшаб бизни тергамайди ҳам, сўкмайди ҳам. Муштдек бўлиб, бир четда уйинларимизни томоша қилиб ўтиргани-ўтирган.

Мирқобил отанинг ола сигири ҳар йили мош сепиладиган сойликнинг пастига арқонлоглиқ экан. Ўша сойлик Иззага келиб туташадиган жойда катта ташлама бор. Шу ариқнинг бўйига кимдир бир вақтлар қатор қилиб учта туту битта тол эккан. Тол чимзорга қуйуқ соя ташлаб, одамни ўзига оҳанрабодек тортиб турибди. Биз бориб ўша ерга чўкдик.

Сезганимча борақан, ота туриш-турмуши қоқ суягу томирдан иборат қилтириқ қўллари билан белбогини еча бошлади. Уннай-уннай ахийри ечиб, ўртага — чим устига ёйиб қўйди. Билганимдай, битта зогора нону устида бир сиқим майизи борақан. Синдириб қўйиб, мулозимат қилди.

— Олинг, эшон болам, бирга тамадди қиламиз. — Кейин калта камзулининг чўнтагини кавлаштириб, иккита ёнгоқ олди: — Манг, эшон болам, чақиб юборинг буни. Каттахўжа бувангиз эктирган ёнгоқларданам еб кўринг.

Мен иргиб туриб, битта тош топиб, ёнгоқни чақиб келдим-у, лекин қулогим остидан уша «Каттахўжа бувангиз» деб айтган гапи кетмасди: «Бу киши биззи буваларни кўрган табаррук одам экан-ку»... Йийиб кетиб, аста:

— Бува, сиздан бир нарса сўрасам, майлими? — дедим.

У елкамга қоқ кафтини қўйиб, иссиқ жилмайди:

— Сўрай қолинг, эшон болам!

— Ҳечким мени бундай чақирмайди, нима бу, эркалаганингизми?

У бир бурда сап-сариқ зогорани огзига олиб борган жойида қўлини туширди:

— Эркаласам арзийди, эшон болам... Сиз чинданам... шундайсиз...

Бу гаплар менга мойдек ёқаётган бўлса-да, маънисига етиб-етмасдим:

— Бу «хўжа бола» деганингизми, бува?

— Ҳа-да, саййидларга яқин турасиз, ахир.

Сутга қорилган талқон ҳидидай буй таратиб турган зогорани ҳам унутиб, савол халтам очилиб кетди:

— Саййидлар деганингиз-чи, улар — кимлар?

— Саййидлар деганим... пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам авлодлари.

— Унда хужалар-чи? — сўрадим энтикиб.

— Хужалар... асли наслингиз чорёрларга бориб туташади, эшон болам. — Кейин бошимни силаб, худди тавоф қилаётгандай қушиб қўйдилар. — Балки Ҳазрат Али орқали... пайгамбаримизга туташар, билдингиз?..

Мен анув куни ойимлардан эшитганларим ёдимга тушиб, Қобил бува тимсолида олтин топиб олгандай қувониб кетдим.

— Шошманг, бува, сиз бувамизнинг бувалари ҳақда эшитганимиз?

Мимит бува қаддини кўтариб, узича кулумсиб қўйди. Огзига икки дона майиз ташлаб тамшанаркан, хийла жим қолди. Сўнг:

— Ху-у, эшон болам-ей, — деди ҳам хўрсиниб, ҳам чўзиб — Етти пуштини биладиган қолдимиз ҳозир?! Жойи ростонига кириб кетди ҳаммаси.

Нарёқдаги сгирим зориқиб маъраб қўйди. Мен Қобил бувадан узилгим келмас, меҳмондорчилигиданам бурун манави ҳикоялари ёқиб турар эди. Бир қарқуноқ энди тепамизга келиб, «қиёв-қиёв»лашга тушди. Изза сойлиги устида қалдирғочлар қора ўқлардай пастлаб учиб, шўнгиб-кўтарилиб юрардилар. Тепадаги бедапоёда саъвага ухшаган сариқ бошли жимит қушчалар бири олиб-бири қўйиб, чулдираб ётибди. Иззанинг қайрилишида сув шалошлаб-шалошлаб қўяди. Офтоб кўтарилгани сари соя бизга хуш ёқиб боряпти. Баъзан-баъзан шабада боғ томондан жийда гули ҳидиними-ей, бир тотли бўйни келтириб димоққа уради. Кўринишдан мол боқишдан бўлакка ярамайдиған манави Қобил бува ҳар замон «олинг-да, эшон болам», деб қистагани сайин мен қисиниб-қимтинаман. У бизни шунчалик кафтига кўтариб, «эшон болам»лаб тургани-

да, биз арзитиб салом ҳам бермаганимизни ўйлаб, уялиблар кетаман.

Сигирим яна зорланиб маъради.

— Мен борай, бува. Ҳали сигирни олиб чиқиб боғлаб, мактабга кетишим керак, — дедим рухсат сурагандай.

— Майли-майли, эшон болам. Биззи томонларга ўтиб турунг, шунақа, — деди у боши қалтираб, зўрга киприк қоққанча.

Мен Иззанинг тор бир еридан ҳатлаб ўтиб, ўз томонимизга югуриб кетдим. Шундай енгил эдимки, қадирғочдай учиб кетсам мумкин эди. Илгари болалар билан қувлашмачоқ ўйнаганимда, Изза бўйидаги катта тепалардан пастга қараб чоппсам, шундай буларди. Худди елкамдан қўш қанот ўсиб чиққандай учиб кетардим. Ҳеч зог тута олмасди. Энди бирон кимсадан бирон ширин гап, ширин сўз, бирон суйунчилиги эшитсам, бас, ҳозирғидай аҳволга туша бошлайман. Бир ёқларга учиб кетгим келаверади, келаверади...

Китобни қўлиққа урганча, таргилни етаклаб тегирмон йулидан чиқиб борсам, Мўмин тоғанинг қўргони олдида тумонат одам. Эркаклар сўкинган, хотин-халаж дарвозанинг жилвохонасига тикилволган. Ҳовуз бўйидаги томошаталаб болакайларнинг-ку ҳисоби йўқ. Кимнинг қўлида сўйил, кимникида гаврон. Тол томонга хезланиб-хезланиб боришади-ю, уртадаги Мўмин тоғадан утолмай қайтишади.

— Ҳой, чирогларим, ўлдириб қўясиз, шуям худонинг бир бандаси, ахир. Эсингизни йигинг, — дейди у.

Ҳамма тоғанинг юзидан утолмасаям, аммо Раҳматилла бригадир кетмон дастанни боши тепасида сермаб, шангиллайтиди.

— Сиз уртага тушманг, тоға. Буларни аяганиз сари кўзга чўп солади. Биттаси унта бўлади! Қўйиб беринг, онасини Учқўргондан кўрсатворайлик.

Сигирни урикка тангиб ташлаб, ўша ёққа югурдим. Борсам, ариқ бўйидаги ичи чириб тушган толга бир ёқавайрон, бошьяланг одамни арқон билан чирмаб ташлашибди. Боғлагунча уласи қилиб уришган шекилли, боши кўнсага тушиб қопти. Гардану елкалари мўматалоқ. Агар толга боғланмаган бўлса, аллақачон оёгини узатворармиди.

— Нима бўпти, нима бўпти? — Ўзим тенгилардан шипшиб суриштира кетдим.

— Том тешган экан, тутиб олишибди, — деди бири.

— Бекор айтибсан, девол ошиб тушганикан. Ўзи айтди-ку, эшитмадингми? — деди бошқаси.

— Куппа-кундузи-я?

— Ҳамма далага кетганини пойлаган-да булар?

— Нега булар? Ёлғиз-у?..

— Шериги қочворибди.

— Ростдан-а?

— Донбей кўчада кетвотганини кўрганлар бормиш.

— Ким экан?.. — Миямга Асол холамларникига тушган ўгрининг номи... лоп этиб келиб, нафасим ичимга тушиб кетди. — Йў-е. опқочма.

— Рост. Сотмаяпти шеригини. Ўғри булсаям зўр экан, деди Алиакбар, толга чандиб ташланган ўгрининг оғзи маҳжам-лигига беш кетиб. Мен эсам, ичимда ўзим билан ўзим олишман: «Наҳотки Султонмурод акам? Ўзи қолиб, шерик бошлаб кептими энди?.. Балки бошқадир?..» Бу орада эркаклар қўлга тушган ўгрини урмоқчи бўлиб, хезланиб, хезланиб боришади. Раҳматилла бригадир ҳамон шангиллайтиди:

— Қўйиб беринг-да, тоға.

Йигитлар Мўмин тоғани аврашади:

— Рухсат беринг, жилма қўрса, эшакка бир тескари ўтка-зайлик. Кўчани бир айлантриб келтирамиз-да, майли, кейин қўйиб юборамиз. Хўп денг.

Қалами чакмонли Мўмин тоға масжидга отланган жойларида буларга рўбару бўлганлар шекилли, бошларида кичкина салла, ҳассага таянганча ўгрининг олдида «қалқон» қулиб турибдилар. Қўйиб берсалар, одамлар бечорани тилка-пора қилиб ташлагудек. Ким болахонадор қилиб сўкинади, ким хезланиб бориб урмоқчи, ким шангиллаб оламни бузади. Лекин тоға парвойи палак. Қилча жаҳллари чиқса қани?

— Қўйинглар, буям худонинг адашган бандаси, йулини топиб олади.

— Худонинг бошли-кўзли балоси денг! Юэсиз бандаси денг! — Раҳматилла амаки юзи янаям буриқиб-қизариб қўл силтади.

— Ночорлик шу ерга етаклаб келган, қўй, Раҳматилла, олов ёқма. Худодан қўрқ.

— Ҳали гуноҳини ҳам тилаб оларсиз? Илгариги замон бўлса, биасизми, нима қилишарди бунингизни?! Бировнинг молига чўзилган қўллари чопиб ташлашарди! Манавиндай! — деди у худди болтаси бор одамдай азот қўл силтаб.

Уни қара-я! Биз болалар кўзимизнинг пахтасини чиқариб, бир-биримизга термулишдик.

— Ҳозирам чопиш керак! Биттасини ибратга қилайлик, ҳаммаси ин-инига кириб кетади, — деди Ҳайбат акам бошқаларни қистаб.

— Ҳозир булак давр. Буни чертганиям қўшиб қамаворишлари мумкин-а, — деди кимдир.

— Ҳа-я, кейин додингни кимга айтарингни билмай юрмагин тагин. Буларнинг совунига кир ювмабсан, ҳеч нарсани билмабсан! — деди катта тўнка устида тамаки ўраб ўтирган пўчтачи Мирҳомид амаки.

— Бўлмаса, бошини силаб, яра-чақасини боғланглар-да, узр сураб, жавоб бериб юбора қолинглар! — деб кесатди Ҳайбат акам.

— Ҳеч нарса олиб улгурмаган экан, қўйинглар, яхшилар. Бошқа келмайди бу томонларга, — деди Мўмин тоға.

— Яхши! — Қўллари баланд кўтариб, Раҳматилла амаки икки қадам олдинга ўтди. — Биз рози, фақат шеригини айтсин, қўйвормаган ҳам номард.

— Ҳа-ҳа, сўраб боқинг, балки Султонмуродни танир, —

деди Ҳайбат акам негадир қистаб. Менинг гашим келди: зурлаб буйнига қўя қолинглар бундан кўра. Ёки Ҳайбат акам ростдан ҳам бир нарсани биладими?

Мўмин тоға ҳассаларини қўлтиқларига қисиб, уғрига ўтиридилар:

— Нима дейсан, бўтам? Айт-да, қутил-кет булардан.

Уғри бошини бемажол чайқаб, нимадир деди. Раҳматилла амаки шовқин солди:

— Жонинг борми, ҳаммага эшиттириб айт!

Уғри бу гал ҳам халойиққа қарай олмай мингирлади:

— Ёлғиз ўзимман.

— Ёлғизсан-а, ёлғизсан! Кимни лақиллатмоқчисан?! Мана сенга, дайус! — Қанақиб айланишиб бориб қолган — Ҳайбат акам уғрининг юзига қулочкашлаб тортиб юборди. Уғрининг боши... икки айланиб кеттиёв. Биз болалар кўрқиб кетганимиздан «хув-в» тортвордик. Балки яна битта урганида борми, боши сапчадек узилиб отилиб кетармиди?! Мўмин тоға ҳассаларини кўтариб, Ҳайбат акамни қувиб бердилар.

— Қоч бадбахт! Қачондан бери йиқилгани тепадиган бўлдинг?!

— Узр, тоға, узр. Ўзимни билмай қопман, узр. — Ҳайбат акам қўлини кўксига қўйганича орқага тисарилди.

— Боринглар ҳамманг! — Мўмин тоғанинг чўққи соқоллари диккайиб кетди. — Уғри сенларникига тушганми, меникигами?! Оналаринг нимага туққан? Жаллод бўлсин деб туққанми? Э, худо беҳабарлар!

Боя шангиллаб ҳеч кимга гап бермаётган Раҳматилла амакию Ҳайбат акамлар дами ичига тушиб, бурилиб жим-жим тарқай бошладилар. Фақат катта ёнғоқ тўнкасига кетини қўйиб, бурқситиб тамаки чекаётган пўчтачи Мирҳомид амакигина қалайсизлар, дегандай мийигида кули-иб ўтирар эди. У ёнидан ўтиб бораётган бир болакайни ушламоқчи бўлиб бир энгашидио «чини-мини хўп, гулдур-гуп» дея кафтидан иккита қурут чиқариб, узатди:

— Манг, полвон бола, сўриб кўринг, сузмангиздан қанақа қурут чиқибди.

Бола ҳайратланиб қурутни олдию кафтида айлантирганча туриб қолди. Унинг рост ё ёлгондакам қурут эканини билмай гаранг эди. Шу тоб шериги ҳалиги қурутдан биттасини тортиб олдию оғзига солди ва карс иккига бўлиб... кўзини сузди:

— Э, зур-ку. Қаймоқнинг узи!

Буни кўриб, болалар Мирҳомид амакини ураб олишди.

— Менгаям беринг, менгаям «чиқариб» беринг.

Амаки яйраб кетдию кимга қурут, кимга ёнғоқ, кимга эса туршак чиқариб бера бошлади. Қизиги шунда эдики, у «чини-мини гулдур гуп», деб, кимнинг боши, кимнинг гардани, яна қай биримизнинг биқинимиздан бирор нарса «пайдо қилар» ва бу ҳар гал бизнинг шод қийқиригимизга сабаб бўлиб, оламниям унутардик.

Бу ёқда эса, толга боғлоғлиқ уғрининг олдида Мўмин тоғанин узу буйи — дароз кампири бир косада айрон кўтариб чиқиб, гиргиттон булиб юрибди. Нуқул дўриллаган овозда айланиб-ургилади:

— Ҳай, болам, манавини ичиб ола қол. Ичингам узулиб кетгандир сангинани. Ол, ол, онанг қоқиндик...

Тавба, булар қанақа одамлар экан, уғриниям бошини сийлайдилар-а?..

Кейин биз болаларни уй-уйимизга ҳайдаб қолишди:

— Қани, болажонлар, сизларга жувоб. Ҳамма уй-уйига-е, тепа тўйига. Борақолинглар энди, бора қолинглар...

Мен сигирни уйимиз орқасидаги қандак ўрик тагига боғлаб, эшикка чопдим. У тамбалоғлиқ экан. Тамбани суриб ташлаб китоб-дафтарларимни олгани ичкарига югуриб кирарманми-кирган жойимда, тахта бўлиб қолдим. Уй уртасида... Ё алҳазар, арслоннинг ўлигидай чўзилиб... биров ётар эди!

Шундай киргану бошига битта ёстиқ топиб, ўзи тақир гиламнинг устига чўзилганча тош қотган. Ётганидаям, ойсининг уйида ётгандай бир қўли билан ёстиқни қучоқлаб, кўксини ерга бергану уйқуга кетган. Аммо-лекин хурракни тоза уряпти.

Қурқа-писа айланиб ўтиб, юзига қарасам... Султонмурод акам!

Уни қаранг-а! Зап устаси фаранг экан-ку, бу холаваччамиз! У ёқда шеригини толга боғлаб қай алпозга солиб, сўроқ қилишяпти, бу кишим бу ёқда уйқуни уриб ётибдилар! Э, қойил!

Мен мактабга кетворишимниям, далага — ойимнинг олдиларига чопишимниям билмасдим. Тирик уғри эса, бундан беҳабар хурракни урар эди.

## Тун пошшоси

Ўпкам оғзимга тикилиб мактабга етиб борсам, алақачон ҳамма синф-синфига кириб кетибди. Ҳовлида бола зоти йўқ. Лекин бизнинг синфдан алақандай говур-гувур келиб турибди. Зипиллаб бордим. Муаллим Саид Гани домла йўқ, бир синф болани битта дарсхонага қамаб қўйишибди: чагир-чугур авжида, ким гурпаклашиб, ким гап талашган, ҳамма бозор қилиб ётибди. Эшикни шарт очиб, Саид Гани домладай, панг овозда:

— Салом болалар! — девдим, ҳамма жой-жойига чопиб, тикка бўлдию:

— Салом, маълим! — деб юборганини ўзлари билмай қолишди. Кейин эса, алданганларини кўриб, ҳар чеккадан талай кетишди:

— Қитмир! Ушла уни!

— Писмиқ! Қўлга тушарсан!

— Сеними, шошмай тур.

— Бошига тушир. Аҳмад, ўша китобинг билан. Ақли кирарди.

— Кечирасизлар, кечирасизлар, вой-вой, иккинчи қилмайман, — деб зўрга қутулудим, эшик очилиб заҳар муаллим Хуснитдин аканинг қораси кўринди:

Ойингни уйими, бозор қиласанлар? Дарс ўтгани қўясанларми-йўқми?!

Нафасимизни ютиб қолдик. Буни кўриб, Хуснитдин муаллим, ҳурматим зўр экан, деб ўйладими, бўшашди.

Маълимларинг бугун келмайди. Топшириқ билан районга кетган. Бор-боравурларинг, озодсанлар! — деди-да, бурилиб чиқди-кетди.

Биз секин-секин, иккита-иккита бўлиб, жуфтакни уриб қолдик. Уйга келсам, ҳалига машҳур холаваччамиз ўша-ўша донг опиб ухлаб ётибди. Тавба, бир итимиз буларди. Йулбарс деган. Кун бўйи бир кунжакка кириб ётиб, кечаси бўлди дегунча изгиб кетарди. Мен уни Бойўғли деб чақирардим. Буям ўша «тун пошшоси»га ўхшайдими, нима бало?

Жилдни тоқчага ташлаб чиқаётган эдим, патнис даранглаб кетиб, тун пошшоси илкис бошини кўтарди. Мени ҳозир тушида кўрган одамчалардан бирига ўхшатдими, бирпас гаранисиб турди-да, кейин таниб қолиб, иссиқ жилмайди:

— Ҳа-а, пакана пари, келдингми? — Кейин туриб ўтириб, гилам изи тушиб қолган чўзиқ юзини ишқади. — Мактабингга бормай, нима қил юрибсан?

Мен гашим келиб, юзимни бурдим: «Саккизинчига ўтсам ҳам, пакана пари эканман-да?» У кулди:

— Ҳа, оринг келдими, пакана пари?

— Келса, сизга нима? — дея тўнгилладим.

— Келгани яхши. Ор — йигитнинг кўрки. Демак, усянсан.

Бу гап ёқиб яхшироқ қарадим. У чавандозлардек чайир, кўркам йигит эди. Лабининг устидаги калта мўйлови қирғий бурнига бир ярашибди. Шу туришда тўн кийиб, чаккасини дурра билан тангиб олсам, улоқчининг ўзи. Лекин ҳозир шаҳарча кийинган, устига устак бошланг, сочлари жингалак-жингалак.

Эғнида бу томонларда ҳали расм бўлмаган ироқи гулли ёқасиз куйлак. Ипак богичлари бир чиройли...

У туриб, бўйи шифтга етгудек бўлиб бир керишган эди, кураклари шиқирлаб кетди. Ўзи «Вух» деб қўйди-да, ювингани ташқарига қараб юрди. Мен унинг орқасидан суқланиб қараб қолдим.

Аммо шундай йигитнинг қилиб юрган ишлари... галати. Наҳотки буям ўша кўчага кириб кетган? Яна, ор ҳақида гапирганига улайми?!

У ҳовуз бўйидан ювиниб қайтаркан, супа ёнида тўхтаб, сурига, унинг орқасидаги ишқомларга суқланиб тикилди. Қилт этган шабадага ҳам дувва-дувва тўкилаётган узум гулларига кафтини тутиб ҳидларкан, беш кетиб қўйди:

— Оҳ-оҳ, буйларингдан! Маст этаман дейди-я, пакана пари!

Мен унинг устидан кулдим: шаҳарли акам-э!

— Уйнинг орқасидаги жийданинг тагига ўта кўрманг унда.

Холаваччам ялт этиб қаради:

— Нега, пакана пари?

— Жийда гулининг ҳидидан бошиз айланиб кетмасин яна...

— Ҳа, сен писмиқ! — У суйиб елкамга қоқди. — Мени шаҳарчига чиқариб қўйдингми ҳали?

— Булмаса, нимасиз? Далачимидингиз?

У ҳайратланиб қошини керди:

Сен ҳали бизнинг Яккабоғдаги кўргонни эслай олмайсан ҳам шекили?... — Яна кулиб таскин берди: — Бўлиши мумкин, бўлиши мумкин. Унда сен кичкина эдинг. Кўйлагингни орқасини тутиб қўйишадиган пайтлармиди-ей, пакана пари.

Мен тумсайдим:

— Нега энди, яхши эслайман.

— Нимани эслайсан? — деди яна ҳазиллашгиси келиб.

— Каттакон дарвозадан кираверишда, — мен аразимни унутиб, эслашга урундим, — хом нок буларди. Ўзи пишмаганга ўхшаб турарди-ю, қоқсангиз ерга парчин бўлиб тушарди. Унинг ёнида кўзидан шираси оқиб ётадиган нашвати...

— Топдинг-топдинг, пакана пари, қойил, фақат, хом нок эмас, кўк нок. У ташқи ҳовлимиз эди! Бутун нокзор эди. Ҳожини эшон бувамиз бу дунёнинг ҳамма нокидан эктирган эканлар! — У қувониб мени қучиб қўйди, кейин қистаб ёнига, супага ўтқазди-да, гапга тушиб кетди: — Ичкарини эслайсанми, ичкарини? Ҳар хил гилослару гулсапсарлар буларди...

— Анув баланд-баланд навда бериб очиладиган сариқ сапсар гуллариними, минг хил товланиб ётадиган гулбеорлариними?

— Ўлма, пакана пари! Ақлинг бутун экан сен болани! Узоққа борасан сен. — У елкамга қоқиб, қучиб қўйди. — Ҳовлимизнинг ўртасидан кесиб ўтиб, ҳовузга чиқиб борадиган ариқни айтяпман. Унинг бўйи бутун анвойи гулу райҳон буларди. Раҳматли ойим, сенинг холанг шунақа аёл эдилар: «Гул-райҳон-сиз ҳовли — ҳовлими», дердилар. Эй, у даврлар ўтди-кетди, пакана пари.

Оёғимизнинг тагида ер билан битта бўлиб ётган узум гулларига тикилиб, узоқ жим қолди. У шу жим ўтиришида бировдан зўр алами бор одамга ўхшаб кетар, шу алам уни ёмон йуларга бошамаса, узи бинойи одам эди. Юзидан ўгри-қароқчи сиёғи йўқ. Нега бунақа ёмонотлиқ бўлиб кетди экан у? Боя ҳам анув ушлаб олишган ўгрини зўр бериб, унинг шеригига чиқаришгаётгани-чи?

Мен ўзимни бу хаёллардан чалғитиб, елкам билан секин унинг биқинига туртдим.

— Сиз анув китобларни қаерга яширишганини... биласизми?

— У дафъатан англамади:

— Қайси... китоблар? Адамни китобларими?

— Ҳа-да, қаергадир яшириб қўйилган дейишди-ку.

У бош силкиди:

Тутри, яшириб ташлашган. Лекин биз болаларни ухла-тиб қўйиб, ярим кечадан ошганда... кумиб келишган, билдинг.

— Кимлар?

— Ким буларди, адамнинг муридлари-да. Мен бир кун аввал наматга ураб сандиқларга жойлашганида курганман. Катта-катта жиддли, қалин муқовали китоблар эди. Бир болохона китобни шунаққиб йўқотишган. Худди ўликни кумгандай, жим-жим... Ҳар биттасини ўпиб, кузларига суртиб, ураб-чир-машган.

— Қаерга... кўмишлари мумкин? — деб сурадим сабрим чидамай.

Боққа ё бўлмаса, уйнинг орқасидаги тепаликкадир-да. Балки мазористонга кўмиб келишгандир, — деди у негадир анигини айтгиси келмагандай.

— Уша боғларингизнинг пастиди бир мазорми, қайрагоч-зорми бор-ку. Балки уша ергади, — дея тахминладим.

— Балки, лекин у китоблар Яккабоғдан чиқиб кетмаган. Қаердадир ётибди, ер остида.

Биладиганларам миқ этмайдилар.

Этсинларам-чи! Эй, пакана пари, кимга ўзининг жони ширинмас! Сен куйма, ҳали вақти келади, адаларимиз оқла-ниб, номлари тилдан тушмайди. Уша китобларам қазиб олинади. Сен қўрқма, худонинг ўзи асрайди у битикларни. Биттасига гард юқмай одамларнинг қўлига етиб боради. У илоҳий китобларни ҳеч ким йўқотолмаган. Нега десанг, уларга худонинг каломи битилган. Шундай, пакана пари. Юр энди, чой кўйиб, бирон нарса тамадди қилиб олайлик, ахир. Ҳорин ҳам пиезнинг пусти бўлиб кетди-ку.

Ҳозир-да, сиз уйга киравуринг, — дея мен ошхонага чоқдим. Бир патнис жийда-майиз қилиб, таңдир нонни ушатиб, энди чойга ўтирган эдик ҳамки, кўча эшикда от пишқириб, сўлиқ чайнади. Кетидан:

— Ҳой, ким бор? — деган таниш овоз эшитилди. Чиқсам, тоғам. Эшик зулфинига отларини боғлаб, сассиз кулганча, кириб келягилар.

— Ҳа, жиян, опам қанилар? — дедилар дабдурустан.

— Даладалар.

— Уйда-чи, уйда ким бор?

— Султонмурод акам.

— Жуда яхши. Унда биз гаплашиб утиратурамиз, сен зипилла. Опамларни айтиб кел.

Мен топшириқ ёқинқирамай эликка йуналдим. Суҳбатимиз бир ердан чиққанда, гапнинг белига теңдилар-да. Энди бояги гапларни улаб булармиди?! Ойимларни айтиб, бир қоп офтобда қизиб ётган ўрни орғмоқлаб, даладан қайтсам, тоғажиян қизишиброқ ўтиришибди.

— Эй, тоға, биламан, сиздан булак пушти-паноҳимиз йўқ. Лекин шу ишни чакки қилсиз, — дерди негадир Султонмурод акам у кишига эътироз билдириб.

— Қайси ишни? Олимни мелиса уқишига юборганимми? — дедилар тоғам жеркибгина.

— Раҳматли адам икки дунёдаям унамаган булардилар бу ишга...

— Отни мину узоқни кузла, дер эдилар додам раҳматли. Кузимиз тиригида шуларам туپ қўйиб, палак ёйиб олсин-да, жиян. — Тоғам сал юмшаб, насихатта тушдилар.

— Мурсоаи мадора. Шунақами? — тўнгиллади акам. Тоғам унинг кесатигига парво қилмадилар.

— Ҳа-ҳа, мадор йиғаман деган мурсоа қилади. Кекдан ҳеч ким кўкармаган. Уч, интиқомдан қўзинг тинмасин.

— Ҳар ким чекига тушган отни минади, — деди акам у кишининг бетига қарамай, — менинг чекимга... шу от тушибди.

Тоғам мўйловлари диккайиб, унга қайсарсан-қайсар, дегандай қарадилар-у, яна ўзларини босдилар.

— Тўғри, ҳар ким ўзи ёқтирган отни минади, жиян, лекин бир умр асов от минолмайсан-ку, бир кунмас бир кун устидан отиб кетиши бор. Ужарлиқдан... кимга жабр?

— Пешонамдан кўрдим!

Султонмурод акам юзини терс бурган жойида ойим кириб келдилару бу гаплар ўз-ўзиданоқ тўхтаб қола қолди.

Улар туриб, ойим билан куришгани елка тутиб, энгашидилар.

— Ҳай-ҳай, қандай шамоллар учирди, Қўлдошхўжа, Султонмурод?! Келсам уйимни тўлдириб ўтирибсизлар. Куз тегмасин, бирам ярашиб турибди.

— Мен энди шўтта тургани келувдим, хола, — деди Султонмурод акам ўртада ҳеч гап утмагандай.

— Мен эсам, яна уша гап билан, кўчириб кетгани кевотман, опа. Эрта саҳарга тайёргарлигингизни кўраверинг. Қариндошлар ҳашарга айтиб қўйилган.

— Мунча тез, Қўлдошхўжа, у ёқда бир бошпана кўтармай туриб-а? — Ойим серрайиб қолдилар бу хабардан.

— Вой, опа-ей, шу уйингизнинг ускунасини пешма-пеш обориб, бир ҳафтада тиклаб берсак, ёмонми? Устанинг зўрини айтиб қўйганман, айниманг энди.

— Тоға, оталаримизнинг юртини ташлаб кетиб, нима топа-миз? — деди кутилмаганда Султонмурод акам.

Ойим ёмон тортишув чиқиб кетишидан чўчибми, уларни қистадилар:

— Утиринглар-ўтиринглар, бир дуо қилайлик аввал. Қани, Қўлдошхўжа, ўзингиз ўтганларнинг руҳи покига бағишлаб, бир тиловат қилиб юборасизми?

Тоғамнинг ширали овозлари бор экан, тиловатларидан одам ич-ичидан эриб кела бошлар эди. У киши «Аъманар расувлу» билан бошланадиган оятни ўқиб бўлгач, ўз-ўзидан бояги таранглик ҳам унутилди-қўйди.

— Кучиш бўлса, кучиш-да, Султонмурод. Ҳаммасиям отабваларимизнинг юрти. Бу мулқдан чиқиб кетяганимиз йўқ, — дедилар ойим энди бизни ҳайрон қолдириб.

— Шуни айтинг. Кўчса қаерга кўчибмиз? Кичкина хўжа

аканинг мулкидан Каттахужа аканинг мулкига утибмиз-да, -- дедилар тоғам кулиб, ҳам узоқ тарихдан тушиб. Биз жон қўлогимизни тикиб қолдик. — Бирлари Яккабоғни, иккинчилари Каттабоғни макон тутишган, фарқи шу, холос.

— Унда... Тошкентга ўрис босиб кирганида, Улугхўжа бува-мизнинг ёнларида туриб мерганлик қилган қайсилари? Кенжалари бўлиб чиқади-ми? — деди Султонмурод акам кўзлари аллақандай чақнаб. (Тавба, буни қаёқдан эшита қолибди?!).

-- Ҳа, уша кенжалари бўлса керак. У Қоратопда қолиб, булар бу ёқни ватан тутишган экан.

-- Кейин анув гап-чи, уям тўғрими? — деди Султонмурод акам лабининг четидеда жилмайиб қўйиб. -- Нусрат почча ай-тиб ўтирадилар-ку?

Кайси, Улугхўжа бува-миз шаҳид кетганларида тиллани кепчиклаб бўлашишганими?

— Йўқ, анув-чи? Улугхўжабойникига қачон борсанг, норин тайёр туради, деган гап-чи?

-- Ҳа-а, бор гап, дея тасдиқладилар тоғам. -- У киши айтували бой ўтган эканлар. Ҳар куни нечта қуй, мол, от суйи-либ, қозон осиглиқ турар, қанча одам норин тўғраш билан банд экан. Фаргонаю Наманган томонлардан одамлар бас бойлашиб, меҳмонга келишаркан.

-- Шундай тагли-тугли одамлар ўтди-кетди-я, -- дедилар ойм ачиниб. — Илоҳим ўзи раҳматига олган бўлсин ҳаммаларини.

Биз эса, ушандай буваларимизнинг номини япиришга мажбурмиз, -- деди Султонмурод акам аллақандай ёниб-ўқ-сиб.

Тоғам кўз қисдилар.

— Бу ҳаммаси вақтинча. Муҳими, кимнинг зурриёди эканингни унутма, ташингда сездирмагин-у, ичингда гурурланиб, юра бил.

— Уша ич ёниб кетса-чи? — деди қутилмаганда Султонмурод акам.

— Ўзингни босу уларнинг руҳи покига бир калима Қуръон тиловат қил. Ҳам таскин топасан, ҳам савоб юборасан, -- дедилар тоғам босиқлик билан.

Султонмурод акам бош силкидию ёдига бир нарса тушиб тоғамга саволчан қаради:

— Айтмоқчи, биз уша уч пуштимиздан бошқа нимани билалмиз? Улугхўжа бува-миздан у ёқдагиларни биладиганлар ҳам борми?

Тоғам синиқ қулдилар:

— Йўқ. Фақат Истара бувимиздан қолган бир гап бор. Эмишки бува-миздан кейинги ночорлик пайтларида шажара қоғозимизни состишга мажбур булишганмиш.

Қизиқ, -- деб қўйди Султонмурод акам.

— Ҳаммалариниям худо раҳматига олган бўлсин, охиратларини обод, имонларини саломат қилсин ўзи, -- дедилар ойм қутилмаганда. — Энди, Қўдошхўжа, ҳамонки кўчадиган бу-

сак, бугун кечқурунга битта ис чиқариб, тўртта қўшнини чақирсак, эҳсон-худойи қилиб юборсакмиди?.. Неча йил шу жойда туз-нон едик, қанча болаларимни, отасини ерга топширдим. Ўшаларнинг арвоҳ хотираси...

— Яхши. Унда вақт кетмасин, бўлмаса, -- дедилар тоғам.

Мен шифтимиздаги кўҳна тоқилару беҳи осиладиган узун доримиздан кўз узолмай қолдим: Наҳот шуларнинг ҳаммасини эртага қупориб ташлаб, кўчиб кетамиз? Қалдирғоч уясини бузсанг қанча чирқилайди-ю, биз жим-жим... Беихтиёр ичимдан хўрликми, хўрсиниқми босиб келиб, кўзим жиққа ёшга тўлдию секин уйдан чиқиб кета қолдим.

## Бу оҳу кимнинг қизи?

Тоғамнинг айтганлари-айтган экан. Кун ялигганиб чиқиб улгурмасдан қариндошлар «Ассалому алайкум» деб кириб келишяпти, кириб келишяпти... Шошиб қолдик. Ким эски кийимда ким пешонасини тангиб олган, ким кетмон, ким лўм кўтарволган.

Ойим елиб-югуриб супага жой қилдилар. Уйимиз бирпасда тўйхонага айланди-қўйди. Бир пиёладан чой ичишмаган эди, калхўзнинг автокачка араваси етиб келиб, Шокир аравакаш девор ортидан кўриниш берди:

— Ўртанглар тўлсин-ов, ким қабул қилиб олади биззи мировой жийрон қашқаларни? Марди борми йигитнинг?

-- Ўзинг-чи, нимага кет ташлаб қолдинг? -- деди Ҳайбат акам ҳазилашиб.

Тоғам уртага тушдилар:

— Шундай шартлашилган. -- Кейин даврага кўз югуртириб, буюрдилар: -- Сен -- Султонмурод, ўзинг чиқақол.

Султонмурод акам жон-жон деб ўрнидан турди, мен унга эргашдим. Отлар чинданам зўр, худди улоққа чопадигандек бир-бирдан қолишмас, гижинглаган эдилар. Уларни бир четга қайириб-боглаб, аравакаш билан хайр-хўшлашиб кирсак, дастурхонга фотиҳа қилишиб, говур-гувур билан туришаётган экан.

Кўтар-кўтар билан ичкаридан аввал сандиқлар, кейин кўрпа-ёстиқлар олиб чиқила бошланди. Купчиликка ҳеч гап эмас экан, уйимиз бирпасда шип-шийдам бўлиб, барча лаш-лушлар бир аравага жо бўлди-кетди. Султонмурод акам билан мен юкларнинг тепасига чиқиб олдик.

— Сапураҳоннинг битта уйини бушаттириб қўйганман. Эшикка олиб борсанг, кенноинглар тушириб олишади ўзлари, -- деб тайинладилар тоғам. -- Ров боринглару ров қайтинглар. Уйнинг усқуналарини ташиб олсак, марра бизники.

— Ров бўлса ров-да, тоға, -- дедию Султонмурод акам отларнинг устида қамчи ўйнатди. -- Чу, жониворлар! Қадамлари шамолдан тез жийрон-қашқаларим!

Арава билан силтаниб жойидан кўзгодди-ю, мен учиб кетай



деб кўрпалар устидан тортилган арқонга жон-жаҳдим билан ёпишдим. Орқамиздан тоғам қичқирдилар:

— Ҳой, секинроқ, бир даҳмазани бошлаб юрмаларинг тагин!

Султонмурад акам «хўп, тогажон!» деди-ю, ўзи тизгинни боягидан ҳам бўш қўйди. Отлар йўргалай кетдилар. Юзга укпарданам майин шамол урилиб, еллар одамни ачомлаб утишга тушдилар.

Учинчи қатнашимизда синчлар билан тоқиларни ортиб беришди. Тоғам дамлаган ошни паққос тушириб, уч-тўрт пиёла чой ичгимизча нақ пешин бўлди. Кун худди ёздагидек қиздирар эди.

— Вақт ўтмасин. Ҳали қанча юкимиз бор. Султонмурад, сизлар тура қолинглар, — қистадилар тоғам. Аммо у оёғи тортинқирамай ўрнидан кўзголди.

— Буни у ёқда тушириб оладиган одам ҳам беринг-да, тога. Ҳазилакам тоқи борми аравада? — деди тўнгиллаб.

— Яхши, ана, Акромхўжа билан Ахёр менинг отимда орқанглардан етиб боришади. Сизлар жунайверинглар, — дедилар тоғам муроса қилиб.

Биз яна жой-жойимизга чиқиб, Султонмурад акам тизгинни силкилади.

— Кетдик, жониворлар, бугун сизларга дам йўқ экан! Чу!

Нарироққа борганимизда, мен томонга секин қайрилиб, кўз қисди:

— Қайтанга яхши бўлди, пакана пари. Бу гал йўлни Қажумбек амакининг тагидаги айрилишдан соламиз-да, Чўмилишда тўхтаб, бир-бир шўнгиб оламиз. Бўптими?

Йўлни эслаб, юрагимга гулгула тушди:

— Шошманг, у йўлнинг қанақалигини биласизми?

— Ҳечқиси йўқ, тизгинни тортиб тушаверамиз. Қўрқма, қиямалиқдан, пакана пари! Отларимиз зўр!

— Ўзингиз биласиз...

Қоқ пешин. Олмазордан ўтиб, Иззага тушиб боряпмиз. Иззанинг нариги бетидаги кўм-кўк бедашояни демаса, қолган ерлар ҳали кесак рангида, экилган нарсалар униб, баҳор «кўк духоба» қийқимларини сочиб улгурмаган. Аммо чор тараф худди ёздагидек саратоннинг живир-живирига тўлиб ётибди. Тенада шаббохун уриб юрган қаддиргочлар ҳам сув ёйилиб оққан ариқларнинг ёқасига тушишган, соладиган инларига лой-чўп излаб, учиб-қўнишади.

Бир текис келаётган отлар йўл қиялагани сарими ёки аравадаги юкнинг зўриданми, қадамларини иддамлаатаётганга ўхшайди. Бундан беҳабар Султонмурад акам қайсибир катта ашула оҳангида ҳўштак чалиб, тебраниб боряпти. Мен бошимдан офтоб ўтиб бетоқатланаман. Ўзимни бирон сойга ургим келади. Йўл четидаги жийдалар кумушбарг ёзвориб ростмана гуллаган, неча чақиримдан асал ҳидини уфуриб, гуркираб ётибди. Аммо қилт этган шабада йўқ, одам ўзини тандирнинг ичига тушиб қолгандек ҳис қилади.

Шу топ Иззага келиб қолган эканмиз, йўл пастлаб, арава ўзининг залвори билан отларни суриб кета бошлади. Буни кутмаган Султонмурад акам отларнинг тизгинини жон-жаҳди билан тортиб, ўзини орқага ташлади. Отлар бошлари қайрилиб, кўзлари шокоса бўлганча, йўлдан чиқиб кетмасликка зўр берадилар-у, аммо қадамларини секинлата олмасдилар. Йўл шу ерга келганида чангал босган Жимиттепани айланиб ўтиб, кўприкка рўпара булар, шундан ўтиб олинсаёқ, араванинг залвори билан ҳам сойдан чиқиб кетилар эди.

Аммо ҳозир отлар аравани эмас, арава отларни суриб боряпти. Сургандаям, шитоб билан пастга суриб кетяпти. Бунга сари гилдирақлар ваҳимали шаддирайди. Араванинг ўзи мана ҳозир тўнтарилиб кетадигандай чайқалиб бориб-келяпти.

Мен эсхонам чиқиб, жон ҳолатда нималаргадир ёпишдим. Ва шунинг баробарида ҳов пастда, Иззанинг чўмилиш жойида, сувдан чиқа ўзини пана-пастқа му ёввойи ялпизлар ичига уриб бораётган қизларга кўзим тушиб, қотиб қолдим. Ё алҳазар! Кимлар ўзи булар? Париларми ё ўзимизнинг шу дала қизлари? Қаранга, чўмиладиган пайт келибди эканми? Қочишга улгуролмай қолганлари саросимада, ким қўллари билан кўксини яширганича, ким сув ўртасида секингина ўтира қолиб, кимлари қўйлақлари баданларига чиппа ёпишганча, қотиб турар эдилар.

Биз бўлсак қалдир-қулдир билан ўша ёққа тушиб боряпмиз. Қўрқиб кетганимдан «ўлибмиз!» деб уйладиму жон ҳолатда акамга бақирдим:

— Отларни қўйворинг! Ўз ҳолига қўйворинг!

Араванинг шу шаддирашию чўмилаётган қизларнинг қийчувида Султонмурад акам мени эшитдим-йўқми, билмайман. Аммо отлар кўзлари косасидан чиққудек бўлиб, осмонга сапчийдиган бир алпозда зўрга йўл топиб бораётган эди, арава нақ кўприкка етганда зарб билан бир нимага уриадю мен устидан коптоқдек учиб кетдим. Шу баробар отлардан биттаси зорли кишнаб, қизлар қичқириб юбордилар:

— Вой, ўлди, ушланглар!

Мен юз-бошим билан бултурги ёввойи ялпиз ичига шўнгиб, шалолаб сувгани, балчиққами тушдим. Ялпиз ҳиди гуркираб, бўғзимга таъмсиз сув тиқилди. Шу ўзимни ўнглаб, бошимни кўтараман дейман, қани кўтара олсам. Қўлимни ботқоқдан тортаман дейман, қани тортолсам. Аммо шу пайт кимдир икки қўлтигимдан даст кўтариб олди. Енгим билан кўзимни артиб, тепамда майда гулли чит қўйлағи ҳали селгиб улгурмаган қизни кўриб, анграиниб қолдим: У бошига шафтоли гулли узун симрўмол ташлаб чиқиб, салом қилган, Асол холамнинг ўша келини эди. Унинг юзи, ё худо, бир тиниқ, тиниқдан-тиниқ эди, мен умримда қиз боланинг юзи шунчалик тиниқ бўлишини яқиндан, жуда яқиндан кўриб турар эдим. Уни яна учратганимдан эсим оғиб қолган эди. Буни кўриб, у ширин жилмайди. Бошимни силай туриб, эркалабгина юзимга шапатилаб қўйди.

— Қалайсиз, ёмон тушмадизми?

Мен уялганимдан дикка туриб кетдим:

— Йўқ, мана отдекман.

У меҳрибонлик билан елкамга қоқди:

— Ҳайтовур-ҳайтовур, Худонинг ўзи асрабди.

— Қурқиб кетдингизми? — Шунақа ёмон учиб кетган эканманми — билмоқчи бўлдим.

— Эсхонамизни чиқарвордингиз-ку, — деди у кулиб, сўнг секин туртди: — Борақолинг, ёрдамлашворақолинг.

Шундагина арава бир муъжиза билан кўприк четига осилиб-қийшайиб қолганинию отлардан биттаси туролмай ётганини ва Султонмурод акам уни аравадан чиқариб юборолмай, зир югураётганини кўриб, ўша ёққа чопдим.

Сог отнинг остидан қандай утиб кетдим, билмайман. Узатилган пичоқни ола, отнинг бўйнидаги тизгинчаларини кесиб юборгандим, от сапчиб туриб кетди. Арава ҳам бир силкиндио оғиб, устидаги тоқилар шақира-шуқир билан Иззага ағдарила кетдилар. Юқдан бушаган арава эса, жойига унгланиб қола қолди. Фақат Изза суви билан битта бўлиб, энди тоқилар оқиб борар, бояги қизлар уни тутиб, олиб улгуришмас эди. Тоқилар бизники экани эсимга тушиб, мен ҳам ўзимни сувга отдим. Фақат дир-дир титраётган ҳалиги отни тутиб, силаб-сийпаётган Султонмурод акамгина биз томонга кела олмай, от орқасидан угринча қараб-қараб кўяр эди. Ахийри у отни аравага қўшиб бўлгач, нима қиларини билмай туриб қолди. Иззанинг бети билан битта бўлиб чимда сочилиб ётган тоқиларни олиб аравага ортай деса, қизлар ундан уялиб сувдан чиқиша олмаяпти. Қарашмай деса, бир ўзим ташиганим билан тонг отармиди? Буни кўриб, у мени тўхтатди:

— Сен шошма, пакана пари, отларга қараб тур. Мен тутзордан бир-иккита новда қирқиб келай, — дея катта тепанинг орқасига қараб юрди.

Шундагина биз эсимизни танигандан бери тикан босиб ётадиган катта ясси тепаликдаги чангаллар худди чўчмўма гулидай чиройли гуллаб ётганини кўриб, ҳайратда қолдим. Ёввойи нарсанинг гули бунча кўҳлик бўлмаса?!

Қизлар эса, Султонмурод акам нари кетиши билан апил-тапил сувдан чиқа бошладилар. Ким этагини сиқиб, ким сочларини тузаб, узларига оро беришар ва шу баробар нимадандир ҳуркиб туришар эди.

— Йўғида кетдикми, қизлар, — деди қорача юзли, бижилдоги дугоналарига.

— Йигит бўлсаям уятчангина эканми, а, қизла-ар? — деди алақайсиси.

— Узларинггам бўз кўйлақда йигит кишини уялтирворадиган бўб турибсанлар-да, айлана қолайлар, — деди ҳалиги бижилдоқ.

— Ў-ўл, узлари қандоқ эканлар? — деб ҳаммалари кулишди.

— Бўлди. Индамаса айнивогсанлар, ундан кўра, ортишвор-

ларинг, — деди Асол холамнинг келини қистаб. — Бўла қолларинг.

Улар усти қуриб улгурган тоқиларни териб, қўлларига тах-лашаркан, бижилдоқ келинойимга тегишди:

— Ўзларини жигарларидан урганми, нима бало-о, ёрдамлашгилари кепқопти?..

Қизлар қийқиришиб кулишди, келинойим ёлгондакам пўписа билан уни қувди:

— Ҳа тилгинанг кесилсин, сен нимани била қолдинг? Шошмай тур ҳали.

Улар гангир-гунгир билан менга кўз қисиб қўйишар, офтобда кийимлари қуриётганиданми хурсанд, чопиб-чопиб тоқи теришар эди.

Мен эсам от жilовини тутганча эсим оғиб турар, ҳали унисининг қилигига, ҳали бунисининг орқаси билан битта сочига аланглар эдим. Ахийри ҳалиги бижилдоқ сўнгги тоқиларни аравага келтириб ташлаб, кафтини қоқди.

— Ана, бўлди! Энди акачангизни чақираверинг, уялмасинлар, биз кетдик, — деди алақандай тегажоглик билан.

— Кетдик, изимизниям тополмасин, — деди кеннойим.

Улар жовур-жувур билан, кўприқдан чопиб утдилару кўз очиб юмгунча Жимиттепанинг орқасида гойиб бўла қолдилар. Жийдазорнинг ичига уриб кетдиларми ё чангал гуллари орасига кириб йўқ бўлдиларми, билалмай қолдим.

Султонмурод акам бир даста узун-узун тут новдаларини кўтариб қайтганда, ҳайҳотдек сойликда ёлғиз ўзим нима қиларимни билмай турар эдим. У новдаларни эшиб, аравадаги юкни ҳар эҳтимолга қарши тортиб боғлади-да, отларга эрк берди:

— Ҳа, қани, жониворлар! Ўзимнинг жийронларим, тортдик!

Арава гичирлаб бориб, шаддирай кетди. Ўзимиз ҳам югуришиб, устига чиқиб олдик. Шундан кейингина Султонмурод акам чиройли мўйловини силаб, кулиб қаради:

— Қойилман сенга, пакана пари. Отни вақтида бушатиб юбориб, мени бир хижолатдан қутқардинг-да, Иззага тортиб кетганда борми...

— Ўлувдик, — дедим мен.

— Ўлиш ҳам гапми? Анув қизларнинг олдида ерга кирувдик!

— Шунга айтинг! Ўзи Чумилишда бир маза қилайлик деб-миз-у, худо хоҳласа демабмиз-да.

— Эгалари борлигини қаердан билибмиз. Худога ҳам хуш келмади шекилли шу ишимиз? — Кейин қайрилиб аста сўради: — Ростданам, ҳалигилар ўзимиззи қизлармиди, ё бошқа нарсалар?

— Ўзимизнинг Каттабоғнинг қизлари шекилли, — дедим мен ҳам иккиланиб, — кўзимизга кўринмагандир-е, ўлдими?..

— Унда анув оху... сени булоқдан тортиб олган ким? Танийсанми ўзинг, пакана пари?

Менинг кипригим пирпиради:

- Нега танитай?  
- Бўлмаса ким эди?  
- Ким буларди, Асол холамни... олти ойлик келинлари-да.  
- Қандай... келинлари? — У азда-базда отларнинг тизгинини тортиди. — Баҳриддиннинг чимилдиқда қолган хотинини шу?

— Уша, — дедим, нимага сўраётганини уйламай ҳам, — Баҳриддин акам топилмагач, опкетишган кучини.

— Ё тавба!.. — деди у кўзларини бир дақиқа юмиб ва отларнинг тизгинини бўш қўйиб, беҳол силкилади. — Чу, жонивор.

Султонмурод акам унинг қимлигини билганда нимага бирдан бушашиб, беҳол тортиб кетди — мен тушунмаганимча қолавердим.

## Барзан

Биз тоғамнинг боғлари этагига, шундоққина кўча ёқасига тўхтаганмиз. Ақром ва Ахёр тоғаларим аравадан тоқию тўсинларни тушириб олишяпти. Тупроқ кўча ёқалаб эргашиб келган анҳор шу ерда, азим ёнгоқлар тагида кечикка ўхшаб ёйилиб, салқин уфуриб оқиб ётибди. Кейин у сал нарига бориб, куприк тагига, ундан аллакмининг уй ости билан ҳовлисига кириб кетади. У ёгига қаёққа боради — билмайман.

Ҳеч кўрмаган эканман: шу ердан Иззанинг нариги ёгидаги усмаранг олмасору сурмаранг ёнгоқзоргача, унинг ёнидаги соя-салқин толзор кўчамизу митти қўргонимиз, сал тепароқдаги харобазоргача яққол ташланиб турар, у жуда яқинга ўхшар эди. Балки у ўзим тугилиб ўсган жойлар бўлгани учун шундайдир, оловдай кўзга ташланаётгандир. Устига-устак, бугун уша ёқлардан кўчиб кетаётганимиз, ота юртни ташлаб, тоғаларимиз қаватига қайтаётганимиз учун у жойлар бир азиз кўринмоқдадир. Бутина эмас, кўнглимнинг бир чеккаси нима учундир гаш тортиб бораётгандай. Негалигини билмайман. Ҳарқалай ичимда йиги уйғотадиган бир куй, бир ўксиклик тугилиб келмоқда. Уни ота юртдан кўчув, айрилув куйи атамоқ керакми ёки болалик билан хайрлашув демоқ лозимми — буниям билмайман. Ишқилиб, кўзимда ёш айланиб турибди, аммо шу ёш ортидан ҳам у усмаранг олмасору билан сурмаранг ёнгоқзорни, сояга гарқ бўлиб ётган толзор кўча ва жондан азиз томларни аниқ-таниқ кўряпман. Улар шунчалик узоқда, Изза сойининг нариги бетига энди сабзарангга кира бошлаган даладар ортида бўлсалар ҳам, яхши ажратиб турибман. Улар энди бир умрга уша томонда қоладилар. Мен жуда-жуда соғиниб кетсам, шу анҳор бўйига мана шундай чиқиб олиб, соатлаб уша ёқларга тикилиб ўтираверишим мумкин. Мен у ерларда ўзим билмаган, ҳатто тоғам ҳада қилган пичоқчадан-да азизроқ бир нарсани қолдириб келганга ўхшайман. У нима экан — отини ҳануз айтиб беролмайман.

Шу маҳал Олмазордан тикка Иззага тушиб келган йўлда отининг оёғи ерга тегмай (аммо орқасидан енгил чанг ҳавога ўрлаб), учиб келаётган отлиққа кўзим тушиб, донг қолдим. У эгарга қапишволиб, тўнининг икки бари шамолда шунақа ҳилпираб келяптики, тагидаги отми ё қанотли бир нарсами — билиб бўлмайди. Сал зўр берса, бу жонивор, оймлар айтмоқчи, Сулаймон пайгамбарга кўрсатилган учқур отлар каби ҳавога учиб, осмону фалакка кўтарилиб кетиши мумкиндай.

— Уни қаранг-уни қаранг, Султонмурод ака!.. — Мен урдандан иргиб туриб кетдим.

У кўчанинг шу бетига ўтиб келиб, кафтини пешонасига қўйганча, туриб қолди ва бирдан:

— Ия, Барзан-ку! Ошнамиз-ку! — деди ҳайратини яшира олмай. — Шунча сўрасам миндирмовди. Ўзларига мумкин экан-ку, шошмай турсин.

— Ким дедингиз?

— Ким буларди, Ҳайбат аканг-да.

— Ҳа-а, — дедим: отини қизгонмаган чавандоз чавандозми!

— Барзанми ўша?! Бу дунёнинг отимас, қарчигай-ку, қарчигай! — дедилар Ақром тоғам юз-кўзлари ёришиб.

— Қўявер, жиян. Ўзим би-ир Келес томонларга опчиқаман сени. Ана ушатда-да отнинг зури. Буларга эланиб юрасанми?! — деди Ахёр тоғам.

Ҳамон қанотли отдай учиб келаётган Барзандан кўзини узолмай турган Султонмурод акам:

— Минг қилсаям Барзан — Барзан-да, — деб қўйди.

Менинг фикру хаёлим бошқа ёқда. Иззанинг йўлига тикилиб ўтириб ҳадиғи қанотли от сойликка шўнгиб кетганча бирдан қаёққа йўқолди — билолмаяпман. У мана ҳозир бу ёқдан. Қаюмбек амакининг пастидаги йўлдан учиб чиқади десам... бадар кетяпти. Нима бало, Ҳайбат акам уни Иззада чўмилтиргани опкелаётган эканми? Ёки уям бизга ўхшаб, сойга қуладими? Учқур отини эплай олмай қолдимиз? Балки ҳозир... Ичим гурмишлаб боряпти. Отмисан от экан ўзиям. Бир кўрсам, армоним қолмасди. Фақат менми десам, сув ёқасида чўнқайиб қўлини чайганча турган Султонмурод акам ҳам хаёли оғиб қопти. Ичида нималар кечяпти, нималарга хаёли қочиб, нималарга рашки келибди — бир ўзи билмаса, мен айтиб беришим қийин. У менга кўзи тушиб, ширин жилмайди ва қаддини кўтариб, елкамдан енгил қўчди.

— Кетдикми, пакана пари? Ҳалиги Иззага қўр тўккан парилар учиб кетмасдан? Анави Сулаймон пайгамбарниям маҳлиё этган отлар зотидан қолган Барзан жунавормасдан, кетдикми?

— Кетдик-кетдик, — дедим мен учиб-қўниб. — Тезроқ бо-рақолайлик, Барзанни бир кўрайлик.

— Ҳа, холаваччалар, тинчликми? — деди Ахёр тоғам, бизнинг шовқинимизга ўгирилиб.

Аравага қўшилан отларни анҳорнинг пастак ерига тушираётган Султонмурод акам:

— Тинчлик-тинчлик, аммо биз кўрган нарсаларни сиз икки дунёдаям кўрмайсиз. Тугрили, Мақсуд? — деб маъноли кўз қисди. — Бизни қачондан бери кутиб ётишибди. Ана, Барзанни ҳам чиқариб олишди, кўрдингиз-ку. Мақсуд, кетдик парилар мамлакатига, — дея у ўзини арава устига олар-олмас, узундан-узун тизгинни силкиб, отларни қистади. Отлар силтаниб, буш араванинг оддинги гилдиракларини бир кўтариб ташладилар-да, ҳали тупроги уйнамаган кўчадан шалдиратиб олиб қоча кетдилар. Мен ҳам аравага чиқиб олдим. Арава бурилиб, отлар анҳор устидаги кўприқдан дупирлаб ўтиб, пастга тизгинсиз чопа кетдилар. Аммо Султонмурод акам оёғини кериб, тик турганча отлар тизгинини қўйиб юбормай:

— Чу, жониворлар! Бормисизлар! Ойнониб кетай... Буш келмайсизлар! — деб қичқиради. Қийқириб кулади. Қалайсан, пакана пари, деб орқасига қайрилиб қўяди. Қошларини чиройли уйнатиб, кўз қисади. Ишқилиб, ўзида йўқ хурсанд. Ва лекин кўнгли нимадандир алагда.

Толзорга етганимизда бошини бир ёнга эгиб, тизгингаям бўй бермай бораётган қизил йўрга сойликни жангиллатиб кишнаб юбордию шу заҳоти унинг акс-садосидай Иззанинг нариги бетидан бошқа отнинг бунданам кучли кишнагани эшитилди.

Кўриб қотиб қолдим. Иззанинг нариги бетига чопиқ қилаётган қизлар йўл ёқасидаги жийдаларнинг тагига чиқиб олишган, ариқнинг бу бетига эса, Барзан гоҳ гижинглаб чир айланар, гоҳ оддинги оёқларини осмон барававр кўтариб, орқа оёқларида тикка туриб қоларди.

— Қизларга томоша кўрсатгани опкелган экан-да, Ҳайбат акамг?! — деди Султонмурод акам бирдан ранги ўзгариб ва кутилмаганда отларнинг бошини чимзорга бурди.

— Яқинроқ борайлик, — деб ялиндим мен.

— Боравер ўзинг, — деди у эшитгиси ҳам келмай.

Ўзи эса пастга тушиб, отларнинг сўлигини чиқаришга, бошқа ишларга алаҳсиб кетди. Нега бирдан айниб қолди, нимадан тега қолди, ҳеч тушуна олмасдим. Ҳозир Барзанга беш кетиб турган одамга нима бўлди, нима жин урди?

Мен Барзанни кўргим келиб турар эди, аравадан сакраб тушдимю кўприқдан Иззанинг нариги бетига югургилаб кетдим. Жимиттепани ошиб, чангаллар орасидан ўтиб борсам, уҳ-у, зўр томошанинг устидан чиқибман. Барзан — тўрттала тўпиги ҳам бирдай оппоқ, ўзи қизил тилладай ялтираб турган, пешонасидаги оқ холи юлдузга ўхшаб кетган гўзал от шундай рупарамда туриб, Маргу кеннойимнинг қулидан бир нималар емоқда эди. Чопиқчи қизлар эса, уч-тўрт қадам нарида ҳуркиб туришибди. Отнинг ҳайбатидан кўрқишганидан бир-бирларининг пинжларига кириб кетгудек тикилишади, кеннойимга «Қоч, Маргу, ўласан»лаб чуғуллашади. У бўлса, отга кафтини тутиб турибдию яна бир қули билан унинг пешонасини, «юлдуз»ини силаб-сийшайди. Эркалаб, енгил шапатилайди. Шу тоб Барзан олган нарсани қасир-қусир чайнаб, бир пишқирган

эди, кеннойим демаганлар икки сакраб кетди. Қизлар қичқириб қочишди. Эгарда мағрур утирган Ҳайбат акам хаҳолаб кулди, сўнг кулгусини босиб, кеннойимни чақирди:

— Ойдин қиз, порасини бердиз, ҳа энди саломини олмайсизми? Келинг, кўрқманг.

Кеннойим ҳайқибггина бир қадам босди.

— Келаверинг, еб қўймайди. Қарз саломини олинг-да.

У кафтларини очиб кўкраги барававр кутарган эди, от ҳам иккала оёғини азот кўтариб, орқа оёқларида тикка турдию уч бора бош силкиб, аста тисарилди ва ўйноқлаб, гир айланишга тушди. Қизлар чапак чалиб, чуғирлашди:

— Қо-йил, қо-йил!..

Шу тоб пастдан дупир-дупир ва шалдир-шулдур шовқинлар билан акамнинг араваси отилиб чиқдию Барзанни ҳам, бизларни ҳам кўрқитиб юборди. «Бу нима қилиқ, шундай томошанинг белига теңди-я...»

Барзан турган жойида гир айланиб, бирдан осмонга сапчиди ва олдимиздан ўтиб улгурган араванинг ортидан учиб кетди. Улар бирпас уч от қушилган аравадай бирга-бирга чопиб бордилар. Сўнг Барзан илгарилаб, Ҳайбат акамнинг тўни худди боягидек шамолда пар-парон ўйнаб, қуш қанотга айланди. От кўкка ўрлаб учиб бораётган ҳайбатли қушга ўхшаб қолди-қўйди...

## Қизил тарам олманинг эгаси

...Эртаси уста келди. Қулдош тоғамнинг гаплари гап экан, янги жойимизни одам босди. Устаям, хашарчиям қариндошлардан чиқди. Ким лой қорган, ким гишт терган, фақат ёғоч устани тоғам Чулпон отадан айттириб келдилар. У жуда тезкор одам экан. Кун ёндираман дейдию у бўлса «ҳа бўл, ҳа бўл»ни қўймайди. Ахийри ҳаммани катта қари тол тагидаги супага — тушликка чорлашиб, бизга ҳам озодлик теғди. Мен лойчелақни итқитиб, кўчага — анҳор бўйига уриб кетдим. Сувга ётиб олиб, маза қилиб балиқ бўлаётсам, қаёқдандир ишшайиб Соли етиб келди. У ёнгоқнинг дўппайиб чиқиб турган илдизига ўтириб, мени кута бошлади. Мен имладим:

— Туш. Маза бўшти сув.

У тилини тақиллатди:

— Бир жойга бориб келай.

Бир шумликни бошлаш пайида эканини сезиб сўрадим:

— Қаерга?

У кўзларини уйнатиб, товушини пастлатди:

— Биласанми, бир ерда чилааки...

Мен қўл силтадим.

— Чилааки уйдаям бор. Исмон тоғам бериб юборибдилар.

У сирли ишшайди:

— Яна бир ерда... қизил тарам олма...

— Ҳалитдан қизарибдимми?

— Қизарганда қандоқ! Кўзинг ўйнайди!

- Қаердайкан?
- Борасанми?
- Рост айтяпсанми?
- Ҳа, есанг карсиллайди!

— Кетдик, — деб мен сувдан отилиб чиқдим.

У ҳам сакраб турди. Олдинма-кетин қувалашиб бориб, пастак деворлардан ошиб ўтдигу тиззага урадиган кўм-кўк барра ўтлар босган ишқомлар оралаб кетдик. Кимсасиз, салқин толзор кўчага тушиб олиб, аллақандай ҳовуз бўйига етиб бордик. Соли бош сермаб имлади:

— Бу ёққа.

Биз гадойтопмас чакалакзорга кириб бора бошладик. У аллақандай ҳовлининг ташқарисига ўхшар, қаровсизлигидан беҳио олча шохлари бир-бирига маташиб кетган, ҳаммаёқни маймунжон қоплаб, онда-сондагина баҳайбат тошнок туплари учрар эди. Биз девор ёқалаб бориб, пастак томли бостирмага етдик. Ундан кейин яна сархоки емирилган девор ва гувалакли уй бошланиб кетарди. Соли тўхтаб, шипшиди:

— Келдик, сен манави ерда тур. Мен чиқволгач, имлайман — чиқасан. Хўп?

Бўпти, — Аммо юрагим гупилаб, девор тагига чўқарканман: — Узинг оптушаверсанг-чи? — дедим.

— И-и-и, шундан шу ёққа келиб-а? Уни қара. Тепага имлади у.

Ростданам ичкаридан деворга ёпишиб ўсган олманинг шохларида ярми оқ, ярми қизил тарам олмалар муш-мушакон, назаримда, баргидан ҳам кўпроқ эди. Мен беихтиёр қизил тарам олманинг хуш бўйини туйиб, «яхши» деб юборганимни ўзим сезмай қолдим.

— Кетдим, — У шипилаб деворга, ундан олма тупига тирмашди.

Гарданим қотиб, тепага чиқиб олишини кутяпман, ахийри айри шохга етиб имлади. Мен ҳам қад ростлаб, деворга қўл чўздим. Аммо олманинг устига чиқиб бориб, пастга қарайманми... ё тавба, эсим оғиб қолаёзди.

Пастда ариқ, ариқ бўйи салқин райҳонзор, унинг ёқасида эса бўйрадек супа эди. Супанинг устига жой солиниб, хонтахта қўйилгану дастурхоннинг бир чеккаси қайрилиглик. Ўша қайрилган ерида ўсма сиқилган пиёла, ёнида бўйра чўпи билан турибди. Ўсма эгаси хонтахтанинг ёнига чўзилгану салқин элтиб, шинакка кетган.

Унинг қўлларини ёстиққа ташлаб, бир гўзал ётишини кўриб, қотиб қолибман. Энг уста рассом ҳам унинг бундай ширин тушлар кўриб ётишини чизолмаса керак. Оро бериб қўйилган ўсмали қошларига ранг топа олар-у, тиниқдан тиниқ юзига топиши қийин, чиқиши қийин. Мен бўлсам...

Бир маҳал гарданимга оёғи билан нуқиб, Соли шипшиди:

— Ҳов, мунча анқаясан? Термайсанми?

— Тиш-ш. — Мен супада ётган қизнинг уйғониб кетишидан чўчиб, бармоғимни лабимга босдим.

Соли олма шохига қапишганча, жим қолди. Лекин бир лаҳза ўтар-ўтмас, сабри чидамай, шивирлади.

— Нима, ҳовлида биров юрибдими?

Мен унинг ҳалигача ҳеч нима кўрмаганидан ичимда қулдим. Овсар, қорнидан бўлак нарсани биладимиз ўзи? Ниҳоят, у ҳам супага кўзи тушиб:

— У-у-у, — деб юборди шивирлаб, — ўлибмиз-ку.

— Кўргани йўқ ҳали, ваҳима қилма, — дедим уришиб.

— Ҳозир кўради, ҳозир бошига одам чақириб, тутиб беради, — деди утакаси ёрилиб. — Қочдик.

— Ў-е, шу юрак билан шўтга бошлаб келдингми? Ухлаб ётибди-ку,

— Ухлаб? Йўг-е.

— Қўрқсанг, секин тушавер, мен етволаман, — дедим унинг даф бўлиб, олма устида ёлғиз қолишимни истаб.

— Хўп. Сенам тез бўл, — У мушқудай эҳтиёткорлик билан шохдан шохга ўтиб, туша бошлади.

Мен эса битта қизил олмани узиб, қўйнимга солганимни биламан. Бир нарса дувилаб тўкилиб берди-ку! Утакам ёрилиб пастга қарасам, Солининг қўйни бўшаб, оқ-қизил олмалар ариғу райҳонзор ичи билан битта бўлиб ётибди. Чўчиб бошини кўтарган эгаси эса, ҳали нима гаплигига ақли етмай, супадан оёғини осилтириб утирибди.

Соли:

— Қоч, ўдинг! — дедию жон-жаҳди билан деворнинг нарёгига ўзини отиб, чакалакзорга уриб кетди.

Мен бир қаричча сирғалиб тушиб улгурдим. Оёғим олма айрисига қисилиб қолиб, айри шохда ўтирганимча қолдим. Қиз ялт этиб бошини кўтардию кўзи менга тушиб... жилмайди:

— Ие, қайним, сизмисиз?

Мен уни... қўйган ўсмасию ухлаб ётганидан... танимаган эканман. У кечагина мени булоқ ичидан тортиб олган қизнинг ўзгинаси -- Асол холамининг кетган келини эди.

— Вой, эҳтиёт бўлинг, оёғингиз қисилиб қошти-ку, — деди у урнидан турсалоли.

Қаддимни кўтариб, яланг оёғимни айридан зўрга чиқариб олдим. У булса, олманинг тагида гиргитон бўлиб турибди:

— Энди тушавуринг, қўрқмай тушавуринг. Ҳеч зог йўқ. Вой, сизни қаранг-у. Яқинроқ келиб, ҳайрон бўлиб сўради: — Тавба, ўнгимми-тушимми? Бу ерга қандай кеп қолдийиз?

— Билмасам, — деб елка қисдим. Лекин тушиб боришга ҳамон бетим чидамасди.

— Тушинг-тушаверинг. Айтдим-ку, уйда ҳеч зог йўқ. Мен уй пойлаб қолган одамман. У қулди. Мендан роса пойлоқчи чиқарканми?

— Чиқаркан, — дедим ўзимни тутиб олиб. — Тепага чиқволибмизам, билмайсиз.

Кейин туша бошлаб, деворга етганда оёғимни осилтириб

утирводдим. Асол холамнинг келини ариқдаги сувда юзию қо-  
шини чайиб, кўрпача устида ётган сочиққа артинди-да:

— Шошмай туринг энди, — дея райҳон ичига сочилиб  
кетган олмаларни этагига тера бошлади. — Бахтийиз боракан,  
биттайам заха бўлмабди.

Мен кулдим:

— Бунинг эгаси алақачон жуфтакни урворди-ку. Мен эн-  
ди қўл урган эдим.

Кеннойим ёқимли жилмайди:

— Шунақами? Шеригизам бормиди ҳали?

Мен бош силкидим.

— Бор эди, йўл бошловчим.

У шу ёққа юриб, райҳон ислари гуркираб кетди.

— Кимийди? — деди қизиқсиниб — Мабодо... ўша кунги  
шеригиз...масми?

Рости, рашиким келди. Шундай кўҳлик қиз қаёқдаги қароқ-  
чини сўраб утирса... Кимлигини билмайди-да. Билса, бетига  
ҳам қарамасди-ку. Ундай десам...

Мен бош чайқадим.

Асол холамнинг келини ариқдан ҳатлаб утиб, этагидаги  
олмаларни битгалаб узата бошлади:

— Манг, у кишига ҳам оборарсиз.

Мен бир дақиқа тилим танглайимга ёпишиб, тахта бўлиб  
қолдим. Буни сездирмасликка тиришиб, зураки кулимсирадим:

— Олармикин, уғирлик нарсани?

— Вой, нега уғирлик булсин, мен беряпман-ку?! — У яна  
жилмайди. Унинг жилмайишига маҳлиё бўлиб, гапимни ҳам  
йўқотдим.

— Майли, обориб кўрай.

У усма ҳиди анқиб турган нозик бармоқлари билан ёқамни  
тўгрилаб, бетимни сийпаб қўйди.

— Фақат, мен берворганимни айтмайсиз, хўп?

— Хўп.

У олмадан бушаган этагини қоқиб, ариқдан қайтиб ҳатла-  
ди. Сўнг уялибгина қараб қуйиб, рухсат берди.

— Борақолинг, майли, биров кўриб юрмасин.

— Хайр, — дедим ҳечам кетгим келмай.

— Хайр, — деди у ҳам, киприк қоқиб.

Мен оёгимни деворнинг бу ёғига оширдим. Девор сархоки  
орқамдан шувиллаб тўкилди. Бетини уста рассом ҳам чизол-  
майдиган кеннойим девор ортида қолаверди. Мен эсам,  
қўйнимда бир талай олма, ўзим нимасинидир йўқотган одам-  
дай, чакалакзордан бир амалаб ҳовуз бўйига чиқдим-у, у ёғи-  
га қаёққа юраримни билмай туриб қолдим. Тавба, қанақа жин-  
топмас жойларга келиб қолибмиз экан?

Бундай қарасам, ҳовузга сув бир ёқдан кириб, иккинчи  
ёқдан чиқиб ётибди. Шу ариқ ёқалаб бораверсам, ўзимизнинг  
анҳор бўйига олиб чиқар, ахир.

«Тавба, шу ёқда тураркан-да, Асол холамнинг келини»...

Ариқ ёқалаб, сувнинг бошига боряпман-у, кўз олдимдан

бултурги воқеалар кетмайди. Биз никоҳ ошига боролмай қол-  
ган болалар борганларнинг олди-қочдиларини эшитиб, ариқ  
бўйида тизилишиб утирибмиз. Тўйхонада гулхану машъалалар-  
ни ёқиб, ҳамма келин келишини кутар эди. Куёвтура — Баҳ-  
риддин акам ўзининг жўралари билан қўшни Анвархўжа тоға-  
никида тортишмачоқ олдидан жиндай маишат қилишаётган  
эди. Кутилмаганда пақ-пуқ ўқ овозлари эшитилиб, тўйхонада  
гала-говур кутарилди.

— Вой улмасам, шундай кунда облочи босибди, — деди  
хотин киши қарганиб, — балогинага йўлиқсин, бировнинг  
тўйини азага айлантирадим?

— Қатни босибди? Қаттайкан?

— Қани ўзи? Ўзлари қани?

— Кимни қидириб кептийкан? Кимни дедийиз?

— Вой, қочибдимми? Қочишибдимми?

Пайдар-пай саволлардан ҳеч нарсани билиб бўлмасди. Биз  
болалар ўқ чиққан томонга югурувдик, хотинлар қувиб солиш-  
ди.

— Сенларга нима бор-а, уйларингда ўтирсаларинг-чи!

Хотинларнинг бай-байига қарамай, ишком оралаб кетган  
Алиакбар бирпасдан кейин ваҳимали гап топиб келди.

— Куёв йўқмиш, жўраларийам йўқмиш! Ҳаммалари қаёқ-  
қадир уриб кетганча қайтишмабди.

— Облочилар-чи?

— Қувиб кетишганмиш Изза томонга қараб.

— Уни қара-йя! Ҳа, уларга нима керагакан?

— Билмасам...

Шу ола-говур ичида бог оралаб: «Баҳриддин-ув! Баҳриддин-  
гинам-ув»лаб чошган Асол холамни охийри алдаб-сулдаб, қайта-  
риб олиб келишди. У изиллаб йиғлар, йиғисини ютмоқчи бў-  
лар-у, ютолмасди. Холам келин тушадиган уйнинг зинасида шу  
утирганича, қум-тошдай ўтириб қолдилар.

Ниҳоят, Тегирмон кўча томонда келин узатиб келаётган  
аёлларнинг ёр-ёрию улар тушган араванинг қаттиқ ерда «қа-  
тирлаб» келаётгани эшитилиб, биз кўчага чопдик.

Йиғлама қиз, йиғлама,

Тўйхонада олов чирсиллайдур, йор-йор.

Йор-йоримиз эшитган,

Куйовтурам йураги жизиллайдур, йор-йор, ---

куйлашарди улар.

Бу ёқда эса, куёвтура қайси жарга уриб кетганини ҳеч ким  
билмайди. Облочи босганда қўшилишиб қочган жўраларидан  
биронтаси қайтсачи, улар ҳам йўқ. Яқинлашиб келаётган ёр-ёр  
овозини эшитиб, зинада утирган холам бир йиғига тушиб бер-  
дилар, бир йиғига тушиб бердилар:

— Худо-о, бу кунингдан жонгинамни олақо-ол! Ширин  
ошимга заққулгина ташламаса буларинг?!

Холам бир айтиб йиғлай кетдилар, бир айтиб йиғлай кетди-

лар. Катта ҳам қушилишиб йиглади, кичик ҳам. Аёллар бир тўда, биз бир тўда бўлиб олганмиз. Ҳеч ким кетолмайдиём, яқин бора олмайдиём. Бир вақт ҳарсиллаб-лорсиллаб Нусрат почча етиб келиб:

— Ҳай-ҳай, янга, ҳай, янга, элдан бурун бу нима ишингиз? Уят бўлади, — деб холамни ичкари олиб кириб кетдилар. Кейин зинага қайтиб чиқиб, ҳаммани тартибга чақирдилар. — Ҳой яхшилар, сизларга нима бўлди? Қудаларни шундай кутиб ола-сизми? Боринглар, ҳар ким ўз ишини билиб-билиб қилсин. Келинимизни иззат-икром билан тушириб олинглар. Ҳой, Фаридабону, болаларга айтинг, оловга ўтин ташласинлар! Дастур-хончи қаерда? Мохорага қарамайсизларми? — Кейин дарвоза олдида довдираб турган сурнайчиларга буюрдилар. — Ҳой, метал, чалмайсанми, туй туйга ухшасин-да бундай.

Яна чоп-чоп, говур-гувур кучайди. Яна мангъалаларга жон кирди. Яна сурнай ўз навосини янгидан бошлаганда келин келиб тушди. Сочкилар сочилиб, келин палак остида ёр-ёр билан олов атрофига олиб борилди. Сўнг тортишмачоқ бўлагидан уйгаям кирди-ю, жим-жим, узини гўшанга ортига ўтказиб юборишди. Аламаҳалда Баҳриддин акамнинг жўралари қайтиб келишди. Аммо куёв билан унинг куёвжўраси ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Шунда қочган йигитлар орасида «об-лочини Акмал ўрис чақиртирган экан», деган шивир-шивир гап юриб қолди. Бир ҳафтадан кейин куёвжўрасини тутиб, аскарликка жўнатишгани маълум бўлди. Аммо Баҳриддин акам йўқ эди.

Келинойим олти ой кутди. Кейин кетувди. Мана, қаерда экан...

Ариқ ёқалаб юрганим сари у берган олмалар қўйнимда ширин-ширин сиргалар эдилар. Энди бу олмалар Баҳриддин акамгамас, бошқа бировга аталган эдилар.

## Беда гулида ўрилади

Том сувоқдан кейин ярим-ёрти кўчиб чиқсак керак, деб ўйловдим, йўқ, Сайдориф почча пахсага сув бостириб, лой ётқизишга, ҳовлимизнинг гир атрофига девор уришга тушиб кетдилар. Қўлдош тоғам шунақа деб тайинлаганмишлар: уйни сувоғлари шамоллаб қуригунча девор ҳам битеди, деганмишлар.

Ҳозир янги уйимизга кирдим, дегунча ачиган лойнинг ҳиддан бошим айланиблар кетади. У қуриб-селгиш олдидан шунақа зўр гуркирар эканки, тавба. Лекин бир чиройли уйлар чиқди.

Бугун қўлни орқага боғлаб кечгача лой тепдик. Дунёда энг бемаза иш лой тепиш экан, селкиллаб тепавурасан, тепавура-сан, бир изингдан ун-юз бориб келарсан, қани лойнинг пиша қолса. Шунгача тепавурасан, тепавурасан. Бел гахтадек қотиб, оёқларинг лойга айланар, ҳеч нарсани сезмай қолар ҳамки,

қани иш туғаб кеч туша қолса. Иззагами, бир ёқларга қочиб кетгинг келади. Шунақа вақтда, арзимаган нарсаларга чақириб келадинган Соли ҳам қорасини курсатмайди.

Ниҳоят узундан-узун чўзилган кун ҳам кетиб, офтоб нурла-ри ердан дарахтларнинг устига кўча бошлади. Арзимаган нар-салар ҳам узун-узун соя ташлаб, салқин бир эпкин билан кеч-ки шабада юрди. Учоқдаги олов гуриллаб, ўша ёқда куйманиб юрган ойим овоз бердилар.

— Ҳой, болагинам, сигирингга борақолгин. Қаровсиз қо-либ, учов-рўдаси узилгандир. Бедапояда эди. — Озодлик текка-нидан қувониб, кўчага шаталоқ отиб кетишимни билгандай, кўшиб қўйдилар: — Озгина ўтлатиб келарсан.

— Хуп, ойижон.

Бирпасдан кейин шундай пастимизда — Иззага қадарли чўзилиб кетган янги ўрилган бедапоядан чопиб борардим. Бе-данинг чуқиртаклари товонимга ботгани ҳам билинмай, уйноқ-лашга тушиб кетдим. Ҳали куёш узоқда — худо билсин, Аччи қирларидан ҳам наридадир — уфқда бир тоғора ўтдай ёниб-ялигланиб турар, унинг зарҳал қорилгандай нури юпқа зар рўмолдайин далалар устида ётар, кунботардан эсан бир эпкин уни тагидан кўтариб, ширпирагиб тургандайин эди.

Ҳамма ёқдан бир ажиб ҳидлар анқиб, бедазорда югургинг-елгинг, умбалоқ ошиб яйрагинг келади. Бедага ўроқ тушиб, оламни беда гулининг ҳиди тутиб кетганки, қўйаверасиз. Шу тобда бир гарам беданинг устига чиқиб чўзилсанг борми, оҳ, унинг гаштига нима етсин эди.

Думбаси селкиллаб қолган қўзилар онасининг атрофида диконг-диконг сакрайди. Қорни думбира бўлиб кетган моллар ҳам пишилаб-пишқириб ўтга ёпишади: қоронгу тушгунча қо-ринга киргани ганимат-да.

Ҳамма қайтяпти-ку, бир мен бедапоянинг ўртасидан уйноқ-лаб-югуриб, Иззага тушиб бормоқдаман. Сигирим ўша пастда. Тезроқ бориб ечиб юборсам, бирпас яйраб қолади. Кейин ўзим юмшоқ жой топиб, би-ир чўзилсам эди...

Яхши ният ярим мол-да. Сигиримни қоziқдан чиқариб, бундай қарасам, бир арава беда ортилганча тоғ бўлиб турибди. Отлари ҳали аравага қўшилмаган ҳам. Ўзлари ўтлаб бўлиб, нарироқда бўйинларини бўйинларига қўйиб, беозор ўйнаш-моқда. Паншаха охири боғ бедага санчиғанча қолган.

Аравакаш — Султонмурод акам бўлса керак, негаки отла-ри таниш, ўзи бу атрофда кўринмайди. Ҳойнаҳой Иззага ту-шиб кетган. Келгунича бедасининг устида бир чўзилиб роҳат-ланмайманми! Шишиллаб араванинг тепасига чиқиб кетдим. Оҳ-оҳ, бунақа мазани яна қаердан топасан?!

Ойнадек осмонга қараганча, чалқанча ётибман — таним, оёқларим, белим бир яйраяпти, ҳеч нарсани ўйлагим, ҳатто қимир этгим келмайди. Кўзларимни ҳам юмиб олдим. Қани энди шу ётганча шу гарамга сингиб кетсам. Биров бир нарса демаса, ҳеч ким тополмаса...

Ундай десам, Султонмурод акам шунча бедани ортиб

қўйиб, ўзи қаёққа гумдон бўпти экан? Хаёлим қочиб, унгарилдим. Иззага тушиб олиб, анув жигаридан урганнинг йулини пойлаб ётгандир-да? Қаерда экан?

Қарасам, Иззанинг нариги бетига биров кўринади. Шундай куприк ёқасида. Акамнинг ўзгинаси. Демак, акажоним уни қутяптилар. Кўргилари кепқопти-да?

Ҳашим келиб яна унгарилиб олдим. Пойласа пойлаб ўтмай-дими? Баҳонада мен бир маза қилай. Роҳат-ку бу ётиш. Бундан ортиқ роҳат қаерда? Қаерда?

Юмшоқ беда лой тепавериб, тахтадай қотган белимга, болдирларимга шундай ёқяптики, нарёги йўқ. Бунақа юмшоқ нарсани икки дунёдаям тополмасман. Тополмасман.

Беда гуркираб аллалайди. Ўзим қарамайин ҳам аллақандай бир ўтнинг бошогини қўлимга оламан-да, бандини ҳардамхаёл чайнаганча... кўзим илинибди. Бир маҳал улар тушимда (ё тавба!) бошлашиб мен томон келишаётганмиш. Аниқ-таниқ кўриб турибман. Улардан бошқа ҳеч киммас. Бир ўзлари. Иззадан чиқиб келишяпти. У акамдан бир қадамгина олдинда сочини урганчами, уйнаганчами, келяпти.

Ана сочини ўриб бўлиб, орқасига бир чиройли итқитдио узи акамга кулибгина қараб қўйди. Баҳридин акам қолиб, энди уни топиб олибдими? Уни ўлдига чиқариб, холамни қон йиглатиб, ҳали шу йўлларга кирибдими? Шошмай турсин, шошмай!.. Қоним қайнаб, сақраб туриб кетгим келади-ю, ни-магадир қаддимни кўтаролмайман. Худди биров кўкрагимга минг пудди тош бостириб қўйгандай — на қўлимни, на оёғимни қимирлата оламан. На унгарила оламан, на юзтубан тушиб, юзимни бедаларга буркай оламан. Бунданам ортиқ хўрлик бўларми?!.

Тушимдан ҳам хафалар бўлиб кетган жойимда бирдан бу ниҳоятти туш эканини эслаб, енгил тортиб кетдим. Худога шукур-ей, туш экан-ку, тушим экан-ку, уйқумни бузишга арзимаскан-ку. Ётибман-ку, ахир бедага кўчилиб, маза қилиб. Бундай роҳат яна қаерда бор?... Бор?... Бир умр шундай ётаверсам дейман. Кўзимни ҳам очгим келмайди. Лекин атрофдаги тиқ этган товушгача, барчасини эшитиб ётибман. Қаердадир тургай чулдираб, устимдан бир гала чумчуқлар учиб утадилар. Узоқда бузоқ онасини қўмсаб, ўксиб-ўксиб, маърайди. Иззанинг нариги бетига экин ичида бедана «во-во, вовоқ»лаб қўяди-ю, сайраб юборолмайди...

Шу маҳал шундай пастимда, ҳойнаҳой араванинг бу ёнида биров энтиккандай бўлди. Қиз бола шекилли? Ё менга шундай туюлдимикан? Кейин... ялиниб шивирлагани... эшитилди:

— Қўйинг, энди мен борай... Жон Султонмурод ака.

Ғалати бўлиб кетдим. Лекин қимир этолмайман, этсам қани. Этсам сезиб қолишади.

— Бирпасгина сабр қилинг, Маргу, — дея утинди акам, — сизга гапларим бор.

— Айтадиганингизни айтинг, ўтинаман сиздан. Бу аҳволда турмайлик, қўйворинг энди.

— Хўп, ана... Фақат, айбга буюрмай, очигини айтасиз.

У бўшладди шекилли, иккиси ҳам шивирлашга тушдилар.

— Сўрайқолинг, сиздан нимани ҳам яширай.

Султонмурод акам чайналди:

— Биласизми, мен унинг тақдирини, узи нима бўлганини билишга... қасам ичганман. Аниқлай олмасам, Султонмурод эмасман! Султонмурод отим бекор! Тушуняпсизми?

Қиз хўрсинди.

— Мен нимаям дей. Ўзларини яхши-ёриқ кўрмаган... бўлсам. Ачинаман, аммо иложим қанча.

Акам ўзи сезмай, овозини қўйиб юборди ва яна шу заҳоти шивирлашга тушди:

— Йўқ, сиз тушунмадингиз. Мен биронта яниб ё қасдлашиб юрган бормиди демоқчиман.

— Вой, ростданам... — Кеннойим шошиб қолди. — Анув Акмал урис ўлгур бир кун йўлимни тўсиб эди.

— Тўйдан олдинми?

— Ҳа, анча олдин.

— Нима дейди?

— «Агар ўшанга тегсанг, эрингниям, ўзингниям чавақлаб кетаман. Бир кунам тургазмайман», девди.

— Кейин кўриниш бердими ё дим-дим кетяптимми?

— Яқинда кўрдим.

— Хўш?

— «Эндиям тегмайсанми? Ўйлама, мендан қочиб қутулолмайсан», деб ишшаяди, балога йўлиққур.

— Сиз-чи?

— Икки дунёдаям... тегмасман, ўша хотинбозга.

Акам кулди.

— Мениям йўлдан суриб ташлай олса-чи...

— Ҳеч-да. Топган гапингизни-чи!.. Ундан кўра нафасингизни иссиқроқ қилинг. Башараси қўрсин унинг, — деди у аза-базза хафа бўлиб.

Султонмурод акам эркалади.

— Ҳазиллашдим. Ҳаммани қўйиб, сизни унга бериб қўярмидим! Ҳали у шошмай турсин!

Асол холамнинг келини ичида кулди:

— Вой-вой, сизга нима ёмонлик қила қолди?

— Қилсинам-чи!

— Ана холос!

Баравар кулишдилар. Сўнг у яна кетишга шоша бошлади.

— Энди мен борай, Султонмурод ака, шусизам қанча қолиб кетдим.

— Яна бирпас турайлик, Маргу? Ҳозир ой чиқади.

— Сизнинг бирпасингиз кўч экан...

— Ўша кўпи яхшимасми?..

— Йўқ, яхшиси ойга қаранг.

— Хўш?

— Шунда мени унутасиз.

— Шу яхшими, сизга?



- Балки яхшидир.
- Балким ёмондир?
- Билмадим, билмадим...

Кутилмаганда у юлқиниб чиқдию чопиб кетди ва нари бориб:

-- Хайр, уша Ойни сизга бердим, — деганича, кета бошлади.

-- Хайр, — деди акам бушашиб ва туриб-туриб у ҳам жидди. Аравасини қўшмоқчи бўлиб отлари томон юрди шекилли...

Мен яна ёлғиздан-ёлғиз қолавердим. Турай дейман-туролмайман. Кўзимни очай дейман-очолмайман. Ҳали-ҳозир эшитганларим унгимми-тушимми — унияям билмайман. Очсам, унгим бўлиб қолишидан қўрқаман. Очмасам, акам ҳозир қайтиб келадигандай.

Балки булар ҳаммаси хаёлдир? Аммо аниқ эшитиб ётибман. Иззанинг нариги ёғида бедана пат-палақлар, Султонмурод акамнинг отлари кишнаб, гир айланиб чопар эдилар.

Наҳот аламини отлардан олмоқда?

## Девор ортини кўрадиган одам

Изданан бир чиройли балиқ тутаётган эдик.

Сойликнинг шундай тепасида турадиган қора Толиб бедана матрабга ухшатиб тўқилган турини олиб тушган, биз учига эски чой идиш қоқилган ходани қўлдан қўймай, сувни пўпиллатиб балиқ ҳайдаб келар ва тўр сувдан кўтарилиши билан «қаний-қаний»лаб устига ёпирилар эдик. Каттароқ сазан тушса, устига ўзимизни отамиз, жимитдеклари типирчилаб қолса, қайта сувга қоқиб ташлаб, ҳаёт ато этамиз. Ана шу турни силкилаб қоққан пайтимизда балигу балчиқ, яна аллақандай сув утларининг ҳидлари қўшилиб, гуркираб кетади. Кейин аллавақтгача кийимларимиз, қўлларимиздан келиб туради.

Тутган балиқларимизни толчиқиққа териб олганмиз. Уни ҳар галгидек Мирзараҳим «оп-оп!» кўтариб олган. Тўрга каттароқ сазан тушиб, ичда оппоқ қоринларини ялтиратиб типирчилганида, уни кўрсангиз. Ботқоқда ўсган ўтлар устида айиқдай лапанглаб, ўйинга тушиб кетади:

-- Ан-на! Ан-на! Анна-е! дейдию бир оёғи лопиллаб турган ботқоққа ботиб кетиб, ўтириб қолади.

Биз балиқдан ҳам бурун унинг ана шу қилиқларига бормиз. Турнинг атрофида бесўнақай одамовидек сакраб-уйноқлашига беш кетиб кулишамиз. Уни ботқоқдан тортиб олишининг ҳожати йўқ. Унга лой-сув баробар.

-- Мана, ман-на, — дейдию бир силтаниб оёғини тортиб олади-да, балчиққа буланган оёқларини Иззага солиб ўтирвола-

ди. Кейин уни мамнун шалопплатганча, тўр ичидан балиқни олган болага дуқ уриб чақиради:

-- Оп-оп... Оп-ке, опке девотман.

Шу хурсанд бўлсин, деб балиқни яна унинг чивигига кири-тиб берамиз. У бўлса, лабининг четида мамнун-мамнун кулганча, толчиқиқдаги балиқлар шодасини Иззанинг сувига солади:

-- Оқ-оқ-оқиб кетчи. Кетиб бупсан!.. -- дейди. Биз шуниси-га бормиз.

Суяги бузук Мирзараҳимнинг юзига аллақачон катта кишиларнинг нусхи уриб кетган, лекин қилиги уша-уша. Нима ҳам дейсан, тупимизга қўшмасак, хафа бўлади, нарироққа бориб олади-да (ё бўлмаса бирон тепага чиқволади-да), бўралатиб сука кетади. Унинг сўккани бизга сўк оши, хандон ташлаб кулаамиз! Мана, ҳозир ҳам ўйин тополмаганимиздан сувга тўр солиб, балиқ ҳайдаб юрибмизми?! Шу худонинг «эрка бандаси» хурсанд бўла қолсин, деб унга балиқ тутиб бериб юрибмиз.

Аймо қаёқданам ўйинбузуқи Соли пайдо бўлдию унга қизиқиб, янги қитмирликни бошлаб қуйибмиз. Мирзараҳим Иззанинг бўйида ростмана оёғини сувга солиб, шалопплатиб ўтирганида, Соли билан қора Толиб пичирлашиб туришган эди. Бир маҳал тепада хотин киши кўриниб, у паранжисига ура-ниб, пиддираб кела бошлади ва болалардан қайбири:

-- Мирзараҳим, қара. Ана, Ойжамол! -- деб қолдию...

Мирзараҳимнинг ранги-туси ўзгариб, юзи дув-в оқарди. Ўзи қалт-қалт титраб, толчиқиқдаги балиқни ҳам ташлаганча тисарилиб қочинга шайланди, биз болалар ўзимизни босолмай кула бошлаганимизни кўриб, буриқиб кетди. Алами қайнаб жаҳд устида:

-- Бор! Борларинг! Аҳмоқлар! Бад-бад-бадбахтлар! -- дея сўкинганича қўл силкилашга, қўл силкилаб туриб, яна ўзига ишонмай, тисарилиб қочинга тушди. Биз баттар хохладик. Ҳозир «Ойжамол» етиб келишинию Мирзараҳимни тутиб «ея-бошлашини» тасаввур қилиб, баттар сойни бошимизга кўтардик.

Кимдир атай:

-- Ростданам Ойжамол, қо-оч, Мирзараҳим! -- деб бақирди.

Кимдир калака қилмоқчи бўлиб:

-- Қўйларинг, умасдир. Етволсин, кўрайлик, -- деди.

Ҳаммани қўйиб, Мирзараҳим етказиб қўядими!

-- Жалафлар! Па-па-паранжингга урай! Йўқол! -- дея сўкинганча сув кечиб, ботқоқларга ботиб, қора мўндай қорайганча, Иззанинг у бетидаги тепаликка тирмашди. Зўрга чиқиб олди-да, қорнимизни ушлаб, чимга ағанаб-ағанаб кулаётган бизлар ҳам қолиб, паранжи ёлганча, Иззани кечиб ўтолмай турган Ойжамолга ишшайди:

-- Ў-а! Ўтолмадинг-ку! Бу кунингдан баттар бўл!

Бу гапга чидолмаган Ойжамол линаларини кўтариб, азда-базда Иззага туша бошлади ва бирдан паранжи бошидан тушиб кетиб, у ўзимизнинг қора Толиб бўлиб чиқди.

<sup>1</sup> Худо раҳмат қилсин, яқинда эллик олтидан утиб, қазо қилди.

Биз чимга думалаб-думалаб куламиз ва ичимиз узулиб кетмасин, деб қоринларимизни чангалаб олганмиз. Шу вақт ҳамма қолиб ўз иши билан банд Солининг Мирзараҳим ташлаб қочган толчивиқдаги балиқларни ўт орасидан кўтариб олаётганига кўзим тушдию: кулгим ҳам қочиб кетди:

— Вой, иблис, вой, аблаҳ-ей! Ҳали шундаймисан? Бу сенинг ишиңмиди! — дедим ўзимча ва аста туриб унга яқинлаша бошладим.

У ўз қилмишидан мамнун, ишшайиб турибди. Ҳали мен нима ниятда бораётганимни кўрмайди ҳам, сезмайди ҳам. Мен бундан фойдаланиб, унинг юзига ўхшатиб тарсаки тортиб юбордим. У қалқиб, толчивиқдаги балиқлар ерга учиб тушди.

— Ол! — дедим ортиқча гапга ўрин қолдирмай.

У олди.

— Бу ёққа бер!

Ҳамма нима гаплигига ақли етмай, турган ерида туриб қолди.

— Мана, шуми? Сурасанг беравураман-ку! — деди Соли балиқларни узатиб.

Мен эсам ўзимни босолмадим:

— Ўзини худо уриб қўйибди-ку, сен ушаникени ҳам тортиб олгин!

— Бопадинг Мақсуд! — деди кимдир.

— Учир овозингни!.. — дедим қайрилиб.

Болалар ер сузиб қолишди. Мен тепага — Мирзараҳимнинг олдига чиқиб улгурмаган эдим, ўша ёқдан икки одамнинг қораси кўринди. Биринчисини бир қарашдаёқ танидим. У биз болаларнинг жон-дилимиз — пўчгачи Мирҳомид амаки эди. Бу одам қўллари калта-калта, ўзи хунук, худди букрига ўхшаб энқайиб юрар, лекин биз уни кўрдик дегунча олдига чопар эдик.

— Амаки, жон амаки, битта фокус кўрсатинг, кела қолинг, — деб ҳоли-жонига қўймасдик.

У ҳам бирпасда очилиб-сочилиб, шалдур-шулдур одамга айланиб қолади ва қайбиримизни қўлтигимиздан, қайбиримизни даҳанимиздан «ушлаб» кулади.

— Аммо-лекин хафа бўлиш йўқ.

— Йўқ, йўқ, йўқ, хафа бўлиш йўқ, — деб биз атрофиди ўйноқлаймиз.

У кафтларини очиб:

— Мана, хўп, хўп, хўп, — деб бизни бақрайтириб, қўллари тепамизда айлантириб туради-да, кейин қайбиримизнинг қўлтигимиздан, қайбиримизнинг биқинимиздан, қайбиримизнинг қўлтигимиз тагидан биттадан ёнгоқ чиқариб бераверади, бераверади. Баъзан эса, ҳаммаимизнинг кўз унгимизда кекиртани тухумдай шишириб олади-да, қурут чиқариб улашаверади. Қойил қолмай кўр-чи. Шу одам Мирзараҳимнинг ёнига етиб келиб, унга ҳазиллашди.

— Э, Мирзараҳим, каптар дўппингни устида бола очиб кетипти-ку.

Мирзараҳим қўл силкилаб, ишшайди:

— Боринг, боринг-е.

Пўчгачи гапидан қолмади:

— Ишонмайсанми!

Мирзараҳим қўл силкилаб, энди ундан нари қоча бошлади:

— Кап-кап-каптариззи пишириб енг.

— Унда майли, балигингни опкет. Опанг пиширсалар, опчиқарсан. Келишдикми? — деди у ниҳоят муросага келиб ва бирдан мени таниб эркалади: — Эй, пакана пистон, ўзингми-сан? Яхши учраб қолдинг. Энди бу ёғига меҳмонни ўзинг опкетасан. Бўптими?

Меҳмон соч қўйиб, кепка кийган, эғнидаги оқ жужунча кўйлак-шими қилпираб, кўзлари олма-кесак териб турар эди. Султонмурод акам тенги. Лекин умримда кўрган бўлсам, улай агар. У менга бошдан-оёқ қараб чиқиб, илжайди:

— Окасини тукигаям... ўхшамайди-ку?..

Мирҳомид амаки ҳам бўш келмади.

— Буюм бошқача, окаси бунинг тукигаям... ўхшамайди. Ҳали кўрасиз.

Меҳмон пўчгачининг елкасига қоқиб кулди:

— Ростданам қизиқ одам экансиз, бобой. Гапларингизни соғинсак, топтириб кетамиз. Йўқ демасиз-да.

— Жоним билан. — Мирҳомид амаки иккала қўлини кўксига қўйиб, мулозамат қилди: — Бир оғиз хабар бердирсанглар, бас.

— Рухсат, бобой, рухсат. Шу томонларга ўтсак, дуланангиздан еб кетиб турамиз-да? Йўқ демасиз-да.

Мен ичимда кулдим. Мирҳомид амакининг шунақа одаги бор, фокусларини кўрсатаётганда, тўдага келиб қўшилган уткинчиларнинг иккала чўнтагини дуланага тўдириб қўяди. Ана шундан кейин ҳам унга ишонмай кўрсин-чи!

Мен балиқларни Мирзараҳимга тутқазиб, меҳмонга ҳам қизиқсиниб, ҳам ёқтирмайгина ўтиридим.

— Сизга ким керак, ўзи? Биз бу ёқдан кўчиб кетганмиз.

— Қани деса, «қани, қани»лаб зўргатдан топиб келувдим. Энди оканг «Тувак»ка тушиб кетганмиш. Хўб, маза жойни топибди-да! — Ўзининг аскиясидан ўзи завқланиб кулди меҳмон.

Мен ушшайдим:

— Тувак эмас, тубан, паст кўча дегани. Охири берк.

— У-у... ростданам бошқача экансан-ку. Зардангам зўр, билингам. — У елкамга қоқиб, секин итарди: — Бошла, пакана пари.

Мен унинг юзига ялт этиб қараб, кулиб юбордим.

— Ўзингиз-чи, нимасиз? Найнов-анқовми?

— Нима десанг, шу. Лекин сен чинданам пакана парисан. Юр; юр.

Мен унинг олдига тушиб, йўл бошларканман, сўрадим:

— Султонмурод акам айтган-да, шундайми?

— Нимани, пакана париними? Ҳеч-да, туришинг айтиб турибди-ку... Сен бўлса, аччигланиб ўтирибсан. Фахрлан, бу кал-

ланг, фаросатинг билан, пакана пари, ҳали узоққа борасан. Окангга эргашма. — У Иззадан сакраб утиб, менга танбех бера кетди: — Унга ухшама.

Жаҳлим чиқди:

— Акамга нима қипти?

У ямланди:

— У-у!.. Албатта, ҳеч ким оканг бўлолмайди. Ундай мард, танги... нима десам экан, ритсарни икки дунёдаям тополмайсан...

... Ритсар деганиийиз нимаси?

... Ритсар... ҳалиги, ҳеч ким оддига тушолмайдиган одам. —

У йўлидан қолмай юраверди,

Мен пилдираб эргашдим:

— Жангчими?

— Жангчиниям қўрқмаси. Бўй бермайдигани.

— Қароқчи экан-да?

Қароқчиниям марди.

Мен кулдим.

Шуниинг учун бу ёқларда... юрган экан-да?

Кутилмаганда меҳмон елкамга човутини ташлаб, узига қаратди:

— Сен, бола, унинг шайнига нималар деб валдираянсан? Бир уриб ерга киргизиб юборсам, ана ундан кейин биласан унинг кимлигини. Тагин укаси эмиш! Мишигинини эпласангчи аввал. — У ёлғизоёёқ йўлдан ўзи юриб кета бошлади.

... Нега унда одамлар?... — дедим энди шумшайиб.

— Огзига кучи етмаганлар ҳар бало деб валдирайверади-да. Қўли билан ушлаган жойи бораканми? — деди у ўтирилиб.

... Йўқ.

— Вот! Ҳаммаси пуч гаплар! Сен бўлса, ор қилиб юрибсан. Яна пакана пари эмиш! Узинг анқовсан! Билдинг?!

У, ёмон мот қилди. Ҳеч маҳал бунақа мот бўлмаган эдим. Айбини бўйнига қўйиб, сувга пишиб-пишиб олинган болакайдай гинг дея олмай қолдим, сўнг айланиб утиб, оддига тушганча жимгина йўл бошладим.

— Ўзи қатта? — деди анчадан кейин ҳовридан тушиб.

— Калхўзда, арава минвотти.

— Бугунам кетганми?

— Ҳозир отхонага кириб ўтамиз. Араваси кўринмаса, шийпонда бўлади. У ердаям кўринмаса...

— Ҳа-а, ана энди ўзингга келдинг. Менга тезроқ топиб беришинг керак. Ров кўраману ров қайтаман, деб келган одамман.

Мен бу оқ жужун қўйлак-шимли, тагин ёзда оқ кепка кийиб олган тасқарани қошдан қовоқ қайтармай бошлаб кет-япман-у, тинмай уйлайман. Бу найнов-кепка ким бўлди экан? Султонмурод акамни ўз пошшосидай кўришидан булар бир товқадан шекилли? Тагинам бояги гапим учун бошимга уриб,

пула қилиб қўя қолмади. Мен аҳмоқ бунинг жигига тегадиган гап қилиб ўтирибман-а. Ҳали, Султонмурод акам<sup>1</sup> бу ёққа урнашиб олгач, бунақа сўраб келгувчи тасқаралар яна кўпаяди десанг-чи!

У отларини ёнгоқ тагига қантариб қўйиб, ўзи шийпонга қўр тўккан. Саъдулла дукай иккиси ҳовуз бўйига жой солдириб, маишат қилишаётган экан. Мен умрим бино бўлиб бунақа зўр баҳаво жойни биринчи кўришим эди. Огзим очилиб қопти. Шийпон шундоқ тепаликка, гир-гир эсувчи шабадаларга кўкрагини очиб қурилган, пастда бир ажойиб далаю бог офтобнинг живир-живири остида ётар, қатор-қатор ишкомларнинг шундоқ тепасида эса, биз турардик. Бу ердан бир-бирига мингашиб кетган Бузсув тепаликларигача, ҳатто ундан у ёғи кўз илгамас ерларгача, соатлаб томоша қилиш мумкин эди. Яна шундай дўнгликка чиқарилган ҳовуздан салқин уфуриб, ариқларда сув чулдираб оқиб ётибди.

Райҳон исини гуркиратиб, бир кўсанамо одам одди очиқ ошхонадан пилдираб чиқиб келдию худди товуқ қўригандек товушини пастлаб, бизни ҳайдай кетди:

— Ҳай, фишт, фишт, дейман! Тезда қуринглар бу ердан! Ҳай, ман сизларга айтвотман, оповсилар.

Тавба, қилиги қизиқ экан бу одамнинг. Хотин десанг, хотинчамас, эркак десанг, эркакчамас. Шунақаси ҳам бўларканми? Бу орада у тепамизга келиб, эркакча «ҳайқира» бошлади:

— Мен нима дедим? Қурасизларми-йўқли? Шу қамчиним билан бир урай — ўласизлар...

Қамчинни — бир толчивиқ эди, кўриб кулиб юбордим.

Шу маҳал ҳовуз бўйидан ширакайф овоз келди:

— Ҳайдарбек ака, ким у, сиззи хит қивотган?

У энди бизнинг ёнимизни олишга тушди:

— Ҳозир, ҳозир. Мана, кетишвотти, оповси. Адашиб кириб қолишипти-да. Кечирасизлар-да, бир қошиқ қонларидан ўтасизлар-да, ўргилайлар!

Вой, ўламан! Бошқа ер бўлса, думалаб-думалаб кулар эдим. Одам ҳам шунақа рўлга кира оладими? Бир қарасанг, дупнадуруст эркак, бир қарасанг, қилиқлари хотинчалиш. Атай қилвоттимикан-а? Нима бало, бу ёқнинг бригадири бог қоровули урнида шунақа ҳазилвон одамни ушлаб, меҳмонларни кулдириб-кулдириб жўнатади шекилли. Ундай десам, бу ҳазилвони ҳалигача тишини оқини кўрсатмай хезалак рўлини уйнапти. Тавба, хуб аломат одамлар бор-да, узини минг куйга солдиган.

— Энди кета қолинглар, ўргилайлар. Ўзим, бўйларингга

<sup>1</sup> Мен ишга кетган вақтларим кенжа ўғлим романининг пеш ёзилганини пеш уқиб бораётган экан. Бир куни у: «Ада, Султонмурод ким?» деб сўраб қолди. Дарвоқе, асар чиққан, ҳамма таниш-билишлар, у ким, деб сўрашлари мумкин. Шунинг учун бир йўла айтиб қўя қолишни лозим кўрдим.

Султонмурод менин орузм. Балки уша ёндаги ўзимдурман. Ҳар қалай шунга ухшаш воқеа Қоролма томонлардами, Саричелакдами бўлиб ўтганини эшитганман. Уен бир вақтлар Бузсувни ошиб тўган кишилар орасидан излаш бефойда. Балки уша вақтда Каттабоғда Султонмуроддай одамлар камлик қилгандир. Мен шу келтирми тўдиргим келгандир. (Муаллиф.)

қоқиндиқ, му-ух! Бригадиримизнинг аччиқлари ёмон, кўринмай қўя қолинлар, ўргилайлар.

У азда-базда йўлимизни тўсиб, елкамизга қоқиб-суқиб, ҳайдай бошлади. Мен энди аччигим чиқиб, унинг юмшоқ қўлини силтаб ташладим.

— Қанақа одамсиз, ўзи?! Мен акамни қидириб келган одамман! Унга меҳмон опкевотман. Кўрмайсизми, ахир.

Бог қоровули сурма қўйгандек сузук кўзларини жавдиратди.

— Кимга дедийиз? Анув йигитларнинг гули Султонмуродхонгами?

— Ҳа-да, айтгани қўйсангиз экан!

— Шундай демайсизми, ўргилай.

У ўтирилиб, қилпилаганича ҳовуз бўйига қараб пилдиради. Наридан бориб, у ердагиларга овоз берди:

— Ҳой, Султонмуродхон, ўзингизга қарашли одамлар экан, ўргилай. Нима қилай, утавришсинми?

— Утавришсин, ўзимизга тегишли бўлса. Кейин бир йўла қозонкабобниям сузворавадасиз-да, акахон,— дея бунорди акам ёнбошлаб ётган еридан кўтариламайин ҳам.

Бир ҳафтага қолмай бу ёқларни бригадир-пригадири билан ўзиники қилиб опти-ку, тавба. Қандай эриша қолди экан бунга?

Меҳмоннинг биқинига секин туртиб, имладим:

— Юринг, пошшойи олам айниб қолмасларидан...

У оқ кепкасини тўтрилаб, таъсирланиб кудди:

— Қайнонамиз суйган йигитлармиз-да, ҳар ким ҳам қозонкабобнинг устидан чиқсин-чи! Нима дединг, пакана пари?!

— Шуни айтинг,— дедим мен оғзимнинг таноби қочиб.

Биз ўн қадамча юрмовдик, бирдан акамнинг кўзи мен билан келаётган одамга тушиб, мосовсираб қолди. Унгимми-тушимми дегандай ётган ерида кўзларини юмиб-очди, кейин ўрнидан сакраб туриб кетди.

— Эй, Чарли, ўзингмисан? Қаёқдан кун чиқиб, сени кўриб турибман?! — У қучоқ очиб кела бошлади ва шартта бағрига босганча, даст кўтариб, гир айлантира кетди.— Оббо, ошнам-ей! Оббо, огайничалиш-ей! Бошимни кўкка етказдинг-ку топиб келиб! Шу дунёнинг бир чеккасида бир гариб ошнам бор, кўнглини олай дебсан-да? Уйинқароқ, беғубор кўнларимизни бор эсига солай дебсан-да? Жоним тасадуқлар бўлсин сенга. Юр, юр, шундай жаннатдай жойларда сени бил-ир меҳмон этай. Сен билан бир отамлашайлик, эзилшайлик...— У ошнасини бағридан қўймай, ҳовуз бўйига сургай кетди.

Кўриб турибман: Султонмурод акам яхшигина ширакайф эди, лекин гапидан янглишмас, гаплари ҳам самийий эди. Мен оқ кепкани унақа-бунақа одам эмас, ростмана киссаваур ёки қиморбоз деб тахмин қилган, ҳеч қурса қарзини қистаб келганлардан ҳисоблаган эдим. У бўлса, қиз ўртоғидек кутиб олди. Ёки буларнинг товкасида расми шундайми? Бошқаларга сир олдирмай қўя қолишадими? Ҳарқалай кўнглимда шунга

ухшаш гумон-шубҳа ҳам йўқ эмас, у гимирсиб-гимирсиб кўяр эди.

Ҳовуздан салқин эпкин эсиб, тепадаги ёнғоқда заргаддоқ сайради. Унинг овози ўқдек эди: биёв-биёви қулгимни тешгудек булиб, ўзимга келдим. Худди шуни кутиб тургандек меҳмон ёнига имлаб чақирди:

— Ҳа, пакана пари, келмайсанми?

Мен истаб турсам-да, бош чайқадим.

— Йўқ, сигирим қолган, боришим керак.

— Сигирингни... ит эмас.

— Ит-ку емайди. Лекин Чибитко деган бир махлуқ бор. Экин-пекинга тушса, думини чопади. Мен эса, думсиз мол боқишдан... уяламан,— дедим кулиб.

Бригадир ёнбошлаб ётган ерида аввал хахолаб, кейин думалаб-думалаб кула бошлади. Шундай барзанги, бунинг устига шопдай мўйловли одамнинг юмалаб-юмалаб кулиши бир қизиқ эди:

— Топдинг, боласи тушмагур, топдинг. Унақа махлуқни одам боласи тугмайди.

— Ким дединг? Чигиртко дейсанми? — бир қадам мен томон юрди Чарли.

— Йўқ, Чибитко.

— Хоҳласанг, ўша Чибитко деганинг эртагаёқ энасининг инига кириб кетади. Истайсанми? — деди у жиддий туриб.

Мен нима деяримни билмай, доврираб қолдим.

— Бир оғиз ҳа десанг бас, пакана пари,— деди у яна.

Мен у нима деяётганини фаҳмлаб, бирдан қўрқиб кетдим ва бошимни сарак-сарак тебратдим:

— Кераги йўқ, ойим эшитсалар, уришиб берадилар.— дея олдим зўрга.

— Унда борақол, пакана пари, оинг уришиб юрмасинлар,— деди у суйиб, ҳам эркалаб.

Мен ўтирилиб кета бошладим-у, лекин энди улардан ажраётганимдан нушаймон эдим...

## Облочи<sup>1</sup>

Бўзсувга чўмилишга тушганмишмиз. Икки тепаликнинг ўртасидаги чимзорда болалар калла ташлайдиган тепача ясаб олиб, сувда роса-а балиқ бўлиб ётишибди. Мен эсам катта сувдан ҳайқиқиб, ечинмай ҳам тепанинг соясида бегонасираб ўтирибман. Жимитдек-жимитдек болалар ҳам тепадан пастга зувиллагандек югуриб бориб, ҳалиги тепачага чошиб чиқишадиди-да, зарб билан ер тепиб, ўзларини Бўзсувга отишади. Сув гумбураб одам бўйидан баланд тўзиб кетадию ҳаммаёқни акссадоси тутлади.

<sup>1</sup> Облочи — облава сўзидан, тингувчи.

Бир маҳал қаёқдандир Соли пайдо бўлди-ю, ишшайганича мени ҳам торгқилай кетди.

— Опке, опке, ўлмайди, урганади,— деб чирқилаб, шовқин солиб туришибди болалар.— Буйини қаранг-у, оёгини қалтирашини кўринг.

Ноилож кўйлагимни бошдан чиқариб, чимга итқитдимү сафга кўшилдим. Кимдир «гал бер, гал бер», деб тезлади. Олдинда турганлар бир қадам ўзларини четта олиб, йўлни очишди. Чуқур нафас олиб, пастга чопа кетдим.

Чопиб кетяпман, чопиб кетяпман, кўз олдимда ўша тепача каттариб боряпти. Сув бети юз очиб келяпти. Назаримда оёқларим мана ҳозир чалкашиб кетадигандек, ўзим тийғониб, кетим билан тепачага ўтириб қоладигандекман. Ичим шувиллаб, «Оббо, болаларга роса кулги бўлдим-да», деб уйлайман. Ва охириги даққада нимадир зўр келиб, ерга бир тепиндиму кўзимни чирт юмиб, ўзимни сувга отдим. Бошимдан оёғимгача муздек терми, сувни қоплади. У бирам хуш ёқиб, сувнинг тагига сузиб кета бошладим. Сузиб кетяпман, сузиб кетяпман, нафасим етмай, юрагим тарс ёрилгудек бўлади, лекин қани бошимни кўтариб, сувдан чиқа олсам. Худди муз остига шўнгиб кириб қолгандекман. Елкаму бошимдан босиб ётган нарса-нинг залвори тогча бор-ов! Бошимни кўтаришга бир туйнук излаб чир айланаман. Қўл-оёқларим жон ҳаллида типирчилайди. Чуқиб кетмасликка-ей, орқамга қайтишга-ей ури-наман. Қани ёруг жаҳонши топа олсам! Нафасим, сабрим, тоқатим етмай даҳшатта тушиб кетаману ўша сув остидаёқ кўзларимни шарт очиб юбораман...

Бошимни даст кўтарсам... гира-шира тонг отиб келяпти. Осмоннинг бир чеккаси оқаришгани билан ҳали чор-атроф ҳовлию даҳлизу уй ичлари живир-живиран бир қоронгуликдан озод бўлолмаган. Уй ичида кимдир қиблага қараб ўтирибди.

Кимлигини ҳеч ажрата олмайман.

Шу маҳал ойимнинг тиловат овозларни қулогимга чалина бошладию енгил торгдим.

— Субҳоналлоҳи валҳамдуллоҳи ва ла илоҳа илаллоҳу валлоҳу акбар...

Худога минг қатла шукр-ей, ўз уйимиз экан-ку...

Ишком ортидаги беҳи тагида қорашақшақ шақиллаб, учиб кўнди. Аллақаерда бедана пат-палақлаб сайради. Қўшнингнинг бузоги муъраб, кучадан дуқир-дуқир қалдираганича арава ўта бошлади. Олам уйғонмоқда эди. Ойим юзларига фотиҳа тортиб, ўрниларидан тура бошладилар. Эндям ётаверниш гуноҳ эди, сакраб туриб, даҳлизга тушдимү оёғимга нимадир илаб, ариққа югурдим. Юзимни пишиб-пишиб, ювиниб келганимда, ойим супада сут сузиб, бозорга ҳозирланар эдилар.

— Ассалому алайкум,— дедим ўзимга ҳам бегона — дуррилаган овозда. Ойим ўтирилиб қараб қўйиб, алик оқдилар.

— Ваалайкум... Турдингни, тулпорим?

Мен биринчи марта ажабланиб, ўзимнинг бастиму елкала-

римга қараб қўйдим. Эр етиб қопманми, шунақа? Ўша-ўшаман шекилли? Лекин ойим бугун биринчи марта саман тойчоғим, деб эмас, тулпорим, деб атадилар.

— Самовар қайнаган, қопқоқлаб қўйдим. Жигиллаб ёта туради. Аканг тургунча молингни уватда бир етаклаб келсанг, бирга чой ичиб, мактабинга кета қоласан. Менам унгача қайтарман. — Ойим паранжини қийшиқ ёпиниб, обкашни елкаларига олиш учун энгашдилар. Мана шунақа. Эсимни танибманки, ойим шу паранжи, шу обкаш тағидалар. Тонг ёришмасдан туртиниб-суртиниб Чўлпонотанинг бозорига жўнайдилар. Яккабогда ҳам шундай эди. Бу ёқда ҳам шундай. Қачон елкаларидан бу юкни...

— Ойи, — дедим юрагим тўлиқиб ва секин обкашнинг дастасидан тутдим, — мен обориб ташлаб келақолай.

Вой, қизиқмисан, болам, ҳар куни кўтариб юрган идишларим-да, — дедилар ойим қаддиларини ростлаб.

— Менга ишонмайсизми? — дедим обкашни қўйиб юбормай.

— Нега ишонмай? Ишонаман, болам. Аммо мижозларим сени танитай, кутиб қолишса, яхшимас-да, болам.

— Бир кун ўша мижозларингиз бошқа сут олса олақолибди.

Ойим бош чайқадилар.

Йўқ, болам, бировни умидвор қилиб қўйиб, бормай бўлмайди. Мени гуноҳкор қилма. — У киши бу обкашлар елкангга тушар ҳам, ундан қутулолмай юрарсан ҳам, дегандай меҳрлари ийиб қараб қўйдилар-у, эшикка йўназдилар. — Хўп, мен кетдим. Султонмурод акангни уйғотиб кўярсан, ишига кеч қолмасин.

— Хўп, — дедим ич-ичимдан бир уят қўзғалиб. Икки бирдек биз туриб, бозор-ўчарни ойим қилиб юрсалар.

Бояги бир жуфт қора қуш — майналар беҳи тагидан учиб чиқиб, яна унинг шохлари орасига қувалашиб кириб кетдилар. Шақиллаган овози бир тиниқ, бир жарангдор эди, эрталабки сокинликда жангилар эди. Кейин ҳали сархоки босилмаган пахса деворимиз устига сассиқпопиштак келиб кўнди, бошидаги уқнар тожини бир чиройли ёйиб, ширин сайради: ҳуқупиш-иш... Кучадаги ёнгоқда зарғалдоқ биёв-биёвлади, сўнг анҳорнинг нариги бетидаги нокзорда чугурчуқ хиқ-хиқлаб, бошқа қўшларни ҳам уйғотиб юбордию қайси қуш қаерда сайраётганини билиб бўлмай қолди.

Ойим айтиб ўтирадилар: ҳатто осмонда учиб юрган қушлар ҳам, шамолда тебраниб турган майсалару дов-дарахтлар ҳам кунни боткизиб, чиқариб турган Худованди Каримга тасбеҳ айтишар эмиш. Биз уларнинг тиларига тушунмаганимиз учун бу ҳамду саноларни англамасмишмиз. Бутун маҳлуқот Оллоҳга ҳамду сано айтиб тургани учун ҳам кун тугмай қолмаёттир, бўлмаса, аллақачон қиёмат қўшар эди, дейдилар.

Мана, ҳозир ҳам уларнинг саноси қабул бўлмоқда шекилли, кун ёришиб-равшанлашиб келмоқда. Аввал осмон кўзгудек

тиниқлашиб, сунг улкан мовий денгизни акслантириб турди-турди-да, юзига оқиш парда тортиб олди-қўйди. Фақат кунчиқар бошқача эди: у кулгу югурган келинчак юзидай тиниқ эди. Маргу кеннойимнинг юзидай десаммикан.

Негадир мен шу кеннойимнинг ёнидан ҳеч жилмасам дейман. У тоғдай-тоғдай ишларни буюраверсаю мен бажариб қайтаверсам.

Лоақал саломимга жилмайиб:

— Ҳа, қайин бола, қалайсиз? — деб қўйса бас.

Бир куни азза-базза ўксиниб, ўпкаладим:

— Нега унақа дейсиз, кеннойи?

У бошидаги қоши билан ўгирилиб, қиё қараб қўйди.

— Қанақа экан, қайин бола?

— Бегонасирагандай чақирасиз.

— Шунақами? — У ширин жилмайди. — Унда нима десам ёқади сизга?

Мен ердан кўзимни узолмай, елка қисдим.

— Билмасам мен.

— Қайним, дейинми?

Унинг овози, эркалаши бирам ёқар, шундай сўрайверса, сўрайверса ва охири кўнглимдагини топса — дердим.

— Жоним укам... укажоним, дейинми?

Мен энтиқдим:

— Нима десангиз денг, боягиндай бегонасиратманг.

— Яхши, эшон бола — жон бола. Ўзимнинг беминнат қуриқчим. — Унинг қўлларидан гуркираб печак ҳиди анқирди. Шундагина хаёлим жойига қайтиб, бошидаги юкни олишга шошиладим:

— Менга бера қолинг.

— Вой, қизиқмисиз, сизга кўтартириб қўяманми? Қўйинг, уят бўлади.

— Кутарсам-кўтарибман ҳаддим сигиб. Бераверинг энди...

— Унда мени ўргатиб қўясиз-ку жуда. — У бушашди: —

Кейин сизни қидириб юрмайин...

— Қидиртирмай кутиб тураман...

— Унда майли, ўзимнинг беминнат ёрдамчижоним...

Ана шундай кеннойижонимнинг мендан бошқа йўлини пойлайдиганлар ҳам чиқиб қолди. Хилвагда, Иззанинг тепасидаги жийдазорда соатлаб гапга тутадиганлар бор. Кетайин деб тиширчилайверса, қопинию ўзини аравасига соладию сўлиқ чайнаб турган отларига қамчи босади. Араваси шундайгина ёнгинамдан шалдираб ўтиб, мени чангида қолдириб кетади. Мен эсам, тепанинг ён бағридаги чангалзор ичида шом қоронгулигига сингиб бораётган арава орқасидан тикилганча қолавераман. Кейин алам-аччиқ, хўрлик босиб келадию бошимни чангаллаганча ўкраб юбораман:

— Ўғри! Қароқчи! Бировларнинг кеннойисини тортиб олувчи! Уҳ! Сенгаям боққан бало бордир!

Тепамда юдузлар кўздаги ёшлардай милтираб турадилар. Қоронгулик сойлиқдан тепаларнинг уст-устларигача тошиб чи-

қадилар. Пастда ҳеч нарсани илғаб бўлмайди. Фақат Иззанинг суви бурилишида бугиқ шовуллаб ётибди. Назаримда, у ҳам ўкси ичига сигмай йиғлапти-ю, мендан бўлак тинглайдигани йўқ.

Тупроқ йўлга тушиб, секин уйга томон сургаламан...

Эртасига яна ўша жой, ўша тепаликка бориб оламан. Мен учун азиз бу тепа худди бир нарсадан хавфсираб, бошини ичига тортганча тухтаб қолган улкан тошбақага ўхшайди. Сойнинг икки бети Қўшилишга қадар шунақа тепалар. Бири-бирига ястаниб ётибди. Анавиниси — Аждартепа, мана буниси Жартепа. Наригиси Туятепа, рўпарадаги Жимиттепа. Лекин ҳеч бири ҳозир ўтирган еримга етмайди. У — мен йўл пойлайдиган жой.

У баъзан ёлғиз ўзи, баъзан Каттабоғли қиз-жувонларга қўшилиб қайтади. Ёлғиз келса, жоним киради, пилдираб олдига тушиб бораман. Бу ёгига бирга-бирга кетамиз.

Аммо бу ёқдан юрмай, Тегирмонкўчадан ўтиб кетсам, бир нимасини йўқотган одамдай ўксиб юрганим-юрган.

Тоза хаёлга берилиб кетган эканман, бир вақт қарасам, бошида бир бог ўт, Жимиттепа устидаги сўқмоқдан тушиб келяпти. Ёпирай, ўзи-ку, кеннойим-ку! Лекин тепани айланиб ўтган анави арава йўлдаги ким экан? Чинданам Жимиттепа орқасидан бир отлик, ие, Ҳайбат акам-ку, тагидаги Барзан-ку, жадал кесиб чиқяпти. Ҳеч қутилмаган ҳол...

Бошқа вақт манави чимзорда аравасини тўхташиб қўйиб, ўзи сой буйидаги булоқ тепасида сувсаган киши мисол ястаниб, акам уни кутар, ёлғиз келиб қолса, туриб йўлига чиқар, қиз-жувонлар билан қайтса, менга ўхшаб дами ичида, мўлтираб қолаверар эди.

Бу эса, ёлғиз учратганидан ҳовлиқиб қопти. Ўша машҳур Барзанида йўлини кесиб чиқиб келяпти. Мақтанчоқ! Барзанни минмасалар нима эди! Лекин от, отмисан-отда, шунақа солланиб, виқор билан келяптики... тақ-туқ, тақ-туқ... Бу овоз сўлиқдан чиқяптими, туёқданми, ёки иккаласи қўшилибми — билолмайман.

Ана, улар сўқмоқ йўлга тутанган жойда учрадилар. Кеннойим ўзини четта олиб, бунинг бетига қарамай ҳам тўхтади. Шунинг баробарида бу ҳам отнинг жиловини тортиб, яқин борди.

— Яхшимисиз, яхши қиз? Берақолинг, кўтаришиб кетай.

Бу сойда овоз ўзи жангилаб чиқади. Кечки салқинда Ҳайбат акамнинг овози ҳаяжондан алақандай титраб кетганини сездим. Бунинг устига ўргатилган оти худди тайинлаб қўйгандек, саломлашган каби бош силкиб-силкиб пишқиради.

Аммо кеннойим номаҳрам одам ўтиб кетишини кутган аёл каби ярим ўгирилиб, миқ этмай турибди.

— Қўлимни қайтарасизми, йўқ деманг. Маргу, деди Ҳайбат акам ўксик товушда.

Кеннойим қайрилайин ҳам жавоб қилди:

— Кераги йўқ, кетинг.

Мен уларнинг гапларини шундайла эшитиб турардим.

— Сазамни ўлдирманг, Маргу. Кела қолинг, — деб ялинди у.

— Кетинг дедим, кетинг. Мени уятга қолдирыяси. — Кеннойим титраб-қақшади.

Ҳайбат акам огриниб, бир алпозда унга қаради:

— Нима, мендан шунчалик ҳазар қиласизми?

Кеннойим бушашди. Йул четидан секин, ўтни бермай одимлай кетди:

— Қўйинг, кўрган одам нима дейди?

— Нима дерди? Бегона эмасмиз-ку, ахир. Қолаверса, бури эмасманки, сизни еб қўйсам, Маргу.

Мен унинг қиз болага эланганини биринчи марта кўриб туришди эди. Ҳам ачиндим, ҳам гашим келди. Тўғри-да, гун-гурсдай йигит, ўзини билса бўларди.

Бу орада улар кўприкка тушиб келишди. Изза секин шовуллайди. Ҳатто от туёгининг кўприк устидаги бўғиқ дўпири аниқ эшитилиб турибди. Шундоқ уйноқи Барзан ҳам кеннойимнинг олдида мулойим тортиб қоғти. Кўприқдан сўзсиз ўтдилар. Йул кўтарилиб, от туёғи ҳавасни келтирарли тақирлашга тушди. Аммо Маргу кеннойим ҳамон унғайсизланиб борар, атрофга ҳуркак кийикдай безовталаниб қараб қўяр эди. Сойликдан чиқса билмадим, нима қилар экан?

— Айтиб қўяй, Маргу, мендан қочиб қутулолмайсиз, — деди кутилмаганда Ҳайбат акам ярим ҳазил, ярим таҳдид-ла. — Бир кунмас, бир кун...

— Нима бир кун?... деди у тўхтаб ва бошидаги ўти билан ярим ўтирилиб улгурмади.

Ҳайбат акам у томон энгашиди-ю, бир ҳаракат билан кеннойимнинг бошидан ўтни кўтариб олди.

— Мана шундай қиламану бир кун эгарга унгариб олиб, қочаман-кетаман, — деди ва ўтни тиззасига босди. — Топиб бўптилар кейин!..

Ўт остидан юз очган кеннойим ҳар қандай йигитни юрагидан урадиган даражада қўхлик эди. Аммо унинг шу тоғда аллақандай довдираб-тиширичаб туриши, сўнг ростмана аччиғи чиқиб, юзини четга буриб олгани — ҳаммасидан ҳам гўзал эди. Ана, у аразлаб бир ёқларга кетиб қоладиган вазоҳатда орқага бурилади. Аммо отлик айтганининг устидан чиқиб, ўтни тиззасига унгарганча боши осмонда кетаётганини кўриб, ноилож қайтди ва унга ялиниб эргашмоққа тушди:

— Ҳайбат ака, жон Ҳайбат ака! Бундай қилманг, ташлаб кетинг. Илтимос қиламан. Аям...

— Нима аянғиз? — Ўтирилиб, ялинтирганидан завқланиб кўлди у.

— Аям ўлдирадилар! Шунга истайсизми? Маломатга қолишимни истайсизми?

Ҳайбат акам ҳам ялиниб қаради:

— Сиз ҳам бир гал хўп денг? Бир гал... нарироққача борайлик. — У отнинг бошини буриб, яна тенглашиб келди. — Майли денг.

— Шу билан бир нарса ўзгариб қоладими? — деди кеннойим жойидан жилмай, ерга термулганча.

Улар тепанинг шундоққина ёнбағрида туришар, Ҳайбат акам мен томонга қараб ҳам қўймас, умуман бу яқин орада одам бор деб ўйлашмасди ҳам. Мен эсам, нафасимни ичимга ютиб, бу машмаша нима билан тугашини кутиб ўтирибман.

— Ўзгаради, — деди кутилмаганда Ҳайбат акам овози қатъийлашиб ва нимадандир қайсарлиги тутиб, — ўзгармагунча кетингиздан қолмайман.

— Шунақалинглигини билсам... билсам. — Кеннойимнинг овози ўзгариб келиб, йиғлаб юборди. — Эҳ, худойим, ўзингнинг раҳминг келсин, раҳминг...

Ҳайбат акам от жилловини тортиб, бирпас тўхтади. Аввал ачинган куйи, сўнг суқланиб тикилиб турди-турди-да, кутилмаганда ўтни чимзорга ташлаб:

— Майли, йиғла, сиқта, қарга. Аммо мендан қочиб қутулиб бўлсан! — дедию отига қамчи босиб, юқорига чоптириб кетди.

Мен қани энди ўрнимдан қўзғололсам, ёлғиз қолган кеннойимнинг олдида тушолсам. Аламми, гинами, уятми — бир нима туришга, унга кўринишга қўймайди. Тушиб нима каромат кўрсата оламан? Юпатаманми? Менга ким қўйибди юпатишни? Умуман, мен кимман уларнинг олдида? Бир жинқарча, бир болакай, бир гўдак-да. Болага ким қўйибди ўзидан каттани суюшни, бировнинг йўлини пойлашни?..

От туёгининг овози узоқлашиб, Изза сойининг шовуллаши кучайгани, пастимда, шундай тепа ёнбағридан ўтган йўлда кеннойимнинг пиқиллаб йиғлашлари сусайгани сайин кўнглимда бир нима тўлиб-тошиб бораётганга, бир ўксиклик мени қамраб олаётганга ўхшайди-ўхшайверади. Менга ким қўйиб эди унинг йўлини пойлашни? Эшитмасдим ҳам, куймасдим ҳам, кўрмасдим ҳам бу кунги воқеаларни...

Нақ тепада гуррак гуриллади. Сўнг нимадир девор устида парт-пурт тегишиб қолди. Қарасам, мусичалар... ҳурпайишиб, пати тўзигундек тешишмоқда. Шундай беозор мусичаларки, уришиб қолгач, биз аразлашиб юришимиз ҳеч гап эмаскан. Шунда акамни уйғотгим келмай сунада ўтириб қолганимни эсладим. Бундай қарасам, вақт ҳам кетиб қоғти. Офтоб кунчиқардан ёнар тождай кўтарилиб, куюқ баргли дарахтлар ортдан олов найзаларини отиб ётибди. Нури етган ерни зару зарҳалга бўяб ташлаган. Қараган заҳотингиз кузларингиз қамашиб кетади. Ҳар хил сайроқи қушлару саъваларга жон битган, улар бир-бирларига роз айтиб, сайраб ётишибдими ёки офтоб нури тушган ердан турли-туман садолар таралаяптими — ажратиб бўлмайди. Шундай ажабтовур тонг палласи.

Ҳар кунни бунақа пайтда Султонмурод акам отхонага кетиб бўлар, баъзан аравабини қўшиб ҳам келар эди. Ҳозир бунчалик ётмаса, ширини тушларга асир бўлиб?.. Ойининг гапларини ерга ташлай олмай, секин ўрнимдан турдим. Ичкари уй эшигини аста итариб, бошимни суқсам, ётибди ёстиқ қучоқлаганча. Бунга ёстиқ қучоқлаш одат шекилли ўзи. Эски уйимиз-

да биринчи кўрганимда ҳам шундай маза уйқуда (худди яра-ланган йўлбарс қориб, чўзилиб қолгандай) ётувди. Ҳозир эса ширин тушлар кўраётган каби ёстиқ қучоқлаб ётибди. Балки тушидаям уни кўриб, ажрагиси келмаётгандир?..

Бундан гашим келиб, гижиниб турдим у эшикни ёшиб, орқага қайта қолдим. Алам-аччиқдан ичим куйиб, кўзимга ёш қуйилиб келди: Эҳ, кеннойи, кеннойи! Келиб-келиб шу сангига кунгил берасизми? Кошки уни яхшироқ билсангиз ҳам. Тарихини эшитмагансиз-да... Бу ёқларда ҳам бекорга юрибди-ми?..

Ишқом поясидаги қоп билан ўроқни олиб, кучага чиқиб кетдим. Унинг башарасини кўрганимдан, бирон ўқариқдан ўт ўргани кетганим, турганида йўқ бўлганим афзал. Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам!

Қаюмбек амаки экин экадиган тепалик ёнидаги ташлама ариқдан шир-шир ўт ураётсам, беданинг ичида бир нима «кир-кат-киркат»лаб овоз беришти, орқасидан бедананинг патпалоқ-лаб сайрагани эшитилади. Ўришдан тўхтаб, ўтирган еримда патпалогини санашга тушиб кетдим: бир, икки, уч... ўҳ-ўҳ, ун, ун бир, ё тавба! Жуда зўри экан-ку! Қаерда сайраётган экан? Секин ўрнимдан тура бошлаган эдим, беданоя ичида биров боркан:

— Ўтир-э, утир!.. — дегандай қўл силкилаб қолди.

Унга ўхшаб, жойимга чука қолдим. Қарасам, бизнинг томонларга утиб турадиган таниш беданавоз амаки. Паст бўйли, жиккак одам. Ҳамиша елкасида тўр, олдида шалпангқулоқ, анқайма ити — беданояма-беданоя изгигани-изгиган. (Шу одам оёғида йиртиқ калиш, оқсоқ оёғини судраб босганича умри бедана овлаб ўтди).

Уша амаки рўпарамда чўнқайиб ўтирволиб, хўп ухшатиб тупчасини чалар, бу макиёнинг чорловидан маст сайроқи кўзи тиниб, хуши оғиб тўр тагига йўргалаб-йўргалаб келаркан, урта-уртада тўхтаб, сайраб қўярди. Бу алдов у тўр тагига етиб келгунга қадар давом этди. Кейин амакининг бир ҳимоси билан холдор ити нушиб ётган жойидан отилиб чиқдию тўр атрофини гир айланиб сайроқини асирга олди.

Кейингиси осон экан. Амакининг ўзи утирган еридан сакраб туриб, тўрни гардидан силкий кетди ва бедана етиб келган жойидан порилаб кўтарилиб, тўрга уриладию беданавоз ўзини унинг устига отди.

Мен ҳам ўрогимни ташлаб, икки-уч ҳатлашда етиб бордим. Амаки сайроқини тўр тагидан чиқариб олиб, тумшугини намлаб турган экан.

— Ҳа, зангарча, қўлга тушаркансиз-ку, — деди у қанотларини силаб, ёруққа соларкан. Кейин менга мақтади. — Уч ҳафтадан бери думини тутқазмайди-я, айёр. Хўб маст пайтида авраб тутиб олдимми!

— Тупчангизам зўракан, — дедим мен, — беданояннинг ичида утирганингизни ўлай агар сезган бўсам.

— Ҳе, нимасини айтасан! Буни қаердан топдириб келга-

нимни биласанми ўзинг? — Амаки бўйинини галати чўзиб қўйди.

— Йўқ.

— Нақ Турватдан опкелтирдим. Кўрйапсанми терисини? — У азабазза чап билагига осволган киркатиини юқори кўтариб кўз-кўзлади. Чинданам тупчанинг устига бир чиройли сирилган терининг оч жигарранг патлари майин йилтирарди. Мен ушлаб кўриб:

— Зўр-ку, — дедим. — Ростданам нимадан қилишади буни?

— Ўрдакни терисидан, шунийам билмайсанми? — У чап кафти билан юзимни сийпаб ҳазиллашди: — Вой пучуг-ей! Туйида келар тўртта кучуг-ей.

— Ўзингиз пучуқ. Нима, мен қиз боламани?! — дедим тисарилиб.

— Қиз бола бўлмасанг, кетдик мен билан. Ҳов, Иззанинг нарёғида ҳам битта шунақаси бор. Неча кундан бери чап бериб кетади, зангарча. Шунини тутиб келамиз. Бўптими?

— Бўпти, — дедим ич-ичимдан шодланиб. — Турни сургашворамани? — сўрадим ўтни ҳам, ўроқни ҳам эсимдан чиқариб.

— Сургашворасан. — У белбогига осилган оқ суруп халтачасининг огзини очиб, сайроқини авайлаб сола бошлади.

— Мен кўтарволай, — дедим қизиқиб.

— Ҳе, йўқ, буни ҳеч кимга ишонилмайди. Билмай эзиб қўйсанг, мен нима қиламан, пакана пари? — У кўзларимга эркалагандай тикилди.

— Дарров ўла қолибди-да, — Мен ҳам хафа бўлиб, юзимни бурдим.

— И-и-и, ҳа, сен бу қанақа беданалигини биласанми ўзинг?

— Қанақа экан?

— Юзта беданага алишмасман буни!

— Юзтаси қўшилганда от ё туя бўлармиди!

— Булганда қандоқ! Ҳали буни қўлга ургатволай — битта отни миниб келиб, ташлаб кетадиганлар чиқади! Сен нима деб ўтирибсан, пакана пари!

— Унисичи? — дедим Иззанинг у бетигагисига ишора қилиб.

— У, албатта, бундай бўлолмайди. Лекин сайраганини эшитсанг, қотиб қоласан ўзинг.

— Шу итингиз биланам тўтолмай юрибсизми ҳали? — дедим боядан бери оёғимнинг тагида жилпанглаб турган оқ холли, қора қулоқ овчи итга қараб.

— Буми? — деди амаки тўрини учи найза қозигига илиб йигиштираркан, — бу облочининг итидан ёмон чиқди-ю, лекин қотгани қўймай учирворади, зангар.

Мен кулдим.

— Облочининг ити дейсизми?

— Ҳа-да. Хабар берадиганиям, бошлаб келадиганиям ўша — даюс. Урушлариям тугар, мансаблариям битар, демайди.

— Ким? — мен англаб-англамадим.



— Танийсан уни! Анув... бор-ку... — ижарганиб қул силтади у, — мундайд... хабаш одам-чи.

— Ҳа-а, болалар кўрсаёқ тиркираб қочадиган...

— Балли-балли. Уша Акмал маймунбашара-да, ким бўларди! Юрдикми?

— Юрдик, — дедим одам бўйи кутарилиб қолган қуёнга қараб қўйиб. Ойим бозордан қайтмадилармикин ишқилиби? Ўзим шундан хавотирдаман-у, лекин амаки билан бирпас тентирашиб бедана тутишгим, унданам бурун ҳамма билан ош-қатиқ булавермайдиган бу одамни озгина гапга солгим келарди. Биз қора қулоқни эргаштириб, Иззага қараб кета бошладик. Унинг ити ҳеч қанча ўтмай бир бедананинг исини оловодио кўрпа бўлиб қолган бедапоянинг ичига уриб, йўқ бўлиб кетди.

Пайтдан фойдаланиб, мен ижикилашга тушдим:

— Унда Асол холамининг утиллариным шу соттан экан-да?

— Қайси холаи? Анув никоҳида облочи босган болани айтвотсанми?

— Ҳа-да. Танирмидингиз?

— Таниганда қандоқ! Шундай йигитни ун гулидан бир гули очилмай йўқ қилиб юборишди-йа, зангарлар. Суриштирадигани бўлмагач, шу-да. Эй, буларга ҳам боққан балоси бордир худойимнинг. — У тупчали қўлини бир силтаган эди, билагига урилиб, беўхшов киркатлаб кетди.

— Уша ишга ростданам аралашган бўлса, Султонмурод акам соғ қўймайди. Кўрасиз ҳали, — дедиму тилимни тишлаб қолдим.

— Ким дединг? — Амаки елкаси оша қараб қўйди.

— Шунақа акам бор, — дедим ноилож.

— Аммо аканга айтиб қўй. Ҳазир бўлсин ундан. Нақ худонинг бошли-кўзли балоси-я! Бир ўчакишса борми — қўймайди.

Сал нарида бедана чулуқ-чулуқлаганча париллаб кутарилиб, қорақулоқ анқайганича қолаверди. Амаки унинг шу туришига беш кетиб, қулиб юборди:

— Айтдим-ку, облочининг итням чиқмайди бундан деб!..

Кейин итни эркалаб, қушиб қўйди: — Маҳ-маҳ-маҳ. Шу макишларга овора бўлиб юрибсанми, овсар? Ҳай, майли, хафа бўлма. Бугунги овимиз бир йилга татийди, бир йилга...

Биз чимзорлари шудрингдан сон-саноксиз исиргалар тақиб, офтобда дуру инжудек ярқираб ётган сойликка орқамизда бир аломат яшил излар қолдириб, тушиб борар эдик. Уни қаранг! Ҳатто қора қулоқнинг жимитдек излари ҳам чимда аниқ-тиниқ кўриниб турар, биздан кейин кўрган одам ҳам бу ердан овчилар ўтибди, дея оларди.

Балки судраб босган калта қадамидан оқсоқ беданавознида танир?

## Акмал жувоннимарг

Мен тушининг айни жазирамасида кўчамизга чиқиб, анҳор бўйидаги дўнгда ёки сув оладиган зинамизда тиззамни кучоқ-

лаб, соатлаб утиришни яхши кўраман. Бунақа вақтда кўчадан зог ҳам ўтмайди. Далада ҳам ҳеч ким қолмайди. Ҳаммаёқ офтоб живир-живирга ботиб мудрайди. Ҳатто сояда кавш қайтариб ётган сигирлар иссиқдан эриниб, ҳар замонда думларини силкиб қўядилар, холос. Тенадаги ёнғоқзорда зарғалдоқнинг биёв-биёвлашини айтмаса, қушлар ҳам қай гўргадири уриб кетганлар.

Янги жойимизга анча кўниқиб қолдим. Яккабоғдан қолишмайди ҳеч. Айниқса, манави анҳор бўйи. Эшигимиздан чиқиб, тупроқ кучани шундай кесиб ўтсам — бас. Одам зўрга сакраб ўтадиган, лекин ҳаммиша сув чип-чип тўлиб оқиб ётадиган анҳор бор. У ҳов Чўлпон отадан бошлаб шу ёлғиз кўчага эргашиб келади. Шундан шу ёққа бир вақтлар кимдир қатор ёнғоқ эктирган. Қанчаси кесилиб кетиб, ҳозир энг азаматлари қолган. Ҳар ёнғоқларки, тушига қулочинг етмайди.

Кўча ёқасидаги хонадонлар ҳар куни уч маҳал — эрталабу қоқ тушдаю намозномда бу кўчага қулоблаб сув секиб, муздек қилиб қўйишади. Бунинг устига, ёнғоқнинг сояси, манави анҳорнинг салқини, сўнг Изза томондан эсиб ётадиган гир-гир шабада қўшилиб, бир галати жойга айланадики...

Ойим айтиб ўтирадилар. Жаннатда остидан дарёлар оқиб ётадиган соя-салқинлар ҳам... шунга ўхшаса керақдир. Бўйи-эни бир ойлик йўлчалик, суви сугдан ҳам оқроқ, ҳиди мушкдан ҳам муаттарроқ, кўзалари фалақдаги юлдузлар янглиг Ҳавзи Кавсар олдида балки бу ҳеч гапдир, дейдилар.

Ҳарқалай менга ёқади. Анҳор бўйига чиқиб, Изза томонга қараганча бир ўтириб олсам, кейин туришим қийин. Ундан Иззага довр чўлиб борган бедапояю Иззанин ҳар икки бетидеги калта-кичик тухумсимон тепаликлару у ёнга кутарилиб кетган қовунполизу каргошказорлар, нарёқдаги олмазор, отхонагача ва ниҳоят Иноғом тоганин ёнғоқзор, ўзимизнинг кичик толор кўчамизгача бари-бари қўш кафт-қовучдагидек яққол кўриниб туради. Айниқса, у томондаги ҳар битта қора — сояни аниқ биламан. У кимнинг қўргоню кимнинг боги кўзимни очмай айтиб бера оламан. Шу ердан Зумрад холамиларнинг хароба қўргоню унинг орқасидаги дўн тепаликкача аниқ-таниқ кўриб ўтирибман. Кўз олдида эса, харобага кираверинидаги эски ҳовуз, унинг бўйидаги наъматак, сариқ сапсар гуллари гулбеорлар кетмайди. Кейин у ошпоқ ойдинда сувсаб қўнган гаройиб қушлар — турналар бир-бир ўтаверади. Хўб даврлар эканми? Энди барчаси пешин живир-живирга кўмилиб, саробдай жимирлайди, тушдай кўринади кўзга.

Шу маҳал бўш араванин дўқирлаши эшитилиб, сўнг ўзи тоғамнинг қайрилишларидан чиқиб келди. Султонмурод ака қўш отли а. . . васида тизгинини бўш қўйганча, арванинг дўқир-дўқирга менани чайқалиб келар эди. Шунақа хаёл суриб кетибди. Мен уни биринчи марта шундай кўришим. Бўлмаса, отларига тинчлик бериб қўядиган анойи эмас. Қачон қарасанг, гайрати ичига сизмай қамчи ўйнатиб, отларини қистагани-қистаган. Айниқса, ўридан тик туриб олиб, бир қўли билан тиз-

гинни силталаганча, бир қўли билан қамчинни чарс-чурс шоти-га уриб, аравасини шаддиратиб бораётганда кўрсангиз. Ана уни ҳақиқий Султонмурод, гайрати оламга сигмайдиган дов йигит, деса бўлади. Бугун пешонасини маҳкам тангиб олган қийигини демаса, молини олдирган бозорчидан фарқи йўқ. Нима бўпти экан?

Эшигимизга етганда у аравасини четга чиқариб, ўзи енгил сакраб тушди. Отларининг сўлигини чиқариб, толга боғлади. Кейин араваси ичидан белбоғига тугилган бир нарса олиб, мени чақирди.

— Бу ёққа қара, Мақсуд.

Чопиб бордим. У мен уйлаганчалик бўлмаса-да, шаҳди пастроқ эди.

— Манавиндан бир-икки бошини чайиб кир. — У тугунни қўлимга тутгазди. Унда бир-икки бош эмас, анчагина узум бор эди. «Қаердан шила қолибди?» Шу хаёлимдан ўтдию тугунчани очгим ҳам келмай қолди. У менинг авзойимни сезгандай, ёмон бир қараб қўйдию қамчисини эшик зулфинига солиб, ичкарига кириб кетди.

Анҳор бўйига бориб тугунчани очсам, отлиққа ҳам топилмайдиган оқ даройи, саҳарда узилгандай диркиллаб турибди.

Воҳ, буни қаранг! Қаердан олган бўлиши мумкин? Албатта Каттабоғдан-да! Ундан бошқа қаерда ҳам битарди бунақа узум! Бу ёқларни ҳам узиники қилиб опти-да ундан чиқди?..

Энди бояги ирганиш ҳам бор, бир чеккаси кўзим уйнаб турибди! Ўзи ҳам узуммисан-узум-да! Узумларнинг пошшоси-да. Бунақаси Сиддиқ арракашнинг боғидаю Каттабоғда битади. Ишкомидан гир-гир шамол ўтиб турадиган жойда дурдай тов-ланиб, асалдай шира тортади.

Шу қадди-баст, шу кўрк, шу азаматлиги менда бўлсами! Кетардим аскарликка кўкрагимни гоз тутиб, қанча қизларнинг эс-ҳушини огдириб! Бу бўлса, шаҳардан секин сирғалиб чиқиб, бу ёқларда шаддироқ арава миниб юрибди. Тагин Эски Жуванинг кўзири эмиш!

Узумнинг икки бошини чайиб, қолганини белбоғда кўтарганча ҳовлига кириб борсам, ойим супага жой тайёрлаб улгурибдилар. Мен дастурхонга қўйган даройини кўриб, бетимга қарадилар. Кўз қиримни белбоғ эгасига ташлашим билан тугундилар. Ойим ҳеч кимни аямасдилар, ҳозир адабини берадилар, деб уйладим. Чиндан ҳам индамай қўя қолмадилар, самовардан чой дамлай туриб, дабдурустан:

— Опамларникига кираркансан, ўшатда ичиб кела қолмадингми чойни? — дедилар бетига қарамай.

Султонмурод акам ят этиб, бошини кутарди. Бир ойимларга, бир дастурхондаги узумга қараб жилмайди. Боғини танганиларига ҳайрон қолди.

— Ростданам холам сўраб юбордилар. Кечки пайт поччанг билан утармиз деб... манавини бервордилар.

Ана холос! Мен бўлсам не хаёлларга бориб юрибман. Нусрат поччанинг Бўзсувнинг бўйига тутаниб кетган боғларидан

экан-ку. (Улар ўзлари қишда шаҳар ҳовлиларида туриб, ёзда икки ойгина шу дала боғларига кўчиб чиқишар эди. Мен кўп борганман-у, лекин боғни яхши тингиман эканман. Бўлмаса танирдим-ку). Узимизники экан ҳисоб-ку. Даройига ёпишиб, қарсиллатиб тушира кетдим. Оҳ, оҳ, мазангдан! Оламда шунақа узумларам бор-а!

Шу гапдан кейин ойим ҳам бир гужум олиб:

— Омонлик-сомонлик, етказганига шукр! — дея огизларига солдилар. Ўртадан тушунмовчиликлар кўтарилиб, гангур-гунгур билан чой ичаётган эдик, кўчада отлар кишнашиб-юлқиниб қолди. Султонмурод акам ўрнидан тураётиб шоширди:

— Чоп, тизгинни узмасин! Тутиб бўлмайдн кейин.

Мен ўқдай кўчага отилдим. Не куз билан кўрайки, аравага қўшилган айгирлар қутуриб, орқа-олдиларига бориб келишар, ёш толни эгиб, тизгинни узгудек бўлишар-у, иккисининг ҳаракати бир келмагани учунми, узиша олмас эди.

Тишлашиб кишнашяпти десам, кўчадан қора бия минган одам ўтиб борялган, отлар уша бияга талпинар эди. Тизгинни узиб кетсами, ана унда кўрардингиз томошани. Ичимда кулганча, отларга пўписа қила кетдим.

— Ар-р! Тис-э, бийа кўрмаганлар!

Бу гап огзимдан чиқиб кетдими ёки ҳалиги «томоша»нинг таъсирида айтиб юбордимми, кутилмаганда отлиқ отининг бошини ёнгоқнинг тагига буриб, ўзи эгардан туша бошлади.

Кўрқиб кетдим. Унга тегадиган нима гап қила қолган эканман? Шунча эслашга ҳаракат қиламан — қани эслай олсам. У бўлса, жилвини отнинг бошидан ошириб, менга ўгирилади Ё тавба! Хабашдай қора тортиб кетган маймунбашара бир одам, тишининг оқини кўрсатиб турарди. У хунук ишшайди.

— Бийа кўрмаганларми?..

У менинг гапимдан таъсирланиб кесатдими ё атай шу ёққа келаётганмиди, билолмадим. Анграйиб қоиман. Бу ёқда отлар боягиндай юлқинишини қўймайди. Қора йўловчи биясининг жилвини ёнгоқнинг бутогига эринмай боғлашга тушди. Нима бало, опке айгирларингни деб қоладими? Бир кулгим қис-тайди, бир нимадандир ҳайиқиб турибман. Ҳарқалай йўловчининг турқи хунуқроқ.

— Мол эгасига ўхшамаса харом ўлади дейишарди, рост экан, — деди у нимагадир, кейин ўтирилаётиб сўради, — оқангнинг ўзи қани?

У гаилиғ шимининг чангини қоқиб, йўтон камарини тўтрилаганча, кела бошлади. Шундагина ёнига налогчиларникига ўхшаган папкаю наган тақволганини кўрдим. Ичим шув-в этди: ўлди акам! деб уйладим. Ё девор ошиб қочвордимикан алақачон?

— О-кам, окам... қайси окам? — дея гудрандим нима деяримни билмай.

— Асранди оқанг-чи! Қизиқ бола экансан-ку! Ўзини овсарликка солишини кўринг. Вой сани-ю, хувари! — У таъсирланиб қолди.

Назаримда, Султонмурод акамнинг девор ошиб, гумдон бўлиб кетишига ёрдам қилаётгандек баттар ўзимни гулликка солдим.

— Олим акамми?

— Қанақа, Олим акам? — У шунақа акам борлигини эслай олмай, ягир кепкасини жиддириб, бошини қашлади. — Шошма-шошма. Бу, анув халқ душмани буп кетган қариндошларинг буларди. Ушанинг кичкина углими?

Унинг бу гапидан дамим ичимга тушиб, қўрқа-писа ёлгонладим.

— Сиз адашиясиз, кимгадир ухшатиб...

— Ола, хувари! — У яна боягидай кулди. — Хуп, қайтда ўша қочоқ окам?

— Қочоқ? — Мен рости билан ҳам ҳайрон қолдим.

— Ҳа, менга куришмай юргандан кейин... нима бўлади?!

— У ҳеч қанақа қочоқ-почоқмас, шаҳарга ўқишга юборишган уни. Мелисаликка ўқиб ётибди.

— Йўз, — деди у ва «вой, мени жуда қўрқитиб юбординг-ку» дегандек кулди.

Ва шу маҳал куча эшигимиз гийтиллаб очилиб, остонада Султонмурод акам кўринди. Қора одам унга ялт эгиб қарадию таниб, бирдан сергак тортди. Юзига нимадир соя ташлаб ўтиб, ўзи зўрма-зўраки кулумсиради.

— Эй, укагинам Султонмуродхон, бормисиз, кўрадиган кун ҳам борақан-ку узингизни, а?

Вой ялтоқи-ей! Вой тулки-ей! Ҳозир димоғидан қурт ёғиб турган одамни кўринг. Қўрқмас экан-а, акамдан!

У билагидаги қамчинни саланглатганча, куришгани қўлини чузиб бора бошлади:

Йўқлаб борганакансиз, йўтаканман.

Акам уни кўрибоқ энсаси қотди. Хушламайгина қўлини оларкан:

Ҳа, борувдим, — деди ва унинг бевақт келгани ёқмагандай отларига овора бўла бошлади.

— Хизмат, укаҳон! Неча йилда бир ишингиз тушибди! Қўлдан келса, жоним билан... — у маймундек қийшонлади.

Миямга бирдан беданавоз амакининг гапи тушиб, бу одамнинг болалиқдаги бир қарич думчасини яққол тасаввур қилдиму кафтимни озгимга босдим. Э, бу анув одам-ку: Акмал жувоннимарг. Яна нима девди? Ҳа, облочининг ити! Шу одам акамга ялтоқилик қиялтими? Ҳаммани зир титратадиган одам-а? Балки айёрлик қилаётгандир?

Акам отини қашлаб, юганларини тўғриларкан, тўрсайиб, калта гап қилди:

— Мен сизни қаерга чақиртирувдим?!

— Ҳа, энди, укаҳон...

— Йўқ. Ушатда гаплашаман, боравуринг.

Нима бало, ҳисоб-китоби борақанми? Шу маънода, боринг, деяптими? Яхши англай олмай қолдим.

Акмал ўрис унинг бу муомаласидан тамом ўзини йўқотиб,

серрайиб турарди. Кейин боягидай ягир кепкасини жиддириб, бошини қашлади.

— Султонмуродхон, биздан бирон айб... ўтган бўлса — кечиринг, — деди ўтиниб.

— Айтдим-ку, сиз билан алоҳида гаплашаман. Ҳозир боринг-боравуринг.

— Оковси, бегонамасмиз, бир жойнинг одамимиз. — У яқинлашиб, эланишга бошлаган эди, Султонмурод акам шердай ҳурпайиб қайрилди:

— Ушатта дедимми — ушатта гаплашаман! Ушатни биласизми?

У бушашиб, ерга қаради:

— Айтиб кетганакансиз.

— Билиб туриб келдингизми?

— Энди Султонмуродхон, узингиздан қолар гап йўқ...

— Ҳеч қанақа қолар гап йўқ, эшитдийизми? Боринг-боравуринг.

Акмал ўрис ерга қараб турди-турди-да, бирдан у ҳам туюқди, жазавога тушиб, қўлларини силкилади:

— Бормасам-чи? Боришниям хоҳламасам-чи?! Нима қилардинг? Осмон қўлингда эканми? Мен ҳукумат одамиман. Билиб қўй, ҳукумат сениям шундай қолдирмайди.

— Нима? — Султонмурод акам ялт ўгирилиб, яна бир қайтаринг, дегандай яқинлашиб бора бошлади. У шошиб қолди ва тисарилиб туртиниб кетди. Жон ҳолатда шангиллади:

— Ур-чи! Чертиб кўр-чи! Қаерда кўраркансан узингни.

— Ҳув, хезалак, — деди Султонмурод акам, — бора олсанми-йўқми, шуни айт?

— Менам сен билан бошқа ерда гаплашаман. Қараб тур!

— Шошма! Иккала қулогинг билан эшитиб ол! Агар бирон ерга гинг деб бораркансан ёки айтган жойимга келмасакансан... узингдан кўр! Аяб ўтирмайман, ҳа. Ҳозир сенга жувоб! Иккинчи қорангни кўрмай бу ерда. Бор. — У қайрилиб арава-сига қараб юрди. Акмал ўрис эса кўчанинг ўртасида туриб-туриб, ноилож орқасига бурилди. Бияси негадир думини икки буксасига чилп-чилп урганча итлашшаларни қувар, бунга сари аравага қўшиғлик айгирлар қулоқларини динг қилиб, безовта пишқирар эдилар. Биров бушашиб юбора қолсаю гинжинглаб-ўйноқлаб ўша томонга чопсалар! Лекин мен — ўзим бошқа нарсадан ҳайрону лолман: тавба, шунча вақтдан бери Султонмурод акамнинг кимлигини билмас эканманми? Акмал ўрисдай одамлар унинг олдида пидаираб қолса-я. Ё тавба! Унда бунинг ўзи ким? Ўгрибошимиз ё чинакам қароқчиларнинг катта-таси? Ҳали шунақа одам бизникида ётиб юрибди эканми?

## ҲУКМ

Нималигини билмайман, лекин шомдан бери мени югуртиришади. Ҳали Исмон тоғангни айтиб кел, аянг ҳам бирга кел-

синлар экан. Ҳали: Ҳабира холагникига ўтиб кел, поччам ҳам борсинлар экан, де. Ҳали: Ҳидой холагникидан қайтишда Мубор холагникига кириб ўт. Бораркансизлар, де...

Шунаққиб, улоқчи Исмон тоғам билан бошлашиб, Қудрат аям кириб келдилар. Қўлтиқларидаги қийиқ-тугунчани дастурхонга туккан эдилар, ҳар биттаси бошмадқоқдек оқ ўриқлари зўлдирдай кўксултонлар, қўшалоқ-қўшалоқ қора гилослар хонтахта билан битта бўлиб, думалаб кетди. Кўзим ўйнаб, вой-ву деб юбордим.

— Жаннатнинг исми келади-я меваларийздан, — дедилар ойм.

Мен кўрпачанинг устига думалаб тушган кўксултонларни дастурхонга олиб қўйиб, данакларию томир-томирларигача манаман деб кўришиб турган шишадек тиниқ биттасини томоша қила бошладим.

Ҳали улар ўтириб улгуришмай, димогимга қовурилган балиқ ҳиди урилди. Ўтирилиб, ҳамшиша пилдираб-шошиб юрадиган Анвар кеннойимларни кўрдим. Улар бир тунука лаган қипқизартиб қовурилган балиқ кўтариб, авиёсифат кенжа тоғамни «юра қолинг, бой бўлгур» деб эргаштириб-қистаб келар эдилар. Чуваккина тоғам нималардир деб мингирлаб қўядилар. Лекин нима деяётганларини ўзларидан булак кимса эшитса, ўсин агар. Чумолига ҳам озор бермайдиган шу тоғамни армияга чақириб турганмиш. У киши қанақиб жангга кирадилар, одам ўлдирдилар — ақлим бовар қилмайди.

Уларнинг кетидан энг кўҳлик Сапура кеннойим билан бошлашиб, оймнинг қарчигадай укалари Ислом тоғам кўришиди.

— Эй, ҳамма жигаргушалар жамул-жам-ку. Ҳовли тўйини уткаворсангиз ҳам бўларкан, она, — деб ҳазиллашдилар у киши. (Шу тоғам бир ҳафтадан кейин аскарликка жўнаб кетдилар. Кета туриб Қўлдош тоғамга «Ока, хайр энди, дийдор қиёматга қолди. Ушанақаси Маккага ўтиб кетаман», деганмишлар. Бу гапни тоғам қирқ йил ичларига солиб юриб, яқинда айтдилар).

Ҳали уртада бир пиёладан чой айланмаган эди, бир рўмол оқаччиқ кўтариб Ҳидой холам, кетларидан Мубор холам кўриндилар. У киши бир тоғорача даройи тугиб олибдилар. Кўзларида ажинларими, алақандай холлари бор шу холам елкамга қоқиб, пешонамдан ўпиб кўришдилар. Шунақа пайтда ойм «бор, оёқни тағида Уралашма» деб ҳайдашларини эслаб, юрагим шув этди. Негаки, шу холамнинг кўзлари бор. У киши яхшилаб қарасалар, ўйноқлаб бораётган отни ҳам йиқитадилар, улардан ҳазир бўлиш керак, дейдилар ойм. Қўни-қўшнилари ҳам холамни кўрдилар дегунча, чақалоқларини беркитиб, келинларини қочириб юборишади. Холам эса, бундан зигирча хафа бўлмай Қўлдош тоғамга ўхшаб, сассиз кулиб қўя қоладилар.

Ҳидой холам эса, уларнинг тамоми аксилари, оқ-сарикдан келган юзларидан ҳамшиша нур ёгилиб туради, ўзларидан бу-

са, қаламширмунчоқ ҳиди анқиб, қучоқларига олганларида багирларига сингиб кетгич келаверади одам. Бир чиройли нимчалар, камзуллар тикадилар. Мен сув олиб, тирсилаб турган даройидан егим келаетган бўлса-да, одоб сақлаб тугунчаларни секин хонтахта устига олиб бориб қўйдим.

Шунаққиб, бир тоғорача чиллаки узум кўтариб, Нусрат почча билан бошлашиб, Ойношна холам кириб келдилар. Шунаққиб, бир пешанобог қизил тарам олма кўтариб, Ҳабира холам кўриндилар. Қариндошларнинг гангур-гунгурлари тоза қизиганда, Норхўжа почча билан Жўра холам ёғиб келишди.

— Ие, савзи қани, савзитахталар қани, Нусратхўжа? — дедилар Норхўжа почча дабдурустан.

— Савзи нимаси? — дедилар кенжа тоғам гапга тушунмай.

— Дастурхон тўла неъмат, яна нима кам сизга, почча?! — Ҳа, биз кичкина Маҳмудхўжанинг чил-чил хасса тўйи олтидан маслаҳат оши бор деб эшитдик-ку, — дедилар у киши.

Мен кўзларим олазарақ бўлиб, атрофга алангладим: «Бу йигин ҳали шунга эканми? Ундай деса... — Мен пиқирлаб кулиб юбордим. Тўйим алақачон ўтган, уста кесган жойи билинмай ҳам кетган-ку».

— Ҳов почча, адашяписиз. Буни думалатиб олганимизга, валлоҳи аълам, неча йил бўвотти-ку, — дедилар кулиб Нусрат почча.

— Ҳе-йўқ, аниқ эсимда. Ёлгондакам думалатиб олинган бу. Уста келмай қолган... шундай бўлганми? — Норхўжа почча аzza-баzza оймга ўтирилдилар: — Саломхон, айтинг буларга: уста келмай қолган-а?

— Қўйинг-е! Қочинг-е! — Мен уялганимдан қипқизариб кетдим шекилли, қулоқларимнинг тагигача ловуллаб ёна бошлади. Ўзим зарда-уят аралаш ҳовлига қараб юрдим.

— Ҳазилингизам бор бўлсин. Йигит буб қолди-ку. Яқинда уйлантиради-ку Саломхон буни. — Койиб бердилар холам кафтларига йўтала-йўтала. (Шу холам уша вақтда касалванд эдилар. Орадан элик йил ўтди. Шу ўртада шундай қувноқ Норхўжа почча, қўша-қўша келинлар, қарчигадай бир утиллари ўтиб кетдилар. Лекин холам умрлари узун экан, каравотда ёта-ёта кичкина тортиб, муштдек бўлиб қолсалар ҳам, кўзлари кўрмай, юролмай қолсалар ҳам, намозларию тоат-ибодатларини қанда қилмай, худо берган дардларга сабр қилиб, жаннати бўлиб ўтиб кеттилар. Худо у дунёларини ярлақанган, ўзларини раҳматига олган бўлсин.)

— Унда куёв ошининг маслаҳати денглар, — дея қизиқчиликни қўймасдилар у киши.

— Йўқ, почча, бошқа маслаҳат бор, Қўлдошхўжани кутяпмиз, келинг ўтиринг, бу ёққа утинг. — У кишига тўрдан жой кўрсатиб, мени ҳазил-ҳузулларидан қутқаришди. Дуодан сўнг, яна мени эслаб, излаб қолишди.

— Айтмоқчи, дарақчимиз қани? Хабар олса булармиди тоғасидан...

— Ҳой, Мақсудхўжа, чиқиб келасанми?

— Югур, яна бир хабар ол-чи.

Мен яна икки хонадор нарига зингилайман.

Бориб келсам, Нусратилла почча кафтларида шиёла, ичидаги чойини аста айлантирганча, унинг юзидан кўз узмайин амри маъруфга тушиб кетибдилар. Холалариму тогаларим, поччалару кеннойилар бир супа бўлиб, қўр тукиб утиришибди. Уртада бувамиздан қолган узун, сербар хонтахта, устида ёзнинг олди мевалари. Уртада тункариглик коса, косанинг устида қирқинчи чироқ. Сапура кеннойимнинг ёнларида самовар, жигилаб «ашула»сини айтиб ётибди. Почча эса тўрда чиройли кузалган соқолларию янасқи оқ юзларидан нур ёғилиб сўзлаштилар. Секин келиб, райҳон ариқ ёқасига чуқа қолдим.

— Ана шу жаннатлар халқ этилгач, Жабройил алайҳиссалом уни томонга этиб айлашиб юрсалар, бир вақт кўшқдан бир ҳур тушиб, у зотга кўришиш берибди. Жабройил алайҳиссаломнинг ҳамма кўрганлариям бир бўптию бунисиям бир бўпти. Ё Борийю Ё Мусаввир, деб Оллоҳга тасанною ҳамд айтибдилар. Кейин у ҳур бу зотга қиё боқиб, табассум қилган экан, тишининг оқдигидан ҳамма жаннатлар равшан тортиб кетибди. Жабройил алайҳиссалом бу равшанликни Оллоҳ таолонинг нуридан гумон қилиб, беҳуш йиқилибдилар. Шунда устларига бояги ҳур келиб:

— Ё аминulloҳ, бошингизни кўтаринг, дебди аста.

Жабройил алайҳиссалом кўзларини очиб қарабдилару:

Субҳонolloҳ! — дебдилар яна чиройидан лол қолиб.

Шунда ҳалиги ҳур:

— Ё Жабройил, менинг ким учун халқ қилинганимни билмасмусиз? дебди.

Билмасмен, дебдилар Жабройил алайҳиссалом.

— Ё Жабройил, Улуғ Тангри мени ўз нафсининг хоҳишидан ҳам Оллоҳнинг розилигини афзал кўргувчи бандаси учун яратган, — дебди у.

— Субҳонolloҳ! Оллоҳим суйган бандасига шундай ажру мукофотлари борақанми?! — дебдилар Жабройил алайҳиссалом сайҳа тортиб.

Уни қаранг-а! Уни кўринг-а! — деб юбордилар Ислом тоғам таъсирланиб. У киши бунақа пайтда қўлларини бир галати силкиб, қош кертганча қотиб қолар ва юзларига аста кулги ёйила борар эди. Таъсирланган у киши, лекин Сапура кеннойим ловлагидек қизариб, ер сузиб қолдилар. Ҳаммалари кулишиб, чекка-чеккадан ҳазил-мутойибалар ёгилди:

Бўлса, Сапура келинимизча бордир-да, уша ҳур, Ислом-хужа?

— Почча, оширвормадийизми мободро?

— Ҳа, дарвоқе, дарвоқе, — деб ўзларига келиб, уялиқиб раб қуддилар Ислом тоғам.

— Султонмуродхон ҳам ушандақа кашмиррасига йулиқмадимикан ишқилиб? — дедилар чистон қилиб Анвар кеннойим.

— Бўлса бордир, бўлса бордир, — деди кимдир.

— Асолни келини шунақа гаърифиди эканми? Саломхон, сен уртада турганмидинг? — дедилар Жўра холам.

— Ангишвонага солиб ютиб юборадиган бўлмасаям кўхликкина эди, — дедилар Ҳидой холам тасдиқлаб. — Бувиси Худоёрхонга канизми-манизми ўтган экан-ку.

Узи эмас, тақдири кўхлик бўлсин. Ана, Баҳриддингина билан нима бўлди, — дедилар ойм. — Уям чиройига учиб, опамни қўярда-қўймай, шуни олсам ҳам оламан, олмасам ҳам оламан деб куйдирган эди. Бунақа бун кетади деб ким ўйлабди? Чиройи курсин, шумқадамроқ эканми, нима бало? — дедилар Анвар кеннойим бидиллаб.

Сен нимани била қолдинг, тақдир дейдилар бун, — уришиб ташладилар кенжа тоғам.

Хўп, бой бўлгур, хўп, — деб қуттидилар кеннойим.

Ҳой, шу гапларни кўйинглар, бўладиган гапга кўчинглар. Нусратилла почча пишиллаб, оғир кўзгоқдилар. Мақсудхўжа қани, чиқиб келдимиз? Қўлдошхўжадан дарак борми-кан?

Мен угирган еримдан туриб юзландим.

Тоғам қайтмабдилар. Кеннойим тик этса, эшикка қараб ўтирибдилар.

Унақа кеч қолмасдилар-ку, мулла акам. Сапура кеннойим хавотирланиб, Ислом тоғамга қараб қўйдилар.

Ойбам болақини, куйиб кетдилар десангиз-чи, — дея қўшидилар Анвар кеннойим.

Эдан бурун ваҳма кўтарманглар, — урушиб бердилар

Ҳабира холам жавраб. — Биласизларми, қаерга қатнаб ишлайди нақ Чалага бориб келади ҳар кун. Ҳазилакам жойми?

Ишқилиб, тинчлик бўлсин, — дедилар Қудрат ая оғир кўзгоқиб.

Нусратилла почча енгил йўталиб, томоқ қирдилар:

— Ҳой, валлоҳи аълам, Қўлдошхўжасиз битмайдимиз шу иш?

— Бошқа вақтда тик этса, унга чошиб боровуз, усиз ҳеч нарсани ҳал қилмайвиз. Энди кутмаймизми? Кўйинг, ўйламай гапиравурасизми? — Ойпошша холам шаша доқа рўмолларини қайта ўраб, поччадан нарироқ сурилаб олдилар. Бу — у кишининг қизишганлари эди.

Исмон тоғам улоқда лат еган тиззаларини силадилар.

— Ростданам, Нусратхўжа, шартий томони қандай бўлади? Баҳриддинга аза очилса, бўлак гап эди, очилмаган-ку?

— Асол опамнинг йузлари-чи, қандай ўтиб совчи йўлаймиз?

Мен сесканиб тушдим. Аламим қайнаб келди: Ие, бу йинг, бу машваратлар шунгамиди ҳали? Шумқадамга чиқариб-чиқариб, йана совчи йўлашмоқчимиз? Бечора кеннойим...

Почча юзлари аралаш соқолларини силадилар:

Мен у бетавфиқнинг ёнини олмоқчи эмасман-у, лекин бу ерда мене бўладиган ҳеч нарса йўқ.

Ҳайрон қолдим: ким бетавфиқ? Султонмурод акамми? Шунчалик элга дoston бўлиб кетишибдими?

— Эрта-бириси куни Баҳриддиннинг дараги чиқса, нима деган одам бўловуз, дедилар кенжа тоғам мингирлаб. — Нозув ишга бош кўйишансиз, почча.

— Э, нозувми-йўқми, сен шошма, — жеркиб бердилар Ҳабир а холам, кейин поччага юзланиб дедилар. — Тушунтириб-роқ айтинг, почча. Идда мудартиям утиб кетган, девотсизми?

Почча лабларининг четида майин жиммайиб, бош чайқади-лар:

Ундай эмас. Аза очилганда идда лозим эди. Ҳозир бу шундай ҳолки, қиз никоҳлангани билан, нима десам бўлади, гўшангага бирга кирганмас. Хулласи, бир ёстиққа бош қўйиб улгурмади. Бундай пайтда шариат маълум вақтдан кейин томонларнинг, йаъни қудаларнинг ризолиги билан қизнинг бошини очиб қўйа олади.

Асол опам икки дунёда рози булмаслар. Қаёқдаги гапни гапирасиз? — Ойпошша холам яна боягиндай қизишдилар.

— Сенам қизиқсан, Санобар. — Почча илкис қараб, хонтахтага секин муштладилар. — Кучини олиб кетишганда индамаган одам, энди нима дердилар?

— Ҳечам-да. Опам ушанда индамаганлари билан ичларидан куйиб ётибдилар, сиз қайдан биласиз?

— Билмасам... билмасам, бориб сўрашмиз. Олдиларидан утармиз.

— Утинг-да, иннайкейин гапиринг. Холам яна юзларини буриб оқдилар.

— Ҳай, санга бир нарса бўлганми? — Почча жуда жаҳллари чиққанда енгил куладиган одатлари бор эди, ҳозир шундай кулиб қарадилар. — Менам эсимни об қўймагандурман.

— Бўлмаса, сиз шу ишга бош қўшманг, тамом-вассалом! — холам муштларини хонтахтанинг четига босиб, шарт қўйдилар.

Бунга сари почча пишиллабу хахолаб, яйраб-ййраб кулдилар.

— Шу холосми, шу холосми? — Сўнг мишжаларини артартди: — Вой, Санобари тушмагур-э, вой онаси тушмагур-э, — дея олдиларидаги совуб қолган чойни хўплаб, хонтахтага баг-риларини бердилар. — Ху-уш, сизларам шу тарафмисизлар, шунинг ёнини оласизларми, айтаверинглар очиқ, — дедилар бошқаларга.

Ким кўзини четга олди, ким нима деярини билмай андиша-да жавдиради. Фақат Қудрат ая уша-уша хуршайибгина утирар эдилар, авзойлари узгармай:

— Тўғри, Султонмурод ҳам бегона эмас, уз жигаримиз, — дедилар секин. — Лекин Баҳриддин бойақининг дараги чиқмай туриб, унинг никоҳидаги нарсага узимиз совчи юборишимиз... элнинг олдида яхшимас. — Аям поччага ярим угирилади-лар. — Сиз Нусратхужа кўп китоб кўрган одамсиз. Яхшилаб бир суриштиринг-чи, бу муаллақа аёллар қаторига тушиб қол-маганми ишқилиб?..

— Йут-е, кеннойи, унақамасдир, тушмас у тоифага.

— Ҳарқалай суриштирган яхши-да. Ҳозир бева бўлиб бева-мас, талоқ қилиниб — талоқ қилинганмас.

— Ҳа, уша муаллақанинг узи! Султонмуродингиз ҳам қизик. Шундан бошқа қиз қуриб қолганми?! — Ойпошша холам ҳамон рози бўлолмас эдилар.

Почча яна кулиб юбордилар:

— Узинг келин қилиб туширвотгандай сакрайсан-а, Санобар. Боланинг кўнглига ҳам қарайлик-да. Қолаверса, у Баҳриддин билан бир кунгина умр қилган бўлсайам майли экан... шу тавқи лаънатларни пешонасига йопиштирсак. Э, баракалла, э, баракалла.

— Шуни айтинг, почча. Бойақинида нима гуноҳ? — дедилар бир чеккада қисиниб, чой қуйиб утирган Анвар кеннойи.

— Уйидагилар ҳам тенги чиқса, узатворадиган ҳолатда эмиш, — дедилар Сапура кеннойим учоқбошидан келатуриб.

— Ўлсин, олов ёқмай, атай шундай гап тарқатган, — қўл силтадилар Ҳабир а холам.

— Ҳамонки, Султонмуроднинг кўнгли борақан, олиб бера-вуриш керакмиди, қўйнидан тўкиласа кўнжига қавлида. Асолга тушунтирармиз, — дедилар келгандан бери бу гапларга ара-лашмай утирган Ҳидой холам.

Аmmo бу учган оловга мой қўйган каби бўлди. Холаларим ҳар чеккадан бобиллаб беришди.

— Худодан кўрқинг, опа.

— Баҳриддинни ўлдига чиқариб-а?

— Зумрадхонни гўрида тикка тургазиб-а? Асол опамни ти-риклай гўрға киргазиб-а?

— Ҳай-ҳай, бу ахир маслаҳат-ку, бунча жонларингиз чиқма-са?! — Исмон тоғам хонтахтани тапиллатиб, холаларимни ин-софга чақирдилар. Лекин улар қайнаб турган дошқозондай вақирлаб, бўш келмас эдилар.

— Баҳриддининининг дараги чиқмагунча у хонадонга бо-ришни уйламангларам. Кутса — ана, олармиз қайта келин қи-либ. Кутмаса — узи билади. Иккинчи очмаганимиз бўлсин эшигини...

— Э, афсус, афсус, — почча тиззаларини уқалай-уқалай ўрниларидан тура бошладилар. Буни кўриб ойим шошиб қол-дилар:

— Ҳой, почча, ошни дамлаб қуйибмиз. Қаёққа турйансиз?

Почча индамай супадан тушдилар. Кавушларини топиб кийгачгина:

— Мен хуфтонни уқиб, узимга келиб олмасам, калаам қай-наб кетди. — дея ҳазилга бурдилар-да, таҳорат обдастани кўта-риб нари юрдилар.

— Бизам қазо қилмайлик, бўлмаса, — дея бошқалар ҳам бири-бирини тура бошлашди. Ҳеч ким бояги гапдан оғиз оч-май қўя қолди. Гуё ҳукм уқиб бўлингандай эди.

Ана халос! Султонмурод акам нима қилди? Шўрлик Маргу кеннойим-чи?

Улар ҳали ҳеч нарсадан хабарлари йуқ-ку? Бу ёқда эса...  
Мен хўрлигим келиб, ҳовлидан чиқиб бора бошладим. Негадир кимсасиз жойларга кетиб-кетиб қолгим, уларни топгим, бу ерда бўлган гапларни бирма-бир айтиб бергим келаверади. Осмонга чиқиб олган кемтиккина ой ҳам юзимга қарай олмай мунгайиб тургандай... Бу савдолар нима билан тутаркан?

Тавба! Кечагина уни Султонмурод акамдан қизганиб юрмаганмиди, нега эди бугун хоаларимнинг ҳукмидан норозиман, севинолмаяшман?... Нега? Нега?

Ҳеч нарсага тушуна олмаяшман.

## Сўроқ

Ошноқ ойдин. Ҳаммаёқ дарахтлару далалар кўз етгунча бари сутдек нурга чўшиб ётибди. Фақат анҳор бўйидаги азим ёнгоқларнинг сояси кўчани ярмигача эгаллаб, ҳов Кўлдош тоғачининг бурилишигача чўзилиб борган. Анҳор ҳам шу сояда чилшилаб оқиб ётибди. Фақат гоҳ-гоҳ жойларида ойнанинг бир бўлаги элакка солиб, оқизиб қўйилгандай... сув тагида лиллабди нуқула.

Мен анҳор бўйидаги дўнга чиқиб утирганимча-утирибман. Сув чилшилаб, Ҳакимбек амакининг ноқзоида ҳар замонда муштдек бир нарса хунук сайраб, учиб утишинию чиридоқлар чириллаб ётишини демаса, тиқ этган товущининг ўзи йуқ.

Ҳовлида ҳам жим-житлик. Афтидан тоғалариму хоаларим ҳалиям хуфтон намозини ўқинишги. Ош сузилса, тангур-тунгур билан сунага чорлаб қолишарди.

Шу тоб ҳов нарида анҳордан бир нарса лип этиб ўтдию кўча ёқалаб шу томонга шишиллаволиб кела бошлади. У итмиди ёки бошқа нарса, ҳеч фарқлаб бўлмас, аммо шишиллаганча, шу томонга югургилаб келарди. Юрагим шувиллаб, ўтирган еримда пайпаслаб, кесакми, бир нарса излаб қолдим. Аммо бояги қора ўн қадамларча берига келганда тиккайиб, кўчани кесиб ўта бошлади ва эшигимизга бурилган жойда ёруққа чиқиб, ингичка сояси ерга узала тушдию енгил тортидим. У ўзим тенги бола эди, лекин на юзини кўриб, на ўзини тусмоллаб бўларди. Ким экан? Урнимдан туришим билан кузи менга тушиб, қайрилди.

— Мақсуд, ўзингмисан?

Овозидан танидим. Соли экан, ҳаллослаб олдимга кела бошлади.

— Намунча, ёв қувлагандай йугурмасанг? Тинчликми?

— Сўрама, юр тез! — у кўл силкиб шоширди. — Антика сўроқ бўляпти. Чоп, — деди-да, олди-орқасига қарамай келган йўлига бурилди.

— Қайоққа? Қанақа сўроқ?

— Йур дегандан кейин йуравер! Бунақасини кинолардайам кўрмагансан. Бул, — у анҳордан бир ҳатлашда сакраб ўтиб, сув ёқалаб чопиб кета бошлади.

Мен ҳам сувдан ҳатлаб, унга эргашидим-у, аммо қани етиб ололсам. Сал нари бориб, Қайийўмбек амакининг ўқариги билан пастга — Иззага қараб чопиб туша бошладик. Тешадан ошиб, катта толнинг тагига етганда у чапга — Сиддиқ арракашнинг боғи томонга бурилди. Боғни ичидан кесиб ўтиб, ишком оралаб пастга қараб чопиб кетяпмиз, кетяпмиз. Ишком ичи гоҳ нимқоронгу, гоҳ олачалпоқ, Оёққа тизза бўйи ўтлар урилади. Баъзан эса бошимга узум бошлари урилиб, селкиллаганча қолаверади. Сочилиб тушадими, ёки узулиб тушадими — билмайман. Ҳаллослаганча олдинма-кетин чопиб боряпмиз. Билмаган одам ўтри деб гумон қилишимиз мумкин.

Ахийри сабрим чидамади:

— Ҳов, ўпка! Соли дейман! Қаёққа боряпмиз, бундай тушунтириброқ айтсанг-чи, ахир?

У тухтаб-тухтамай:

— Оз қолди, ҳозир кўрасан, деди-да, яна чопа кетди.

Нима гап экан, қаёққа бошлаб боряпти — ҳеч ақлим етмайди. Шу етти хуфтонда ким кимни сўроқ қиларкан, тавба? Қани бу очиқ-ёриқ айта қолса. Йуқ, мум тишлаган. Биз Изза ёқалаб, ойдинда илонинг пўстидек оқариб ётган сўқмоқдан тегирмон томонга чопиб боряпмиз. Бутун сой, Изза бўйларини чиридоқлар овози тутган. Бири олиб, бири қўйиб, чириллаб ётибди. Худди ҳар битта ўт, ҳар битта чим тагига чиридоқ ин қуриб олгандай. Ёки бўлмасам ой нурлари сойга тушиб, ўтга тегинидан чайқатаётгандай бу овоз. Ой ботмагунча шу давом этадигандай.

Иккита қўриқни ошиб утишимиз билан, ошноқ ойдинда ёлғиз ўзи қорайиб, эски тегирмон кўринди. У бир вақтлар биз туғилмасимиздан анча бурун, ясси тепанинг бағрига қурилган. Кейин Иззани тепароқдан тусиб унга сув келтиришган, ўшанда экилган толлар тегирмонбошини қайрағочдай тугтиб, тангадек офтоб туширмас, биз баъзан моларимизни шу сояга боғлаб, қоқ пешинларда чумилганимиз-чумилган эди. Ҳозир толлар тепаси худди биров устига оқ жужун мато ташлагандай ярқирар, тегирмон эса, шу толларнинг соясида қолиб, кичкина тортиб кетган эди.

Бу кимсасиз маконда ким бор экан, қанақа сўроқ давом этаётир ҳеч тасаввур қила олмасдим. Чунки эшик-деразасига тахта қоқиб ташланган бу жойга биз ўзимиз кундуз кунлари оралашга ҳайиқар эдик. Ким оғизни қийшайтириб қўядиган жинлардан кўрқмас экан? Бемаҳалга қолган одамлар ҳам бу тегирмонни четлаб ўтиб кетар, катталар бизни чўчитибми ёки ростданми, ёлғиз ўтма, бу толларнинг соясида ётма, деб тайинлангани-тайинлашган эди. Ҳозир қандай мард юрак ютиб, унга кирибди экан?

Яқинроқ бориб кўрдим. Чинданам тегирмон ичиди биров борга ухшар, тахта қоқиб ташланган дарчасидан ожиз нур тушиб, ичкарида чироқ милтирар эди. Солига етиб олиб, ижикилашга тушдим:

— Ким буларинг, ё қароқчиларми?

У қадамни секилатиб, бош чайқади. Афтидан ҳансираб чопаверганидан томоги қуруқшаб, овози ҳам чиқмай қолган эди. Аскарга боришдан қочиб юрганларни тутишибдимикан, деб уйлаб:

— Облочиларми ё?... — дедим ютоққанча.

Ҳовлиқмасанг кўрасан дегандай қўл силтади. Аммо нари-роққа бориб, ўзи утирилди-да, шишиди:

— Орқадан утиб, том тагига чиқиб оламиз.

Кейин ўзи тахта қоқил... нарча тагидан энгашиб утиб, тепага нов томонга тирмашди. Мен ундан бир қадам орқада — сояма-соя эргашиб боряпман. Энгашса энганаман. Тепага тирмашиб эмакласа эмаклайман. Ниҳоят у нов тепасига чиқиб, аланглаб туриб қолади. Бу ердан томга осонгина чиқиб олиш мумкин бўлса-да, ундан том тагига киришнинг ҳеч иложи йўқ эди.

Сен қимирлама шўттан, — деди у ахийри қулогимга шишиб, ўзим чақираман...

Кейин ўзи новга узала тушиб, пастга сирғалиб кириб кета бошлади. Ичкаридан бўғиқ сўкиниш билан арқонними, камарними, балки қамчиндир, шилт-шилт этган овози келиб турар, ким кимнинг таъзирини берапти, билиб бўлмасди. Ора-чора бир одам:

Ваҳшийлар, шошмай турларинг сенлар! — деб бақиргани эшитиларди.

Соли эса, новдан кириб кетганича дараги йўқ. Ҳов пастда, балки Ҳумилишдаги катта тепададир, чиябўрилар увлаб, одамнинг юрагига ваҳима солади. Овози баъзан узоқдан, баъзан яқиндан эшитилиб, улар ҳозир ёпирилиб келадигандай, новдан ичкари кириб кетгим келади. Кемтик ой анча ҳаволаб, толлар сояси узининг тагига тортилиб бораётгандай, тегирмоннинг бир чеккаси соядан чиқай-чиқай деб турибди. Шу маҳал пастдан Солининг боши қарайиб кўринди: у новда ётганча қўл силкиб чақирарди:

— Туш, туша қолмайсанми?

Юрагим қинидан чиққудай бўлиб дукурлайди. Ўзим эса, ҳадеганда новга узала туша олмайман. Ниҳоят тирсқларим шилина-шилина, повнинг икки ёнини қўйиб юбормай, аста пастга сирғала кетдим.

Тегирмоннинг ичига қай алпозда тушиб бордик, қай йўллар билан дон солинадиган жойига пусиб чиқиб олдик — билмайман. Лекин тепага чиқиб олиб, пастга қарадим у тош қотиб қолдим.

Пастдаги тўсинга осиглиқ фонус чироқ бўйрадек жойини зўрга ёритиб турар, лекин шу ёруғда ҳам эни беш қадам келмайдиган юкхонанию ундаги одамларни аниқ кўрса бўларди.

Улар бор-йўти тўрт киши эдилар. Ўртадаги букри устунга бир одамни арқон билан чандиб ташлашган. Тепакали ёруғда худди чирмандага тортилган эчки теридай ялтирайди. Ўзи ёқавайрон, бош кийими... (ие, таниш кепка-ку, Акмал ўрис-ку...) оёгининг тагида тупроққа қоришиб ётибди. Бу ёқда уч киши.

Биттаси қийшиқ табуреткада оёгини чалиштириб, чекниб ўтирибди. (Қаердадир кўргандайман бу оқ кепкалини). Бошқаси устунга суянганча тек қотган. Яна бири қўлида тўқали қайиш камар, Акмал ўриснинг қаршисига турибди. У чироққа орқасини угириб турганидан юзини кўриб бўлмайди. Лекин елкалари кенг-кенг, қўллари узун-узун, узининг бўйи шифтга етгудеклигидан негадир жуда таниш.

Ниҳоят у Акмал ўрисга яқин бориб, қайишли қўли билан унинг даҳанидан аста кўтарди:

— Кузимга қараб айт: уни қаяққа гум қилгансанлар?!

Ё тавба! Султонмурод акам-ку, унинг ўзи-ку! Шу ерни айтган эканми, сен билан алоҳида гаплашаман деб?... У дона-дона қилиб сўрар, тўгрисини айтмаса, кўрадиганини кўриши шундай-даёқ англашилиб турарди:

— Аскарга жўнатган бўлсаларинг унисини айт, жўнатмаган бўлсаларинг бунисини! Ё суриштирадигани йўқ деб уйлловдиларингми?... Сенга айтияпман!

Жаҳдданам худо берган экан. Жазавага тушиб бир бақирса, Соли иккимиз сакраб тушибмиз. Акмал ўрис эса, бир инграб гужанак бўлди-қолди. Акам уни нима қилди, кўролмай қолдим. Ё даҳанига мушт туширди, ё тиззаси билан бутига тешиб, нафасини чиқармай қўйди. Иккисидан бири. Тавба, шунақа қаҳри қаттиқ эканми, ё ундан бирон аламини оляптичи?

Соли пусиб утирган ерида елкаси билан секин туртди:

— Аканг зўр-ку. Қўрбоши бўладиган экан.

Мен ундан хафа бўлиб, ачигим келди:

— Қўрбошнинг нимаси! Эсинг жойидами?..

— Йўқ, сен йахшилаб қара, — деди у шивирлаб.

— Хўш, нима бўпти? — дедим қайсарлик билан, — нари борса, Акмал ўриснинг адабини берапти.

— Э, қизиқ экансан! — Соли бикинимга яхшилаб туширди-да, — шунақа қаҳри қаттиқлар бўлмаса, биласанми, бу Акмал ўрислар нима қилади? — деди қулогимга.

— Нима қилади?

— Ҳамманинг елкасига миниб олади! Ана ундан кейин тушириб кўр. Маладес аканг! Ўғри бўлсаям зўр ўғри экан.

— Ҳавасинг кепти-да, — дедим кесатиб.

У кифти билан кифтимга туртиб қўйди:

— Ҳе, сени қарайу! Тўдасига олса жон-жон дердим...

Шу маҳал акам тоқати тоқ бўлди шекилли шерикларига угирилиб:

— Хўш, ҳамонки айтмас экан, нима ҳукм чиқарамиз? — деди феъли айниб.

Стулда оёгини чалиштирганча чекиб утирган оқ кепкали (э, уни танидим, бу анавинда йўқлаб келган киссавур дўсти-ку) бурнини жийирди:

— Ўзидан кўрсин. Итга ит ўлими!

Акам «сен-чи, сен нима дейсан?» дегандай устунга суянган шеригига қаради. У гапириб утирмай, бўйнига қўлини солиб, шифтни кўрсатди.



— Ана холос! — дея шипшиди Соли, — шу ернинг ўзида осишмоқчи-ку.

Шу маҳал тегирмон ичида хунук бир ҳайқириқ билан эркак киши хунграб йубориб, довдираб қолдик. Акмал ўрис экан. Букри устунга чандиб ташланган жойида жон-жаҳди билан юлқиниб, буларга утинар эди:

— Жон укалар, улдирманлар! Айтаман, ҳаммасини айтиб бераман! Уни биз босмаганмиз. Ўзи қочиб бориб, кичкина Парпиларга учраган. Улар отиб қўйган! Биз уни босмаганмиз. Бошқани деб борганмиз, укалар...

— Тилинг бор экан-ку, иблис, — деди акам ундан ирганиб.

— Бор-бор, бор, ука. Фақат Парпидан қўрқувдик. Айтол-мовдик.

Акам турган ерида ярим утирилиб, унга қаттиқ тикилди:

— Юзлаштирсак-чи? Тонсанг-чи?

Акмал ўрис бир дақиқа қолиб қолди, эсхонаси чиқиб кетган одамдек анграйиб туриб-туриб:

— Нега... тонай? — деди зўрга.

Оқ кешка утирган ерида лабининг четида кулди:

— Ахир Парпидан қўрқасан-ку. Шу гапинг учун у сени... соғ қўядими?

Акмал ўрис бирдан латтадай бўшашиб, шиқ-шиқ йиғлашга тушди, кейин ўпкаси тўлиб, юз-кўзлари жиққа ёшга буланиб, хотин кишидай ҳиқилади:

— Жон укалар, раҳм қилинлар. Менам... менам жўжабир-дэй жонман. Мусулмонман...

Акам тегирмон ичини ларзага келтириб, шарақлаб кулиб юборди

— Ола! Мусулмон эканинг энди эсингга келдими?! Ахир сени бутун Каттабоғ, бутун Қаъни ким деб билади? Ё эшитманмисан?

Акмал ўрис ерга қараганча қолиб, ўпкасини тия олмай ҳиқилади.

— Рости, ўрис ҳам сендан тузук. Худони билади. Сен-чи? Худонийам танимай кетгансан! Шапканга маҳлибсан! Бошқаларни тутиб бериб-жўнатиб, ўз жонингни асраб йурсанг бас. — Акам қайрилиб нари кетди ва айланиб келиб, ҳамон оёғини чалиштириб утирган шаҳарлик оинаси олдида тўхтади:

Нима қилдик? Ҳукмингни ўқийверасанми, Чарли?

Чарли ўрнидан туриб, роҳатланиб керишди. Умуртқаларининг қисирлагани бизгача эшитилади. Соли бетимга қараб шипшиди:

— Буниси ким, мен ҳеч кўрмаганман-ку? Нима бало, суди шумикан?

— Булса бордир, дедим кимлигини тушунтириб утиргим келмай.

— Унда... анави найнов осадигани эканми? Жаллоди?..

Мен оғзимни кафтим билан беркитиб кулдим.

— Ола, шалди роқ аравани роса-а ошқочдинг-ку! Танимадингни уни?

— Йўқ, — сен қаердан танийқолдинг дегандай юзимга тикилди у.

— Қаънилик Тойир — от жинниси шу бўлади.

— Йўқ-е. Улоқчимми?

— Ҳа-да.

Шу пайт кутилмаганда акам Тойир от жиннисига утирилиб буюрди:

— Еч буни.

У эса оёғининг остида кўлвор илондек ўралиб ётган арқонга қаради:

— Шуминан осавураимизми?

Акмал ўрис тилдан қолиб, кўзи ола-кула бўлиб кетди. Чарли бош чайқади.

— Осигга эрта. Парпи билан юзлаштирайлик, кейин.

— Ундан кура ос, шўтта ос, аблаҳлар! — деб бақариб юборди Акмал ўрис бирдан жазавага тушиб.

— Ҳо? — деди Султонмурод акам лабининг четида кулиб, — номардининг ишини қилиб, мард булиб улоқчимисиз ҳали?

— Баҳриддиннинг ўлимида тирноқча айбим йўқ менинг! Бу ёғини Парпидан сўрайсизлар!

— Шунақами? — дея Султонмурод акам бир қадам унга қараб юрди.

— Биз уни босмаганмиз.

— Унда, унда тўйхонага облочиларни бошлаб келган кимнинг арвоҳи экан?

— Ишон, ука, биз куёвга тегмоқчи эмасдик.

— Эртагингни онангга айтасан! Келинга нима деб валдираганларингни ҳеч ким билмайдими? Бировнинг тўйини азага айлантирганинг учун ҳам сени отиш керак! Аммо биз сен уйлаган номардлардан эмасмиз. Тугри келган ерда осиб, отиб кетавурадиган! Лйбингни буйнингга қўйиб, кейин отамиз. Ё бўлмаса, бошқаларга ибрат бўлсин деб кўчингни орттириб, катта йўлга чиқариб қўямиз. Еч буни, Тойир. Парпникига бошлаб боради.

Тойир найнов букри устундаги жазоланувчининг чилвирларини ечаркан, акам тегирмон тўсинига илиглик тош фонусни ола бошлади. Чироқ ёруғида унинг тўсин томон чўзилган қўли ё тавба, қип-қизариб, худди қонли қўлдай кўринар эди. Мана ҳозир улар чироқни учириб, тахтаси кўтирилган эшиқдан чиқадилар-да, яна ўзидай қилиб қоқиб қўйиб, Акмал ўрисни олдиларига солганча жунаб кетадилар. Парпи бебахтни ётган еридан тургазиб чиқиб, яна қайсидир овлоқда бу билан юзма-юз қиладилар. Асол холамнинг ёлғиз угли Баҳриддин акамнинг нима бўлганини аниқлаб, иккисини Чарлининг ҳукми билан гум қиладилар. Эртага бутун қишлоқ...

Мен тасаввур қилиб бўлгунимча, акам чироқни учириб қўя қолди. Тойир от жинниси эса, Акмал ўриснинг кетига тепиб, олиб чиқиб кетди. Кейин булар ҳам чиқиб, кимдир эшик тахтасини ойдинда жойига қоқа бошлади. Биз булсак, ҳамон тегирмон дўлининг тепасида пусиниб утирибмиз.

Ҳали ҳозир кўрганларимиздан бир даҳшатга тушсак, бу ажиналар макониди ёлғиз қолаётганимизу ундан қандай қайтиб чиқиб кетаримизни ўйлаб.. минг даҳшатга тушамиз.

— Султонмурод ака, бизларам бормиз! — дейишга эса, юрак қани!

## Тунги отлиқлар

Ссли бир нарсани эшитмасин, тагига етмагунча уйқуси келмайди. Тонг саҳардан чиқиб опти. Бог деразанинг тагига ётсам биров елкамга туртади-турткилайди:

— Хей, Мақсуд, Мақсуд дейман, — чақиради кимдир шивирлаб.

Қовоқларимни йириб-йиртиб, зурга кўзимни очсам, деразага осилиб у турибди. Каллаи саҳарлаб чақириб чиққани ёқмай, тўнгиладим:

— Нима дейсан?

У бояги-бояги чўзилиб, қулогимнинг тагига шивирлади:

— Келдимиз уларинг?...

— Ким?

— Аканг-да.

Кечаги воқеалар эсимга тушиб, ҳушёр тортдим.

— Ётибди шекилли...

— Шекиллинг нимаси?! Қара! — шоширди у.

Дикка туриб, қатта уйнинг эшиги тирқишидан мўраласам, деразаларни валонг'ор очиб ташлаб, одатдагидек ёстиқ қучоқлаб, ухлаб ётибди. Ечинмаёқ тахмондан битта ёстиқ олгану кўрпача ёзишга ҳам сабри чидамай, уйнинг ўртасига чўзила қолган. Одат шекилли унга бу ётиш. Ростданам, етти хуфтонгача тентираб юрган одамга ўрин чикора, тақир гилам ҳам ундан ўтаверсин.

— Кептими? — Соли ичи гурмишлаб деразага баттарроқ тирмашди.

— Ётибди дедим-ку.

— Анув шеригиямми?

— Нега, бир ўзи. У бизникига одам опкелмайди.

— Жўнатворибди-да унда, — Соли бог деразанинг тоқчасига чиқиб, чўнқайиб ўтириб олди. — Лекин биласанми, ҳеч ерда ҳеч гап йўқ — жимжитлик. Қозоқи дўқ қилишган экан.

— Нега, балки ҳар иккаласинийам тинчитиб булишгандир.

Соли бармогини кўксига нуқди.

— Ҳе, йўқ, ўзим бориб ангшаглаб келдим-ку.

— Қаерга? — дедим унинг тиниб-тинчимаслигига ҳайрон қолиб.

— Қаерга буларди — Парпи бебахтликига-да. Сув қуйгандек. Олиб чиқиб кетишганда билармининг — онаси нима қиларди?

— Нима қиларди?

— Ҳалигача етти маҳаллани бошига йигиб, сочини юларди. Уни билмаскансан.

— Акмал урисни ҳам... қуйворишган дейсанми?

— Бўлмаса, ҳалигача дараги чиқарди. Совуқ гап ётмайди оғизда, — деди у билагонлик қилиб. — Хоҳласанг, уйини разветка қилиб келамиз. Гулобисига иккита кесак отсак, югуриб чиқади.

— Отамиз, — дедим мен.

— Кетдик, — деди у оёғини чиққан томонга ошириб.

— Шошма, юзимни чайиб олай, — дедим мен.

— Тез чиқ, — дедию у узини пастга отди.

Қатта бог ёқалаб, қовунполиз билан ўртадаги дала сўқмоқдан оқдинма-кетин Бўзсув томонга югургилашиб кетяпмиз. Бир ёнда ҳўсайинлари ҳалитдан новвотранг ола бошлаган иш-комлар, бир ёнда эса, сапчалаб ётган бўрикала қовунлари, пишганда тарс-тарс ёрилиб шираси оқиб ётадиган шакарпа-лаклар тур ола бошлаган. Буёқни ерлари қизик: ўзи Бўзсувга қараб пастлаб боряптию яна ҳар икки ёнга сойлик-тепалик, сойлик-тепалик бўлиб кетган. Бир томон тушгача, иккинчи томон тушдан кейин кунгай. Бор экин офтобни эмиб, ҳосил тугади. Ҳосили ҳам шунга яраша ширин-шарбат. Биз-ку кўрдим демаймиз, лекин катталар ёлғиз ўзлари бир бош узумни еёлмай, ол-ол, қилиб утиришади. Ўрикзорни кесиб ўтиб, қайнаманинг оқидан чиқдик. Акмал уриснинг чорбоғи Бўзсувнинг бўйида иккита тепаликни ўртасидаги каттакон чакалаксимон бог экан. Тагига тангадек офтоб тушмайдиган бир чакалакки, булбуллар чах-чахлаб сайраб ётибди. Гир айланасига икки пахсали девор (учинчи пахсаси сархокига қўшилиб аллақачон эмирилиб бўлган), бир ёни деворга тиралиб ўсган беҳилар — сариқ юнг коптоқдай гиж ҳосил тугиб ётибди. Бир ёғи Соли айтгандай сариқ, сиёҳранг гулобилар. Яна бирёғи Бўзсувга тушгунча толзору теракзор, таги эса маймунжонли чакалакзор. Пастини - Бўзсув томонини билмадим, нима экан.

Азмо дарвозаси гаройиб. Иккала тавоқасини очса, иккита арава бемалол бири кириб, бири чиқиб кета олади. Шунақа қатта, бирон сабзавот омбориникини умариб келганми, нима бало?! Ҳовлида бир гала чипор товуқлар, бабақўрозлар солланиб юришибди. Дарвозанинг оқидидаги ёнгоқнинг тагига битта говмиш билан иккита гунажин кавш қайтариб ётибди.

Гулоби томонга ўтмасимиздан узун симга боғлоқлик ап-чарка ит акиллаб югуриб келиб, деворга иккала оёғини қуйганча ириллашга тушди. Соли ҳам қитмир. Энгашиб туриб, ердан битта кесак олди-да, унга шунчаки пўписа қилади десам, мўлжаллаб итнинг жағига тушириб қолди. Ит ангиллаганча думини қисиб қочди. Занжири симда анча ергача судралиб борди.

— Ана энди умариб кетсанг ҳам индамайди, — деди Соли ишшайиб кулиб. — Ёлгондакам дўқ қилсангам сичқонни ичинини минг тангага олиб кетади.

— Мол эгасига тортган экан-да, — дедим кулиб.

— Э, йуқ, бу ақлли ҳайвон. Эгаси билан келиб қопмагунча, кек сақлаб юраверади.

— Сенам олдинг-ку гаши! Оламизми олхуридан?

— Нега олмасканмиз! Балки нарироқ борсак, зур-зур бир-нарсалари бордир.

— Бирнарсаларими? — кулдим мен, -- тагин калтаги насиб қилиб қолмасин.

— Э, тутиб бупти.

Шу маҳал (бизни кўрмаган шекилли) ҳовлидан эркак кишининг буралаб сўкингани эшитилди:

— Хув галварслар, эш-шакдай ётавурасанларми? Кетингни кесиб кетса ҳам билмаларинг, даюслар!

— Ҳзи! — деди шивирлаб Соли, шу баробар пусиниб чўнқайди, — тирик экан, кечагини алаҳини укаларидан овозтти.

— Кетдикми? — дедим ўғридай пусиниб ўтириш галати куриниб.

— Нега, умармаймизми бирон нарса?

— Э, қуй, шуни нарсасини едикми?!

— Шунча жойдан келиб-а?..

— Биладиганимизни билдик-ку...

— Ҳа, дарвоқе, — у катталардек бош силкиди, лекин қуруқ қайтгиси келмадим, енгимдан тортқилади. — Шошма, буйоққа кирмайдиган бўлсак, кетдик. — У девор ёқалаб пастга бошлади.

— Қаёққа борамиз?

— Сен юравер.

Тепанинг тагидаги ёлғиз сўқмоқдан олдинма-кетин югургилашчб боряпмиз, боряпмиз. Бўзсувнинг бўйига яқинлашганимиз сари сойлик кенгайиб, тепалик осмони ҳафтимга кўтарилаяпти. Соли бу ерларда сигир боқавериб, чўмилишга келавериб, йули ёд бўлиб кетган шекилли, бамисоли учиб боряпти. Етиб оламан дейман, қани етолсам.

Пастдан катта сувнинг намхуш ели юзга урилади. Ёввойи ялпиз ҳидими, балчиқ ҳидими, ишқилиб катта сувнинг нимгати бир ҳидини димоқ яққол туя бошлайди. Булоқ бўйига ётволиб ичмоқчи буганингизда ундан гуркираб келадиган ифордай бир ҳид. Айтмоқчи, балиқданам шундай намхуш бир ҳид уфуриб туради-ку. Сув ҳиди, сув ўтларининг ўзига хос ачимсиқ ҳиди. Пастлаганимиз сари гуркираб димоққа урила бошлайди.

Қаёққа боряпмиз? — дедим ахийри Бўзсув бўйидаги чимзорда унга етиб олиб. Соли чим устида қотган сигир тезагини сувга тепиб юбориб ишшайди.

— Бир кепқопсан, топганимиз сеники.

— Нима топганимиз? — ҳеч нарса тушунмадим.

Атрофда ҳеч ким йуқ бўлса-да, у калламни эгиб, қулогимга шивирлади:

— Саватларни қараб чиқамиз. Бахтингдан кўр: тушгани сеники. Буптими?

— Қанақа... сават?

— Бақирмасанг-чи. Овсармисан, нима бало?! — кейин ётиги билан тушунтирди. — Бу сувнинг бўйида секин гапировур. Овозинг жангиллаб кетишини сезмаяпсанми?

— Нима қипти?

— Сават эгалари тутиб олақолсин, булмаса.

— Ҳа-а.

— Ҳа-а! — деди у ҳам овсарлигимдан кулиб, кейин қўл силкиб йула бошлади. — Юр кетимдан.

Шундай сувнинг бўйидаги ёлғизоёқ йўлдан қамишзор ёқалаб, упирилган телалар ёнбағирлаб бора бошладик. Салгина елданам қамишлар шовуллади. Упирилган тепанинг ёнбағрида эса минг хил қушлар ин қўйиб ташлабди, ҳалитдан чирқиллашиб бозор қилиб ётишибди. Овозидан қулоқ батанг бўлгудек. Ҳар замонда ёввойи кўк каптарлар сувнинг тепасида қанот қоқиб-ўйин курсатиб қоладую ҳаммаёқ гала қушлар потраб учгандек шапир-шупир товушларга тўлиб кетади. Бу ерда тиқ этган товуш ҳам етти газ наридан эшитилади. Ҳатто оёғимизга урилаётган утлардан шитирлаб эмас, шовуллаб овоз чиқаётгандай. Ниҳоят сув қўлтиқ бўлиб кирган ерга етдик. Минглаб майда балиқчалар гала бўлиб сув тагига қочдилар-да, утиб кетишимиз билан яна қайтиб чиқа бошладилар.

Соли қиргоқ туртиб чиққан ерда тўхтаб чўнқайди-да, сув четидаги утлар ичидан бир нарсани пайпаслаб излай кетди. Ахийри топиб, икки қўллаб торта бошлади. Қарасам — эски занжир. Нима экан деб қаққайиб турибман. Бир маҳал сув юзида аввал тол саватнинг катта гардиши, кейин конуссимон саватнинг ўзи кўринди. Ичида эса, бир нарса кумушдек ярқираб потирлайди. Соли қанча чиранмасин шундай сув юзида турган саватни қиргоққа суролмас, сал бушашса, сават сувга ботиб кетаверар эди. У менга илкис қараб, шивирлаганча уришиб берди:

— Нима қип қаққайиб турибсан? Торт! Кет томонидан ушлаб торт.

Энгашиб қиргоққа тиззалаганча сув юзида қалқиб турган саватнинг дум томонидан зурга ушладим. Соли далда берди:

— Ҳа, қани, олдик.

Баравар тортган эдик, сават сувдан узилиб чиқиб, оёғимизнинг тагига думалаб келди. Ундаги сув Бўзсувга шовуллаб тўкилиб, ичидаги иккита билақдек-билақдек балиқлар потраб, думи билан саватни ухшатиб урган эди, қўлимдан чиқиб кетиб, сувга тушиб кетишига сал қолди.

— Жонинг борми? Ушласанг-чи!

Саватни чаққон ушлаб қолдим.

— Бу бошқа гап, — дея Соли шоша-пиша саватнинг қорнидаги эшикчасини оча бошлади. Сунг билагигача ичига тиқиб, ҳалигача ўйноқлаб ётган балиқлардан бирини чангалаб, суғириб олди-да, боши баравар кўтариб, ёруққа солди. Қат-қат тангалари кумушдек ялтираб ётган сазан оғзини каппа-каппа очганча биланглар, ҳар биланглаганда тангачалари ораси очилиб йилтирар, ўзи «гийқ-гийқ» деган овоз чиқарар эди.

— Ү, зуракан. Бахтинг боракан, Мақсуд. Энди буларни сенинг ҳовузчангда боқиб турамин, — деди Соли балиқни менга тутқазиб. — Ма, ушлаб тур.

— Ие... оборгунимизча... ули бўлмайдимиз? — дедим ҳайрон қолиб.

— Лалайма! Ҳали тушириб юбориб, бир иш қилмайсанми! Ҳазир бўл, булар бир соатдан кейин ҳам ухшатиб тениб қолиши мумкин. «Вой юзим»лаб юрмагин тагин. — У ишшайганча саватдан иккинчи балиқни чиқариб олиш учун чўнқайди.

Шу пайт тепадан бировнинг:

— Ҳой, қизиталоқлар! Нима қивотсанлар! — деб бақиргани жаранглаб кетди. Овоз нариги қиргоқдан келган эди. Қарасам, ҳеч ким йўқ. Ё тавба, ким бўлдикин? Шундай уйланиб турсам, уша овоз яна уша ёқдан:

— Мен кимга айтвотман? — деб бақирди.

Худди қаршимизда тургандай, лекин ҳеч ким йўқ. Бундай угирилиб, тепамга қарасам, ҳов жарнинг устида бир митти одам турибди. Елкасида қирқма милтигиям борми, нима бало! Шунча тепадаги одамнинг овози бу томондан нақ қулогимизнинг тагига жангилаб келар эди.

— Пус. Пусингсанг-чи, — шивирлади Соли, — у ҳали кургани йўқ бизни. Овозимизни эшитган.

— Ҳадими кўрмай. Ундан кўра, қочиб қолайлик, — дедим мен.

Соли ўқрайиб қўйди.

— Юракданам худо берганакан! Ҳали тепадан тушиб келию тутиб олдию... Унгача биз қаерда бўларканмиз.

Лекин ўзи билиб ишини қилар эди. Саватнинг ичидаги балиқни олар-олмас, уни ўтирган ерида тепиб, сувга думалатиб юборди. Сават сувга шалоп этиб тушдию ботиб кета қолди. Фақат қиргоқдаги ўтлар эзилиб, ҳул бўлганини демаса, биров бу ерда сават кўрибди демасди. Соли иккинчи балиқни бағрига босганча, пусиниб йўлга ҳозирланаркан, менга буюрди:

— Қурдик. Фақат орқамдан қолма, — дедию шипиллаб келган изимизга уриб кетди.

Мен худди ҳозир қўлга тушадиган одамдек ўлар ҳолатда унинг орқасидан чопдим. Назаримда узун бир қўл ҳув ўша тепанинг устидан туриб, гарданимдан кўтариб оладигандек ерга қапишиб чоғиб борялман. Қамишу қиёқлар юз-қулоқларим, бўйинларимни тилиб ачиштиради. Оёгим балчиққа тушиб кетади. Узим сувга мункиб кетай дейман-у, лекин қўлимдан балиқни қўймайман. Эрталабки насибани ташлаб кетиб бўлади-ми, ахир!

Каттабоғга етгандагина у оёгини қўлдан қўйди. Балиқни ариқдаги жичча сувга ташлаб, ўзи ўтнинг устига ётиб олди-да, менга қараб думалаб-думалаб кула кетди.

— Вой, вой, уни қара!.. Бетини қара!.. Ҳаламан кўриб!.. Шу аҳволнинг аммам бир курсалармиди!..

— Нима қишти? — дедим менам балиқни сувга қўйиб.

У ўзини зўрга кулгидан тийиб, туриб ўтирди.

— Ҳе, башарангни ювиб ол-е! Қаерда балчиққа бота қолдинг? Бетингни ажинаникиданам чиройли қилиб опсан-ку. Ҳе, узинг кўрсангмида ойнада.

Мен ариққа чўнқарканман, уст-бошим, тиззаларимга қараб қотиб қолдим. Битта балиқ деб балчиққа шундай бўялгандимки, кийимлариму узимни уч кун оқизоқ қилиб қўйсаям тоза бўлмайдиган даражада эдим. Ростини, Солини сўкишимни ҳам, қўшпилишиб кулишни ҳам билмасдим.

— Қозонга яқин юрсанг шу-да, — дедим ахийри тўнгиллаб ва секин, ҳафсаласизлик билан ювинишга тушдим.

— Нима-а?! — Солининг жон-пони чиқиб, секин турди-да, худди уриб аламини олмоқчидек тепамга келди. Мен парво ҳам қилмай юз-бетимни чайвердим.

— Ҳув, овсар, — деди у ҳезланиб, — ҳали биз қозон бўлиб қолдикми, қора бўлиб қолдикми?!

— Бўлмаса, эрталабдан угирликка бошлайсанми? — дедим мен ҳам бўш келмай. — Тагинам эгаси миянгдан дарча очиб қўймади. Милтигини кўрдингми ўзинг?..

Солининг ранги оқариб кетди.

— Милтиги... бормиди? — Кейин ёнимга чўнқайиб, ижикилай кетди. — Ростдан кўрдингми? Шу тепамиздами? Аниқ кўрдингми?

— Бордай эди-да, — дедим энди гашим ва аччигим келиб. — Тугри келган одамнинг нарсасини умариб кетаверадимиз одам?

— Ундай бўлса, — деди у уйланиб, — анув гаплар тугри шекилли. Биз облочилардан қочиб юрганларни... саватига тегиб қўйибмиз.

— Ана, айтдим-ку, тагинам отиб ташламабди.

— Улибди-да. Узимизникилар-ку, — деди у ишонмай. — Иккинчи келмасин деб бир қозоқи дуқ қилиб қўйган-да. Ундан кейин кундузи ўқ чиқаришолмайди.

— Нега?

— Ие, қизиқсан. Бекорга ўзларини билдириб қўйишсинми? — деди у билагонлик қилиб.

— Нима, шу ёқда қароргоҳлари борми? — дедим мен енгларимга чала-чулла артганиб.

— Қайси бир тепанинг тагидаги жарда ертўлалари бормиш. Облочидан қочганда шу ёққа кириб кетишаркан.

— Нима, облочи йўлай олмайдими, ёки билмайдими? — дедим жудаям қизиқиб.

— Нега билишмасин! Билишади! Лекин юраклари дов бериб бупти Парпи бебахтнинг йигитларига учрашга. У ёмон! Йўлагани пешонасидан дарча очиб кетавураркан, — деди Соли ваҳима қилиб.

— Ола-у, шунақа бўлса, қочиб юришадими, — дедим мен ишонмай, кейин: — ўзлари оч, қочиб юрган одамлар экан, балиқларини қайтариб берсак булармиди, — дедим чинданам раҳим келиб.

Худди шуни билгандай ариқдаги балиқлар жонланиб, биланглади. Ҳатто думини уйнатганда жичча сув юзимга сачради.

— Борамизми? — деди Соли ҳар нарасага қизиқувченлиги тутиб.

— Қани эди, — дедим мен.

Аммо турган жойимизда у бирпасда айниди. Билакдек-билакдек балиқларни... қизгонди шекилли.

— Йўлагиташармикан?

— Каерга дейсан?

Қароргоҳларига-да. Ахир жойлари очилиб қолишини исташармиди. Ундан кўра сўраб ўтирмай пақ-пақ отишади-қўйишади. Вассалом. Э, йўқ, бекорга ўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ. Борсанг, ўзинг боравур, — деди у энди бош чайқаб.

— Ҳа, берироқдан чақириб кўрармиз. Келишар. Ундан кейин биз катта одамлармасмиз-ку.

Соли оёқ тираб туриб олди:

— Э, йўқ. Борсанг, ўзинг боравур.

Қўрқоқ экансан, билдингми? — дедим ахийри жоним чиқиб. — Пишириб е, ўтирлик матоҳингни!

Мен шундай дедиму бурилиб, Каттабоғни ёқалаб кетвордим: оғайнимиш, қариндошими яна!

У индамай қолаверди, иккита билакдек-билакдек сазан балиқ ўзига қолади-ку, индармиди!..

Аммо кечқурун ойим сигир соғаётганларида бўйинни қашлашиб-қарашиб турсам, орада ҳеч гап ўтмагандек чақириб келиб қолди.

— Ҳей, Мақсуд, буёққа қаравор, — деди дарвозахонадан.

Ойим боравер дегандай бош силкиб, сигирнинг тагидан турдилар. Мен югуриб чиқиб бордим. (Биз шунақамиз, уришиб қолишимизгаям, ярашиб кетишимизгаям тараф йўқ. Той тепкисини той кўтаради-да). Қарасам ён кўшнимиз Саидумар ака билан анҳор бўйида туришибди, ишшайиб. Балиқтўрни елкага ташлаб, отланиб олишган. Халтадаги егулигу тақир-туқурлар Саид акамнинг қўлида.

— Йўлустак шу маҳалда? — дедим.

— Юр, тўсатга кетяммиз, — деди Соли мақтаниб. — Саид умар акам балиқнинг конини биладилар. Қўллариям енгил. Бир маза қилиб келаемиз.

— Юринг кўшни, — дедилар у киши ҳам сизсираб, ҳам роҳ буласиз. Оловни ёқиб, картошкани кўмиб, бир маза қилайлик.

Ов деса жонини берадиган бу одам сигирлари қантариглик қолиб, ўзи ҳали бедана овига, ҳали балиқ тутишга, ҳали балиқ саватга тол хивич кесишга тенгираб кетиб қолар, биз билан қушилишиб чўмилишларга, узум ўмаринларга бораверар эди. Бир кунни шу Солининг гапига кириб, бангидевонани уругини уқалаб, (у кўнори донига ухшаган майда бўлади) ким кўп кап отиш уйнашибди. Ушандан кейин салга кўп куладиган бўб қолишдию бу ёғига Худо бир асради. Аммо софиди, содадиди одам, биз янги кўшнларни сизсирашларидан билавуринг.

Боргим келиб турганини кўриб у киши:

— Туз эсимиздан чиқибди. Озгина олволинг, — дедилар.

Яхши, дея югуриб кириб кетдим ва тузни олиб. Ойи. биз Солиларникидамиз, — дея қоча қолдим.

Ойим дераза тоқчасига сўт тоғорачаларни тера туриб:

Ҳай, бир балоларни бошлаб юрмаларинг. Тез қайтгин, — деганча қолавердилар. (Айгиб бўладими, Иззага тўсатдан кет-вогмиз деб!)

Қаюмбек амакининг кўчасидан гап сотишиб, Иззага тушиб бордик. Ҳўв, ўша кўч ортиб келаётганимизда арава ағдарилиб, тоқилар оқиб кетган жойга. Ойдан ҳали дарак йўқ. Бир-бирига мингашиб кетган тепалар шом қоронгусида узала тушган аж-даҳога ўхшаб кетадилар. Оёқ остидаги чимлар ҳалидан нам тортиб, сойдан салқин уфуриб турибди. Сувнинг ўзи кўринмас ҳам пастда бўғиқ шовуллайди. Ҳавода бодроқ ҳидига ўхшаш тоза ҳид кезинади. Ҳидлаб тўймайсан. Мен тепада тўсатга жой танлашяпти. Гўнғир-гўнғир овозлари баралла келиб турибдию ўзларини кўриб бўлмайди. Қоронгуликка сингиб кетишган. Фақат тўсатга топиб бориш мумкин.

Мен эсам, шу тепада қиргоқлари элас-элас билиниб турган, нчида эса бир дунё қоронгулик тўлиб-тошиб оқиб ётган сойликка тикилиб ўтиравергим, ўтиравергим келади. Жийдазор ёқалаб Иззагача тушиб келган, ҳозир сал оқаришиб турган анув арава йўл, буёқдаги устини бутун чангал тикан босган, ҳозир қоронгида бошини ерга қўйиб, пинакка кетган туяга ўхшаб ётган тепалик, манави эшигимизнинг тагигача чўзилиб борган бедапоя менга бирам азиз, бирам қадрдон кўринади. Шу йўлдан кўч ортиб келаётганимизда Чумилишдаги кўп-риқда бўлган воқеа, бир Изза бўлиб чўмилётган қизлар устидан чиқиб қолганимиз, кўйлаклари чиппа баданларига ёпишиб қолган қизлар биздан қаёққа қочарларини билмай, ўзларини сувга отишганинию биз тўнтарилиб кетган аравани ўнглаб олганимизча ҳам сувдан чиқишолмай туришгани, саф-саф оқиб бораётган тоқиларни тутиб, қиргоққа отиб беришгани, ҳаммасидан ҳам аравадан учиб кетиб, булоққа юзтубан тушиб, чиқолмай ётганимда тортиб олган Маргу кеншойимни унутолмайман. Кейин анави тепалик устида, чангал ичига ўтирволиб унинг йўлларини пойлаганларим, даладан қайтишини кутишларим, ўзини бир кўрнингга зор ўтиришларим, Султонмурод акам йўлдан уриб аравасига солиб кетганларида алаимни ичимга ютиб қолганларимни эслайман. Кейин манави бедапояда, ҳамма уй-уйига шошган шом тушар маҳал уюб ортилган беда устида кўмилиб ётиб эшитганларим — шундай ойжамол кеншойим шаҳардан чиққан бир чўнтаккесарни (тушимдами-унгимдами, ҳали-ҳануз эслай олмайман) ўзига тенг кўрганлари ёдимга тушади.

Ана энди эски тегирмондаги воқеадан кейин ўша Маргу кеншойимни деб, унинг биринчи никоҳини бузганлардан ўч олаётгани, Баҳриддин акамни беному нишон йўқотганларни излаб топиб жазосини бераётганини билгач эса, унга аллақандай меҳрим ортиб бораётгандай. У мен уйлаганчалик ёмон

йўлларга кириб кетган киссавур эмас, бир бошқа одам бўлиб кўринади.

Кеча Маргу кеннойимнинг унга кулиб, интиқиб қарашларидан аччигим чиқиб юрган бўлсам, бугун негадир холааримнинг ҳукмидан норозидайман. Маргу кеннойимга ҳам, унга ҳам ачиниб кетяпман.

У шу кунларда жудаям камгап, бир ерга сигмайдиган бўлиб қолган. Қовоғини уйиб олса, шунақа жаҳддор кўринадики, бир нарса сурагани ҳам юрак бетламайди. Ўзи ҳам эрта туриб кетганча алламаҳалда келса—келади, келмаса қаёқларгадир гум бўлиб кетади. Ойимнинг сўроқларига ҳам калта-култа жавоб қилиб қўтилади. Сезиб-билиб турибмиз: ростини айтаётгани йўқ. Тегирмондаги Акмал ўрисга кўрсатган томошасидан маълум, у ҳазилакам-уйинни бошламаган. Ўзича Баҳридин акамнинг қотилларини зўрлик билан, усталик билан топмоқчи. Иш қилиб адашмасин, ё улар усталик қилиб кетишсами, ўнгдиришмайди бу Акмал ўрислар, бу Парпи бебахтлар. Лекин бунинг кўрқмаганини қаранг. Юракданам худо берган экан. Ҳеч ким мушугини пишт дея олмаган одамларни зир титратиб турибди. Битта Маргу кеннойимни деб шу терга-тергаларни бошладимикан ё асли-азалдан шунақа одамми?..

— Ҳей, Мақсуд, қаёққа йўқ бўлиб кетдинг? Опкелмайсанми опкеладиганингни...

Пастдан овоз худди жомга тош ташлагандек жаранглаб чиқару, лекин чақирган одамнинг қорасиям кўринмасди. Изза живир-живир қоронгуликка ботиб ётибди. Салқин элқинию бир маромда шовуллаши ёқиб, тенадаги чарақлаган юдузларга термулиб ўтираверсам дейман.

Ҳазилазон бир чети учган ярим палла қовоқдай ой кутарилади. Ана шунда чирилдоқлар овозига тўла бу олам, бу сойликка тўкилаётган ой нурларига хаёлингга аргимчоқлар солиб учсангми. Сендан бахтиёр одам топиармикан шунда.

Аммо Соли пастда туриб чақириниши қўймайди.

—Мақсуд дейман,— кейин ўзича тўнгиллаб тенага кутарила бошлайди, — қаёққа йўқолди бу овсар?..

Сал утиб, Саидумар акамнинг овози эшитилди:

— Гугурт олмабмиз-ку, Солихужа. Огайнинг билан уйга утиб кела қолинглар.

— Хўп-хўп, биз тез келамиз,— деди Соли ва ўзи қоронгуликдан қорайиб чиқиб кела бошлади. Сўнг биз тупроқ йўлдан тенага қараб чопиб кетдик. Анҳор бўйдаги ёнғоқзорга етиб борганимизда тоғамнинг муюлишларидан шопдай бўлиб иккита отлиқ чиқиб келди. Қоронгуда беш қадам беридан уларнинг юзиниям кўриб бўлмасди. Қўрқиб кетганимиздан тахта бўлиб қолибмиз.

— Ким у, бемаҳалда тентираган? -- деди оддинги отлиқ худди ҳозир қочсак отиб ташлайдигандек важоҳатда.

Биз нима деб овоз бераримизни билмай, кичкина тортиб кетдик. Рост-да, шунча ёшга кириб тунда айланиб юрган отлиқларга дуч келибмизми? Одам кўрқаркан. Балки қароқчи-

лардир, балки бировни излаб келган босмачилар. Чучиб, бир чеккага қисиниб турувдик, яқин келиб қолган отлиқ таниб:

-- Ҳа-а, сизларми йигитчалар? -- деб қолди. Кейин ётиги билан сўради. -- Анув янги кўчиб келган қўшниларинг бор-ку, оти нима эди,— у шеригидан сўраб олиб такоррлади.— Ҳа, Султонмурод чапани, ўшаники шу ердами, қаерда туради?

Мен оғиз жуфтлаганимни биламан, биқинимга мушт тушиб, нафасим ҳам чиқмай қолди. Ўрнимга Соли жавоб қилди.

— Қанақа янги қўшни? Бетта унақа одам йўқ,— деди талмовсираб.— Сизлар бу ёққа адашиб кепқопсизлар, шекилли.

— Нега? Тенадан утилгандан кейин биринчи қайрилишда... деб тушунтиришди-ку,— деди иккинчи отлиқ ишонқирамай.

Соли бир қадам оддинга чиқиб, бидиллади.

— Анув ёқдан, тена кўчадан тушиб келдингларми?

— Ҳа-да. Бизам уша тенаи айтаяпмиз.

Унда, анҳор қайрилган жойда унча кетган йўлни кўрмадингларми? Уша кўчани айтишган бўлса керак. Бетта ҳаммаси эски қўшнилари. Биз биламиз-ку.— Соли билиб туриб ёлғонни тўқир, тўқиганда ҳам дудуқланмай тўқир эди.

Шунақа денглар,— деди бўшашибгина биринчи отлиқ. Алдамаяпсизларми?

— Ҳе, алдаб бизга нима, амаки,— дедик бараварига.

-- Кетдикми, нима қилдик, Тулаган? — дея маслаҳат солди кейинги отлиқ, унинг оти бош силкиб, пишқириб-пишқириб қўяр, оддингисиники сўлигини тўхтамай чайнар эди.

-- Бориб кўрайлик, майли,— деди у, сўнг отнинг бошини бураркан, Солига пўписа қилди: -- Ёмон бидилдоқ экансан, сен бола. Билиб қуй, аммо-лекин гел қилаётган бўлсанг терингни шилиб оламиз.

Соли дами ичига тушиб турибди-ю, ўлганининг кунидан:

-- Майли-майли,— деб ваддирайди.

Улар отларига қамчи уриб, йўрттириб кетишлари билан у биқинимга бир туширди:

-- Чоп бу ёқдан! Аканг қочадиган ерига қочсин. Облочилилар излаб юрибди. Нима бало, ҳуштакчилар гафлатда қолганми бугун.<sup>1</sup>

Мен оёғимни қўлимга олиб, югуриб кетдим. Юрагим потирааб, чопиб боряпману мана, Акмал ўрисни-қўйворганларининг оқибати, у тавба қилармиди, сотган, сотиб алаmidан чиқмоқчи бўлган, дейман. Қўлдош тоғамларнинг қўрғонларини айланиб утиб, опамларникидан уйга кириб борсам, ойим ҳеч нарсадан хабарлари йўқ, ёлғиз ўзлари чироқ ёруғида машина тикиб ўтирибдилар.

-- Султонмурода акам... қани? — дедим ҳовлиққанча.

Ойим кўзойнақларини кутариб:

<sup>1</sup> Одатда Тулаган меласанинг қораси Чулпон отада кўрингандаёқ қайсидир бола чапан ҳуштакни бошқаси илаб олиб, ундан бошқаси бошқасига ошириб, бир зумда бу хабар Каттабоққа етиб тушар, ҳамма ининига уриб кетар эди.

Нима эди, Мақсудхўжа, у бетовфиқ ҳали келгани йўқ, - дедилар.

Худого минг қатла шукр-э, деганча остонага утирар-канман, унинг йўқлигидан бир энгил тордимки... Ишқилиб ёмон кўзлардан худонинг узи асраётган бўлсин уни... (Аммо мен кўргонимизни алламаҳалгача облочининг аскар болалари ураб, акамни пойлаб ётганини кейин эшитаман.) Ойим ишга уннаган бўдилар-у, яна кўнгиллари тинчмай юзимга тикилдилар:

— Тинчликми, рангингда ранг қолмабди, Мақсудхўжа?

Ҳали айтиб улгурмаган эдим, отхона томондан шип-шип оёқ товушию аёл кишининг пиқ-пиқ йиғлагани эшитилгандай бўлиб, илкис угирилиб қарадим. Жийданинг тагидаги опамларникига очилган йўлдан биров улқасини тутолмай йиғлаб келар, лекин опамга ўхшамасди. Ойим ҳам йиғи товушини эшитдилар шекилли, сергак тортиб:

Ким? — дедилар менга.

Мен қоронгида таний олмай елка қисдим-да, тез йўл бушатиб ўрнимдан тура бошладим. У зинага етиб келибоқ, ойимларга кўзи тушиши билан овозини баралла қўйиб юборди:

Вой, апов, энди нима қилдигов? Укагинайиззи қамаб қўйишибдиёв... Узлариданам бурун овозларини танидим. Қумри кеннойим эдилар. Улар остонадан ўтишлари билан бошларига ташлаган ёпинчиқни юлқиб бир четга отдилару ўзларини ойимнинг бағриларига ташладилар.— Шу шуришларам бораканмиёв... бошқинамизда, жон опаёв?..

Улар муштдек бўлиб ойимнинг бағриларига сингиб кетдилар, лекин нолаю фиғонлари уйга сизмас эди.

— Худо-о, қуруқ туҳматчиларингдан ўзинг асрасанг нима қилардиёв?..

Мунис, муштипаргина кеннойимнинг айтиб-айтиб йиғлашларидан ҳар қандай тошюрақларам эзилиб кетар эди. Чидолмай секингина ҳовлига тушиб кетдим.

Йиғи овозини эшитиб опамгилар, қўшнилар чиқа бошлашди.

Шу маҳал ишқом ичидаги бегам-беташвиш чирилдоқларнинг чириллаши ҳам юракка сизмас, ёнгоқзор ортидан пачоқ баркашдай кемтик ой кутарилиб келар эди. Негадир унинг юзи жудаям заъфарон кўринарди кўзимга.

## Мужда ёхуд отинг нима, қизча?

Таргимни соялатиб, анҳордан сакраб ўтиб эдим, бирдан битта ёнгоқ беридаги тақирга арқонланган гунажин кавш қайтариб ётган еридан сакраб туриб, қулоқларини дингу думини ҳода қилганича, қозиги атрофида гир айланиб чопа кетди.

— Ҳа, сўна жонингни олгур-а! — Югуриб бориб қозикни сугирворган эдим, гунажин бир хатлашдаёқ катта анҳордан сакраб ўтиб, шаталоқ отганча эгасининг ҳовлисига уриб кетди.

Соялатишга олиб чиқилган ҳамма моллар кўзлари олазарақ, уринларидан туриб олишган, шаталоқ отиб қочиш гали қай бириники эканини билолмай гаранг эдилар.

Худди армия ёшидаги катталар кўчада болаларнинг «қоч, облочи кевотти», деган хуштагинию ё бирон аёлниинг «ҳой, сариқ сигирни ушлангларув, арқонни узиб кетди-юв» деб чақирганини эшитган заҳоти жар-журга уриб кетишгани каби бу сигирлар ҳам сўнанинг визиллашидан қулоқларини динг қилиб олишибди. Йўқ, сўна ўшанақаси даф бўлган экан, бирпасдан кейин сигирлар тинчиб ётишга, қайбирлари яна кавш қайтаришга тушдилар.

Мен Иззагача чўзилиб кетган бедапояннинг тепасидаги катта нокзорни айланиб ўтган анҳор бўйида сувга оёғини солиб, туришга ҳам эриниб утирар эдим. Бирдан кўзим ҳув пастроқдаги кўк нокка тушиб, кўнглим бир суст кетди ва шартта ўрнимдан туриб, анҳордан сакрадим. Анавинда акам билан шу нокнинг таърифини қилган эдик-да. Ўзи кўм-кўк, пишмагандай туради-ю, қоқсанг ерга чалп этиб тушиб, эзилиблар кетади. Есанг оғзингда асалдай эрийди.

Устига чиқиб, биттасини бундай тишлаб кўрсам, оҳ, оҳ, оҳ, нок ҳам шунақа эзилиб पिшадимми? Шунақа асал тортиб кетадимми?! Худонинг қудратини кўринг: башарасидан бир тийинга қиммат, аммо еб роҳатланасан! Бу дунёнинг ноки эмас, чин ганим. Тишлаганимни наққос тушириб, бир қўйин териб олдим-да, шоша-пиша тушаётсам, оёғим тойиб кетса бўладими! Жон-жаҳдим билан нокка ёпишган эдим, ўзим алақанча жойгача сиргалиб, билаклариму сонларимгача шилиниб кетди. Ҳаммаданам бурун қўйнимдаги нокларнинг расвоси чиқди, нимадир этимга чип-чип ёпишар эди.

Анҳор бўйига чиқиб, нокларни қўйнимдан ола ачишаётган сонлариму билакларимни чайишга туша кетдим. Сув текканда сал ором олгандай бўламан-у, нами кетиши билан яна ловуллай бошлайди. Этим чип-чип ёпишиб, гашимни келтиради. Ахийри бўлмади. Қўйлакни шартта ечиб, тулиб оқаётган анҳорга ўзимни ташладим. Бир-икки шўнгиб олиб, ҳеч гап бўлмагандек, яна анҳор бўйига утириб, нок ея бошладим.

Қаранг, ўзим асалдай нокни бир ҳузурланиб чайнаб турибман-у, билакларим, сонларим биров гармдори сургандек ловлов ачишади-ёнади. Қани ачишган жойга бир малҳам бўлоса.

Шу маҳал орқамда биров бордек туйилиб, угирилиб қарадим-у лол қолдим. Ортимда ойимлар айтмоқчи қош-кўзи испукдек, сочлари майда урилиб, узи бўйсира тортиб қолган қизча ийманиб, нима деб чақирарини билмай турарди. У қарашим билан ҳушёр тортиб:

— Сиз... Сиз Салом опоқимлани ўгилларимисиз? — деди нозик қўлини уйнаб, билагини силаганча.

— Ҳа, — дедим ҳамон ҳайратдан ўзимга келолмай.

— Янги кўчиб келгансизлар-а, бу ёққа?

— Ҳа, қизча. Лекин мен сени танимай турибман-ку, — дедим бошдан-оёқ қайта қараб.

— Танмайсизам,— деди у ер чизиб,— биз сал нарида — Тепанинг у ёғида турамиз.

— Жуда яхши-да, мана энди билиб олдим,— утираверишга унгайсизланиб, иккита нокни чайиб узатдим. — Ма, сенгаям насиб қилган экан.

У майда ўрилган сочлари силкиниб, бир чиройли бош чайқади.

— Йуқ, раҳмат. Мен Сизни бошқа иш билан... қидириб келганман.

— Сен бунинг кумкүклигига огриндингми? Аввал битта тишлаб кўргин — биласан,— қистадим мен.

— Уз-ўзингларникиданми? — деди қизча кутилмаганда.

Мен нима деб жавоб қиларимни билмай ёмон унгайсизландим. Кейин ростига кўчиб қўяқолдим.

— Йуқ, ҳов анави нокдан ҳозир олиб тушдим. Сен олавер, эгаси қувлаб юрмайди. Қўли очиқ одам.

— Ундай бўлса, раҳмат.— У уша нозик қўлини узатиб, аввал биттасини, кейин иккинчисини олди-да, ҳидлаб кўриб, ширин жилмайди.— Айтганингизча борақан, бол ҳиди гуркираяпти.

— Сен битта тишлаб кўр аввал.

У ийманиб, ерга қуш қараш қилиб олди:

— Ейман. Лекин битта шarti билан.

— Шarti билан? — Мен ҳайрон қолиб, нотўғри эшитмадимми, дегандай қулогимни ишқадим.

— Шarti шуки, ҳозир мени орқамдан юрасиз.

— Сени орқангдан?

— Мени орқамдан.

— Сизларникигами?

— Бизникига.

— Қизиқ. У ерда нима қиламан?

— У ерда сизни бир одам кутяпти.

— Бир одам?... Ким экан у? — дедим баттар ҳайратим ошиб.

— Ҳозир айтолмайман. Боринг, ушатта кўрасиз. Энди юрасизми? — деди у боягидай ширин ва сирли жилмайиб.

— Яхши.— дедим нима қиларимни билмай,— лекин сен аввал нокни емадинг-ку. Емасанг мен ҳам...

Қизча бирдан аразлади:

— Бормасангиз... нокингиз ўзингизга сийлов...— У азза-базза чўнқайиб, нокларни жойига қўйди.

— Ие, жуда галати экансан-ку, сен — қизча.

— Кулманг... мени устимдан. Куладиган бўлсангиз — бегингизгаям қарамай кетвораман,— деди у катта қизлардек жиддий тортиб.

Мен унгайсизланиб, елка қисдим.

— Кечирасан, мен чин дилдан... айтувдим.

У ердан кўзини узиб, бир қараб қўйди-ю, аммо қовоғини очмади. Уша-уша жиддий турганича, гапни калта қилди:

— Юрасизми?

— Майли, бошлайқол унда,— дедим ноилож.

У бошини чиройли эгиб, қайрилган эди, майда ўрилган сочлари орқаси билан битта бўлиб тулгондио мен унга маҳдиё бўлиб эргашарканман, нок эсимга тушиб, уни чаққон олвола қолдим. Ҳийла индамай бордик. Аммо нуқул гапга солгим, ширин жилмайиб қўйишини бир кўргим келаверади. Ахийри чидамай дедим:

— Шунақиб бизни нок ёқмадими? Кумкүкдан кумкүк эканми?

— Йуқ, нега? — у ийманиб қиё қараб қўйди.

— Назаринг-ла илмаганда.

— Унақа деманг-да,— у боягидай ширин жилмайди,— дейишингизни билсам, қайтариб бермасдим.

— Булмаса, ма, олиб қўй, насибанг сени,— узатдим пайдан фойдаланиб.

— Раҳмат,— у ўгирилиб олди-ю, биров кўриб қолаётгандек ҳуркиб, қадамини тезлатди, нари бориб орқасига қараб қўйди,— юра қолинг, кутиб қолишди.

Мен етиб олишга шошилиб, сўрадим:

— Ким, айтақолмайсанми?

У қайрилмай ҳам бош чайқаб, димоғидан нозли бир овоз чиқарди.

Биз аллакимнинг бог девори ёқалаб, ариқ бўйидан борардик. Тол тагида сув шарқираб оқиб ётибди. Ариқ четини ёввойи ялпиз босиб, шохлаб кетган, кулранг танаси тиззага урилганда ҳиди гуркираб-гуркираб кетади. Айни гуллаб, уруғ боғлаётган пайти. Мен яна ижикилайман. Уша йуқ деган нозли овозини эшитгим келаверади:

— Ялинсамам... айтмайсанми?

У огиз очмаёқ енгил бош чайқади. Уша мен ёқтириб қолган эрка, нозли овоз димоғида икки боргина такрорланди. Худди димоғида «и-им» дегандай. Уни сизу биз икки дунёда ҳам ухшата олмаймиз. Фақат ундан ошиб, ун еттига қараб кетаётган қизларгина қотиришлари мумкин. Уларга ярашаркан ҳам. Мен тўхтадим:

— Бормай қўйсам ҳамми?

Буни сезиб у ҳам тўхтади. Ярим қайрилиб:

— Ўзингиз биласиз. Менга... шундай тайинлашган,— деди ҳалитдан узун-узун, бирам чиройли киприкларини пирпира-тиб.

Бунчалик қаттиқ тайинлашганидан энди шубҳаланиб, ичим гурмишланга тушди: чинданами ким чақиртирди экан? Борсамми, бормасамми?... Бормай десам манави ширин қизалоқни хафа қилгим келмаяпти. Борай десам, Акмал урис ёки Парпи бебахт бўлса-чи?

— Қолдийизми? — деди ниҳоят қизча қошини тагидан кулиб қараб.

Унинг қолдийизмиси, кўрқингизми эшитилиб, рости, унгайсизландим.

— Нега, боравураман,— дедим шошиб ва орқасидан ҳазил



аралаш қўшиб қўйдим.— Сендай ширин бир қизча шундан шу ёққа излаб келадию бормаيمانми?..

— Олинг-а, лофнияам қотираркансиз...— у кулиб қўйиб, энди пилдираганича тезлаб кетди. Йўгасам етиб олиб кўрипчи дегандай... Оёгимни қўлимга олиб шу югургилайман, лўкилайман — қани етиб юролсам.

Аллақандай чорбоғларни кесиб ўтдик, ёнгоқзорларни ора-лаб, ҳовуз бўйидан чиқдик. Яна икки томони кета-кетгунча пахса девор, ўртаси тупроқ кўчадан оёқларим куйиб, аллақанча юрдик. Ниҳоят яна салқин бир кўчага тушиб, дарвозасининг олдига кўлоблаб сув сепилган жойга етганда, қизча қайрилиб:

— Сиз шатта тура туриг. Хўп? — деганича дарвозанинг болачаси — кичкина эшикчадан энгашиб, ичкари кириб кетди.

Ё тавба. Қаёққа келиб қолдик? Бу ёққа нега чақиртиришадиди? Балки ҳалиги қизчанинг ўзи ҳар кимга кўринавермайдиган нарса ё пешинларда учрайдиган ажина-пажинадир. Шундай хаёлларга бориб, тирсақларимни чимчилаб кўраман. Кўчанинг ўртасида қаққайиб турганча, ён-атрофга аланглайман: жинлар дунёсига кириб қолмадимми мабодо?

Йўқ, сув сепилган кўчанинг бир четида иккита мусича гувгулашганча бир-бирларини беозор қувалашиб юришибди. Ариқ лабига келиб кўнган попишак «ху-ку-пиш-ш»лаганча менига бир қараб қўйдию пилдираб дон излаб кетди. Ариқдаги сув ҳам таниш қўшигини айтиб, шаддираб ётибди. Ҳеч қанақа жинлар диёрига ўхшамайди. Бир вақт бояги кичкина тавақа очилиб, қизчанинг боши кўринди. Бу гал у қўли билан имлаб, пишшди:

Келавураркансиз.

Оёгим тортиб-тортинқирамай, лекин ҳайрагим баттар ортиб, секин эргашдим. Балки кирмаслигим керакмиди?.. Аммо қизиқиб ёмон нарса экан дунёда. Сирли нарсага учрадингми, ўзингни гўхтата олмай унинг домига тортилиб боравурасан, боравурасан. Аждаҳолар маконига кириб кетаётган бўлсанг ҳам балки ҳозир аждаҳо йўқдир, қўриқчи девлари етти кечаю етти кундузлик уйқуга кетишгандир, ичкарига кириб бориб барибир маликани кўрарман, дейсан. Ич-ичингдан даг-даг титраб турсанг-да, битта тукинг қилат эгмаётгандай тутмоқчи бўласан ўзингни. Маликага қизиқиш шу қадар кучли...

Ҳозир ҳам жин жамалаксоч қизча қиёфасида мени ўз ўр-дасига бошлаб кетаётгандай, салқинда узала тушиб, оёгини узатганча шинакка кетган арслонни авраб қўйгандай кўринади.

Биз оёқ учида юрганча итти айланиб утиб, сури тагидан олди очиқ айвонга буриламиз. Унинг рўпарасида бўйрадекки-на ҳовли, яна шундан кичикроқ тупроқ супа, супанинг гир атрофи райҳону жамбилу қўқон гуллар. Яна орасида ироқи дўппининг ҳошиясидек гулбеорлару мен умримда кўрмаган нозик-ниҳол гуллар очилиб ётибди. Унинг фақат бир тарафи гувалак деворга туташиб борган. Шу супага хонтахта қўйилиб,

дастурхон ёзилган, яна чор тарафига яланг қават кўрпачалар солинган.

Қизча мени негадир ичкаригамас, гулзор ўртасидаги ўша супага бошлади.

— Келинг, утириб туриг.— кейин ўзи, мен ҳозир, дея айвон ёнидаги эшикдан ичкари кириб, йўқ бўлиб кетди.

Мен эсам қаёққа келиб қолганимни билолмай, бу кимсасиз ҳовлида анграйиниб утирибман. Бир кўнглим, эсим борида жуфтакни ростлаб қолсаммикан, Парши бебахт деганларининг уйи шу бўлса-чи, дейман ичим гурмишлаб. Лекин хавфнинг ўзидан дарак йўқ. «Аждаҳо» қайси дераза ё эшикдан кириб келади, билолмай гарангман. Яна ҳар эҳтимолга қарши ёнимдаги гувалак деворга, унга қапишиброқ ўсган бир туп... (агар қочиш лозим, бўлиб қолса, қандай тармашинини мўлжаллаб) олмага қараб-қараб кўяман. Бир маҳал шу девор тагидаги четини бинафша туплари тутиб кетган ариққа хаёлим қочган экан, қайсидир эшик гийтиллаб очилгандай бўлди. Ва ял ўтирилиб айвондан тушиб келаётган мен учун фаришгадай бир одамга кўзим тушиб, қотиб қолдим. «Фалончи!» дея сакраб кетгудек аҳводаман-у, қани энди суюнчдан овозим чиқа қолса. Қаттиқ суюнчу согинч қўшилиб кетганда шу аҳволга тушиб қолиш мумкин эканми, тавба. У эса узоқ касаддан энди турган, ҳали мадорга кириб-кирмаган, лекин соғайишдан дарак бериб юзига билинар-билимас қизиллик, кўзига нур югурган қизлар каби битта-битта босиб, белидан ярим қучиб олган бояги қизалоққа суянганча келар, мендан кўзларини узмас эди. Келганим учун ҳалитдан нигоҳи билан раҳматлар айтар, овора қилгани учун узлар сурарди.

— Яхшимисиз, эшон бола,— деди у гулзор ўртасидаги йулакка етиб.

— Сизмидингиз... чақиртирган? дедим мен овоз битиб.— Уни қаранг-а...

— Уйламовдингизми?

— Ҳеч. Сиз бўлиб чиқишингизни билсам... учибла келардим,— дедим ростидан тонмай.

— Раҳ-маг,— деди куйлагандай. Бир оғиз сўзимни ерга ташламай... келибсиз.

Мен ўрнимдан туриш энди эсимга келиб, жой бушатишга шошилдим.

— Сиз ўтиравуриг... ўшандоқ. Мен мана бундай... Сизнинг қаршингизда... Сизга қараб бирпас утирай. Кўрмаганимга ҳам... қанча бўлди. Майлими, эшон бола.

Ичимда жон-жон деб, майлингиз-майлингиз, деб турибман-у, ташимда унинг кўнглига ёқиб тушадиган бирон сўз тополмайман.

У супа четига енгилгина (омонаттина) ўтириб, қизчага жавоб берди:

— Майли, сен борақол, Саида. Бизнинг эшон бола билан озгина... гапаримиз бор, — дея уни елкасидан қучиб, жамалак

сочларидан силаб қўйди. — Ҳазимнинг ақлли сингилгинамдан ўргилай.

Ана холос, мен уни ким экан, деб юрибман!

Қизча супанинг бир четидаги ҳали менинг кўзим тушиб улгурмаган супурги билан хокондозни олиб, бу воқеаларнинг унга даҳли йўқдек, итоат билан нари кетди. Чиройини йўқот-маса-да, узи сурат бўлиб қолган опаси, менинг азиз Марғу кеннойим эса, фотиҳага қўл очди:

— Илоҳим, Сизнинг енгил қадамларингиз билан бу хона-донаар устига тушган юкларни ўзи кўтариб, файз-баракотлар ато этсин, — деди ва ширин тиловат билан Қуръондан бир оят ўқиди, — Авалам йарал-инсон у аино халақнаху мин-нутфатин фаизо хува хасимум-мубин, — дея оминни «илоҳим, ўзинг шифои комиллар бергин, бираҳматга ё арҳамар роҳимин» билан тургатиб, қўлларини юзига тортди.

Сўнг очиқ юз, енгил таха билан қараб, уша-ўша оппоқ, лекин сал саргайинқираган қўлини тавозе билан кўксига қўйди:

— Хуш келибсиз.

Бунақа вақтда биз қаторилар нима дейишлари лозимлигини билолмай, ёмоним ўнғайсизландим.

— Хушвақт бўлинг бизларнинг бахтимизга, — дедим қисиниб.

Лекин унинг кўзлари тийраклашиб-чақнаб, юзлари ёришиб кетди:

— Раҳ-мат, эшон бола, — деди паст, лекин куйлагандай бир овозда. — Мен сизни... — у киприкларини тушириб, дастурхон четини ўйнади. — Сизларни бир кўргим келди-бир кўргим келди. Айбга буюрмайсиз-да, овора қилганим учун.

— Нега, овораси бораканми, бир оғиз айттирсангиз учиб келавураман. Нима хизмат бўлса, мана, мен турибман.

— Минг раҳмат, йўқ демаганийиз учун, келганийиз учун, — у сал чўзилиб дастурхондаги патнис устидан сочиқни олиб, уни очиб қўйди. — Қани, дастурхонга қаранг, эшон бола. Бизни богни узумлариданам тотиб кўринг. Манави анжиримиздан олинг. Аям юртимизни мевасиданам бўлсин богимизда деб... атай Қўқонни тагидаги она қишлоқларидан опкелиб ўтқазганлар бунини, — дея бир тақсимча сап-сарик олтиндай анжирларни олдимга суриб қўйди.

Бундай меҳмондорчиликни кутмагандим, уялиблар кетдим. Уялганимдан нима деяримни, нима еяримни билмайман. Бу орада жамалаксоч қизалоқ чой дамлаб, чойнакни жажжи тақсимчада кўтариб келиб, ташлаб кетди.

Чой қўйилди. Бир шингил узумдан олдим. У анжирга қис-таб, ўзи бир донасини олди-да:

— Бу таомилда мана бундай ейилади, эшон бола, — дея уни иккига бўлиб, асали оқиб ётган жойини бир-бирига ишқади ва биттасини сингилсиникидан ҳам бежиримроқ оғзига солди.

Мен ухшата олмагандим, беозоргина кудди ва кўшиб қўйди:

— Тез-тез келиб турсангиз, ўрганишиб кетасиз. Хўп?

Шу сўзнинг ўзиданоқ ўртадаги ўнғайсизликлар кўтарилиб, мен ҳам сидқидил куддим:

— Машқ қилгани денг?..

— Топдийиз, эшон бола. Баҳонада менам бирпас ёзиламан Сизни кўриб... — деди у худди ҳозирданоқ илтимос қилаётгандай.

— Нима, далага чиқмай қўйдингизми?.. — Дедим акамни кўрмаётирсизми, дейишга ўнғайсизландим.

Барибир у тушунди, тушуниб киприк қоқди, шунақа бўп қолди дегандайин. Кейин дастурхон четини ўйчан ҳимарганча:

— Ҳазинглар... яхши ўтирибсизларми? — деди гапни узоқдан бошлаб.

Мен ҳам тушундим, тушуниб жавоб қилдим:

— Сиз холаларимнинг гапига парво қилманг. Ҳаммасини акам ҳал қилади. Унинг дегани бўлади, қараб туринг! Уни биласиз-ку, тўғрими?

У тўлиб турганаканми, ё асаблари шунақа бўшашиб кетганми, акамнинг номини эшитгандаёқ ўзини тутолмай қолди, қўллари титраб, босиб келган хўрликними, йигиними, яширишга уринди-ю, эплай олмади.

— Биламан, биламан, лекин бу ёқда аямгиларни кўндирилмасам, инонтиролмасам... нима қилай? — деб юборди ҳиқиллаб, — нима қилай, эшон болажон, пешонам шунақа шўр бўлса?.. Айтинг, айтинг ўзингиз, эшон болажон, мен шунақа бўлсин дебманми? Облочи боссин, гушангаларда ёлғиз қолай дебманми? У киши беному нишон кетсин, мен шундай кунларга қолай дебманми? Акангизни учратган бўлсам, менда нима айб, нима гуноҳ, эшон болажон? Менам ҳаммага ўхшаган бир инсонман-ку, нега шумқадам аташади? Ҳамма гуноҳларни менга ағдаришади, жон эшон болажон?..

У кўз ёшлари шанқатор оқиб, «жон эшон болажон»лар, чой-чойда, анжир-анжирда қолиб, менам унга кўшилишиб жимгина йилгар эдим. Шунча ўзимни тутаман, ўпкамни босаман дейман, қани босолсам, тутолсам: ёш оқиб келаверади, оқиб келаверади. Уни на яшира оламан, на енгларимга артиб тутата оламан. Қўшилишиб йилгасам у енгил тортадигандай... ҳиқиллаб-ҳиқиллаб, унга қараб қўяман.

Бечора кеннойигинам, энди шу шўришлар ҳам бораканми, Сизга! Нега ҳеч ким Сизни тушунмайди? Англамайди? Англагиси келмайди? Султонмурод акам — ўзи қаерларда юрибди? Сизни шу кунларга қолдириб? Менинг ўрнимда ўзи ўтирса бўлмасмиди ҳозир? Нега келмайди, хабар олмайди? Ораларидан нима ўтган ўзи?

У ҳиқиллай-ҳиқиллай ахийри тинчиб, секин ўрнидан турди. Гандираклаб йиқилиб кетмаса эди ҳозир, деб жон ҳовучлаб ўтирибман. Ўрнимдан тура солиб, тирсагидан туттишга ийманаман. Жамалаксоч қизалоқ ҳам кўрина қолмайди. У бўлса, бир амаллаб ариқ бўйига ўтди-да, юзларини пишиб-пишиб чайганча ўтириб қолди.

Мен сочиқ кўтариб бориб, тепасида турибман. Лекин у сезмайди ҳам, кўрмайди ҳам. Шунчалик хаёлларга толиб кетган.

— Тура қолинг, мен сизни толиқтириб қўйдим шекил? — дея оддим ахийри.

У бошини кўтариб, синиқ жилмайди.

— Йўқ, нега, қайтага бироз енгил тортдим. Аммо Сиз хи-жолат бўлманг, эшон бола, мен ўзим эркалигим тутиб, бир бушаниб олай дедим Сизга. Кечирасиз, майлими?

У артиниб бўлиб, тирсагимдан тутганча қаддини кўтараркан, унинг қушдай енгиллигидан ҳайрон қолдим. Сизга ёлгон — менга чин, тирсагимга парқуча ҳам оғирлик тушмаётган эди. Ўзим эса, шу ҳолига унда ғуноҳ нима қилсин, мисоли фаришта-ку, уни қўш қўллаб кўтариб кетсам мумкин-ку, дер эдим.

У жойига қайтиб, ўзини бирпас тутта олмаганидан уялган каби хижолатларга ботиб қаради менга.

— Олинг, олиб утиринг, эшон бола. Менинг дардим билан бўлиб, ҳеч нарса емадингиз ҳам, қарамадингиз ҳам дастурхонга...

— Нега, оддим, едим. Раҳмат.

У раҳматимни бошқача тушунди, кетишга рухсат сўравати деб, шошиб қолди. Мен эсам, уни кўрганимдан, дардлашиб утирганимдан бошим осмондалигини бидирмоқчи эдим, холос.

— Сиздан илтимос, жон эшон болажон, — деди кўзларимга жавдираб-ўғиниб. — Айтинг у кишига: бир мартагина кўриниш берсинлар жилла курса. Бир оғизгина бир нарса деб кетсинлар ўзлари. Қейин майли, майли кейин келмасалар ҳам. Майли кейин булар билганларини қилсалар ҳам, — дедию овози қалтираб, бошқа ҳеч нарса дея олмай қолди. Фақат ёш айланиб бораётган кўзларини мендан узолмас, шу туришда ҳам мендан сўзсиз: майлин, майлин? дея илтижо қилар эди.

— Айтаман, — дедим зўрга, яна ўпкам тўлиб кела бошлаб.

Шу пайт ҳовлида жамалаксоч қизалоқ кўриниб, у югуриб кела бошлади:

— Опа, кўчанинг бошида аям келяптилар, — деди у шивирлаб.

Мен нима қиларимни билмай тарадудланиб қолдим. Аммо у шошилмай худди бу хабарни эшитмагандай юзимга ўша-ўша илтижо билан тикилиб:

— Шу омонатни Сизга ишондим, эшон бола. Сизни худойимнинг ўзи қўласин. Энди бора қолинг, — деди. Сўнг анча юмшаб, хотиржам тортиб, ширин жилмайди. — Эшиқдан келиб, тирқишдан кетаётганингизга айб қилмайсиз-да? Мана бу ёқдан, ўзингиз билган олмадан девол оша қолинг.

Мен шундагина деворга қалишиб ўсган сурх олмани танидим. У супанинг тепасидаги ўша биз бир марта угирликка тушган қизил тарам олма эди. Фақат унда биз нариги томондан келган бўлсак, бу гал эгачаси билан бу ёғида турардик...

Давоми келгуси сонда.

Назм

Чўлпон Эргаш

## РАҲМОННИНГ ҚАЙТИШИ

Хаёлий-кечмиш достон

Биринчи манзара

Ун бир тўсинли вассажуфт хона. Уртада сандал, устига катта эски кўрпа ёпишган. Тург ёғида — Раҳмон, опаси, ака-укаси ухлаб ётишибди. Қоғоз ёпиштирилган дераза кўзлари тош ёриша бошлаганидан дарак бериб турати.

Раҳмоннинг қачон келиб ётганини уйдагилар сезишмади. (Раҳмонни Шайтон отаси қиёфасида йўлдан оздириб, эргаштириб кетган эди.)

ШИРМОН

(Тушида, бир жувонга осмонда у ёқдан-бу ёққа учиб юрган углидан ҳам ғурур, ҳам хавотир билан, баланд овозда ҳасрат қилди.)

*Раҳмонжон боламнинг қаноти бор, ҳа!..  
Шарофатли эгам қудрати билан,  
Шунақа қанотли тугилган углим!  
Лочин боласидай, кундан-кун баттар,  
Қулларимдан юлқиниб чиқиб,  
У дарахтдан*

*бу дарахтга*

*учиб-учиб,*

*Юракларим ёрар, ё пир-эй!  
Энди куринг...*

*Ҳай,*

*кўзингга қара!*

*Тогдан тоққа учини, болам,  
Бўлди қил бирпас,*

*Оч-наҳорсан уч кундан бери...*

*Ўзинг асра, парвардигоро!..*

\*\*\*

*...Оёғини тикиб олгандай қурга,  
Сапчиб тушар ўрнида Ширмон.  
Дод солгудай соч юлиб ҳозир,*

Бармогини қаттиқ тишлару:  
«Оҳ, улган у... тамом... жон болам,  
Наҳотки у — бегуноҳ руҳинг?!  
Қандоқ чидаб бўлади, худо!  
Бу дунёдан қулимни ювиб,  
Қултигимга уриб қачонлар,  
Хув, деб чиқиб кетардим, э воҳ,  
Кузим қиймас етимчаларим!..  
Шу ҳаёлда, шифтга боқиб у,  
Тулиб-тулиб йиглайди унсиз.  
Икки қулогига урмалаб,  
Кузёшлари қуйилар, қайноқ.  
Йуқотгандай туманли кеча  
Ётиб юрган жойини нодон  
Қон-зардоб кузёшлари аро  
Кузи тушиб Раҳмон жойига,  
Қотиб қолар бир зум анграйиб,  
Майса қатор киприклари заб  
Соя ташлаб чуғ юзларига,  
Огиб боши ёстиқдан хиёл,  
Ухлаб ётар Раҳмон, парвосиз.  
Бир ўзини йуқотар Ширмон,  
Туплаб олар эс-ҳушини бир.  
Билмас йиглашини ҳам у,  
Кулишини ҳам...  
«Тушимми?» деб, утаб ёнини,  
Чимчиб-чимчиб юзларини ҳам,  
Бирин қуйиб, бирини туртиб  
Болаларин уйготар бир-бир.

#### ШИРМОН

Ҳай, Журавой... Сайдилло... қаранг,  
Кузларингиз очинг... секинроқ!..

#### ЖУРА

(Онасининг ишораси билан Раҳмонга куз ташлаб)

Вой, Раҳмонми? Раҳмон... Ростданам!..

#### САЙДИЛЛО

(ҳовлиқиб)

Қандай... узи келдимиз? Қачон?!

#### ШИРМОН

(кафтини оғзига босиб)

Секинроқ, ҳай, секин, гаранглар,  
Ётинг сиз ҳам, ухласинг, кейин...

\*\*\*

Ёш боладай кулиб шўх-шодон,  
Деразадан муралар кўёш.  
Томга чиқиб ҳозир: «Одамлар,  
Қайтиб берди боламни худо...  
Куриб қуйинг!..» дея, девона,  
Бақиршидан узини ушлаб,  
Тишлаб-тишлаб лабини Ширмон,  
Қозон осиб, олар ошхамир...  
Гупиллайди тандир чўғидан сандал,  
Қайнайди қозон.  
Шўхлик қилиб болаларидек,  
Увралари ошар умбалоқ.  
Нон эмас — олов!  
Узиб-узиб тандирдан она,  
Уйиб ташлар сандал устига.  
Болаларга мунис куз солиб,  
Дастурхон ёзиб,  
Келтирар тез қайноқ увра ош.  
Бир-бирига илиқ-илиқ,  
Қизиқ-қизиқ боқиб болалар,  
Бутун-бутун тишлаб нонларни,  
Куйиб,  
Кузларидан тирқираб ёшлар,  
Чайнаб-чайнамай,  
Ютиб юборишар, олайиб.  
Парво қилмай уларга аммо,  
Ут-ут бўлиб юзлари, ҳамон  
Ухлаб ётар сандалда Раҳмон...

\*\*\*

Тинар она кузёши, тугаб,  
Тинмас аммо, уч кундирки қор.  
Уйгоқ ётар, ҳориб, наздида,  
Раҳмон нафасига юз тутиб...  
Тушими бу, унгими, ҳайрон?!  
Жаннатдай бог, бағри гулҳовуз...  
Оқуриқка солиб аргимчоқ,  
Раҳмонжонни олиб бағрига,  
Ухлаб ётар эмиш у, роҳат!  
Туриб кетай дермишу аммо,  
Кутаролмас бармогини ҳам.  
Бир тўдамиш — хур қизлар бўлиб,  
Билолмас ҳеч, қаерда курган,  
Учирармиш осмон-фалакка:  
Бир осмонга, бир ерга, ҳай-ҳу,  
Бориб-келар тинмай аргимчоқ.  
Ҳозир қулаб тушгудай бирдан,  
«Ҳай, қизлар, ҳай!..» дермишу бироқ,  
Эшитмасмиш уни хур қизлар...  
Улар гуё қушлар сингари,  
Қурқмасин, деб Ширмонни, атай,  
Бирга учиб шундоқ ёнида,  
Бирга тушар эмиш ерга ҳам.  
Қанотлари билан камалак

Елпиб боши устида бирам:  
«Ором олинг бирпас!..» деб дилгир,  
Аллалармиш Ширмонни нукул.  
Ҳам куйнидан уфурган нозик  
Атир буйларидан булиб маст,  
Кушларнинг шух «чах-чах»ларидан  
Эриб вужуд-вужуди тамом,  
Етар эмиш ором куйнида.  
Фаришталар омин деб гуё,  
Нени тилга олсамиш улар,  
Булар эмиш дарров ушандоқ.

#### ҲУР ҚИЗЛАР

(Жам булишиб, Ширмоннинг қош-кузлари, сочларини силаб, ҳар томондан юзига гул юзларини босишиб, эрка оҳангда)

Шунча уй етар,  
Бошингдан чиқар...  
Бу кунлар селдай  
Утар-да-кетар.  
Дунёда «гам бор»,  
Деган гап — бекор.  
Уйгондинг, мана,  
Аммо, сен яна  
Чучиб, кипригинг  
Қилурсан пана.  
«Чах-чах»лаб қушлар,  
Дардларинг қувар,  
Кучар соядай  
У ёмон тушлар.  
Күзинг очиб боқ,  
Ҳарёгинг — гулбоғ.  
Гулҳовуз буйлаб,  
Ёр сенга муштоқ!

#### ШИРМОН

(Тушида беланчак-арғимчоқдан бошини кутарар экан,  
Эргашга кузи тушиб)

Оҳ, уша... наҳот?!  
Кулиб турар, шод!

#### ҲУР ҚИЗЛАР

Қуш булиб, унга  
Боғларсан қанот!

(Ширмон гулҳовуз буйида уни кутиб турган  
Эргашнинг бағрига отилади).

Ёринг ёнингда,  
Садқа жонингга.  
Бу бахтдан ҳайрон  
Лабларинг хандон.

Бахт қушларига  
Сепмоқдасан дон.

#### ШИРМОН

(Гул-гул яшнаган атрофига суқ билан боқиб, Эргашга)

Шундай боғингиз  
Булиб армонсиз,  
Айтмабсиз ҳатто  
Менга бир оғиз!..

#### ҲУР ҚИЗЛАР

Кетиб дард-фироқ, —  
Куксингдаги доғ,  
Ҳаёт боғингга  
Қунмагай ҳеч зог...

Қарасамиш Ширмон бир замон,  
Мажнунтолнинг остида эмиш...  
Бир суз айтмоқ булиб у қизиқ,  
Оғиз жуфтлар экан Эргашга,  
Ҳол-жонига қуймай ҳур қизлар,  
Тортқилашиб, бир ерга қуймай;  
Атрофини урашиб гужгон,  
Бирам-бирам сўзлармиш — уят,  
Шивирлашиб бир-бирига, шўх,  
Чимчилашиб уни, тегишиб,  
Кулишармиш ҳазил қилишиб,  
Бу шўх-шаддод қий-чувдан яйраб,  
Кузларини очса бир маҳал, —  
Уздан-узи қийқириб хандон,  
Қикир-қикир кулиб ётар у.  
«Ё бисмилло... астағфурилло!..»  
Ҳар ёгига «куф-куф»лаб тез-тез,  
Эс-хушини унглаб, қараса:  
Болалари титраб совуқдан,  
Кул устида ухлар, гужанак.  
Қизиқ, кўнгли ёришиб кундай,  
Сакраб турар қуш каби енгил.  
Ут қалару учоққа дарров,  
Келиб дадил бир қарорга у,  
Чуқар аста Раҳмон бошига.

#### ШИРМОН

(Раҳмоннинг сочларини силаб)

Раҳмонжон ширин бола,  
Қош-кузлари қоп-қора.  
Узи пишиқ зувала,  
Фикру ҳаёли — дала.  
Турақолгин, жон бола.

Ҳали бир йигит булсин,  
Кулганлар куйиб улсин.  
Одамлар қараб турсин,  
Қизлар югуриб юрсин...  
Эрка болам уйғонсин...  
Қанддай ёқиб бу сўзлар, шитоб  
Куз очару болалар, эрка,  
Онасини кўриб телбаҳол,  
Тилларини тишлаб қолишар.  
Кулворишдан тийиниб зўрга,  
Кўзларини чирт юмиб Раҳмон,  
Елғондакам ухлавтгандай,  
Қимир этмай ётарди ҳамон.  
Аммо, шу тоб...

### ШАЙТОН ОВОЗИ

(Раҳмон қулоғида)

Кўзинг оч, Раҳмон!..  
Ҳазиллашиб ётгандай ростдан,  
Катта очиб кўзини ногоҳ,  
Онасига — мисоли девор,  
Ака-укасига — чақчайган  
Қараб қолар, олайиб Раҳмон...  
Гўё оғиз очса ким ҳозир,  
У кўзини, қайтиб, шу заҳот  
Юмиб оладигандай тамом,  
Ака-ука, она — баробар  
Ютиб ичга нафасини, жим,  
Кўзларини олиб қочишар.  
Ҳеч гап йуқдай, ўзларини тез  
Уришару ўчоқ бошига,  
Чой қайнатиб келишар шитоб...  
Икки кўзи Раҳмонда, пинҳон,  
Бир тикка нон ер бугун она ҳам.  
«Лекин Раҳмон...  
Уч кун... Ё обло...  
Қайси гўрда ётиб-турди экан, оҳ?!».  
Чучиб хунук ўз хаёлидан,  
Тишлаб-тишлаб бармоқларини,  
Туфлаб-туфлаб қуяр куксига...

РАҲМОН

(кекириб)

Опа, энди мактабга бораман мен ҳам!

САЙДИЛЛО

(қийқириб)

Мен ҳам борақолай, а, бирга-а қайтамыз?!

ШИРМОН

(Раҳмонга синовчан нигоҳ билан, меҳрибон термулиб)

Майли, болам, минг марта розиман, аммо,  
Уқиб, қачон юрт сурабди ота-бобонгиз?!

РАҲМОН

(дикка туриб)

Катта одам буламан, мана курасиз!  
Битта юртмас, дунёни сурайман унда...  
...Уқийман ва урганаман у  
Утда ёнмас китобни мен ҳам!..!

ШИРМОН

(бармогини тишлаб)

Утда ёнмас?!

РАҲМОН

Айтинг, бувижон!..

Ширмон чучиб, қараса Раҳмон билан ёнма-ён онаси  
Шарофат буви утирибди.

ШИРМОН

(довдираб, хижолатда)

Вой, улмасам... қачон кирдингиз?  
Туринг, турга чиқинг, мен ҳозир...

ШАРОФАТ БУВИ

(Шарофат буви қиёфасидаги алвасти)

Йуқ, қузгалма... майли, ўқисин.

(қизини гадавлаган булиб)

Қачон ақл киради сенга?!

<sup>1</sup> Шайтон унга оловранг бир китоб бериб, у утда ёнмаслиги, уни ўқиган одам дунёда энг зур паҳлавон булиши ва бошқа хислатларини айтган эди.

## ШИРМОН

(тилини тишлаб)

*Қаршимасман... аммо, у... борсин!..*

Шу маҳал, алтавти тез урнидан туриб, ташқарига чиққан булади ва у тус яна қайтиб қараётгандай, бир хавотир, бир севиш билан жилмайиб, ҳақиқий Шарофат буви кириб келади. У утириб, Фотиҳага кафиларини очар экан. Раҳмондан бошқа ҳаммалари бир-бирларига қараб, оғизлари очилиб, алтақандай шубҳаю қурқувдан рангларини оқариб, тошдек қотиб қоладилар.

### Иккинчи манзара

— *Эрта кетар Лайлихон,  
Кеч қайтади Лайлихон.  
Турли-туман нарсалар  
Олиб келар Лайлихон!*

*Бойлаб белга икки зогора,  
Бир қулида узун оқ челақ,  
Бир қулида сигир, чоптириб,  
Сап-сариқ тоғ этакларига  
Кириб келар Раҳмон эрта тонг.  
Сигирини қозиқлаб ўтга,  
Олазарақ боқиб турт томон,  
Колхоз уриб-йигиб кетган, кенг  
Арпазорга шунгиб кетар тез:  
«Арпа бошоқ шигил-шигил дон,  
Тез купаяр бугдойдан арпа».  
Шундай йули усти — тегирмон.  
Челақ билан битта — тайёр ун,  
Кириб борса, онаси хайрон...  
Уврасини кесиб улгурмай,  
Қарабсизки, тайёр иссиқ нон!  
«Оҳ-оҳ, сувга ботириб есанг!..»  
Кириб келса отаси бирдан!..  
«Бунақаси куп бўлган» дер-ку.  
Қандай қилиб куришар Раҳмон?..  
Кўзларини чирт юмиб олиб,  
Қучоқлар-да буйнидан маҳкам,  
Кулаверар, тескари қараб.  
Гапирмайди, йиғлаши мумкин...  
Согинди-да, ахир, жуда ҳам!  
Гаплашишиб ётар кечқурун.  
«Уйқусираб, тепвормасайдим...*

*И-е... ҳали тўлмабди челақ,  
Тезроқ-тезроқ теришим керак!»*

*«Уч тўп... тўққиз...  
Булди энди, бас!»  
Ўзгартириб сигир қозигини тез,  
Ташиб-ташиб бошоқларини —*

*Бир туятош панасига у,  
Нонини олиб,  
Бориб, ариқ буйига чўқар:  
«...Зогора ширин-у, қийин-да ютиш...  
Сув билан толқондек утади осон!*

*...Маҳкам жинни келиб қолсами яна..  
Жухоризорга ҳам от солиб кирар.  
«Қарс» этиб бошга  
Қамчи тушганини билиб қоласан!  
Ўтга тутиб бир бош бугдойни,  
Еб ўтирса Зулайҳо момо,  
Кўриб қолиб, қанча судра-судра-ю,  
Бориб-келди бечора кампир!  
Қизлар кузи тушса унга ўзоқдан,  
Липпасига урар сақичини ҳам».*

*Емон урди Раҳмонни бир гал,  
Ҳали оғрир, санчиб, гежгаси.  
Ўзини урар у жухоризорга,  
Чалгитиб кейин,  
Ўтиб олар усган бир жойга.  
Қимир этса, — улгани Раҳмон.  
Бир ери маккага тегар, албатта.  
Шуни кутар Маҳкам жинни ҳам.  
«Пук-пук» юраги,  
Қанча ётди нафас ютиб у...  
Утиб кетди, яхши, курмасдан.  
Тошмат нима булди-я, Тошмат...  
Жинни булди онаси шурлик.  
Ун бошоқ билан тутиб ўтган йил,  
Қамаб қуяр, уриб, омборга.  
Эски омбор-да,  
Очликдан сичқонлар ҳасса таянар.  
Ишдан қайтиб жинни ярим тун,  
Кириб борса, очиб, омборга,  
«Гинг» деган бир пашша кўринмас.  
Гугурт қақиб боқса, сўкишиб,  
Қай куз билан курсин, оёқ остида  
Булақ-булақ суяқлар ётар,  
Бир калла чаноқ...*

\* \* \*

— *Шамол, шамол, кел тезроқ,  
Шамол, шамол, кел тезроқ...  
Хотинингни ўгри олиб қоч-ди-и,  
Кетмон олиб, чо-о-оп!..*

*Кун тиккадан оғиб бу маҳал,  
Уйқусини тарк этиб шамол:  
«— Ухлатмайди мени бу бола,  
Ўтган билан келмас — деб — уйқу!» —  
Югуради ҳар ёққа гир-гир.  
Туятошда ярим яланғоч,  
Раҳмон бошоқ совура «шув-шув».  
Пирпирок булиб сомон,*

Кип-қизил дон бир томон  
Хирмон бўлиб уюлар,  
Раҳмонжон яйраб кулар.  
Донни дарров жойлаб челақка,  
Чорси билан оғзини бойлаб,  
Ҳориб, ерга чўзилар.  
Гирак солиб қулини бошга,  
Уйлар... уйлар... уйлар...  
Ҳозир қайда тераркин акам?  
Ухлаб ётар тут остида ё...  
Терган бошоғини едирмас.  
Қўшсами у ҳам,  
Қиши билан бугдой нон ердик!  
Сотиб, товуқ олармиш аввал,  
Бостириб кейин,  
Қуй олармиш, сигир олармиш...  
Кейин нима олар экан-а,  
Хотин олса керак ўзига?!»

Ким ана у?  
Маҳкам жиннимас...  
Отаси-ку... отаси, ростдан!!!  
Арпапоя томондан, кулиб,  
Чиқиб келар Раҳмонни кўзлаб.  
Турай дейди, қимирлолмас ҳеч...  
Мана, келиб, чўкар ёнига,  
Аста пешонасидан ўлар:  
«Чарчапсан-да, майли, ётавер,  
Молингни утлоққа жилдириб кўйдим.  
Нима, йиғлаяпсанми, ўғлим?!»  
«Улган дердик сизни ҳаммамиз...  
Кечалари уйғонсам, доим:  
«Вой дадамлаб йиғлайди опам.  
Бугилиб қоламан, эшитиб, дарров.  
Сизни айтиб йиғласам мен ҳам,  
Бирдан кўнглум ёришиб кетар.  
Шилиниб кетганга ўхшаб, галати,  
Ичимда бир жойим оғрийди кейин».  
«Мен бўлсам-чи, мана, тирикман!»  
«Билар эдим ўзим, ҳам, аммо...»

Ўтлаб юрган моли томондан,  
Этагига ёпишган болалари ҳам,  
Чиқиб келар Парий онаси<sup>1</sup>, туғри...  
Кўриб уни отаси бирдан,  
Ерга қараб қолади, мулзам:  
«Энди менга қулоқ бер, ўғлим, —  
Узингга аён...  
Нима деса, «хўп» дею аммо,  
Айтганини қилмагин асло!  
Одам булмас улар ҳеч қачон...  
Уч ол, болам, мен учун ҳам сен!»  
Етиб келар, хўмрайиб, Парий.

<sup>1</sup> Отасининг парийлардан уйланган хотини.

Ёлгондакам кулиб Раҳмонга,  
Отасига гап қотар, мағрур:  
«Раҳмонжонни соғинибсан-да!..  
Эл булмайди одамзод сенга,  
«Улар — тупроқ», десалар ҳам, мен  
Қўшдим сени нур-пок қавимига.  
Майли, ўғлинг — Раҳмон ҳам, аммо,

(Болаларининг бошини силаб)

Булар сенга ўғайми? Билсанг,  
Шулар сўрар дунёни эрта!  
Сен одамсан, фаришта эмас,  
Еб булмайди — номус, эътиқод,  
Эл-юрт деган сўзларни, ахир!..  
Кўзларини қисиб Раҳмонга,  
Ғойиб бўлар отаси бирдан.  
«Ота!..» деб Раҳмон,  
Туриб кетар, чўчиб, ўрнидан...

«Воҳ... бу яна қандай томоша бўлди?!»  
Раҳмон кўрқиб, утириб қолар.  
Битта эмас, тўрт-беш темир йул,  
Чексиз-чегарасиз бир сахро...  
Ута олмай турар ҳеч ёққа.  
Қатор-қатор вагонлар, тирбанд,  
Ҳеч бирининг утхонаси йўқ,  
Бир чақирим нарида қий-чув,  
Чирмашиб ут осмон-фалакка,  
Яқинлашиб келади «чарс-чурс»,  
Вагонларда гиж-гиж одамлар...  
Мушук сифмас туйнукларида  
Ола-кула кўзлар,  
Қулоқ, бурунлар,  
Тишли, кемшик оғизлар тинмай —  
Бақирар, чақирар, сақрар тиллари.  
Ёнаётган енглар, панжалар...  
Суйилаётган ҳукизлар каби,  
Укиришар, бўкирар «биг-биг»,  
Зириллар ер-осмон баробар!

Ёнаётган саф-саф поездлар  
Томларида чопишиб шитоб,  
Қўлларида қора челақлар,  
Бир балолар уларда — суюқ,  
Чайпалтириб, тўкиб ёнига,  
Қуяр вагонларнинг устидан.  
Яқинлашар, ҳозир туташар  
Бир-бирига кўм-кўк аланга!  
Ут ичида қолаётгандай,  
Қичқиради дод солиб Раҳмон...

— Кўрқма, ўғлим—  
Оппоқ соқол чол —  
Бу ростакам оловмас, шарпа!..  
Кўчиб юрар ҳар ёққа доим.



Қайсидир йил узоқ юртда,  
Ёниб булган аланга булар...

...Шундай деру чолнинг ўзи ҳам,  
Аланга ҳам йуқ булар-қолар.  
Секин туриб ўрнидан Раҳмон,  
Челагини топиб, чангаллар:  
«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм,  
Ошпичоқ, қалампир, пушт-пушт!..»  
Юриб кетар олдинга шитоб.  
Узи сезиб, ҳаллослаб, тезда  
Кириб келар кучасига ҳам.  
«Пок руҳ бу ҳам... кўрқмасин, деб у,  
Кузимга чол булиб курунган...»

Курмас Раҳмон:  
Қулида гаврон,  
Орқасига яширган, қақшаб,  
Кутар уни йулида Ширмон.  
Билагидан тутиб у ноҳос,  
Судрар, тепиб...  
«Майли, улдирсин...  
Бу кунлардан — улган яхшироқ!»  
Қуриган тут гаврони билан  
Урар «қарс-қурс» қулоқ тубига,  
Бошига «қарс-қурс».  
Калласини чангаллар Раҳмон,  
Тушар «қарс-қурс» қулларига ҳам,  
Пайпоқлари, буйнига... «Вой, дод!  
Жон онажон, бошқа қилмайман!..»  
Оёғини қучоқлар, нолон,  
Тушар бир-бир кетига «қарс-қурс».  
— Она сутим келиб бурнимдан,  
Мен кирмаган эски гуристон,  
Бош суқмаган кавак қолмади,  
Қайси сомонхонада эдинг?..  
— Сувраттошда... Молим йуқ, турсам!..  
— Ухласин деб ким айтди сенга,  
Қурибдими яқин-уртада бошоқ!  
Турт қатнади бошқалар, ҳе, мол!..  
Кук беда еб, ҳаром улмабди...  
Бир мусулмон эккан-тиккани  
Пайхон булиб ётибди, мохов!  
Хотин бошим билан хор булиб,  
Этакларин уггудай, вой-ей,  
Олиб келдим қон ютиб, етим!

Худо билар яна, эҳтимол,  
Тепиб-тепиб, аччиқ устида,  
Уриб-уриб, боғлаб қуйгандир...  
Туғиб берса, ризқинг қийилгур,  
Яраб қолар эди захринга!  
Ҳолва бу, ҳолва...  
Қани шу мол бола ташласин,  
Бир бурдадан қилиб гушларинг,  
Қумиб ташламасам, жувонмарг!..

## Учинчи манзара

Биллур куқундай жимирлайди қор,  
Луқиллайди, боқсанг, зуриқиб кузинг.  
Терган пахтасини бошига қўйиб,  
Хирмонга ошиққан қизлар — тутқатор.  
Садафдек ўраган атрофни тоғлар,  
Худди эски тегирмон шифти,  
Тегай дейди бошингга осмон.  
Ойда қолган одам изидек, хира,  
Муҳр булиб ёзув, ҳошиялари,  
Катта-катта одимлар билан,  
Бир жуфт кирза этик излари ботар...

«...Сигиримдан хабар олай», деб,  
Эшик очса Раҳмон кургилик:  
Қирчиллама қиш-қиров кеча,  
Молхонада ётган бугоз мол  
Ташқарида боғлиқ турар, во-о!..  
Овқ ости — тизза буйи муз,  
Бир қарич қор шўрлик усти ҳам.  
Сувга пишган итдай, дилдираб,  
Тумшугидан отилиб буг-пар,  
Оёқлари остида қора —  
Бир нимани ялар, пишиллаб.  
Қараса у, ҳовлиқиб бориб,  
Бола ташлаб қўйибди сигир!..

Дод деб Ширмон, илон чаққандай,  
Тонг-саҳарлаб чирқираб қолар:  
«...Ким етим-есирлар ризқини қийса,  
Боққан-туққани  
Шу бузоқдай жувонмарг булар!  
Қаргамайман... худога солдим.  
Болаларим, сизга ҳам қачон  
Ёмонликни раво курса ким,  
Урманг, суқманг, худога солинг!..  
Қадим, биров — оч қолиб, ночор,  
Қўшни товугини угирлаб еган.  
Ким олганин билмайди, аммо,  
Нола қилиб кечаю-кундуз:  
«Худога топширдим, ким угирласа,  
Ким еса, худога солдим...» деб, йиглар.  
Етиб унинг доди эгамга,  
Қўшни — бир девор...  
Бутун баданидан пат усиб ногоҳ,  
Товуқ булиб, қақаглаб қолар!  
Йиглаб шурлик болалари, воҳ,  
Бир кун кутар,  
Ун кун ҳам утар...  
Одам булиш ўрнига, баттар  
Ҳарёғидан чиқариб қанот,  
Қақаглаб, оламни бузармиш угри.  
Шунда унинг хотини «дод» деб,  
Юзларини сидириб, охир,

Ўзини отибди қўшни пойига:  
«Товуғингиз еган биз эдик...  
Омон-эсон соғайсин эрим,  
Жонимиз гаровга қўйиб бўлса ҳам,  
Товуғингиз тулар, ўргилай,  
Раҳ-им қилинг болаларимга!  
Оғзингизга сиққанича сўкинг, қўшнижон,  
Майли, уринг, уришинг, фақат,  
Худога солманг!..»  
«Худога топширдим» дея, ер муштлаб,  
Кўнмабди ҳеч товуқ эгаси ҳам, йўқ!  
Ёлборибмиш, ўғри хотини баттар, —  
Ётиб олиб бола-чақаси билан,  
Кетмабди ҳеч қўшни остонасидан.

Шафқат солиб қўшни дилига оллоҳ,  
Товуқ ўғрисини қарғабди, охир:  
«...Розимасман, эгри қўлларинг  
Тортиб баттар орқагинангга,  
Бировлар молига олайган қўзинг  
Оқиб тушсин, илоё, омин!..  
Илон қўпиб қорнингда товуқ,  
Қонинг келсин оғиз-бурнингдан.  
Бўйнигинанг қолиб остингда,  
Қақшаб қолгин уй ичинг билан!..»

«Шундан кейин, тулаб ўғри ҳам,  
Қайтган экан одам аслига.  
Йигламанглар, жўжиқларим, сиз,  
Уйинг куйгур ғанимларга ҳам  
Эгам боққан балоси бордир!»  
Икки-уч боғ ўриб ҳазонак,  
Кўриб қолар, аланглаб, Раҳмон —  
Колхоз ола ташлаб кетган, мўл,  
Бир танобча жойни — қор босган.  
Ечиб отиб тўнини ҳам тез,  
Ётиб олар уртоғига у...  
Боқса бир вақт, белини ростлаб:  
Урган ғузапояси, гапсиз,  
Бир эшакка юк бўлиб ортар!

Бир чўпини қолдирмай, боғлаб,  
Ҳоли кетиб, утириб қолар.  
Учашгандай қош ҳам қорайиб,  
Ваҳим босиб, аланглар Раҳмон.  
Нафасини ютиб ичига,  
Кафтига туфлаб,  
Кутарай деб чоғланар... Нохос,  
«Тарс» узилиб чилвир, ҳар томон —  
Сочилади ғузапоя: «Ахх...»  
Дод солгудай, ўзини шу тоб  
Қор устига отар юз тубан...  
Қор бағирлаб, қон-қон йиглаб у,  
Бош кутариб боқса бир замон:  
Қатор уйлар — болаҳонадор!..  
Зар товланар пештоқлари-ю,

Айвонлари — панжарагулчин.  
Бўғмача бел деразаларда  
Жимир-жимир ипак пардалар.  
Деворлару пойгаклардан то  
Гир айлана ишқомлар ости —  
Сўриларда — лоларанг гилам!..  
Билиб булмас — ёзми бу, баҳор,  
Унғми, тушми — англамас Раҳмон.  
Ҳовли ўртасида товланиб,  
Қанот қоқар кумуш фаввора.  
Бамисоли сувпарийлари —  
Уйнаб-уйнаб тилла балиқлар,  
Сузиб юрар ҳар ён, эшилиб,  
«Қиёқ-қиёқ», гуллар оралаб,  
Ўтиб қолар товуслар — жонон!

Кукрак кериб айвонда, мағрур,  
Оёғида чақмоқдек этик,  
Эгов-эгов кўйлак-шим билан  
Белда камар, турар бир эркак.  
Қўлларини паҳса қилиб у,  
Оломонга тўнгиллар тинмай.  
Ёпишади оёқлариغا  
Беш-олтита ўғил-қиз бола.  
Сочларини солиб, ёнида,  
Ёниб турар бир парийзот ҳам.  
Учар гўё қуш бўлиб қошлар:  
«Киприклари бунчалар узун?!..»  
Қимир этса, худди шаршара,  
Қуйилади қоп-қора сочлар,  
Товус патли атлас устида  
Қизил ғижим, қалдирғоч нусха,  
Кукрак бурма камзули-ёнар!  
Бир жуфт каптар бордай қўйнида,  
Худди учиб чиққудай ҳозир,  
У ҳар нафас олганда, тез-тез  
Кўтарилар-тушар кукраклар...  
Бўғим-бўғим билақларию,  
Бўйни, қулоқларида қизик,  
Ут чақнатиб нима балолар,  
Қимир этса, ловуллаб кетар.  
Чучиб гўдақларидай у ҳам,  
Оломонга талпиниб гоҳ-гоҳ,  
Болалари бошини силар.  
Қолиб катта уймакор раввот,  
Ошиб тушар девордан, ур-сур,  
Жулдурвоқи одамлар, қий-чув.  
Қилтомоқдай, узун, қилтириқ —  
Бўйнилари чўзилиб, нуқул  
Дакан хўроз томоқларидай —  
Лиқиллайди ҳиқилдоқлари...  
Оғизлари бирдан каппа-кап  
Очилару юмилар тезда.  
Юмулару очилар, ажаб,  
Тилга кирар гўлдираб биров.

## ҚАРИ ОДАМ

(Қари айри миниб, жувоннинг ёнидаги эркакка бақариб)

...Яхшиликча, хотинимни бер!  
Қайтар болаларимни ҳозир...  
Мен нодон, мен галварс уйламай,  
Уйланмасдан утяпман, дебман.  
Энди билсам, ойдай хотиним  
Биров билан яшар бу ёқда!  
Худо бериб яна — гойибдан  
Болаларим бор экан шунча!..  
Эгам ўзи ол қулим, деса,  
Сен у ёқда, мулқинг — бу ёқда,  
Ўзларидан купаяверар!..

(Чиройли жувонга)

Танимасга олма, хотинжон!  
Қўрқма, энди, белинг чиққудай,  
Ҳеч огир иш қолган йўқ сенга,  
Биламан, айб ўзимда, аммо,  
Қайда эдинг, саргайтиб юзим...  
Кел багримга тезроқ, жон хотин,  
Болаларим, отангиз менман!..

## ЭР

Фалокат чол, ҳу, балоҳўрлар.  
Ушланг уни, олиб келинглар.  
Миянгни еб қўйибсан, қоқбош,  
Улиб кетган хотининг қачон.  
Нега қараб турибсиз, ахир?!  
Кишан солиб оёғига тез,  
Имонсизни тошбўрон қилинг,  
Савобига шерик ҳаммамиз.

## УРТА ЁШ ЭРКАК

Қандай қилиб шундоқ ёш жувон  
Шу довдир чол хотини булар?!  
Хотин зоти кийиммаски, у,  
Тураверса янги, киймасанг.  
Меники бу хотин, уй-жой ҳам.  
Отангиз мен, думбоқчаларим!  
Ҳайданг, юзсиз Шайтонни, йўқол,  
Яхшиликча, бундан жўна тез!  
Кўр булай, мен, сизни билмасам,  
Мен нодонни кечир, хотинжон!..

(Деворга бошини уриб, хунграб юборади).

## ЁШИ УТГАН ЙИГИТ

Нега индамайсиз, жўралар?!  
Наҳот, сиз ҳам танимаяпсиз?!

Кимдан қўрқиб бунча, безабон,  
Қалтирайди тиззангиз, молдай?!  
Жоним тикиб қаро холига,  
Қанча юрдим, йиглаб, ортидан...  
Тилинг бўлса, ўзинг айт, жоним,  
Сени мендан тортиб олган ким?!  
Болаларим... чидолмайман, йўқ,  
Калласига солинг тош билан!  
Ўзим келдим, хотин, қўрқма ҳеч,  
Ол у Шайтон гирибонидан!..

(Оломон жувонга қараб бостириб кела бошлайдилар.)

## БИР ЙИГИТ

Хотинига менинг пулимга олган:  
Бошидаги қундуз телпагинию  
Устидаги кўйлак-лозимигача...

(Жувоннинг эрига)

Яхшиликча, ҳозир ечиб бер!

## БОШҚА ЙИГИТ

Оғзи тула тилла тишлари,  
Кўзидаги сурмасигача,  
Бари — менинг пешона терим.  
Уйнатиб ҳар кимлар кузини.  
Бировларнинг оғзида эмас,  
Чунтагимда турсин толганим!  
Сугуриб бер... сотиб бозорга,  
Уйланаман, истасам агар,  
Ичвораман, аччигим келса,  
Ўзимдақа дустларим билан!..

## ЎСМИР

Лабларини куринг... гунчадай,  
Оёқлари... жонингга жоним!

## БОШҚА ЎСМИР

Менга қизи боп экан, у ҳам  
Нуқул мендан кузини узмас!..

## ОЛОМОН

Нима фойда шовқин-сурондан,  
Билдикки, уз ҳалол молимиз,  
Йўқотгандик топиб олдик, биз,  
Талашмасдан бўлиб олайлик!

(Одамлар ҳар томондан ҳовлига бостириб кириб келаверади.)

## ЖУВОН

(Болаларини бағрига босиб)

Тингланг, аввал мени, яхшилар,  
Ташлаб ётган уз уй-жойингиз,  
Хотинингиз хатто ҳалол-пок,  
Солиб ўзга эркак куйнига,  
Кутармайсиз бошингиз қўшдан,  
Кимга айтиб, кимга дод этай?!  
Гулдай угил-қизингиз, тавба,  
Уйингизда, узга бировга —  
Фарзанд булиб келса дунёга,  
Қайга урай хотин бошим, мен?!  
Билар эдим, худога шукур,  
Мол топиб уз кучлари билан,  
Бола-чақа қилган эрларим  
Топиб келар бизни, деб, бир кун.  
Келинг, мана, уз маконингиз...  
Йуқлигингиз билдирмай асло,  
Кутар хотин, бола-чақангиз!..

ЭР

(телбаланиб)

Тушимми бу, унгим, одамлар!  
Эл-юрт билар, мен... биз... ҳаммамиз...

(Шу вақт, Раҳмон ёз кечалари учратган оппоқ соқолли чол пайдо бўлади. Чолга)

Жон отахон, тушунтиринг сиз,  
Туй-томоша билан олганман!..  
Жинни булган, ростдан, хотиним,  
Болаларим... ахир, бу уй-жой!..

(Ҳушини йуқотади.)

ЧОЛ .

(Уни суюб)

Ҳовлиқма, болам!..  
Гапларимга қулоқ сол, ҳушёр:  
Айтайлик, сен бориб оч-наҳор,  
Бирон тўйми, ё бир қадрдон —  
Ҳовлисига кириб борасан...  
Меҳмон деган — атои ҳудо.  
Ҳурматингни куйиб жойига,  
Келтирарлар тайёр ош-овқат.  
Очсан, ахир, утириб базур,  
Туширасан роса пўкинга...  
Раҳмат айтиб изингга чиндан,  
Йул оласан уйингга, хушвақт

Ва гурсиллаб бориб, шўх-хандон,  
Отиласан, яйраб, урнингга.  
Албатта, жон узиб сирли нигоҳи,  
Бағрингга оласан, эркалаб, жуфтинг.  
Шу кеча ростдан ҳам бериб худойим,  
Ҳомиладор бўлиб келин боққис;  
Етиб ой-кун, кўз ёрса омон,  
Шуни билки, угилдир, қиздир,  
Сенга ўхшаса ҳам қош-кўзи билан,  
Сеникимас, у фарзанд, ўғлим!  
У дунёга келиши учун  
Сен восита бўлгансан, холос.  
Отаси, ҳув, сен оч келганда  
Ош-сув тутган меҳмондўст одам!  
Уша мезбон нон-тузи ҳалол  
Белларингга бўлиб куч-мадор  
... Ва топиб хотининг бўйида камол,  
Кўз очгандир сенинг уйингда...  
Энди, болам, дўппинг олиб бир,  
Уз танангга уйлаб боқ яна:  
Умрингда ҳеч жонинг койитиб,  
Уз кучинг, шу қўлларинг билан  
Бир бурда нон ишлаб топмасдан,  
Ўзинг тирик юрганнинг камдай,  
Бу ҳовли-жой, бола-чақалар  
Қандай қилиб сеники бўлар?!  
Бас, бу мол-мулк, хотин, болалар,  
Ҳаттоки шу ўзинг ҳам, молдай,  
Шу одамлар ҳалол мулкисан.  
Қайтарамиз эгаларига!..  
... Ур-тўполон ичида, тавба,  
Раҳмонжондан узоқда, ёлғиз,  
«Йуқ-йуқ... Тагин иккита соя...»  
Пайдо булар онаси Ширмон!  
Дам кўриниб,  
Дам кўринмай, воҳ...  
Одамларга қўшилиб, югурар ҳар ён!  
Бир маҳал ногоҳ  
Жовдираган она кўзлари  
Муз қотиб ўтирган ўғлини топар!  
Югуради, ҳовлиқиб, Раҳмон томонга...  
Кўриб қолиб уни ўғли ҳам,  
Титраб-қақшаб урнидан турар...

1978-88 йиллар

Улмас УМАРБЕКОВ

## ОҚСОҶОЛ

Уларни соқов ўтинчи кўриб қолди. Кўрдн-ю, таққа тўхтади. Улар ёнма-ён, қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлаб, булоқ бошида ўтиришарди. Ўтинчи йигитни таниди. Қабил бошлигининг ёлғиз ўгли Мардон эди. У худди ўлжасини пойлаган қоплондек улардан кўз узмай бир муддат қотиб турди. Кейин булоқ бошига бориши мумкин эмаслигини тушунгач, томири тортиша бошлаган оёқларини зўрга судраб, ўзини пастак тоголча панасига олди.

Қанча эҳтиёт бўлмасин, оёқлари остида нимадир дўқирлаб думалади. Унинг назарида момоқалди роқ гумбурага охлик бўлди. Ингичка бўйинини елкалари орасига олиб, кўзларини юмди. Муштумдек тош думалаб-думалаб, кўм-кўк арча танасига урилиб тўхтади. Ўтинчи кўзларини очиб, қаддини ростлади. Йигит билан қиз ҳеч нарса сезмаган-эшитмагандек, олдиларидаги булоққа термулганларича ўтиришарди. Ўтинчи севиниб кетди. Кундан бери бундай тамошани, йигит ва қизнинг бир-бирларига ёпишиб ўтиришларини кўрмаган эди. Тамшаниб, нималарнидир шивирлади. Йигит қўлини қизнинг елкасидан олиб, ингичка, ҳаворанг боғич билан боғланган, белига тушиб турган қалин қора сочларини силай бошлаганда, бутун вужуди билан тўлғониб, инграб юборди, шошиб қатирма бошмадоғини тишлади. Сўнг бу ҳам етмай, чўккалаб олди, ягир кафтлари билан ёшланган кўзларини ишқалади. Қабиланинг ягона тегирмончиси кабога атаб буюрган хушбўй арча утин хаёлидан кўтарилиб ҳам кетди. Тўй булар экан, ўзича хулоса қилди у. Йигитлар билан қизлар шундай, бир-бирларини силаб ўтиришганидан кейин кўпинча тўй бўлади. Оқсоқолнинг ўгли Мардон уйлар экан демак. Роса ўтин керак бўлади ўшанда. Арча тошиб келишни ҳам буюришади. Арча ўтинсиз кабоқ қилиб бўлармиди?! Меш-меш булоқ суви ҳам ташилади. Тўйда у маза қилади. Иссиқ нон ейди, қолган-қутган овқатларни, чала тозаланган устихонларни беришади. Катта гулхан ёқилади, тонг отгунча ўйин-кулги бўлади...

Тўй яхши. Аммо унинг учун тўйдан ҳам манави, қўтилмаган оёқ остидан чиқиб қолган текин томоша яхши эди. «Мазза

қилишяпти!...» — тамшанди ўтинчи улардан кўзларини узолмай.

Йигит қизнинг сочларини гижим қилиб қўлига уради, юзига олиб бориб суртди-да, қўйиб юборди. Қиз хахолаб кулди, бошини силкитган эди, сочлари орқаси билан битта бўлиб ёйилиб кетди.

Ўтинчи овоз чиқармай гўлдиради, кўзлари намланди, қирра даҳани осилиб кетди. Унинг учун ҳозир Мардондан бахтли одам йўқ эди. Мардонга болалигидан ҳаваси келади. Оқсоқолнинг ўгли. Кийим-боши доим бут. Қорни тўқ. Биқинида баъзан тилла, баъзан кумуш ханжар. Тагида қабиланинг энг зотли, учқур оти... Мана энди хотин ҳам оляпти. Зулукдек сочлари орқаси билан битта бўлиб турган қизни хотин қилияпти... Унда бўлса, ҳеч вақо йўқ. Энг ёмони соқов у. Болалигида нимадан-дир қаттиқ кўрқиб тилдан қолган. Ота-онаси тириклигида кўп табибларга олиб боришди. Болани кўрқитиб, баланд дарахтнинг устидан сувга ташлаб кўришди. Ёлғиз ўзини бир-икки кун тоққа ташлаб келишди. Фойда бермади, соқовлигича қолди. Ҳамма гапни эшитади, тушунади, аммо гапиролмайди, тили озгизга ёнгоқдек гўлдираб айланади, гапга келмайди. Ун йил бурун ер жойидан кўчганда ота-онасидан ажраб қолди. Эрталаб ҳовлида, ток тагида учалови нонушта қилиб ўтиришган эди, ер бир айланди-ю, уларни тортиб кетди. Уша кунни кўп одам нобуд бўлди, кўп уйлар бузилди. Ўтинчи, етти ёшли бола, нима бўлганини тушуниб ҳам етмади. Ҳали ҳам тушунгани йўқ. Фақат бир нарса озгиздан-озгизга ўтиб, унинг дилига ўрнашиб қолди. Гуноҳга ботганларни ер ютар экан. Лекин ота-онаси қандай гуноҳ қилишган -- ўтинчи билмайди. Ушандан бери улардан қолган бир уй, бир айвонда ёлғиз ўзи яшайди. Тўғрироғи, уйга тунагани келади. Қолган вақт далада, тоғда, Одамлар хизматида. Уларнинг ҳиммати, садақаси билан кунни ўтади. Бир неча бор Мардоннинг қўлидан ҳам сув ичган, лекин ич-ичидан зил кетган. Нега тенгқур бўлатуриб, иккалови икки хил яшайди? Нега унинг ота-онасини ер ютди-ю, Мардоннинг ота-онаси ҳаёт? Тагин қабиланинг энг бадавлат одамлари. Нега у оёқланг, Мардонда чарм ковуш? Нега у уйқудан туриши билан қорнини ўйлайди, Мардонга бўлса ялиниб овқат едиришади? Мана, ҳозир ҳам у ёлғиз, Мардон бўлса чиройли бир қизни кучоқлаб ўтирибди? Қиз ким бўлди экан? Қайси бахтли ота-онанинг фарзанди?

Ўтинчи уларни қанча ўйламасин, қанча тикилмасин, орқа ўгириб ўтиришганидан қизнинг кимлигини билолмади. Ёввойи олма, тоголчалар панасида айланиб ўтиб қарашга чўчиди. Уёқдан, тоғ томондан қараб, унинг кимлигини билиб олиш мумкин эди, лекин Мардон кўриб қолса, томошаси бурнидан булоқ бўлиб чиқади. Мушти билан уриб новвосни ағдарганини ўз кўзи билан кўрган.

Шу тоб қизнинг ўзи ўрнидан туриб, булоқнинг нариги бетига ўтди. Ўтинчининг юраги орқасига тортиб кетди. Қиз уларнинг қабиласидан эмас эди! Бўйнидаги ойнуха қизил ту-

мордан у ўгиз эди. Ўгизлар уша, машъум фожиага, ер кучганига қадар саклар билан қўшни эди, мол бериб мол, қиз бериб қиз олар эди. Ер кўчганда Қурама гумбураб кетди, теп-текис жойдан янги тоғ ушиб чиқди. Иккала қабила бир-биридан бир зумда ажралди-қолди. Қирда юрган қорамолнинг ҳаммаси ўгизларга ўтиб кетди, Қорадарё суториб турган мевазор, экин-зорлар сакларга буюрди.

Шу даҳшатли фожиадан кейин иккала қабила бир-бири билан юз-кўрмас бўлиб кетди. Ўгизлар сўт-қатигини қизгана бошлади. Саклар дон-дунини бўлишгиси келмади. Ўзбошимчалик қилганлар, тоғ ошиб мол алишганлар иккала томонда ҳам қораланиб, жазоланадиган бўлди. Уч йил бурун сак қизини етаклаб келган йигитни ўгизлар қиз билан бирга тошбурун қилиб улдириб юбордилар.

Ўтинчи шуларни биларди. Ҳаяжон ичида бир нарсалар деди узича гўлдираб ва қиз кетидан йўл олган Мардонни кузата бошлади. Мардон булоқни айланиб ўтиб, қизнинг қулидан олди. Иккаловлари бир-бирларини қучиб, тоққа кўтарила бошлади. Ўтинчи бутун вужуди билан титраб кетди. Улар худди ўйноқлаб кетаётган иккита жайронга ўхшардилар. Булоқдан икки терак бўйи баландликда аждаҳодек оғиз очиб турган гор бор эди. Йигит билан қиз шу томонга юришди. Ўтинчи ичини тимдалай бошлаган қарама-қарши ҳислар қуршовида уларга бирпас қараб турди, кейин бирдан қўлларини мушт қилиб, бир-бирига урди-да, пастга отилди. Йўлни қисқартириш мақсадида дарё устидаги ингичка осма кўприқдан ўтди-ю, олмазор ичига шўнгиди, ундан ўтиб қовунполиз ёқалаб кетди. Йўлулакай текин томоша ишқибозлари чиқиб унга эргашди. Нима бўлганини билишмаса ҳам ўтинчининг авзойидан жиддий бир нарса содир бўлганини сезишган эди.

Ўтинчи қўрғонга кириб борганда, оқсоқоллар қароргоҳи олдидаги майдон одамга тўлиб кетган эди. Кўп утмай қароргоҳ ичидан Оқсоқол, қабила улуглари чиқишди.

— Тинчликми? — сўради Оқсоқол.

Ўтинчи бор ақли, ҳаяжонини жамлаб, чўзиб ингради, кафтлари билан чеккаларини қисиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Нохуш ҳодиса юз берганга ўхшайди. Шундайми, углим?

Оқсоқол ўтинчига яқинлашди. Ўтинчи яна инграб юборди, ёнида турган ўспиринни тирсагидан тортиб, Оқсоқолнинг олдига олиб борди.

— Тоғда бир хотин билан бир эркакни кўрибди. Булоқ бошида кучоқлашиб ўтиришганмиш, — тушунтирди ўспирин.

Соқов ўтинчи бошини қимирлатди.

Ҳамма кулиб юборди. Оқсоқол ҳам жилмайди.

— Шуми?

— Йўқ. Аёл ўгиз эмиш.

Ўтинчи ўспириннинг гапларини эшитиши билан чапак чалиб юборди. Қароргоҳ олдида турганлар бирдан жимиб қолишди.

— Яна нима демоқчи? — сўради Оқсоқол жиддийлашиб.

Ўтинчи бошини уйнатиб, қўллари билан ҳавода доира чизди.

— Горга кириб кетишибди...

Ўтинчи тилмочнинг гапини тасдиқлаб, бош ирғади.

— Нима дейсизлар? — сўради Оқсоқол.

Рупарасида турган чўққи соқол мўйсафид жавоб қилди:

— Нима дердик? Уларни олиб келиш керак. Соқов ҳақ гапни айтаётган бўлса, иккалови жазога маҳкум...

Ўтинчи ёнида турганлар орасида: «Тўғри! Уларни тутиб келиш керак!» деган овозлар янгради. Оқсоқол кўкрагига тушиб турган қалин мошкичири соқолини силаб, қабила улугларига яна бир қараб чиқди. Ҳеч ким бошқа гап айтмади.

— Бўпти. Олиб келинлар!

Оқсоқолнинг хотиржамлик билан берган қароридан ўтинчи севишиб кетиб, чапак чалиб юборди. Шу заҳоти уни чоғлиқ одам уни олдига солиб йўлга тушди.

Йигит ва қиз ўтинчининг қилмишларидан беҳабар салқин гор ичида ўзларининг кўпдан бери азоб бериб келаётган нохуш уйларига гарқ бўлиб ўтиришарди. Албатта иккалови ҳам учрашганларидан, дийдор кўришганларидан шод эдилар, аммо хуфёна учрашувлар бир кун эмас, бир кун тугаб, унинг ўрнини чежез, ўлим дамларигача чўзилиб берадиган айрилиқ эгаллашини ҳам билишарди. Бирдан-бир чора ўз юртларидан бош олиб кетиш эди. Аммо қаерда уларни очик чехра билан кутиб олишлари мумкин? Қаерда улар тинч бўлишади? Буни иккалови ҳам билмас эди. Уларга бировларнинг ҳиммати керак эмас, тегишмаса, ўз ихтиёрларига қўйиб беришса бўлди эди, аммо қаерда, қайси халқ шундай қилади? Мардон уларни тутиб, ўз қабилааларига қайтариб беришларидан қўрқади. Шундай қилишса, иккалови ҳам омон қолмайди. У улимдан, айниқса, севгилиси, Парвина учун жон беришдан чўчимасди, фақат Парвинага ачинарди. Уни омон қолдиришсин-у, ўзини нима қилишса қилаверишсин — рози. Аммо ундан сўраб ўтиришармиди...

Парвина яна онаси билан гаплашиб кўрмоқчи бўлди. Онаси ақли хотин, тушунар ахир. Наҳотки ёлғиз қизининг бахтига бефарқ қараса? Мардон қочиб кетишдан булак чора йўқлигини айтди. Беш панжа баробар эмас, тинч, бир-бирлари билан аҳил, иззат-ҳурматда яшаб келаётган эллар ҳам бордир бу дунёда? Парвина рози бўлди, фақат кейинги учрашувгача сабр қилишни сўради. У онаси билан гаплашиб кўради. Мардон миннатдорлик билан уни қучиб, ўзига тортди.

Шу пайт горнинг оғзида шовқин бўлиб кетди. Одамларнинг гўнгир-гўнгир товушлари, тошларнинг гумбураб думаланиши эшитилди. Парвина титраб, Мардонга яқинроқ сурилди. Мардон уни бағрига босар экан, найза нур тушиб турган гор оғзига тикилди.

— Ҳой, ошиқ-маъшуқлар! Қани, дарров чиқинлар! Бўлмаса узимиз олиб чиқамиз!

Ҳар бир сўз гор ичида акс-садо бериб, гулдуради. Гор оғзида қаттиқ кулги кўтарилди, яна овозлар янгради. Кимдир газаб

билан бўкирди. Мардон таниди. Соқов утинчи эди. Бу томонларга фақат у келиши мумкин. Ҳамма нарса равшан: одамларни у етаклаб келган. Демак, гор олдида ўзининг қабиладошлари.

— Нима, кармисанлар? — ушқирди йўтон овозли одам. — Тезроқ, чиқларинг!

Соқов утинчи яна бўкирди. Мардон Парвинани қўйиб, урнадан турди.

— Қаёққа? — қўрқиб сўради қиз.

— Қўрқма. Булар ўзимизникилар. Сен жойингда утиравер. Парвина бошини силкиди.

Гор огзидагилар тоқатсизлик билан қичқира бошладилар. Кимдир тош отди. Тош шақирлаб Мардоннинг оёғи остигача думалаб келди. Кимдир сўкиниб, гур-р кулги кўтарилди.

Мардон гордан чиқиб борди-ю, улар бирдан жимиб қолишди.

— Ие, сенмисан, Мардон?! — деди ҳайрат ичида йўтон овозли одам.

Мардон уни таниди. Қабила йигитбошиларидан Алмонзарда эди. Унинг бирон марта бировга кулиб боқмагани, огзидан яхши гап чиқмаганидан аёллар уни исми билан атамай «зарда» деб чақирарди.

— Нима шовқин, нима туполон? — деди Мардон Зарданинг қаршисига келиб.

— Соқов бир хотин билан эркак шу ёқда юрганини айтди. Отанг юборди бизни, — жавоб қилди Зарда.

Мардон ер остидан утинчига қаради.

— Эрталабдан бери шу ердан, мен ҳечкимни кўрганим йўқ-ку. Балки тушида кўргандир бу?

Мардон жилмайди. Кимдир унга хушомад тариқасида хиринглаб кулиб қўйди. Кўпчилик индамай бошини қўйи солди.

— Қайтаверинглар, уларни кўриб қолсам, ўзим олиб бораман.

Баъзилар қулоқ солиб, орқаларига бурилишди. Шу тоб утинчи қаттиқ қичқириб юборди. Мардон угирилиб қарагунча, қоплондек сакраб, гор ичига шўнгиди. Ҳамма жой-жойида тўхтаб қолди. Мардон фалокат юз берганини тушунди. Ҳозир Парвина чиқади. Соқов олиб чиқади уни. Бирон нарса қилиш керак. Шунини ўйлаб, гор огзига яқинлашди. Аммо Зарда узун, саксовуддек қўллари билан унинг тирсагидан ушлади.

— Соқовнинг вазоҳати ёмон, аввал чиқсин, — деди у совуққонлик билан. Нима бўлганига унинг ақли етган эди. — Биров борми дейман?

Аммо у жавоб ўрнига бурни аралаш тушган мушт зарбидан кўзлари чақнаб, гандираклаб кетди.

— Ушла уни! — бақирди у ўзини ростлаб олар-олмас.

Мардон шундай бўлишини билиб ёнидан ханжарини сугурди, аммо ишлатиб улгурмади. Кимдир орқасидан келиб, кучоқлаб олди. Яна кимдир қўлига ташланди. Шу тоб бошига қаттиқ мушт тушди. Урган Зарда эди. Мардон букчайиб қолди.

Аммо шу туришида бор кучини йиғиб, Зарданинг кўкрагига қалла қўйди. Гор огзида утинчи кўринди, у Парвинани судраб чиқмоқда эди.

— Мардон! — жон ҳолатда чақирарди уни Парвина.

Аммо Мардон у томонга югуриб улгурмади. Кимдир отган тош кўкрагига келиб тегди-ю, кўз олди жимиллаб кетди. Шу пайт кимдир устига тўр ташлади. Турмоқчи бўлган эди гарданига мушт тушди.

— Боғланлар! — буюрди Зарда. — Замбарда олиб кетамиз.

— Анави қанжиқни-чи? — сўради кимдир.

— Бўйнига арқон солиб, соқовга бер. Ўзи судраб борсин.

Одамлар бирпасда у айтгандек қилишди. Зарда қон тупуриб, қўл-оёғи чандиб ташланган Мардоннинг тепасига келди:

— Олишмаганингда шундай қилмасдик. Ўзингдан кўр.

Мардон индамади. Атрофга аланглаб, Парвинани излади. Унинг кўзлари жиққа ёш эди.

— Йиғлама, — Мардон бутун вужуди огриқдан қақшаб турган бўлса ҳам жилмайишга ҳаракат қилди. — Эшитдингми, йиғлама...

Парвина ёшларини кафтлари билан артиб, бошини қимирлатди. Бўйнидаги арқон силкиниб кетди. Утинчи хавотирланиб, бир-икки тортиб қўйди.

— Соқов! — чақирди газаб билан Мардон. — Ичиқора эканлигингни билардим. Аммо сотқинлик қилишингни кутман эдим. Номар!

Утинчи гижиниб гўлдиради. Қўлини пахса қилиб, Зардага нималарнидир тушунтирди, арчадан замбар ясаб, Мардонни унга ётқизгунларича тинмай ўзича валдиради. Аммо ҳеч ким унга эътибор бермади.

Қуёш қизариб баланд чинорлар ортига утганда, кўргонга етиб боришди. Оқсоқоллар қароргоҳи олдидаги майдон одамга тўла, ҳамма бетоқатлик билан уларни кутарди. Қабила оқсоқоли замбарни ерга қўйишлари билан йигитни таниди. Таниди-ю, бушашиб кетди. Оҳиста қадам босиб, унинг ёнига келди:

— Нима қилиб қўйдинг?

Кўпчилик унинг гапини эшитди ва нафасини ютиб, нима бўлишини кута бошлади.

— Мени кечиринг, ота, — деди эшитилар-эшитилмас Мардон.

Оқсоқол ўзи сезмаган ҳолда унинг бошига қўлини қўйиб, силай бошлади.

— Қизнинг оти нима?

— Парвина...

Оқсоқол угли бу сўзга бор меҳрини қўшиб айтганини пайқайди.

— Ота!.. — Мардон бошини орқага ташлаб, кўзларини унга тикди.

Оқсоқол углининг типратикан игналаридек қаттиқ ва қалин сочлари иситиб турган қўлини кутариб, димоғига тутди. Чақалоқлигидан таниш бўлган бу ёқимли ҳид вужудини титра-

тиб юборди. Аччиқ тер ҳидини сезиб турса ҳам унинг учун ўглининг ҳиди гудаклигидан бери ўзгармагандек эди. Наҳотки сўнгги марта шу ҳидни туяяпти у? Шуни ўйлаб, чўккалагиси, ўглини бағрига босиб кучгиси келиб кетди. Аммо бундай қилмаслигини биларди.

— Лаббай? — у бошини эгиб, ўглининг кўзларига қаради.

— Уни қўйиб юборинглар...

Оқсоқол жавоб бермади. Демак, ўгли уларни қандай жазо кутишини билади. Шунинг учун ҳам ўзига эмас, унга раҳм-шафқат қилишларини сўраяпти. Содда бола!.. Наҳотки оломон раҳм-шафқатни билса?

Оқсоқол ўглининг ортида турган қизга яқинлашди. Оҳудек экан. Ўгли чиройли қиз танлабди. Кимнинг фарзанди экан? У ўғиз катталарининг кўпини биларди. Ўзини тутишидан баобру хонадонданга ўхшайди.

— Отанг ким?

— Фарасмон қўйчи, бошини кўтармай жавоб қилди қиз.

Оқсоқол эслади. Ўғизлар қабиласининг катта бойларидан эди Фарасмон. Йилқисининг саноғи йўқ. Агар қабилалар аввалгидек аҳил яшашганда, у жон-жон деб шу қизни келин қиларди.

— Отанг тирикми?

— Йўқ, оламдан ўтганлар.

— Қачон?

— Ер кўчган йили.

— Ака, уканг борми?

— Акам, иккита синглим бор.

Оқсоқол тасали топгандек бўлди. Ёлғиз фарзанд эмас экан ҳайтовур. Унинг бўлса, Мардондан бўлак фарзанди йўқ. Бир ўғил, бир қизи ёшига тўлмади бу дунёни тарк этиб кетишди. Ёлғиз меросхўри Мардон. Усиз чол-камбир қандай яшашади энди? Оқсоқол яшиндек миясини ёриб ўтган саволни дарҳол бошидан ҳайдади, ўзи терс бурилиб орқасига қайтди. Қароргоҳ тош зинасида турган қабилла улуглари ўртани очиб, унга жой беришди.

— Нима қиламиз? — сўради қариялардан бири.

Оқсоқол гап нима ҳақда кетаётганини тушунди. Ҳозир ўгли ёки ўғиз қизининг ҳимоясига айтилган бир оғиз сўз бутун майдонни алғов-далғов қилиб юбориши ва қабилани иккига ажратиб ташлаши мумкин. Бу икки ёш, ўғизлар билан муносабатларни тўхтатиб қўйган аҳднинг қурбони бўлиши лозим. Улуглар ва оддинги марҳум оқсоқолнинг бир оғиз гапи билан кўпчилик қадимдан қўшничилик одатлари буйича яшаганлари ва шундай турмушдан манфаат кўриб келганларига қарамай, ер кучиб, бошларига тушган қийинчиликлардан сўнг, топган-тутганларини фақат ўзлари, ҳеч ким билан бўлишмай баҳам кўришни қўшничиликдан афзал биладиган бўлиб қолган эдилар. Гарчи бундай яшаш енгил бўлмаса ҳам йил ўтган сари бу аҳд одат тусига кира бошлади. Ўғизлар уларнинг қизларини, майли, гарчи ўғиз йигити билан қочиб кетиб гуноҳ қилган

бўлса ҳам, тошбўрон қилиб ўлдириб юборганларидан кейин эса, ўртага тушган совуқчилик душманликка айланди, ер тағидан кўтарилиб чиққан Қураманнинг янги қаноти чегара бўлиб қолди. Ким шу чегарани бузса, жазога тортилди. Икки ёш чегарани буздигина эмас, қабилаларнинг аҳдларини оёқости қилди. Бунинг устига саклар ҳали ўз фарзандларининг қасосларини олишгани йўқ. Оқсоқол дилида халқ буларни ҳам тошбўронга ҳукм қилади, бироқ гуноҳкорлардан бири унинг, қабилла бошлигининг фарзанди эканини назарга олиб, ҳукмни юмшатар, ўлимгача бормас деб умид қиларди. Шунинг учун ота эмас, оқсоқол мавқеъидан туриб жавоб берди:

— Нима қилардик? Эл нима деса шу.

Бу билан у мен қабиланинг холис хизматкориман, ўғлим ёлғиз фарзандлигини эътиборга олиб, ўзларинг инсоф билан ҳал қилинган, дегандек бўлди. Улуглар уни тушунишди, аммо ўзларини тушунмаганга солишди. Улардан бири Алмонга имо қилди.

— Оқсоқол ҳақ! — қичқирди оломонга ўтирилиб Алмонзарда. — Қонун ҳаммага бир! Иккаловининг жазоси ўлим!

— Ўлим! — икки-уч овоз оломон ичидан отилиб чиқди.

— Тошбўрон! — қичқирди яна кимдир Оқсоқолнинг орқасида.

— Тошбўрон! — қувватлади оломон орасида кимдир.

Оқсоқол бундай бўлишини кутмаган эди. Аяшмади ўғлини ҳам, унинг ўзини ҳам! У бўлса ҳаммага фақат яхшилик қилиб келган эди. Ҳеч кимнинг илтимосини ҳеч қачон қайтармаган эди. Ҳар доим ҳамманинг ҳолидан хабар олиб, бирини яхши сўз билан, бирини дон-дун билан кўнглини олиб келган эди...

Оқсоқол атрофига қаради. Мажлисларда унинг кўзига тикилиб, нияти, қарорини билишга, унинг ҳурматини қозонишга интидиган қабилла улуглари ундан назарларини олиб қочишди. Мардон эса жим, ҳамма унинг охириги сўзини кутарди. Одат буйича Оқсоқол ҳукмини тасдиқлаши керак эди. Ниҳоят, у ўзини тутиб қўлини кўтарди:

— Ҳукм эртага ижро этилади.

У алам ва укинчдан паст овозда гапирган бўлса ҳам ҳамма уни эшитди.

— Оқсоқолга узоқ умр! Оқсоқолга шараф бўлсин! — деган мақтовлар оломон устида акс-садо бериб янгради.

Одамлар тарқалиб, майдон бушаганида, Оқсоқол ўглининг тепасига келди:

— Бошқа иложим йўқ эди...

Мардон жавоб бермади.

Оқсоқол уйга келиб, хотинининг авзойидан у фожиадан хабардорлигини сизди. Шунинг учун ҳеч нарса демади. Роҳила қўлига сув тутди, сочиқ узатди. Оқсоқол артиниб, узун равон турига ёзилган дастурхон ёнига бориб ўтирди. Шунда зинапоё ёнида турган тутунга кўзи тушди. Хотинининг қаёққа бормоқчилигини дарҳол билди.

— Ўғиз қиз... Парвина... кўҳликкина экан. Ўглининг диди



чакки эмас... — Оқсоқол лабининг мийигида жилмайди. — Отасини танирдим. Фарасмон қўйчи... Келин қилганинга қизим дердинг...

Роҳила сезилар-сезилмас бош қимирлатиб қўйди. Юз берган фожиа олдида ўглининг ўзбошимчалик қилгани унинг хаёлидан кутарилган эди. Албатта у қиз билан ҳам кўришади, бағрига босади уни.

— Бунча қаҳрларинг қаттиқ бўлмаса? У ҳали жуда ёш-ку?!  
— Роҳила бу саволни фақат эрига эмас, бутун қабилага қаратиб берди. Аммо саволи жавобсиз қолди.

Оқсоқол ҳеч нарса тотмади, юмшоқ болишни қўлтиги остига олиб, ёнбошлади-да, кўзларини юмди:

— Узоқ қолиб кетма. Мен ҳам бораман.

Роҳила тугунни олиб, равондан тушди. Оқсоқол унинг оёқ товушлари тингунча қулоқ солиб турди. Тиниши билан кўзларини очиб, ўрнидан турди.

Нима қилиш керак? Қандай қилиб уларни қутқариши мумкин? Наҳотки ягона ўглидан тонг отиши билан ажрайди? Ўз ўглини ўз ҳукми билан ўлдирган одам қандай ота бўлди? Ҳукми у чиқаргани йўқ, лекин унинг иштироки, сукути билан шу ҳукм чиқди. Кимни ўйлаб у шундай қилди? Ўзиними? Йўқ. У ҳеч қачон ўзини ўйламаган. Шунинг учун ҳам халқ унга ишонди. Бугун у шу ишончини йўқотгиси келмади, шу ишонч учун ўглининг ўлимига розилик берди. Аммо энди ун саккизга қадам қўйган йигит нима учун бир вақтлар пайдо бўлган зарурат сабаб ўлдирилиши керак? Икки эл юзқурмас бўлиб нима ютди? Гап эда эмас. Эл дилида қўшничилик тарафдори. Аммо улуглар қабул қилган қарорга қарши чиқишни истамайди. Бошига қийинчилик тушиб қолса, қабила омбори унинг учун беркилади, нони бутунлар, ўзига тўқлар ундан юз утиради. Шунинг учун индамайди, улуглар айтганини қилади.

Оқсоқол ўз эли ҳақида, унинг етти қулф остидаги фикр-ўйлари ҳақида шундай мулоҳазада эди. Ҳали ҳар битта одам гоз туриб, дилидагини айтадиган давр келмаганини, ҳали емоқ-ичмоқ тақчилиги туфайли, борнинг сўзи сўз эди. Борлар эса нима учун орттирганини, орттирмоқчи бўлганини биров билан бўлишиши керак? Оқсоқол бу тоифа халқ билан ҳам чиқишиб яшаш кераклигини билади. Бир кун келади, эл дарди, юрт дарди ҳамма манфаатлардан олдинга ўтади, ҳамма бир-бирига ҳурмат билан қарайдиган бўлади. Фақат шу даврни сунъий яқинлаштириш, худди ўглининг тонгани, Парвина эди шекилли исми, уша бечора қизни бўйнига сиртмоқ солиб, зўрлаб келтиришгандек келтирмаслик керак. Агар шундай қилинса, ўгли билан унинг қайлиги эмас, жуда кўп одам нобуд бўлиб кетади.

Оқсоқол хотини қайтгунча қоронги ҳовлида юриб, қанча ўйламасин, ўглини қутқариб қолиш, жуда бўлмаганда илтимосини адо этиш — қизни озод қилиш йўлини тополмади, ҳукм тўғрилигига, ҳозир бошқа илож йўқлигига ишона бошлади.

Роҳила қайтиб келиб, қўлидаги дастурхонни равонга улоқтирди-да, ўзини эрининг кўксига ташлади.

— Болам! Ёлғиз боламдан ажраб қандай яшайман энди? Ундан кура мени тошбўрон қилишсин! Қонга туймаганлар мени қийнаб-қийнаб ўлдиришсин, розиман! Уларни қўйиб юборишсин, айтинг! Қабила каттасимисиз ўзи, кимсиз? Наҳотки, ўз элингизга сўзингиз ўтмаса? Айтинг! Бир бало қилинг!

У эрининг кўкрагига муштлаб, ўзини тўхтатолмай йиғларди.

Оқсоқол индамай уни эшитди. Елкаларини силаб оувтган бўлди. «Бир бало қилинг!» Нима қилиши мумкин? У оҳиста хотинини ўзидан нари итариб, кўчага йўл олди. У қанча ўйла-масин, бир тўхтамга келолмасди. Фақат бир фикр ўзига озгина тасалли берарди. Ҳозир Мардонни қуриши керак. Тонггача вақт кўп эмас, унинг дийдорига тўйиб олиши керак. Кейин нима бўлса-бўлади...

Ўгли билан қизнинг соқчилари алмасибди. Лекин учала соқчи ҳам уни таниди. Уринларидан туриб, узларини четга олишди. Аммо Оқсоқол улар олдига борди:

— Йигит — ўғлим, биласизларми?

Соқчилар бошларини эгишди.

Оқсоқол белидаги чарм ҳамёнини ечиб уларга тутди.

— Мени бирпас ҳоли қолдиринглар. Ҳайрлашиб олай. Ўзим қақираман.

Соқчилар бир-бирларига қараб олишди. Оқсоқолнинг илтимосини рад этиб бўлмас эди. Ҳамёни олиб, учалови равоннинг орқа томонига утиб кетишди.

Оқсоқол аввал ўглини ечди. Кейин қизни бушатди.

— Нима қилишсиз, ота? — ҳеч нарсага тушунмай суради Мардон.

— Оталик бурчимни адо этипман. Уйга кирма. Дарҳол Қорадарёдан утиб, қилчоқлар юртига йўл ол. Ишонаман, эл кечиради. Ушанда қайтасизлар.

Оқсоқол шошиб шу гапларни айтди-да, ўглини бағрига босди.

— Қани, кетларинг энди!

— Ота!.. — бир нарса демоқчи бўлди Мардон.

— Кет! — ушқирди Оқсоқол...

Тонг пайти қўрғоннинг бирдан уввос солиб йиғлаб «ошук-маъшуклар» ўрнида Оқсоқолни куриб, нима бўлганини тушунишди. Ҳеч ким, ҳеч нарса демади. Ҳамма нарса сўзсиз ҳам аён эди.

Жимликни соқов утинчининг бирдан уввос солиб йиғлаб юборгани бузди. У қаёқдандир Оқсоқол олдида пайдо бўлиб, ўзини унинг оёқлари остига ташлади. Бутун вужуди қалтираб йиғлар экан, бошини ерга уриб, нималардир деб гўлларди.

Оқсоқол тўққинлашиб кетди. Уни тушунишган эди. Ҳатто ақли калта соқов утинчи ҳам қилишига пушаймон эди. Оқсоқол уни тургазмоқчи бўлиб энгашди, қўлларини ориқ елкаларига қўйди. Шу топ нимадир зарб билан чеккасига келиб урилди. Бош ёрилиб бамисоли булак-булак бўлиб кетди. Ким-

дир равон томондан отди шекилли? Оқсоқол уша томонга беихтиёр куз ташлаб ўлгурди. Алмонзарда унга газаб билан тикилиб турарди. «Тентак» — деди ичида Оқсоқол ва утинчининг устига йиқилмаслик учун турган жойида оҳиста чўккалади. Бир неча киши «гур» этиб равонга отилди. Улар нима қилмоқчи эканини Оқсоқол сезди. «Қуйинглар!» — демоқчи ҳам бўлди, аммо овози чиқмади. Кимдир унинг қўтигидан олди. Бошқа ҳеч нарса сезмади. Қўлогига чалинган сўнги овоз аёл кишининг чинқириви бўлди. Таниди. Роҳиласи эди. Негадир унинг икки қўлида иккита тош бордай эди.

## Гаров

Обиджон аканинг олтиш йиллигига атаб берилган зиёфат кутилгандан ҳам яхши ўтди. Аввало айtilган одамларнинг ҳаммаси келди. Буюрилган овқатлар ҳаммага манзур бўлди. Машшоқларнинг иккала тупи ҳам кеча охиригача хизмат қилди. Мақтовлар-чи! Обиджон аканинг ўзи, шаънига айtilган гаплардан қувониб, гурурланиб ўтирди. Зиёфатга ажойиб жой танланганини айтмайсизми? Анҳор лабига тушган пешайвонли чойхона оромижон жой экан. Бунинг устига совга-саломлар ҳам зиёфатга яраша бўлди. Кўпчилик конверт тутқазди. Сўнг Обиджон ака хотини Зайнабхон билан ярим кечагача шу конвертларни очиб кўришди. Унг минг сўмлик конверт чиқмади, ҳисоб. Кўпчилик қирқ-элик мингдан солибди. Ҳаммаси тагин таҳи бузилмаган беш минг, ўн минглик қоғозлар.

Зайнабхон олишнинг бермоги ҳам бор, деган мулоҳаза билан эринмасдан бир дафтар тутиб, ҳаммасини ёзиб чиқди. Икки ярим миллионга яқин пул йигилибди. Гап пулда эмас, совгаларда эмас, одамларнинг уларга бўлган муносабати, ҳурматида эди. Эр-хотин бошлари тоғдек кўтарилди, турли ўйларга бориб, иккиланиб берган зиёфатларидан хурсанд бўлишди. Обиджон ака куёвларини ҳам мақтади.

— Барака топишсин куёвларим! Ҳаммаси чопиб-чопиб хизмат қилишди, — деди у гап орасида йирик қўллари билан кукрагини силаб, — Содиқжон ҳам, Ҳафиз ҳам тиним билишмади.

— Илгаридан улар шунақа, — Зайнабхон эрига бошқача меҳр билан қараб қўйди. — Иннайкейин сиз ҳар кунни олтишга кирармидингиз?

— Барибир барака топишсин. Ўзимга келиб олай, бир иккаловини қизларинг билан чақираман, утиришамиз. Нима дединг?

— Нима десангиз шу.

Зайнабхон пулларни қийиққа ураб, эрининг ёстиги тагига қўйди.

— Нима қиялсан?

— Менда турса, ишлатиб қўяман, — кулди Зайнабхон.

— Ишлатавер. Сеники шу пул, — Обиджон ака тутунни

қайтариб, хотинини юзидан упиб қўйди. Айтгандай, ўглинг, Санжар кўринмай қолдимми?

— Вой уям роса хизмат қилди. Эътибор бермагансиз-да. — Зайнабхон шундай деди-ю, хавотирга тушиб ўрнидан турди.

— Қаёққа?

— Қараб қўяй. Ётган булса керак, ҳойнаҳой!

— Уйғотиб юборма тагин!

Зайнабхон ётоқхонадан чиқиб, залга ўтди, ундан ўглининг хонасига кирди. Қоронгу бўлаганидан ўглининг бор-йўқлигини билолмади. Тимирсикилаб юришга ботинмай, чироқни ёқди. Кроват бум-буш эди. Зайнабхон эзилиб кетди. Аввало эрига ҳозир у ёлгон гапирди. Қолаверса, шундай муборак кунда Санжар номигагина хизмат қилиб, кейин гойиб бўлиб қолди. Нега бу бола бунақа чиқди? Ундан кўрқмайди, ваъдасида турмайди. Айтсаммикан отасига? Йўғ-е, шундай кунда-я?

Обиджон ака уйғоқ эди.

— Ётибди эканми? — сўради у.

Нима десин?

— Ётибди. Сиз ҳам ухланг, — Зайнабхон эри томонга қарашга уялиб, ўрнига чўзила қолди.

— Энди уйқу келармиди? Ҳали замон тонг ҳам отиб қолади. Кундузи ухларман. Эртага ишга бормасам ҳам булар? Ҳарҳолда юбилярман-ку.

Обиджон ака кулди. Зайнабхон ҳам жилмайди. Аммо хаёли яна ўглига қочди: «Қаёқда юрганийкин?» У ҳам эрига ўхшаб энди ухломаслигини биларди. Ҳозиргина ундан бахтли, ундан тинч одам йўқ эди. Ўглининг қайтмаганини кўриб, ҳаловати йўқолди. «Ёлғиз ўғил — эрка ўғил». Зайнабхон ким шундай деганлигини эслашга уринди, аммо тополмади. Ким айтган булса ҳам тўғри айтган экан. Зайнабхон ўтгиз беш ёшида Санжарни кўрди. Шунга ўн туққиз йил бупти. Иккала қиз институтни битиришди, турмуш қуриб, ота-она қанотлари остидан учиб чиқиб кетишди. Зайнабхон иккаловидан кўнгли туқ. Иккаловининг яхши уйи, иккитадан боласи бор. Катта куёвининг тагида машина. Кичиги ҳам ундан қолишмайди. Бунинг устига иккалови ҳам Обиджон ака айтгандек меҳр-оқибатли чиқишди. Тез-тез хабар олиб туришади. Шундан булса керак, ўглини арзанда қила бошлашди. Айб ўзларида. Нима ейман, нима кияман деса, муҳайё. Ёлгондан йўталса ҳам доктор чақиринишади, кечаси билан тепасида мижжа-қоқмай утириб чиқишади. Афтидан, Санжар уйда кимлигини жуда тез англаб олди. Зайнабхон у отаси билан гаплашаётганида, ўглининг кўзларида киноя, аниқроқ қилиб айтганда, беҳурматлик пайдо бўлганини сезиб қолди. Биринчи марта пайқаганида юраги бир «шув» этиб кетди. Кейин яхшироқ қаради. Кузатишлари тўғри чиқди. Ота-она орзуси, ниятлари уни мутлақо қизиқтирмай қўйган, зарурат, одоб нуқтаи-назаридангина буларга қулоқ солар эди шекилли.

Эри ранжимаслиги учун Зайнабхон бу кузатишларини унга айтмади, ичига солди. Кейин узини овутди, ўғлидаги ўзга-

ришни ёшликнинг ўткинчи аломатлари, деб ҳисоблади. Аммо кеч келиб бировларникида ётиб қола бошлагач, қаттиқ тер-гашга ўтди. Санжар ваъда берди-ю, аммо ваъдасининг устидан чиқмади. Энди жиддийроқ гаплашиш керак шекилли. У шуларни дилига тугиб, кўзларини юмди. Аммо қани уйқу келса. Шундай бўлса ҳам ўзини зўрлаб, анчагача кўзларини очмади. Бошини кўтарганда, тонг ота бошлаган, ёнида эри ширин ух-лаб ётарди.

Зайнабхон оёқ учида залга ўтиб, яна ўглининг хонасига кирди. Ўглининг кўрпа-ёстиги кеча қандай тахланган бўлса, шундай турарди. Зайнабхон тутоқиб кетди. «Шундог кунда кўчада юрадими одам?» Ҳозир агар Санжар олдида бўлганида, юз-кўзи аралаш шипалоқ тортиб юборарди. «Ё опалариникида-микан?» Зайнабхон залга чиқиб, осма соатга қаради. Энди олти бўлаётган эди. Қизлари ҳали ётишган бўлишса керак, ҳозир безовта қилмагани маъқул. «Тентак бола! Эрка бўлмай кетгур! Қаёқларда юради?» Зайнабхон эрини уйғотиб юбор-маслик учун ётоқхонага қайтиб кирмади. Ҳовлига тушиб, учоқбошига борди. Газ плита устига тунука чойнакни қўйиб, олов ёқди. Зиёфатдан ортган нарсалар иккита тоғорада турар-ди. Очиб кўрди. Кичик куёви қаердандир ёптириб келган тан-дир сомсага кеча дили кетган, лекин еёлмаган эди. Шундан биттасини олиб тишлади, аммо чайнолмади. Санжар эсига ту-шиб, иштаҳаси ҳам бўғилди. Залга кўтарилиб, қизларига теле-фон қила бошлади.

— Шарифа? — Бу кичкина қизи эди. — Уйғотвордимми? Яхши етиб бордингларми? Болалар тинч эканми? Содиқжон роса чарчагандир? Тинчлик. Ҳа, аданг ётиптила. — Зайнабхон қизининг саволига жавоб бераркан, беихтиёр ётоқхонага қа-раб кўйди. — Уланг мабодо сеникидамасми? Йўқ? Зарипани-кидадир-да? Майли, ёт. Келганда тилпон қиларман.

Катта қизи Зарифа ҳам онасини эшитиб, юпатишга ўтди:

— Кўп зилаверманг. Санжар катта йигит. Ўртоқлари би-рин-кетин уйланишвотти, битта-яримтасиникида ётиб қолган-дир? Ҳафиз акамларга айтаман, ҳали турганларида суришти-риб берадилар.

Зайнабхон эътироз билдирди.

— Қўй, ҳозирча кераймас. Кечгача келмаса, унда тилпон қиларман.

У яна учоқбошига ўтди. Кундузи маҳалладаги эркалар чи-қиб қолиши, институтдан битта-яримта келиб қолиши мумкин. Ҳамма нарса бўлса ҳам битта иссиқ овқат қилиб қўйгани ях-ши. Зайнабхон шундай уй билан музхонадан уч-тўрт бўлак серсуяк гўшт ажратиб олиб, қозонга солди. Тулдириб сув қўйди-да, қайнаб чиқишини кута бошлади. Беихтиёр хаёли яна ўглига қочди. Ўзини чалғитиш ниятида кечаги зиёфатни, совға-саломларни эслашга уринди, аммо дилдан барибир ўгли кўта-рилмади. Бирон машина уриб юбориб, зим-зиё кўчада қонга беланиб ётган, бир ёмон одамлар билан ёқалашиб, милицияга тушган бўлса-чи? Милицияга тушсаям ишқилиб омон бўлсин.

Сув биқирлаб қайнаб, қозондан тошиб чиқди. Зайнабхон олов-ни пасайтириб, тухумдек иккита пиёзни тўғраб қозонга солди-да, тувоқни ёпди. Ошхонадан чиққанда, кимдир кўча эшикни қоққандек бўлди. Зайнабхон беихтиёр «ҳозир!» деб юборди ва югуриб бориб эшикни очди. Тавба, ҳеч ким йўқ эди. Эшикни қия ёпди-да, уйга кўтарилди. Залга кирганида, ётоқхонадан эрининг хурраги эшитилиб, кўнгли бироз ёзилди. Яхши ҳам эри бор. Бўлмаса юраги тарс ёрилиб кетармиди. Ишқилиб умри узоқ бўлсин, тоғдек бўлиб уни суяб, ҳеч нарсада қийин-чилик сездирмай келяпти. Баъзи-баъзида юрагим деб қолса, Зайнабхон ўзининг юрагини ҳовучлайди, хавотирга тушиб ке-тади. Кошқийди эри тургунча Санжар ҳам келиб қолса! Кечқу-рун уйда, ётибди, деб алдади. Энди сўраса нима дейди? Ўқиш-га кетди, дейдими? Ёш бола йиглайди, катта бола тиглайди, деб бекорга айтишмаган экан. Йигласа, юпатасан, мана бундай юрагингни тиглаб турса, нима қиласан? Зайнабхон оёқ учида ётоқхона олдига бориб, ичкарига қаради, эри чалқанча ётиб тинч ухларди. Эшикни оҳиста ёпди-да, нима қилишини уйлаб, яна ҳовлига тушди. Озгина савзи тўғрайди. Ҳеч қандай суяқ овқат ошнинг ўрнини босмайди.

Зайнабхон ошхона олдидаги ўрадан бир тоғорача савзи ол-ди, кейин шошмасдан арчиб, тўғрай бошлади. Яхши ҳам шун-дай қилган экан, эрининг маҳалладаги ошналари бирин-кетин кириб келишди. Ҳаммалари уй кийимида, биров калиш судра-ган, биров туркларнинг латта ковушини илган... Бирровга чиқ-қан одамлар кечгача ўтиришди. Зайнабхон уларнинг чиққани-дан хурсанд бўлди. Эри улар кетгунча ўглини сўрамади. Ҳам-ма тарқаганда ўзи ўглининг хонасига бориб келди-ю, аммо гап очмади. Зайнабхон юраги гурмишлаб, катта қизига телефон қила бошлади. Зарифанинг эри ҳали ҳам қайтмабди.

Зайнабхон уйнинг ичида қиладиган иши йўқ эди, ноилож ҳовлига тушди. Эрининг ўзи уни тинчита бошлади.

— Ҳуноб бўлаверма. Кап-катта йигит. Ўртоқлари билан юр-гандир!

Зайнабхон хавотир олаётганини энди яширмади:

— Кейинги пайтлар сал уйинқароқ бўб кетди.

— Ҳечқиси йўқ, ёшлик-шўхлик. Ўзини тийиб олади. Фақат ҳадеб тергайвериш керак эмас, уйдан бездириб қўямиз.

Зайнабхон бугун ўглининг уйда тунамаганини айтмоқчи бўлди-ю, ўзини тийиб қолди. Булар иш бўлди, юракларини қисиб нима қилдим, деди.

Салқин тушди. Эр-хотин кўтарилиб, телевизор қўйишди. «Твин Пикс» америка фильмининг навбатдаги сериясини кўра бошлашди. Фильм ярмига борганда, эрини уйқу боса бошлади. Зайнабхон қистади:

— Кеп қолар... сиз ёта қолинг.

Аммо Санжар келмади. Ярим кечада телефон жиринглади. Эрини аяб, ухлаётгандек бўлиб ётган Зайнабхон шошиб ўрни-дан турди. Обиджон ака ҳам уйгоқ экан, бошини кўтарди.

Ман оламан! — Зайнабхон югуриб залга чиқди.

У катта куёви Ҳафиз бўлса керак, деб ўйлади. Кечқурун телефон қилмади, балки ҳозир бирон гап топгандир? Зайнабхоннинг юраги бирдан ўйнаб кетди. Яхши хабар бўлса, ярим кечада телефон қилмасди. Зайнабхон беихтиёр осма соатга қаради. Иккидан қирқ минут утибди. Ишқилиб тинчлик бўлсин. Телефонда бегона одам овози эшитилди:

— Бемаҳалда телпон қилганим учун узр...

— Ким бу?! Қаёққа тилпон қиялсиз? — шошиб сўради Зайнабхон.

— Обид акани чақирворинг.

— Нима ишингиз бор эди? Кимсиз? — яна сўради бўшашиб Зайнабхон.

— Кимлигимни аҳамияти йўқ. Эрингизни чақиринг!

Бу гап нотаниш одам дағалроқ гапирди. Зайнабхон ноҳуш воқеа юз берганини ва бу воқеа углига тааллуқли эканини дарров пайқади. «Ўзи омон бўлсин ишқилиб!» дилидан ўтказди ва эрини чақирди.

— Обид ака! Сизни сўрашяпти!

Эри алақачон унинг ёнига келган, нима гаплигини сабр-сизлик билан кутиб турган эди. Шошиб трубкани олди.

— Эшитаман! Ким?

— Бизни танимайсиз. Биз углингизни танишларимиз, — бугиқ овоз билан гапираётган одам хириллаб кулгандек туюлди. — Мултираб эшикка тикилиб ўтирибсизларми эр-хотин?..

Обиджон ака бўшашиб кетди.

— Санжар?! Нима бўлди унга?!

— Углингиз отдай. Мана, рўпарамда ўтирибди. — У яна хириллаб кулгандек бўлди. Обиджон ака трубкани қулогига маҳкамроқ босди. — Фақат... Бир оёгига занжир солиб, столга боглаб қўйибмиз. Қочиб кетмасин деб.

— Нега? Нега боглаб қўйибсизлар? Нима қилди у? Телефонни унга беринг. Талаб қиламан!

— Ўзингизни босинг, ака. Талаб қиладиган ҳозир биз!

Овоз бирдан тиниб қолди.

— Гапиринг! Нега жимиб қолдингиз? Санжар! Ўғлим!

— Нима гап ўзи, Обид ака? — эрининг қулига ёпишиб сўради Зайнабхон.

Эри жавоб бермади.

— Гапиринг! Нега жимсиз? — қичқирди у трубкага ва бутун вужуди қулоқ бўлиб унга ёпишди. Бир неча дақиқа ўтгач, нимадир тарақлади-да, хирилдоқ овоз пайдо бўлди.

— Кечирасиз. Гапирасанми, десам, углингизни гаплашгиси йўқ сизлар билан.

— Нега? — ҳайрон бўлди Обиджон ака.

— Гап бундог, ака! — хирилдоқ овоз чуқур нафас олди. — Углингиз ютқазиб қўйди. Агар у сизга керак бўлса, саккиз милён опкелиб берасиз. Булмаса улигини Бўздан топасиз.

— Нима?! — Обиджон ака беихтиёр шундай деб юборди. Аслида хирилдоқ овоз эгасининг нима деганини яхши эшитди, тушунди. Аммо оғзидан шу саволдан булак ҳеч нарса чиқмади.

— Тушундингизми? — қайтарди хирилдоқ овоз. — Қайтарайми?

— Йўқ, йўқ, тушундим, — деди Обиджон ака, углини нима қилишлари мумкинлигини яна бир бор эшитишдан қўрқиб. Овоз эгасининг қандай одамлигини билмаса ҳам гап оҳангидан дангалчилигига ишонди. — Қачон?

— Кечаси унда.

— Бутунми?

— Шундог. Бугун кечаси унда.

— Бунча пулни шу вақтда...

— Хирилдоқ овоз уни бўлди.

— Ока! Бошқа шаҳарлардан келган биродарлар бор, шошиб туришибди. Шуям пул бўлдими ҳозир? Йўқ бўлса, қарз-қурз қилинг. Қаерга келишингизни эшитволинг. Эшитвотсизми?

— Эшитаман.

Обиджон ака телефон ёнида турган қаламни қулига олиб, хотинига ишора қилди. Зайнабхон дарров дафтар олиб келиб узатди.

— Миробод бозорини биласиз, — тушунтира бошлади хирилдоқ овоз. — Вокзалга қараган дарвозани ёнида сувратхона бор. Шуну орқаси яланглик. Шўтта турасиз. Ропша-роса унда. Ўзимиз оддийизга келамиз. Окажон, тагин мелиса-пелиса қилиб ўтирманг. Органга айтадиган бўлсангиз, ё биронта одамни бошлаб келсангиз, пудданам ажрийсиз, ўғлизданам. Келишдикми?

Обиджон ака бошини қимирлатди.

— Яхши.

— Яшанг!

Обиджон ака бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, улгурмади, хирилдоқ овоз эгаси трубкани қўйиб қўйди.

Зайнабхон деворга суяниб дағ-дағ титрарди. У чала-чулла бўлса ҳам қандай фалокат юз берганини англаган эди.

— Эшитдинг-а? — деди Обиджон ака.

Зайнабхон бўшашиганича бошини эгди. Шунча пул албатта уларда йўқ эди. Нар и борса уч миллион чиқиши мумкин. Қолганини қаердан топишади. Обиджон аканинг эсига машиналари келди. Бир-икки жойи урилган бўлса ҳам беш йил бурун олган «Москвич»лари бор. Мотори соатдек ишлайди, баллонлари ҳам ўзиники, ҳеч қаеридан ёғ, сув оқмайди. Бозордаги паттачи ўртоғи бир-икки оғиз солган эди. Ўшандан қарз олсинмикин? Машинани, майли, истаган пайти олиб кетсин. Эрининг хаёли нималарга кетганини сезиб, Зайнабхон таклиф қилди:

— Қизларни чақирайми?

— Айтаммизми?

— Вой айтмай бўладими? Ҳафиз, Содиқжонлар қидириб юришибди-ку Санжарни. Кейин иккаловларидан шунча пул чиқиб қолар?

— Майли.

Зайнабхон телефонга ёпишди.

— Йуқ, тухта, — Обиджон ака унинг қулидан ушлади. — Тонг отсин. Углинг тирик. Шундан хурсанд бўлишимиз керак. Бу бир. Иккиламчи, кетини уйлаб иш қилишимиз керак. Пул масаласига келсак... кечаги конвертлар икки ярим миллионми-ди? Демак, чўнтакларни қоқиштирак, уч миллион ўзимиздан чиқади. Яна беш миллион топиш керак. Бунча куёвларда йуқ-дир, сураб уялтирмайлик. Рауфхўжага машинани сотамиз. Нима дединг?

— Узингиз биласиз. Ишқилиб, алдашмасмикин?

Обиджон ака гапни тушунди.

— Уларга пул керак. Углингни нима қилишади? Зиёфат пайти кўринмай қолувди, қимор уйнагани кетган экан-да касофат... Қимор ҳам кўкноридек гап. Вақтида уйнамаса хумори тутади.

Зайнабхон кеча эрини алдаганидан, бугун эса ўгли эмас, ўзи гаров тушгандек уялиб, бошини эгганича утирарди. Тонг ёришгунча у шундай утирди. Эри ҳам ўрнидан турмади. Иккаласини-да нохуш ўйлар ўз гирдобига тортиб кетган эди.

...Пешингача пулнинг ҳаммаси жамланди. Узларида бори тахмин қилганларидек, уч миллион чиқди. Қолганини иккала куёв кечгача топиб келамиз, деса ҳам Обиджон ака кўнмади. Рауфхўжаники нақд, деди. Чиндан ҳам уйлагандек чиқди. Рауфхўжа у оғиз очиши билан ичкари уйга кириб кетиб, бирпасда қийиққа беш миллион ураб чиқди. Фақат, ҳаммаси майда, ёг босган, гижим пул эди. Уйда қизлари милицияга хабар бериш ҳақида бир-икки оғиз очиб кўришди, лекин Обиджон ака розилик бермади. Гап углининг ҳаёти устида кетяпти, қиморбозлардан ҳар нарса кутса бўлади. Милиция борлигини билиб қолишса, Санжарни соғ қўйишмайди! Кичкина куёви бирга боришни, ё бориб бир чеккада туришни таклиф қилди. Обиджон ака бунга ҳам кўнмади. У анча тинчиган, эрталабкига қараганда хотиржам кўринарди. Катта қизи ош қилди. Обиджон ака ҳеч нарса бўлмагандек, иштаҳа билан еди.

— Ҳарҳолда, ада, бирга борай? — яна илтимос қилди овқатдан сўнг Содиқжон.

— Сизга далда бўларди, — қўшилди куёвига Зайнабхон.

— Тушунсаларинг-чи. Улар билан уйнашиб бўлмайди. Ёнимда биронта одам борлигини сезишса, худо кўрсатмасин, ўлдириб қўйишлари мумкин уни.

Ҳеч ким бошқа бу ҳақда оғиз очмади.

Соат тўққиздан чорак ўтганда, Обиджон ака ҳаммани йигди, хотинига тизоват қилдириб, ўрнидан турди. Тўри кабинетига бориб, ёзув столи тортмасида ётган чуст пичогини қини билан олиб, шимининг чўнтагига солиб қўйди. Ҳарҳолда яхши одамлар олдига кетаётгани йуқ. Кейин ҳовлига тушди.

Катта куёви «Москвич»ни кўчага олиб чиқди.

— Машинани дарвоза олдига қўйинг, кўриниб туради, — маслаҳат берди Зайнабхон.

Обиджон ака индамай рулга ўтирди. Сумкани орқа ўрин-

диққа ташлади. Ҳар эҳтимолга қарши Зайнабхон эрининг тунини сумка устига ёпди, шу билан гуё пулни беркитган бўлди.

... Бозор олди қоронгу, жимжит эди. Обиджон ака катта йўлдан тушиб, сувратхона эшиги оғзида машинасини тўхтатди. Бу ер ҳам қоронгу, фақат юз қадамча наридаги озиқ-овқат дўкони ичида чироқ милтилаб турарди.

Обиджон ака машина соатига қаради. Ун минут кам ўн бўлибди. Тушса, белгиланган жойга борса бўлади. Эшикни очиб, бир оёгини ерга қўйганда, уйланиб қолди. Пулни олиб борадими, ё кўришганларидан кейин машинада берадими? Авал кўришиш керак, Санжарни суриштириш керак, кейин нима дейишса, шундай қилади.

Шу қарор билан машинадан тушиб, эшикни қулфлади. Сувратхонани айланиб ўтиб, ялангликка чиқди. Рўпарада, эски уйлар ўрнида қад кўтарётган кўп қаватли бино қорайиб турарди. Атроф жим-жит. «Санаймиз, дейишса-я?» — ҳаёлидан ўтказди у ён-верига бир-бир қараб чиқиб... Унда машинага боришади, чироги бор, санаш осон. Йуқ, санашмайди, шундай сумкани олишади-ю, жуфтакни ростлашади. Кўрқийшади бу ерда санашга...

Обиджон ака соатига қаради, аммо қанча тикилмасин, неча бўлганини кўролмади. Кўрганда нима фойда эди? Вақтида келди. Буёғи энди тонггача бўлса ҳам кутади. Бошқа иложи йуқ: «Санжар, Санжар. Нима қилиб қўйдинг, ўглим?»

Обиджон ака бугунгача ўглидан ўпкаламаган эди. Унинг уйинқароқ, куча одами бўлиб кетаётганини пайқаган, аммо бундай қалтис ишлар билан шугулланади, деб ўйламаган эди. Қачон йўлдан тойди экан? Нега ота бўлиб у билалмай қолди?

Кимдир орқасида енгил йўталди.

— Келдингизми?

Ўгирилди. Ўзидан кичикроқ, қотмадан келган одам бир қадам нарида қорайиб турарди. Юз-кузи кўринмади.

— Обкедингизми? — суради у.

Телефонда бошқа одам гаплашган эди.

— Машинада, — деди Обиджон ака.

— Обкелинг!

— Санжар қани?

— Уйга қайтишингиз билан изингиздан кириб боради.

Обиджон акага жавоб ёқмади. У шу ернинг ўзида ўглини беришларини кутган эди. Демак, ундан чўчишди, пулни олиб келмайди, деб уйлашди. Нима қилиш керак? Бераверадами? Алдашса-чи? Санжар омонмикан узи? Ўлдириб юборган бўлишса-чи?

— Санжарни олиб келасизлар. Қани у? — деди у.

Йигит бошини ўгириб машина томонга қаради. Обиджон ака шунда пайқади, у юзига хотинларнинг пайлогини тортиб олган эди.

— Машинада ким бор? — жавоб бермай суради йигит.

Овози танишдек туюлди. Обиджон ака уни қаердадир эшитгандек бўлди. Балки студентдир? Ҳозир ҳеч нарсага ажабланмаса бўлади.

— Машинада ҳеч ким йўқ. Ёлғиз келганман. Сизлар ҳам ваъдаларингизда турунлар-да!

— Пулни обкелинг. Санжар кетингиздан боради.

Обиджон ака пулни олиб келишдан бошқа иложи йўқ эди. Шундай қилди.

— Мана. Саккиз миллион.

Йигит сумкани олиб, индамай янги тушаётган иморат томон юра бошлади.

Шу тоб унинг калласида санчиқ турди.

— Тухтанг! -- у йигитнинг қўлидаги сумкага маҳкам ёпишиб олди.

Йигит тухтади.

-- Нима?

— Ишонмайман сизларга! Мен билан борасан! Шу пул сизларники! Лекин ўғлим уйга келгандан кейин бераман!

Билак ингичка, теша сопидек эди. Обиджон ака ҳайрон қолиб, қаттиқроқ қисди. Сумка ерга тўп этиб тушди. Йигит куч билан силтаниб қўлини бўшатди. Энгашиб сумкани кўтарди-да, бир сакраб ўзини четга олди. Обиджон ака унинг қочмоқчи эканини тушунди. Қочса, этиб ололмайди. Шу фикр хаёлидан утиб, «Тухта!» — деб қичқирди, аммо йигит қулоқ солмади, янги тушаётган иморат томон қоча бошлади. Обиджон ака шундан чўчиган эди. Қочиб кетса, Санжарни соғ қўйишмайди. У йигитнинг кетидан югурди, йигирма қадамча босиб, етгандек бўлди, елкасига ёпишиб, тухтаишга уринди. Йигит унга қараганда анча эпчил эди, фақат тез чопишга сумка ҳалақит беради. У силтаниб елкасини бўшатмоқчи бўлганида, нимадир чап биқинига санчилди, нафаси тикилиб буюшганича, чўккалай бошлади.

Обиджон ака қўлида пайдо бўлиб қолган пичоқни оёғи остига ташлаб, йигитга ёпишди. Унинг пичоқ уриш хаёлида йўқ эди, йигитнинг қочаётгани сабаб бўлдими, туюлмайдими, деб чўчидими, қандай пичоқни олиб, биқинига бигиздек санчди — билмайди.

— Тухта! — беихтиёр қичқирди у яна, шундагина йигитнинг чўккалаётганини кўрди, шошиб қўлтигидан олди.

— Ада! — деди кутилмаганда йигит. — Улар ўзимни юборишган эди, ёлғиз келмайсиз, деб...

— Санжар?! Сенмисан, Санжар?! — қичқириб юборди Обиджон ака уни бағрига босганча.

— Ада... Кечиринг...

Санжар! Ўғлим! Нима қилиб қўйдим ўзи?! — Обиджон ака эҳтиётлик билан ўглини ётқизиб, ёнига чўккалади. — Санжар!..

— Ада! Кечиринг.

Унинг охириги илтижоси шу бўлди.

Фонарларни ёқиб, бир гуруҳ милиция ходимлари билан

Содиқжон этиб келганда, у ўглининг қонга беланган жасади устида ўтирарди.

— Санжардан ажраб қолдик, — деди у секин овозда... Ўзим, уз қўлим билан ўлдириб қўйдим!..

Шундай деди-ю, юз берган фожиани энди тушуниб етди шекилли додлаб юборди:

— Санжар! Ўғлим! Ўғилинам!

Унинг фарёидан тун ларзага келди.

## Ола мушук

Зайнобиддин Омонов янги ишга ўтганидан бери ҳафтанинг уч куни уйда бўлса, тўрт куни сафарда. Институтни тамомлаб қарийб ун йил ишлаган. Илгари шаҳардан чиқмасди. Чиқишни ўзи ҳам истамасди. Ҳар куни соқол қиртишлаб, ванна қабул қилишга урганган одам бегона жойда ётиб қолишни ёқтирмасди. Аммо на илож? Замон ўзгариб кетди. Хужайиннинг айтганини қилмасанг, ишдан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу хужайинининг гапини икки қилмай мана, уч йилки, Олмаликми, Балиқчими, Шаҳрисабз ё Вобкентми, қаёққа деса, кетаверади. Унинг сафарлари кўпроқ ҳафтанинг иккинчи ярмига тўғри келади, шанба, якшанба ҳам шунга кириб кетади. Бир томондан бу яхши. Шанба куни қаерда бўлмасин, мезбонлар; ўзбекчилик, уни олиб қолишади. Эртасига кечга яқин жўнатишади. Илгариги райкомларнинг боғларидами ё ўзлари апил-тапил кўтарган баҳаво, кўпчилик билмайдиган хуфий меҳмонхоналардами, баҳонада бир дам олишади. Зайнобиддин Омонов шундай жойларда яйрайди, янги ишда ишлаётганидан хурсанд бўлади.

Ёмон томони шуки, ҳар куни тахи бузилмаган рўмолча тутиб, галстук тақолмайди, хотини уйда ёлғиз қолади. Тасаввур қилинг, уч хоналик квартирада (райкомда ишлаганининг энг катта фойдаси) ёш аёл нарса неча кун бир ўзи қолиб кетади. Тагин ҳам Хурсандхон тушунадиган, эрига хурмати баланд аёл. Бўлмаса тўполон қилиб юборарди. Тўғри, баъзида гиншиб қўяди. Лекин Зайнобиддин Омонов унинг ловуллаб ёниб кетишига йўл қўймайди. Гиншиган пайтидаёқ дарҳол қўлига бирон нарса тутлади. Шаҳарда топилмайдиган нарса четда албатта топилди. Шунинг учун қарга бормасин, доим чўнтагида олиб юрадиган, хотинининг ўзи тузиб берган буюртмалар рўйхатидан бирон нарса олиб келади. Бечора Хурсандхон. Бирпасда ҳовридан тушади. Эрини қучоқлаб упан бўлади-да, нарсани кўтарганича ўз хонасига кириб кетади. Нарса лойиқ келса, ёқса, ундан бахтли одам йўқ. Зайнобиддин Омонов ҳеч ташвишланмай яна сафарга тайёрланаверса бўлади. Хурсандхон йулини тўсмайди. Алдагани бола яхши, деб тўғри айтишган. Бозор муносабатларига утилаётган ҳозирги даврда хотинлар ҳам боладек алданадиган бўлиб қолишди. Хўрозқанд тутқазсанг ҳам олишаверади. Бирон нарса бўлса бўлди. Зайнобиддин

Омонов албатта бу гапни ҳеч кимга айтмайди. Ичидаги, фақат ўзигаю хотини Хурсандхонга алоқадор гап бу. Хотиннинг кунглини олиб, анчагина тинчиб, эртасига ишхонага боради.

Хўп галати ишга дуч келиб қолган у. Комсомолда, кейин совет, партия идораларида ишлаб юрган пайтлари, бир кун келиб, «Тақсим» деган қўшма фирма пайдо бўлади, ўшанда ишлайсан, туршак-майиз, бодом, писта, болалар, хотинларнинг кўйлақ-иштонлари билан шугуллансан, деб қолса биров, қаттиқ ранжирди, хафа бўларди. Ҳаммаёқни, ҳаммани қўлида ушлаб, титратиб турган компартия энди йўқ, совет идоралари ҳам йўқ. Шу идораларда ишлашни у касб, деб ўйлаган эди, шу касбга отасининг, таниш-билишларнинг ҳаракати билан интилган эди. Район ижроия комитетидан райкомга инструктор бўлиб ўтганда уйланди. Хурсандхоннинг ота-онаси уч-тўртга одамни рад қилиб, Зайнобиддин Омонов томонидан борган совчиларга бозилик беришди. «Бугун инструкторсиз, кўп ўтмай бўлим розилиги, кейин котиб бўласиз, буни қўдаларимиз яхши билишади» деган эди ўшанда дадаси. Рад қилишганлардан биттаси ҳозир алақандай ширкат бошлиги. «Мерседес»да юради. Иккинчиси чет эздан бери келмайди. Яна биттаси ҳали ёшига тўлмаган ўғлига атаб пишиқ гиштдан қўшқаватли уй қурдириб қўйибди. Бухоро амирининг қасри дейсиз.

Аҳён-аҳён Хурсандхон гиншиб, шуларни Зайнобиддин Омоновга эслатиб қўяди. «Сиз ҳам ўшаларга ўхшасангиз-чи!» дейди. Аслида «Тақсим»да ишлаётганига ҳам хотин сабабчи. Бир кунда райком йўқ бўлиб, у «Билим» жамиятига ўтганида роса қийналишди. Анча вақт Зайнобиддин Омонов юз берган воқеага, янги ишга кўниқолмай юрди. Баъзан кечалари уйқуси қочиб кўчага чиқадиган, хувилаб ётган қоп-қоронги қадрдон райком биносини кўриб келадиган одат чиқарди. Бу бинода ҳеч қачон чироқ ўчмасди, жуда бўлмаганда учинчи қаватдаги биринчи котибининг кабинетига тун бўйи чарақлаб ёниб турарди.

«Райком ишляяпти!» — дерди одамлар ёруғ деразаларга гурур билан қараб. Зайнобиддин Омонов ҳам шуңдай дерди. Ҳатто ўзи ҳам, айниқса, бўлим мудирини қилиб тайинланганидан кейин баъзи кунлари тонг саҳаргача райкомда қолиб кетарди. Райкомда, ундан андоза олган ижрокўмда ҳам ҳеч ким ўрнатмаган, лекин қонун даражасига чиқиб кетган тартиб бор эди. Биринчи котиб кетмагунча иккинчи котиб жойида ўтирарди. У жойида бўлгани сабабли биринчи билан бирга учинчи котиб ҳам кетмасди. Унга қараб ҳамма бўлим бошлиқлари жой-жойларида ўтиришарди. Кўпинча биринчи котиб ўзи кимлар қолиши кераклигини айтарди. Кетадиганлар қоладиганларга ҳасад билан қарашарди. Биринчи кимни олиб қолса, яқин вақтда ўша одам кўтарилиб кетар ё мустақил ишга ўтказиларди.

Зайнобиддин Омонов партиявий ишда кўтарилишга ҳам, мустақил ишга ўтишга ҳам улгурмади. Райкомлар тарқалиб кетди. Шундан икки ойча муқаддам бир йигит унинг ҳузурига кирди. Кўзларида ёш қўллари титрайди.

— Тинчликми? Келинг? — сўради Зайнобиддин Омонов ҳайрон бўлиб.

Йигит «Тошкент» меҳмонхонаси ресторанида миллий таомлар ошпази экан. Кимнингдир чақуви билан унинг партия взнослари текширилибди ва гуё даромадининг ярмидан кўпини яширгани маълум бўлибди. Бошлангич партия ташкилотида уни партиядан учирришга қарор қилишибди. Иши ҳозир райкомда экан. Йигит ёшлиқ қилибди, взнос тўлашининг сиёсий, муқаддас вазифа эканлигини тушунмай, шундай аҳмоқлик қилиб қўйибди.

— Синаб кўришсин, кечирришсин! — деди кўзига ёш олиб йигит. — Яна хато қилиб қўйсам кейин майли, учирришсин. Партиясиз ҳаёт мен учун ҳаёт эмас. Ўзимни осиб қўйишим мумкин, Зайнобиддин ака! Ёрдам қилинг! Жон ака! Менинг кимлигимни умр йўлдошингиз Хурсандхон биладилар. Бир мактабда ўқиганмиз. Мен етгини битириб, савдо техникумига кетиб қолганман. Жон Зайнобиддин ака! Мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин. Мени бу шармандалиқдан қутқариб қилинг.

— Будди, будди. Ўзингизни босинг. Партияни алдабсиз, яхши бўлмабди, — уришган будди Зайнобиддин Омонов. аммо хотинининг исмини тилга олганидан унга ёрдам қилгиси келди. — Икки кундан кейин келинг. Гаплашиб кўрармиз.

Йигит кўзларини ишқалаб, миннатдорчилик билдирди, ергача букилиб хонадан чиқди. Зайнобиддин Омонов унинг ишини секторда қайта кўриб чиқишга олиб, вақтинча сейфига солиб қўйди. Ҳеч ким ундан ҳужжатларни қайта сўрамади. Ўздан-ўзи бу иш йўқ бўлиб кетди. Ўшанда йигит икки кун ўтгандан кейин Зайнобиддин Омонов ишдалиқ пайти уйга келди. Хурсандхонга миннатдорчилик билдириб, икки касеталик магнитофон ташлаб кетди. Зайнобиддин Омоновнинг жаҳли чиқди. Хотинидан адресни суриштириб магнитофонни қайтариб беришга аҳд қилди.

— Эсингизни ебсиз, — деди ўшанда Хурсандхон. — Бу одамга битта магнитофон писта лўчогидай гап. Ўзингизни уялтирманг. Билмагандек бўлиб юраверинг. Магнитофонни кейин менга бериб кетди, сизгамас.

Зайнобиддин Омонов бир-икки гижиниб юрса ҳам хотинига қулоқ солди. Тўғри-да, катта бошини кичкина қилиб, магнитофонингизни мана, олиб келдим, дейдими? Индамай олиб қолса ҳам майли, устидан кулади. Эркак одамнинг бунга чидаши қийин. Зайнобиддин Омонов ҳеч кимга уни мазах қилишга йул қўйган эмас, йул қўймайди.

Ана шу партиядан ўчиб кетишига бир қадам қолган, икки касеталик япон магнитофони ташлаб кетган одам унинг ҳозирги хўжайини, «Тақсим» қўшма фирмасининг президенти Валижон Садилович Садилов эди. Аввало у билан танишишига, шу фирмага ишга кириб кетишига хотини сабабчи бўлди. Кунларнинг бирида Хурсандхон ишдан кечроқ қайтди. Кела солиб овқатта уннайдиган одам бу гал эрининг олдига қуруқ нон-чой

қўйди. Даромадининг мазаси кетганлигидан ичида эзилиб юрган Зайнобиддин Омонов индамади. Хотини ўйчан ва нимадан-дир қаттиқ ҳаяжонга тушган эди. У болалар поликлиникасида ишларди. Бош врач, ўзи тенги Қўқондан эрининг кетидан келган жувон билан оралари чатоқ эди. Хурсандхон унинг кўп ишларидан норизо эди, қаттиқ жаҳли чиққан пайтлари: «келгинди!» деб қаргарди. Яна иккови уришган бўлсалар керак, деб ўйлади Зайнобиддин Омонов.

— Тинчликми?

— Эртага эртароқ келинг. Меҳмонга борамиз. Ўзлари олиб кетишади.

Хурсандхон эрига қарамай гапирди. Суви қочган нонни лабларини буриштириб синдирди-да, чойда ивитган бўлиб оғзига солди.

— Ким чақиряпти?

— Валихон Садинович.

Зайнобиддин Омоновга бу исм-шариф танишдек туюлди, лекин кимлигини эслолмади.

— Магнитофон берган одам-чи, мактабдошим, — тушунтирди Хурсандхон. — Ўглини олиб келди. Қулоғига сув кирган экан. Сизни сўради. Салом айтди. Эртага Қибрайдаги боғларига нозик меҳмонларни чақираётган экан. Сиз ҳам ҳўжайин билан албатта борарсиз, деди. Ўзим машина юбориб олдириб кетаман, деди. Борайлик, янги чиққан бойларнинг қандай яшаётганини кўрасиз.

Хурсандхон «курс» этказиб қотган нонни тишлади.

Зайнобиддин Омоновга хотинининг гаплари эмас, ана шу, суви қочган нонни зарда билан тишлаши таъсир қилди, эътирози ичида қолди. Бўлмаса боргиси, хотини айтаётган янги чиққан бойларнинг ҳаётини кўришга мутлако хоҳиши йўқ эди. Албатта илгариги иши булганида унга Валихон Садинович чақирмайди, бормасди. Хотинининг қош-қовоғига қараб утирмасди. Зайнобиддин Омонов ичидан бир зил кетди. Аммо билдирмади.

Эртасига хотини айтганини қилиб, уйга эртароқ қайтди. Хурсандхон кийиниб бўлиб, юз-қузига пардоз бераётган эди.

— Кийинақолинг дарров! — буюрди ойнадан кўз узмай.

Зайнобиддин Омонов беихтиёр эгнига разм солди.

— Янги костюмизни, қора туфлингизни кийинг! — деди хотини.

Зайнобиддин Омонов елкасини қисиб қўйди-да, ўрнидан турди. «Аввал бир пиёла чой берса буларди!» — хаёлидан ўтказди у, аммо гапни чой ўрнида ютиб, хотини айтгандек қилди.

Эшик кўнгиروي чалиниб, улар аста тушишганда, кўчанинг лабиди кумушранг «Волво» турарди. Уларни кўриши билан шофёр машинадан чиқиб, айланиб ўтди-да, орқа эшикни очди.

— Марҳамат!

Хурсандхон машина оҳиста, овозсиз жойидан қўзгалганда, эрига қараб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

Валихон Садиновичнинг Қибрайдаги боғига ярим соатда етиб боришди. Бор кимники — Зайнобиддин Омонов англамади. Катталигидан, турт-беш жойга алоҳида-алоҳида пишиқ гиштдан иморатлар қўндирилганидан унинг назарида битта одамнинг хусусий боғи эмас эди. Тагин ким билади, ҳеч нарсага ҳозир ажабланиб бўлмади.

Гуп этиб димоққа урилган муздек ҳаво, райҳон ҳиди, ҳар ер-ҳар ерда отилиб турган фонтанчалар Зайнобиддин Омоновнинг бироз чеҳрасини очди, узоқдан уларни кўриб, қаршиларига қўлларини ёзиб келаётган таниш одам, партиядан ўчиб кетишига бир баҳя қолган, икки касеталик япон магнитофони ташлаб кетган, хотинининг мактабдоши Валихон Садиновични кўриб, келганига ҳатто хурсанд бўлиб кетди.

Валихон Садинович Хурсандхон билан бош қимирлатиб кўришди-да, эски қадронлардек Зайнобиддин Омоновни кучоғига олди.

— Мана, ниҳоят кўришдик, ҳалоскорим!.. — Унинг озгина кайфи бор эди. Аммо нима ичганини Зайнобиддин Омонов билолмади.

— Хурсандхон! Дўстимизни олиб келганингиз жуда яхши бўлибди. Бир кун албатта учрашишимиз керак эди. Раҳмат.

Валихон Садинович икковини қўлтиқлаб, рўпарадаги икки қаватли уйнинг орқасига олиб ўтди. Меҳмонлар шу томонда, дастурхон шу томонда ёзуглик эди. Зайнобиддин Омонов боғнинг этагида баланд темир учоқ устида худди қудуқнинг галтагидек секин айланиб турган бутун қўйга кўзи тушиб, бирдан қизариб кетди. Арабча пиширилаётган қўйни кўрганданми, ё димоғини каюб ҳиди қитиқлай бошлаганиданми, у билолмади, аммо ўзини нуқулай сезиб, юришини секинлатди. Хурсандхон ҳайрон бўлиб унга қараб қўйди. У аксинча, ўзини жуда эркин ҳис қилабошлаган эди. Ҳатто унинг кулишида, қарашларида Зайнобиддин Омонов ҳеч маҳал кўрмаган, эшитмаган дадиллик, шўхлик пайдо бўлган эди.

Валихон Садинович уларни узун, атрофига стуллар қўйилмаган, турли ноз-неъматларга тўла стол ёнигача олиб борди-да, қўлларини олди, учта-турттадан туп-туп бўлиб турган одамлар ўзлари билан ўзлари овора, уларга қарашмади.

Уй эгаси ҳам уларни ҳеч ким билан таништиради. Зайнобиддин Омонов столдан кўзини узиб хотинига қарагунча, у гойиб бўлган, унинг ўрнида эса катта патнисда турли ичимликлар кўтариб, официант йигит турарди.

— Нима ичасиз? — суради Зайнобиддин Омонов хотинидан.

— Шампан! — Хурсандхоннинг кўзлари уйнаб кетди.

Зайнобиддин Омонов бундай ҳозиржавобликни кутмаган эди, турли рангдаги ичимликларга жовдираб қараб қолди. Шампан виноси солинган фужер ҳадеганда кўринавермади. Официант йигит эса ҳайқалдек қотиб турарди. Шампан бўлмаслиги мумкин эмас. Патнисда ўндан ортиқ фужер, румкалар



турарди. Зайнобиддин Омоновнинг бурни устида тер томчилар пайдо бўлди. Хурсандхоннинг узи ёрдамга келди.

— Қўлингизни остида, патнис четида, — тушунтирди у. Шундагина Зайнобиддин Омонов кўпириб турган фужерни кўрди, олиб хотинига узатди. Хурсандхон бепарволик билан шивирлади.

— Узингизга ҳам бир нарса олсангиз-чи!

Зайнобиддин Омонов уялинқираб жилмайди. Танлаб, бир фужерни қўлига олди.

— Чанқадингизми? — яна шивирлади Хурсандхон.

— Йўқ, — деди Зайнобиддин Омонов ва шундагина фужерга қаради. У шунча ичимлик қолиб, Тошкент суви олган эди. Беихтиёр ёнига ўтирилди. Патнис кўтарган официант аллақачон столнинг нариги бошига кетиб қолган эди. Шу тоб иккинчи бир официант тугмадек-тугмадек тандир сомса кўтариб келди. Хурсандхон тақсимчани эрига узатди.

— Иккита булади.

Зайнобиддин Омонов сувни стол устига қўйиб, хотини айтганини қилди. Ўзига ҳам иккита олди. Оғзига солиши билан эриб кетадиган думбалик сомса эди. Шундан кейин овқат устига овқат улашиб кетди. Иккитадан хамирида кун қуринадиган манти тортилди. Кегидан косанинг тагида нўхатлик палов. Арабча кабоб пишираётган иккита йигит, қизариб жигарранг тус олган қўйни ўчоқ ёнидаги стол устига олиб қўйишди. Меҳмонлардан биттаси тақсимча кўтариб, уларнинг олдига борди. Кабобпаз қўйнинг сонидан бир бўлак кесиб, унинг тақсимчасига солди. Янгича кабобдан тотиб кўрмоқчи бўлганлар битта-битта ўша томонга юришди.

— Юринг, — буюрди Хурсандхон.

Зайнобиддин Омонов иккита тақсимча олиб, хотинининг орқасига ўтди. Унга кабоб утиришмади. Гушт юмшоқ, ёглиқ бўлса ҳам, ўзимизнинг сих кабоб унга маъқулроқ эди. Хурсандхон ҳам емади. Ё узини аяди, ё ёқмади. Зайнобиддин сўрамоқчи бўлганида нотаниш одам унинг тирсагидан ушлади.

— Зерикмаяпсизми, Зайнобиддин ака?

Зайнобиддин Омонов новча, ингичка мўйлов қўйган бу одамни қаердадир кўргандай бўлди-ю, лекин эслолмади. Йигит узини танитди.

— Валихон аканинг муовинлариман. Алишер Нурматов. Алишер деяверинг. Опа, акамларга бир боғни кўрсатиб чиқаман, майлими?

— Бемалол, деди жилмайиб Хурсандхон ва нигоҳида бирдан пайдо бўлган меҳр билан эрига қараб қўйди.

— Хавотир олманг, — деди Алишер Нурматов Зайнобиддин Омоновнинг хотинига қараганини ўзича тушуниб. — Опамлар ёлғиз қолмайдилар.

Зайнобиддин Омонов шу заҳоти хотинининг ёнига бир аёл келаётганини кўрди. Алишер Нурматов уни боғнинг ичкарасига бошлади.

— Валихон акамиз ажойиб одам, ажойиб раҳбар, — у

Зайнобиддин Омоновнинг тирсагидан ушлаганича борарди. — Турган-битганлари ақл десам, хато бўлмайди. Фирмамизнинг асосчиси шу киши бўладилар. Йигирмага яқин мамлакат билан алоқамиз бор. Валихон аканинг ташаббуслари билан фирмамиз ўз ишини мармартош чиқиндисидан бошлаган эди, жумҳуриятимиз ҳужалигининг зарур бир бўлаги бўлиб кетди. Фирма қилмаган иш йўқ. Битта мисол. Валихон аканинг таклифлари билан Полша орқали Францияга ўзимизнинг чўл тошбақасини сотаямиз. Биласизми, битта тошбақа неча пул? Ун доллар! Биз йигиб қўямиз, ўзлари олиб кетишади. Музейлар экспедиция уюштириб, халқдан қўлда тикилган палак, дорпеч, атлас, шуларга ўхшаш нарсаларни арзон-гаровга сотиб олиб кетаркан. Валихон ака шуни билиб қолиб, нархни икки баравар кўтариб юбордилар. Халқнинг узи бизга олиб келиб беради тиккан нарчасини. Чет элга нима қизиқ? Ким тиккани, ким тўқигани қизиқ! Чиройли пулат пластинкаларга муаллифларининг номини ёзиб, Олмонияга олиб бордик. Талаш бўлиб кетди. Туртга палак олиб борган эдик, юзта заказ тушди. Хуллас, кўз тегмасин, «Тақсим» Валихон ака раҳбарлигида гуркираб кетаяпти. Зерикмаяпсизми?

Алишер тўхтаб, Зайнобиддин Омоновнинг кўзларига тикилиб қаради. Зайнобиддин Омоновга у айтаётган гаплар маълумдек туюлса ҳам қизиқиш билан қўлоқ солди. Палак, дорпечларга четда қизиқиш катталигини, Европада тошбақаларимизнинг нархи баланд эканлигини эшитган эди, ammo ҳеч ким бу ишлар билан шугулланмас эди. Шугулланса ҳам шундай қўл учидан шугулланарди. Валихон Садиров фирма ташкил қилиб юборибди. Йўқдан бор қилиш, пулни пулга чақиш деб, шуни айтсалар керак. Шундай фирма ташкил этиш, шундай ишлар билан шугулланишга унинг ҳам ақли етувди-ку, нега шундай қилмади? Шундай қилганида Валихон Садирович эмас, Зайнобиддин Омонов шу боғда, балки ундан ҳам гўзалроқ жойда зиёфат берарди, биттамас иккита бутун қўйни кабоб қилдирарди. Унинг Валихон Садировга, ёнида тиним билмай гапириб келаётган, Валихон Садировнинг соясига ҳам салом беришга тайёр муовини Алишер Нурматовга рашқи келди.

Кимлар ўзи улар? Қаердан пайдо бўлиб қолишди? Нима учун бирдан уларнинг иши юришиб кетди, буларга бойлик қўнди? Зайнобиддин Омонов шундай ўйлар экан, бир нарсани фаҳмлади. Беиш қолиб, бошига оғир кунлар тушганда ҳам оёқлари остидаги тошбақалар, музейларда, хонадонларда куя еб ётган палак, дорпечлар хаёлига келгани йўқ. Хусусий фирма, дўкон очишни матбуот жар солиб ётган бўлса ҳам ўйламади. Валихон Садировларга эса жон кирди, бирдан очилиб кетишди.

Улар бир соатдан зиёд боғни айланишди. Алишер Нурматовнинг турган-битгани гап эди. Бир дақиқа тинмади. Зайнобиддин Омонов ҳар қаёқдан, тўғридаги қўшқаватли уйдан ҳам иккита-иккита — бир аёл, бир эркак бўлиб, чиқиб келаётган ширакайф меҳмонларни кўрди. Яна дастурхон ёзилган узун

стол ёнига яқинлашаётганда одамлар ичидан хотинини қидирди, аммо кўринмади. Тўтридаги уйда бирин-кетин чироқлар учиб, ҳозиргина ёришиб турган гулпардалик деразалар қорая бошлади. Зайнобиддин Омонов бирдан жойида тўхтаб қолди. Иккинчи қаватдаги ёрут дераза олдида хотинининг боши пайдо бўлди. Қалин ва қора сочлари орқасига тутун қилиб боғланганидан, бўйнидаги бир қатор тилла занжир ярақлаб кетганидан таниди. Хурсандхон уни кўргандек ва негадир ўзини четга олгандек бўлди. Зайнобиддин Омонов бўшашиб кетди.

— Нима бўлди? — сўради Алишер Нурматов яна диққат билан унга кўз тикиб.

— Йўқ, ҳеч нарса.

— Юринг, ўзимизни сих кабобдан еймиз энди.

Алишер Нурматов уни дастурхон тўрига бошлади. Ичимликлар тортилиб, битта-битта кабобдан еб бўлишганда уй эгаси Валихон Садилов пайдо бўлди. У қўлидаги виски солинган музлик стаканни сезилар-сезилмас кўтариб, ҳамма билан ҳўшлашиб чиқди ва Зайнобиддин Омонов ёнига келди.

— Камчилик йўқми?

— Раҳмат. Ҳаммаси жойида. — Зайнобиддин Омонов беихтиёр қўлига фужер олди, оғзига олиб бориб ҳўшлади. Оқ вино эди ичаётгани. Ичимликларга у бефарқ бўлганидан, винолигини ҳам сезмади. — Уйингизда булганидан хурсандман.

Валихон Садилов бошини эгди.

— Бу уй ҳали қаровсиз. Янги олганман. Бугунги йиғилишимизни ҳовли тўйи десак бўлади. Фақат яқин одамларнигина айтдим.

— Раҳмат, — деди Зайнобиддин Омонов миннатдор оҳангда. Уй эгасининг уни ўз яқинларига қўшганидан хурсанд бўлиб кетган эди.

Валихон Садилов чўнтагидан визит қўғозини чиқариб узатди.

— Ишингизни ўзгартиринг. Бирга ишлаймиз. Кутаман.

Валихон Садилов стаканни оҳиста кўтариб уриштирган бўлди, жавоб кутмай, ҳатто унга қарамай бошқа меҳмонлар томон йўл олди.

Зайнобиддин Омонов хотини ёнида қаёқдан пайдо бўлиб қолганини сезмади. Хурсандхон бутун оғирлигини унга ташлаб суянди ва ўзининг жуда нозик, ҳаяжонли дақиқаларда қиладиган қарашидан қилиб унга қаради:

— Қаёққа кетиб қолдингиз, Зайнобиддин ака? Хотинингиз борлигини унутиб юбордингиз-ку?!

Унинг ноз билан айтган гапларидан Зайнобиддин Омоновнинг дили ёришди, қўлини иссиқ белига юбориб, ўзига тортди.

— Валихон Садилов бирга ишлашни таклиф қиляптилар, — деди бошқалар эшитмайдиган қилиб ва хотинининг қўлига шампан солинган фужер тутди.

— Нима дедингиз? — бепарво сўради хотини.

— Ўйлаб куриш керак.

Ўзини тарозига солгандек салмоқ билан гапирди Зайнобиддин Омонов.

Эрининг феълени яхши билган Хурсандхон чўрт кесди-қўйди:

— Уйлашга бало борми? Кўчага киядиган битта шу кўйлагим қолган холос. Эртага ялангоч чиқаманми?!

У гап тамом дегандек шампандан бир ҳўплади-да, фужерни стол четига қўйди. Шу тоб Зайнобиддин Омонов унинг инги-ка, узун бўйинининг икки жойида узунчоқ-узунчоқ қизил доғ кўрди. Бундай доғ нимадан кейин қолишини у яхши биларди. Боя дераза ортида уни кўрган пайтидагидек оёқларигача бўшашиб кетди. Бу нима, қаерда эдинг, деб сўрашга эса ботинмади. Хотини кўпчиликни ичида уни изза қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо дилига шубҳа тушди. Яна боя олиб келган «Волво» олиб бориб қўйди. Шу шубҳа билан уйга қайтди. Фақат ўриндагина шубҳаси тарқади. Хотинининг ўзи тарқатди. Ёнига келди, эркаланди, яхши кўришини, бошқа одам унга керакмаслигини таъкидлади. Хотинини у яхши кўрар эди. Шубҳасини ҳайдади, доғларини чивин чаққанига йўйиб, ўзи ҳам эркаланиб кетди...

Валихон Садилов «Билим» жамиятидагидан уч бараваړ юқори маош тайинлади, ўша заҳотиёқ кассир аёл уни табрик-лаб, конверт узатди. Ҳали иш бошламай аванс олди.

Кечқурун эр-хотин анча вақт гаплашиб утиришди. Зайнобиддин Омоновнинг ҳозирги топиши бир ойнинг беташвиш емоқ-ичмоги у ёқда турсин, кийим-кечагига ҳам бемалол етарди. Хурсандхон нималар олишни, албатта, аввало эрига узоқ гапирди. Зайнобиддин Омонов йўқ, аввал сизга, деса ҳам қўлоқ солмади.

— Сиз энди ҳеч нарсага зорлиги бўлмаган ишбилармонлар орасида бўласиз, ярақлайдиган, гичирлайдиган эмас, кўзга ташланмайдиган, ачмо-лекин қимматбаҳо, асл нарсалар кийишингиз керак. Чарм куртка, бўлса жигарранг, бўлмаса қора, кейин юмшоқ, ипсиз туфли, сидирга оқ кўйлак, почаси билинар-билинмас торайган кулранг қора шим. Яхши камар. Яхши камарда гап кўп...

Хотинига қўлоқ солиб утириб, Зайнобиддин Омонов тўқчилик одамни ўзгартиришига, меҳр-оқибатли қилишига яна бир бор ишонди ва янги ишга ўтганга суюнди.

Фирмада унинг қиладиган иши асосан филиаллардан хабар олиб туриш эди. Қайси филиалга бориб келишни Валихон Садилов, кўпроқ бевосита бошлиғи Алишер Нурматов айтишарди. Сафарга жўнаш чоршанба ё пайшанбага тўғри келарди. Чунки душанбада ишлар режалаб олинарди, ким қаёққа қандай тошшириқ билан бориши белгиланарди. Зайнобиддин Омонов шу тартибга кўникиб кетди. Сафардан қайтиб, душанба куни шошмасдан ҳисобот тайёрлайди. Кўчиргириб раҳбарларга топширади. Сешанба куни раҳбарлар кўриб чиқишади. Асосан маъқуллашади. Чоршанбада қаёққа кетиши маълум бўлади. Ё ўша куни жўнайди, ё эртаси эрталаб. Хотини ҳам шунга

куникиб қолган. Лекин барибир хотин-хотин-да. Ёлғиз қолгиси келмайди. Бирпас гиншийди, мени ҳам олиб кетинг, деб хархаша қилади. Зайнобиддин Омонов ичида севинади. Аммо билдирмайди, узича урушган бўлади, исм-шарифи муҳрланган жигарранг дипломатига керакли нарсаларни солиб, уйдан чиқади. Кузатгани қўймайди.

Сафарда филиалларнинг ходимлари уни деярлик уринтиришмайди. Аввало унинг келишини билиб тайёргарлик кўриб қўйишади. Қилган ишлари, навбатдаги режаларни битта папка қилиб, келиши билан қўлига тутқазишади. Зайнобиддин Омонов шошмасдан танишади. Кейин филиал бошлиғи ё унинг ўринбосари билан жойларга боради. Ҳужжатлар билан амалдаги ишларни солиштиради. Жойларга бориш, суҳбат, овқатланишлар билан кунлар тез ўтиб кетади. Қайтадиган вақт ҳам келиб қолади. Қаерга бормасин, Зайнобиддин Омоновнинг қиладиган битта иши бор. Хотинига бирон нарса олиш кераклигини у одамларга айтади. Аммо ўзи бориб, ўз пулига олади. Фирмага утганидан бери пул масаласида у қийналмайдиган бўлиб кетди. Сафар пули шундай ишлатилмай қолади. Бундан ташқари унга худди бошлиқларга қилингандек яхшигина чўнтак пули ҳам беришади. Қайтганида эса мукофот олади. Шунча вақтдан бери у бир ой ҳам мукофотсиз қолгани йўқ. Мукофот билан маошини хотинига беради. Сафар ва чўнтак пуллардан баъзан ўзига бир нарса олади. Кўпинча эса одамлар олдиришмайди. Уят, деб ўзлари истаган нарчасини олиб беришади. Аммо Хурсандхонга у ўзи олади. Филиаллардагилар унинг бу одатини билишади. Бу нарса хотинимга дейиши билан ўзларини четта олишади.

Зайнобиддин Омонов қайтишдан олдин бевосита бошлиғи Алишер Нурматовга телефон қилади, қайтаётганини айтади. Алишер Нурматов ўта маданиятли одам. Қайтишга рухсат бергандан кейин ўзи Хурсандхонга телефон қилиб, Зайнобиддин Омоновнинг қайтаётганини, хавотир олмаслигини айтиб қўяди. Хурсандхон эрини хурсандлик билан кутиб олади. Сафардан оч қайтмаслигини билса ҳам ошнинг сабзи-пиёзини бостириб кутиб олади. У яхши кўрадиган иссиқ патир нон олиб келиб қўяди. Хурсандхон ўша куни кечаси ҳам ундан ўз меҳрини аямайди.

Зайнобиддин Омоновга янги ишининг қанчалик даромади бўлмасин, битта ўтиришмайдиган жойи бор, у ҳам бўлса рақамлар, ҳисоб-китоб. Яхши ҳамки, сафарларда ҳужжатларни — молнинг ҳажми, нархи, фойдаси, харажатлари, қўйинги, нима топшириқ билан кетаётган бўлса, шу топшириққа ҳамма жавобни филиаллардаги одамларнинг ўзлари тайёрлаб қўйишади. Аммо қайтгандан кейин сафар, йўл харажатлари ҳужжатларини ўзи бухгалтерияга топшириши керак. Зайнобиддин Омоновнинг шунга тоқати йўқ эди. Аммо бунинг ҳам йўли топилди. Шаҳардалиқ пайтида яъни душанба, сешанба кунлари фирмада у иккита жувон билан бир хонада утирарди. Биттаси Райҳон, иккинчиси Гулбаҳор. Фирма АҚШга кўчиб кет-

ган бадавлат яҳудий докторнинг уйига жойлашган эди. Катта ҳовли, икки қаватли уй. Иккинчи қаватда Валихон Садиорович ўз ёрдамчиси ва бош бухгалтер билан утиришарди. Деярли ҳеч ким у ёққа кўтарилмасди. Зайнобиддин Омонов ҳам атиги бир марта ишга кириш учун келганида кўтарилган эди, холос. Ҳамма булимлар биринчи қаватда эди. Чақириладиган мажлислар, меҳмондорчиликлар биринчи қаватда, катта залда утар эди. Зайнобиддин Омоновга Алишер Нурматовнинг ёнидаги деразаси кўчага қараган хонадан жой ажратиб беришди. Илгари қизларнинг ўзлари утиришар экан. Энди ораларига у кирди. Аввал бирмунча сиқилиб ўтиришди. Пардоз-андозга бошқа хоналарга чиқишди, ҳатто чойни ҳам тортиниб ичишди. Аммо Зайнобиддин Омоновнинг камтар, тортинчоқлигини куриб, ундан аста-секин уялмайдиган бўлиб кетишди. Олдида чой ичишади, бемалол сужкаларига ойналарини тираб қош-қўзларини, лабларини бўяшади. Ҳатто аччиқ-чучук латифалар айтишади.

Биринчи гал «Гуличка» унинг аван ҳисобини куриб берди. Кўра туриб қошлари чимирииб кетди:

— Нега йўл харажатларини, меҳмонхона, суточнийларни ёзмайсиз?

— Ишлатмадим-да, ўзлари туланди. — Ростини айтди Зайнобиддин Омонов. — Фақат боришга билет олдим, холос.

— Вой, содда одам! Берган пулни қайтарасизми?! Бунақада ҳаммамизни қайтариб берадиган қилиб қўясиз-ку? Ким сиздан шуни талаб қияпти? Ошиб-тошиб кетганмисиз?

Зайнобиддин Омонов қизариб кетди.

— Ҳаммасини ёзмаиз. Иккинчи бунақа қилманг!

Гулбаҳор бирпасда машинкада чиқиллатиб ташлади. У тайёрлаган ҳисобот буйича сафарга берилган пулларнинг ҳаммаси ишлатилган, ҳатто меҳмонхонага жиндай етмай ҳам қолган эди.

Зайнобиддин Омонов қаршилиқ билдирмади. Илгариги иши бўлганда, шаддоод аёлни уришиб берарди. Инсофли-диёнатли бўлишга, давлатни аддамасликка чақирарди, лекин фирма давлат эмас, бу қизлар ҳам илгариги у билан ишлаган одамлар эмас эди. Бунинг устига у кўпчиликка қарши чиқиб бўлмаслигини яхши биларди. Қайси бир йили пок, бир сўзли, халқ, давлат, партия ишига садоқатли бир директор коллективнинг талаби билан райком бюросида ишдан олиб ташланган эди. Унинг ноҳақ ишдан олинаётганини ҳамма бюро аъзолари билишарди. У заводдан керакли, қимматбаҳо нарсаларни липаларига кистириб олиб кетаётган одамлардан туртта-бештасини тутиб олиб, судга берган эди. Коллектив унинг устидан хат ёзиб, қобилиятсизликда, кўполик, шафқатсизликда айблади. Бюро кўнчиликка қарши чиқолмади. Шу воқеа Зайнобиддин Омоновнинг эсида эди. «Гуличка» айтгандек қилмаса, кўпчиликни ўзига қарши қаратиб қўярди. Қайтарилмаган сафар пулларига олинган овқатлари бир неча кун томогидан ўтмай, кийган кийимлари баданини кўйдиргандек бўлиб юрди. Лекин одам нималарга кўниқмайди? Зайнобиддин Омонов ҳам кўниқиб кетди.

Хуллас, у ўз турмушидан ризо, хотини Хурсандхон ундан хурсанд эди. Лекин оянинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронгу, деган гап бор. Зайнобиддин Омоновнинг бошига ҳам ҳеч қўтилмаганда таъвиш тушди. Сешанбаларнинг бирида, ўшанда Андижонданми, Қўқонданми қайтган эди, адашмаса, Қўқондан қайтган эди, Алишер Нурматовнинг ҳузуридан кунгли тўлиб чиқаётди, хонасига кирмоқчи бўлганда бирдан тўхтаб қолди. Ичкарида Райхон билан Гулбаҳор унинг гийбатини қилишаётган эди. Эшикни очиши билан қўлогига уларнинг гаплари чалиниб қолди.

— Зайноб қўшмачига яна мукофотни ошириб ёзишибди! — Бу Райхоннинг овози эди. — Маники утган ойданам камайиб кетибди.

— Шунинг ҳам тушунмайсанми? — деди Гулбаҳор. — Хурсандхон борган сари очилиб кетяптилар. Эгниларида ҳозир фақат французча кийим. Бу ўзи бўладими?

— Эр бўлмай ўл! — Райхон нимадир деб ўртоғининг қўлогига шивирлади. Зайнобиддин Омонов эшитмади, иккалови кулишди, кейин овоз чиқариб қарғади. Билмай улсин! Билади! Узи қўшиб қўйган! Шундай яшагандан кўра, мен ўзимни осардим!

Зайнобиддин Омонов муз бўлиб кетди. Кейин қўлоқларига гача қизариб ёна бошлади пешонаси, бурнини тер қолади. Ичкарига кириш-кирмаслигини билмай жойида анча туриб қолди. Аёллар бошқа гапга кўчишди. У бўлса орқага қайтишни, ҳозир улар билан учрашмасликни лозим топиб, ҳовлига тушди. Ҳовлининг этагига, баланд урикнинг остига дам оладиган жой қилиб қўйилган эди. Шу ерга бориб утирди. «Наҳотки, наҳотки, уларнинг гапи рост бўлса?» Зайнобиддин Омонов уйланиб кетди. Янги ишга утганидан бери хотини анчагина ўзига оро берадиган бўлганини эслади. Баъзан кеч қайтади ишдан. Буш қолди дегунча воситачи магазинларга югуради. Лекин буларнинг ҳаммаси тўқлик аломати. Унинг эгри юришига келганда, Зайнобиддин Омонов буни пайқамасан. Қизлар хотинини кимга тақашди? Буни улар оғизларига олишмади. Демак, иккалови ҳам билади. Унинг хаёлига Валихон Садирович келди. Қибрайдаги бог уйга меҳмон бўлиб боришганини эслади. Ушанда Алишер Нурматов уни бог ичига етаклаб, узоқ айлангирди, тинмай гапирди. Аслида у бунчалик сергап одам эмас экан. Ушанда уни чалгитган бўлса-чи? Богдан қайтганда хотини бироз кайф билан пайдо бўлди. Кўзлари ялт-ялт ёнди. Бўйнидаги ингичка қизил доғчи? Чивин бундай чақмаслигини, нимадан сўнг бундай из қолишини Зайнобиддин Омонов албатта биларди. Аммо билиб ўзини билмаганга солди. Ҳозир шуни эслаб, у яна қизариб кетди. Наҳотки, Валихон Садиров билан хотини... алоқада бўлса?.. Шунча вақтдан бери уни алдаб келаётган бўлса? Нима деди? «Эгнида ҳозир фақат французча кийим». Дарҳақиқат, бу ўзи бўладими?

Зайнобиддин Омонов ўша куни уйига эртароқ қайтди. Хотини ҳали келмаган эди. Кейин шкафларини очиб, хотинининг кийимларини титкилай бошлади. Таниш, ёқимли ҳид, хотини-

нинг ҳиди димоғига урилди. «Тўхмат, бу тўхмат», — деб юборгиси келди шунда у ва қилаётган ишдан уялиб кетди. У ҳеч маҳал хотинининг ишларига аралашмаган, нарсаларига тегмаган, ҳозиргидек титкиламаган эди. Битта кофтани ола туриб қайта жойига илиб ҳам қўйди. Аммо ўзини тўхтаб олмади. Беихтиёр иккинчи бир нарсага қўлини узатди. Бу гулли қора кўйлак эди. Зайнобиддин Омонов зарҳал ёқасини илгидан қўйариб қаради. Қора, ингичка шоҳи парчага чиройли олтин ҳарфлар билан «Cristian Dior» деб ёзиб қўйилган эди. Шошиб яна бир кўйлакни олди. Унда ҳам шундай ёзув бор эди. Шкафдаги кийимларнинг ярми «Cristian Dior» фирмасига таалуқли эди. Атр-упа устидаги хилма-хил шишалар ҳам шу фирманинг шишалари эди. Демак, аёлларнинг гапи тўхмат эмас, рост...

Зайнобиддин Омонов хотинига ҳеч нарса демади. Нима ҳам дерди? Қандай исбот бор унинг қўлида? Фақат гап «Cristian Dior» масаласига келганда, ҳозир бунга ажабланидиган жойи йўқ. Воситачи дўконларда мол тикилиб ётибди. Пул бўлса бўлди. Узининг топгани, у бераётгани бу нарсаларнинг ҳаммасига етади. Хурсандхон албатта шундай дейди.

Балки урушади, тўполон солиб юборади. Шубҳаларга чек қўядиган, агар рост бўлса, аниқлайдиган бошқа йўл топиш керак. Қандай йўл? Зайнобиддин Омонов кечаси уйқуси қочиб кетиб ўйлади. Аммо бирон фикр хаёлига келмади. Эрталаб ишга борганида, яна сафар устидан чиқди. Севиниб кетди. Уч-тўрт кун хотинини кўрмайди, кўзларига боқмайди, илгари эшитиб туймайдиган, энди эса бирдан тоқ ургандек бўлиб кетадиган чийилдоқ овозини эшитмайди. Наҳотки илгари овози ингичкалигини у пайқамасан? Зайнобиддин Омонов ҳайрон бўлди, шу сабаб хотинининг феълидан, гаплари, одатларидан камчиликлар қидира бошлади. Аммо қидиргани сари унга меҳри орта борди. Топган камчиликлари ижобий фазилатларига айланиб кета бошлади. Ингичка овози яна илгарига ҳолига қайтиб ҳолвайтардек майин, ширин туюлиб кетди. Уйга ошиқди. Сафардан қайтиб келиб хотинига бошқача, синовчан кўз билан қаради. Аммо ҳеч қандай ўзгариш сезмади.

Хурсандхон аввалгидек қувноқ, меҳрибон, эрини соғинган суюкли хотин эди. Тўрт кунни сафарда қандай ўтказганини билмаган Зайнобиддин Омонов анча ўзига келди. Хотинлар ўзи кимнинг гийбатини қилишмайди? Хурсандхон, унинг хотини келинган, оқи-оқ қизили-қизил жувон, билиб кийинади, билиб гаплашади. Гуличкаларнинг унга ҳаваслари келган бўлиши керак. Қаердадир кўришгандир? Эшитишгандир? Ушанда Қибрайдаги меҳмондорчиликда, Зайнобиддин Омонов ҳамма аёллар ичида ёш, чиройлиси, энг ёқимлиси хотини эканини кўрган, қайтадан унга муҳаббат изҳор қилгиси келиб кетган эди. Анчагача гаплашиб ўтириб, ҳеч нарса сезмади. Зайнобиддин Омонов ярим кечада барибир юраги дукураб уриб, уйғониб кетди. Унинг тинчилиги, ҳузур-ҳаловати йўқолган эди. Пастга тушди, баланд-баланд қайрағочлар соқчилардек уйғоқ турган ҳовлини айланди, кўчага чиқди. Ундан бошқа ҳеч ким

ҳовлида ҳам, кўчада ҳам кўринмади. Ҳамма уйқуда эди. Фақат уйга қайтаётганда чироқларини дам у, дам бу томонга ташлаб битта «Жигули» ўтиб кетди. «Маст», хулоса қилди Зайнобиддин Омонов ва ўзининг ҳам маст бўлгиси, оғир ўйларини унутгиси келиб кетди.

Эрталаб Хурсандхон олдига шакар сепилган ширгуруч олиб келиб қўйди, бошидан ўпганда, дили яна равшан тортиб кетди. Тунги азоблари ҳаёлидан кўтарилди.

Ишхонасига яқин қолганда фирма дарвозаси олдига таниш «Вольво» келиб тўхтаганини, Валихон Садиорович ундан тушганини кўриб қадамни секинлатди. Аммо Валихон Садиорович уни кутиб турди. Қуюқ сўрашиб айвондаги жимжимадор ёғоч зинадан ўз кабинетига кўтарилди. Зайнобиддин Омонов унда ҳам гайритабиий ҳеч нарса сезмади. Ўша-ўша илгариги назар, илгариги самимий муносабат. Аёлларнинг гийбатига парво қилиш керак эмас, гапиришди-қўйишди-да. Алам-алам уларда, Хурсандхоннинг кийимларидан йўқлиги алам! Бошқа ҳеч нарса эмас.

Бундан ташқари у ишбилармон одамлар бундай қилмасликларига ич-ичидан ишонгиси келарди. Ишбилармон тўғри, тоза қўл билан ишлайди. Ўғрилиқ, хиёнат, алдамчилик билан эмас, ақл-идрок билан пул топади, давлат орттиради, ўз номига доғ туширмайди. Шунинг учун ҳукумат уларга ҳамма йўллари очиб қўяпти. Ишла, инсоф билан, ақл билан ишла, топ, топганинг узинга ҳам, халққа ҳам буюрсин, дастурхонини мўл, уйини обод қилсин, деяпти. Валихон Садиорович наҳотки неча асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келган ишбилармонлик қоидаларини билмаса?! Билади, билмаса, фирманинг ишлари бунчалик юришиб кетмасди. Алдамчи, қаллоблар билан ким муносабат қилгиси, иш юритгиси келади? Кейин, ишбилармон бошлиқ ҳеч маҳал ўз ходимини алдамайди, ҳаққига хиёнат қилмайди. Битта ходимини алдаган бошлиқ, ҳаммани алдайди. Унда ким у билан ишлайди?

Зайнобиддин Омонов ўзига таскин берадиган яна кўп нарсаларни топти, хонасидаги жувонларга ҳеч нарса билдирмади.

Лекин на чора? Ўзи сезмаган ҳолда паришонхотир бўлиб қолди, уйқусини йўқотди. Тунларни бедор ўтказиш, хотинига билдирмай пастга тушиб, ҳовлини, кўчани айланиш одатга айланди.

Бир куни уйнинг шундай тагидаги қарияларнинг домино столи ёнида ўтирганда, бир-бирлари билан шошмасдан гаплашаётган иккита аёлнинг овози шундай қулоғи тагида янграса?! Овозлар танишдек туюлди. Беихтиёр қулоқ солди. Аёллар уни гапиришаётган эди.

— Бунақада жинни бўлиб қолади, ана, ўтиришини қара. Рангибоши худди ўлқининг ўзи, — деди битта аёл.

Овоз тепадан келди. Зайнобиддин Омонов бошини кўтарди. Биронта деразада чирог ёниб турганини кўрмади. Овознинг тепадан, шундай боши устидан, биринчи ёки иккинчи қаватдан келаётгани аниқ эди.

— Жинни бўлмай кетсин. Айб узиди, — деди иккинчи аёл. — Ҳаммани ўзига ўхшаган тўғри, содда, деб билмаслиги керак. Шунақа енгил хотининг булгандан кейин орқа-ўнгинга қараб юришинг керак. Биров бола-чақа қилгиси келади, бировнинг ишлагиси. Бу кишига юриш бўлса, кийиниш бўлса. Эр шўринг қургур, ҳар гал сафарга жунаши билан уйнинг чироғи ўчиб, эшигига қулф тушишини билмайди!

— Ҳозир ҳам ҳеч нарсанинг тагига етолмай ўтирибди. Қара, қорадори еган одамга ўхшайди, ланж.

— Тагига етиш жуда осон, — биринчи гап бошлаган аёл, афтидан, савол кутиб гапидан тўхтади.

— Қандай қилиб? — сўради иккинчи аёл.

— Бир гал сафарга кетдим, деб кетади-ю, кечқурун қайтиб келади. Панада туриб кутади. Қоронгу тушиши билан таниш машина келади. Хотини унга ўтириб жунаганини кўради.

— Бу унга етарли эмас. Хотинининг хиёнатини ўз кўзи билан кўриши керак.

— Иккаламиз унинг кўзини астойдил очмоқчи бўлсак, йулини топсак бўлади. Розимисан?

— Розиман, — деди иккинчи аёл.

Зайнобиддин Омонов шунда уни таниди. Гулбаҳор эди. Биринчи аёл эса Райҳон, шубҳасиз, Райҳон. Булар қандай қилиб келиб қолишди бу ерга? Қаердан гапиришяпти?

Зайнобиддин Омонов атрофига қаради. Ҳаммаёқ ҳамон қоронгулик огушида. Биронта одам кўринмасди.

— Рози бўлсанг, бунадай қиламиз. Олдига бир сиқим юнгимиздан ташлаб кетамиз. Истаган пайти бир қисмини икки қўли орасига олиб ишқаласа, бизга ўхшаган мушук бўлиб қолади. Ана, шундан кейин машинанинг бир четида хотини борган жойга боради, ҳаммасини ўз кўзи билан кўради. Иккинчи қисмини асл ҳолига қайтмоқчи бўлганда ишлатади. Ерга ёйиб уч марта устида думалайди.

Зайнобиддин Омонов шу гапни эшитиши билан бошини кўтарди. Олдидаги қандайдир шифер томда иккита оламушук унга қараб ўтирарди. Биттаси ҳатто унга кўзини қисиб ҳам қўйди...

Аллақаерда хўроз қичқирди. Катта бир ит тинмай вовуллай кетди. Зайнобиддин Омонов тонг ёриша бошлаганини сезмай қолди. Беихтиёр олдидаги стол устига қаради. Бир сиқим қорамтир майин мушук юнги шундай олдида оқ қоғоз устида турарди. Ҳовучига олдида ҳозиргина мушуклар ўтирган томга қаради. Аммо улар йўқ эди.

Зайнобиддин Омонов мушуклар айтганидек қилди. Навбатдаги сафарни хурсандчилик билан қабул қилиб, йўл тарадудини кўра бошлади. Аввало идорадагиларнинг ҳаммаси билан негадир хайрлашиб чиқди. Албатта Валихон Садиоровичнинг олдига кирмади. Алишер Нурматовга учради. Топшириқларни ҳижжалаб суриштирди. Хонасига қайтиб:

— Мана, айтганларингдек қиламан бугун. Аммо гапларинг ёлгон чиқса, кўрасизлар! — демоқчи эди, ўзини тутиб қолди.

Иккала жувон худди ҳеч нарса бўлмагандек, ҳеч нарса билмагандек бошларини қогоздан кўтармай утиришарди.

— Хўп, хайр, — деди Зайнобиддин Омонов дипломатини ёпиб, ўрнидан турар экан.

— Яхши бориб келинг, — деди Гулбаҳор.

— Яхши дам олиб келинг, — деди Райҳон.

Зайнобиддин Омонов жилмайди...

Худди мушуклар айтгандек, қоронги тушиши билан таниш «Волво» уларнинг уйлари олдига келиб тўхтади. Шофёр унг томондаги иккала эшикни очиб қўйиб, ойналарни арта бошлади. «Зайнобиддин Омонов» лип этиб, машинага чиққанда, орқа ўриндиқ билан шофер суюнчиги орасидаги бўш жойга жойлашиб олди. Хурсандхон уни кўрмади.

«Зайнобиддин Омонов» хотинининг шунча йилдан бери кадрдон, азиз бўлиб қолган ҳидидан маст бўлиб борар экан, машинани тухтаттиси, қалтис, ифлос йўлдан қайтаргиси келди, аммо ўз қиёфасида эмаслиги эсига тушиб, ниятидан қайтди.

Машина фирма дарвозаси олдида тўхтади. Хурсандхон туриб, ичкарига кирди-да, дадил қадам ташлаб айвондаги бурама зинадан иккинчи қаватга кўтарилди. «Зайнобиддин Омонов» Валихон Садинович кабинетига киради, деб уйлаган эди. У ёққа кирмади. Рўпарадаги эшикни сумкасида калит олиб очди. Бу тор йўлак эди, Хурсандхон чап томондаги эшикни итариб ичкарига кирди. Унинг кетидан «Зайнобиддин Омонов» ҳам кирди. Ўртада думалоқ стол. Деворларга суяб юмшоқ кресло-диванлар қўйилган. Ҳаммаси бир рангда, сарғиш духоба билан қопланган.

Хурсандхон меҳмонхонанинг этагидаги эшикни очиб, орқасига ўтди. «Зайнобиддин Омонов» югуриб бориб қаради ва уялиб кетди. Хурсандхон ечиниб, узун шоҳи халат кийиб олди. Бу халатда ҳеч маҳал уйда юрмаган эди. Демак, фақат шу ерда кияди. Битта одам учун кияди...

Хурсандхон меҳмонхонага қайтиб, бирпасда столни ясатиб ташлади. Нима қаерда турганини у яхши биларди. Сумкалар, қогоз пакетлардан столнинг устига иссиқ тандир нони, папир, сомса, ҳўл мева, товўқ олиб қўйди. Сервантдан тақсимчалар, пичок, вилкалар олди. Катта муз қутини очиб, нима борлигини текширди. Бир шиша Тошкент сувини олиб очди-да, шошмасдан, хўплаб-хўплаб ичди.

Шу пайт тўрдаги эшик очилди. Валихон Садинович кириб келди. Хурсандхон югуриб бориб, уни кўчоқлади.

Сервант устига чиқиб олган «Зайнобиддин Омонов» чидолмади. Шундай Валихон Садировичнинг бошига ўзини ташлади, сочларини юлиб, юзларини тимдалай бошлади. Хурсандхон дод солиб, қочиб кетди. Валихон Садирович «Пишт! Пишт!» деб кўлларини силкитди, бошини, елкалари ичига олиб инграй бошлади. Зайнобиддин Омонов унинг кўзларига чанг солмоқчи бўлиб орқага тисарилди. Аммо қонга беланган башарасини куриб, жирканиб кетди. Стол устига сакраб ўтди-да, шу ердан деразага отилди. Ойна чил-чил бўлиб синди. Кўп ўтмай у ўзи-

ни кўчанинг ўртасида кўрди. Қулогига хотинининг чинқирган овози эшитилди. Аммо унга таъсир қилмади. На ачинди, на газабланди.

Уйга деразанинг очиқ кўзидан тушиб, кроватга чўзилди. У тинч, хотиржам эди. Шифтга қараб анчагина ётди. Ўз қиёфасига ўтиб олиши эсига келиб, ўрнидан турди. Оламушуклар юнгининг қолган қисмини оқ қогозга ураб, кўк шимининг чўнтагига солиб қўйган эди. Шими стул суюнчигига осиглиқ эди. Иккала чўнтакни қаради, ҳатто ағдариб кўрди, юнг йўқ эди. Шкафни очиб, ҳамма шимларини титкилаб чиқди, топилмади. Юраги орқасига тортиб кетди. Энди нима қилади? Шундай уйлаб туриб, бирдан кулиб юборди. У янги бир қарорга келган эди. Деразанинг очиқ кўзига сакраб чиқди-да, ундан тарновга ўтди. Тарновдан беш қаватли уйларнинг томига кўтарилди. Оламушуклар шу ерда, ёки нариги уйларнинг томларида юрган бўлишса керак. Уч-тўрт ундан ўтганда катта майдоннинг олдида чиқиб қолди. Майдоннинг нариги томонида яна шундай, кўп қаватли уйлар бошланарди. Уйларнинг жуда кўп деразаларида чироқлар ёқилган эди. Одамлар ё ҳали ётишмаган, ё тонг ота бошлаганми, у англолмади. Тарновдан деразалар тоқчаларига, тоқчалардан теракларга сакраб ўтиб пастга тушди ва олдинда ёниб турган чироқлар томон югуриб кетди...

Хурсандхон эри бедарак кетганидан кейин ярим йил ўтгач, жаноза очдирди. Барча қариндош-уруғларни чақирди. «Тақсим» фирмасининг ходимлари ҳам келишди. Уч хонали уй ҳали қиш тугамаган бўлса ҳам бирпасда исиб кетди. Ош тортилаётган маҳали, Валихон Садировичнинг таклифи билан унинг деразалари очилди. Ош келиб, Валихон Садирович қўлига қошиқ олай деганида, очиқ деразаларнинг бирида катта оламушук пайдо бўлиб, унинг устига сакради. Бошига ўтириб олиб, юзлари, қулоқларини тимдалай бошлади. Одамлар ўзларига келиб, уни ҳайдаш лозимлигини англаунларича очиқ деразага яна сакраб ўтиб, гойиб бўлди.

Бу воқеа тез орада шаҳарга тарқалди. Биров Валихон Садировични шундан кейин жинни бўлиб қолибди деса, биров уни қамалдига чиқарди. Аммо бир нарса аниқ эди: Валихон Садирович ишдан кетган, фирмага янги одамлар келган эди.

Хурсандхон уйдан чиқмайдиган бўлиб қолди. Ишдан келиб у-бу еган бўлади, дераза олдида ўтириб, кўчага тикилади, ё ҳовлига тушиб, эри айланган жойларни айланади, домино столи ёнида юзига кафтларини тираб, узоқ-узоқ хаёл суриб ўтиради. Баҳайбат оламушук эса уни томнинг устидан кузатади, баъзан орқасида юради. Аммо ўзини курсатмайди. Хурсандхон дераза олдида пайдо бўлмаган, пастга тушмаган кунлари оламушук чақалоқ йиғлагандек қаттиқ-қаттиқ мийёлаб йиғлайди. Унинг овозини эшитган тунлари Хурсандхон жунжикиб кетади, бутун вужуди, дилини қўрқув босиб мижжа қоқмай чиқади...

## Умрнинг унутилмас лаҳзалари...

*(Ўзбекистон халқ ёзувчиси Улмас Умарбеков ҳаётининг сўнгги фаслига қизғинлар)*

«Ҳар куни кечқурун ботаётган қуёшга қараб, уни тухтатгим келади. «Шошма, қуёш! Яна бироз нуришни сочиб тур, ишларимни тугатиб олай», дегим келади... Шошиб турибман. Кун ботаяпти...»

Улмас УМАРБЕКОВ,  
«Шошма, қуёш!» драмасидан.

Ушбу ёзувларнинг қоғозга тушиши анчайин қийин кечди.

Улар марҳум адиб ҳақидаги ҳил маънос ва ғамгин хотиралар булган учунгина эмас, албатта! Йўқ, бунинг бошқа ҳали ўзим ҳам аниқлаб етмаган қандайдир сабаблари бордек туюлади.

Очилишни айтсам, Улмас Умарбековнинг вафоти мен учун қутилмаган, қаттиқ зарба бўлган эди. Ушандан кейин анчагача ўзимга келолмай юрганам эсимда...

Шаррос ёмғир қуйиб турган ўша кеч қўз қўнларининг бирида, аниқроғи, 1994 йилнинг 10 ноябр кўни қапчалар довираб, ғаниб-каловлашиб қолганимни бугун тасвирлаб беришга ожизман. Фақат, ўша кўни эргалабдан ёга бошлаган ёмғир пенинга бориб жалага айлангани ва айнан ўша, осмон ҳам йиғлаб турган соатларда Улмас аканинг «Минор» қабристонига дафн этилаётгани эсимда... Бошқа кўн нарсаларни эслаётмайман. Чунки, кечагина биз билан жимлайиб «суҳбат»лашиб утирган олийжаноб чеҳра, ўйчан нигоҳ, ёқимли табассумининг энди йўқ эканлигига сира-сира инчонгим келмасди...

Бу ўринда «суҳбат» сузини қўшириққоқ белгисиз ичига олаётганим бежиз эмас. Улмас Умарбековни яқиндан кўрган, билган кишиларга маълумки, у киши оғир ҳасталикка чалинган ва кейинги йилларда гангрозмайидан бўлиб қолган эди. Шу биле, кўпроқ биз — унинг ҳузурига таъриф бўлган кишиларгина гаширар. Улмас ака эса сўнгги йилларда сира қўлидан қўймайдиган кафтдеккина дафтарчасини олиб, бизнинг саволларимизга «жавоб» берар ё бирор нимани «суради». Бунақа пайтларда унинг қийналаётганини биз суҳбатдошлар билардик, ўзимиз ҳам қийналардик. Тўғри-да, бир умр ширин дўтфи билан бошқаларни ўзинга маҳшиг эгиб келган одам, худди етти мучали соғ кишидек рўнаришда утирса-ю, бирон оғиз сўз дедилмаса! Боз устига, имонилорлар билан ўз фикрини баён этишга қўнликмаган одамнинг бу аҳволга тушиб қолганининг ўзи — ҳам кўрқинчли, ҳам тасаввурга етдириб бўлмайдиган манзара эди.

Шунақа қарамай, Улмас ака табиатан ўта вазмин ва босиқ одам булгани учунми, узининг қийналаётганини сездирмасликка уринар, сўзларинингизга диққат билан қўлоқ солар, шу аснода унинг оқ оратаган қўнларининг чмирилшинидан, гоҳ ўйчан нигоҳини номаълум бир нуқ-

тага тиккан қўни хаёлга чумиб қотишидан, гоҳ тилга тишларини йилтиратиб ёқимли кулимсирашларидан, гоҳ тишларини-тишларига босганида юзида шиддатли бир ифода зоҳир бўлишидан, гоҳ қўнларини ёзганча ўз ҳис-ҳаяжонини ифода этмоқчилигидан, у ҳеч қачон ўз суҳбатдошига нисбатан лоқайд ва бепарво эмаслигидан дарак берарди.

Улмас аканинг илк бор овози йўқолиб бораётган қўнларни яхши эслаймак. Ушанда Республика Радиосининг «Адабиёт ва санъат» таҳририятида хизмат қилардим. Қўнлардан бир қўни телефон қўнгироғи жириглаб қолди. Гушакни кутардим. Симнинг у томонида хирқираган, ҳаста товуш эшитилди. Дафъатан танимадим. «Эркин, ман Улмас акайизман», дегандан кейингина овоз Улмас Умарбековники эканлигини билдим. «Ҳа, тинчликми Улмас ака, нима бўлди?» сўрадим ундан. У киши жавобни қисқароқ қилиб қўяқолди. «Ҳа, сал... шунақа, тобим бўхий турибди, — деди ва қўшиб қўйди: — Шу... йўлиз тупса, ўйга бир кириб ўтсайиз... қўлэмани тайёрлаб қўювдим».

Шу билан «суҳбат»имиз тугади. Ушанда мен хом сўт эмган багда Улмас акани шунчаки томоғи шамоллаган бўлса керак, деган хаёлга борган, унинг бедаво дардига чалинган эса етти уҳлаб тушимга ҳам қирмаган эди.

Уша суҳбатимиздан кейин орадан кўн вақт утмади.

1990 йилнинг 20 март кўни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тула вафот этди-ю, у киши билан видолашув маросими «Киночилар уйи»нинг фойесига утказилди. Маросимга ўша вақтда Ўзбекистон Маданият Вазирлиги вазифинида ишлаб турган Улмас Умарбеков раислик қилди. Уша маросимда иштирок этганлар ҳозир ҳам яхши хотирланса керак... Улмас аканинг овози микрофон орқали ҳам зўрға қўлоққа чалинар, унинг хирқироқ товуни узоқ-узоқлардан эшитилаётганга ухшарди.

Бу адибга епинган бедаво дардининг муқаллимаси эди...

Ушандан кейин Улмас ака кўн даволанди. Гоҳ Тонкенда, гоҳ Москвада... Гоҳ тузалиб қолгандек туюлар, гоҳ яна тиббий текшир-текишлар, муолажалар бошланарди. Ана шу касаллик туфайли, ишлаб турган вазоимни — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлигидан ҳам истеъфога чиқишга тўғри келди. Кўпроқ вақти шифохоналарда е ўйда утатилган бўлди.

Ҳаётда сира тиниб-тинчмаган, ҳаминча япани-яратини завқи билан қўйиб-иниб юрган одам кўрпа-гушак қилиб егаолмас экан. Улмас ака ана ўша пайтларда ҳам ениб ишлади. Езди, еди, езди... Сал тузалди, қўлига қалам-дафтарини олар, янгилисам, унинг бу еруг дунедани энг яқин ҳамроҳлари рафиқаси Зўҳра ошаю қизчаси Умида ва ана шу Қалам ва Қоғоз бўлиб қолган эди, ҳолос. Шу сабабдан ҳам, у кўн ёзарди. Ҳали романини қайта қўриб чиқар, ҳали янги пьеса устида иш бошлар, ҳали янги-янги ҳикоялар қораларди.

Билмадим, бу нима дейиллади? Тақдирми, тақдир тақозосинми, фалакнинг гардишимми?! Ҳар ҳолда, ўзим бир умр севган Адиб ва Инсон ҳаётининг сўнгги фаслида у билан ҳамнафас бўлиш менга насиб эди.

\*\*\*

Мен бу ўринда бироз лирик чекиниш қилган, шахсий кечинмаларга берилиб кетган бўлишим мумкин. Агар шундай бўлса, узр! Лекин, Улмас ака умр бўйи мен билган жуда қўнлаб еш адиблар учун ўрпақ бўлиб қолганини таъкидлаб утмоқчи эдим, ҳолос. Бу фикримни қўнлар тасдиқлашига аминман.

Аввало, Улмас ака ички маданияти ниҳоятда кучли одам эди. Юриш-туриш, муомала, ҳар қандай ҳолатда ҳам узини тута билшини, ахлоқ-оғоб бобида... қўйинг-чи, ҳар томонлама бизга намуна эди.

Гетенинг «Езувчи қанақа бўлса, унинг асарлари ҳам шунақа бўлади», деганга ўхшаш гап бор. Агар шу сўзлар рост бўлса, Улмас аканинг асарлари ҳам узинга ўхшаб кетарди, дейишга журъат этаман. Асарларидаги ийиқ-пухталик, устубогаги дилбарлик, тил ва тасвирлардаги широна оҳанг, энг асосийси, уша асарларда мавжуд бўлган Улмас акага хос чуқур самимият ва олийжаноблик шундоқ уфуриб туради. Истаган асарини эсланг! «Севгим, севгилим» ними? «Одам бўлиш қийин» ни эҳуд «Ез эмгири», «Қиёмат қарз» ними, ҳамма-ҳаммасида Улмас Умарбековнинг ўзи, унинг шахси шундоқ қуришиб туради.

Умуман, Улмас ака мансуб бўлган авлод ёзувчилари қисқа вақт ичида жуда кўп ишлар қилишга улгурдилар. Менимча, уларнинг энг катта хизматлари, алайбётта янги нафас олиб кирганлари, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтиганда «келажаги буюк адабиёт» га мустаҳкам бир поғона қўйганлари билан изоҳланса керак. Шу бондан ҳам, қарийб ўттиз-қирқ йиллик адабий жараёниг Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърисиз, Учқун Назаров ва Фарҳод Мусаёнов, Утқир Ҳошимов ва Шуккур Холмирзаевларнинг роман, қисса ва ҳикояларисиз тасаввур қилиш қийин. Улмас Умарбеков ана шу авлоднинг энг олдиги сафида турадиган ёзувчилардан бири эди...

\*\*\*

Шу уришда, адибнинг яна бир жасоратига тан бергим келади. Бу ҳам бўлса, Улмас ака нафақат Инсон, балки Ижодкор сифатида ҳам бизга сабоқ бериб, урпақ курсатиб кетди.

У сўнги нафасигача эди. «Фотима ва Зухра» деган романини тугатиб «Шарқ юлдузи» ойномасига топширди. «Оқсоқол» номли янги пьеса эзиб тугатди. «Қизимга ҳаглар» деган хотиралар китобини тартибга солди. «Мангу дунё бўсағасида» номли янги асар устида иш бошлади, бир қанча янги ҳикоялар эди...

Яна Улмас акага қайтаман.

Вафотидан бир неча ойлар бурун эди, янгишимасам. Профессор Собир Мирвалиев икковимиз дам олин кўнларининг бирида Улмас аканинг уинга бордик. Адиб бизни қуриб ёш боладек қувониб кетди. Умуман, боши ёстиққа тегиб қолган одам узини биров йўқлаб келса, боши қукка етиши табиий эканлигига уша кўни яна бир ишонч ҳосил қилишим яхши эсимда.

Қирралари ёйилиб кетган наставкинна зиналардан айвонга кўтарилидик. Фотиға ўқилди. Улмас ака одатлагидек қафтларини бир-бирига уриб қарсақ чалди. Одатда у рафиқаси ёки қизини чақирмоқчи бўлса, шундай қиларди. Бирпасда дастурхон тузашди. Уёқ-бўёқдан сўхбатлашиб ўтирдик. Биз гапирармиз, Улмас ака эса дафтари орқали «жавоб беради». Ана шу «сўхбат» давомида Собир ака Улмас аканинг 60 ёшга тулгани ва бу санани нишонлаш ҳақида гап очган эди. Улмас ака «керакмас» дегандек қўлларини силкиди, кейин қўлини кўксига қўйиб «раҳмат» дегандек таъзим қилди.

Собир ака «Эсиниғизда бўлса, бир вақтлар Ойбек домланинг 60 йиллигини утказгандик. Бир онг гапирмаган бўлсалар ҳам, қанақа чиройли, файзли утганди...», деганди, ганининг нишабни қаёққа кетаётганини сезган Улмас ака шу ерда «О! Сиз мени ким билан таққослаяпсиз?!» дегандек кескин бош чайқайди ва «Қўйсангиз-чи!» деган маънода хижолатли-қўлимсиратди. Собир ака эса худди буни сезмагандек, банаб: «Хотир давом этаверди: «Сиз ҳам Зухрадон билан бир чеккада утирасиз. Гапирганлар гапирди. Кейин биронта спектаклингизми, концертми қўйиладди. Вассалом!.. Ижодингиз ҳақида узим маъруза қиламан!»

«Ана, Ҳамза театрида утказиш мумкин!» — қўшидим мен.

«Яхши буларди-да! — деди Собир ака «масала ҳал» деган оҳангда, — Хўп деяверинг! Ташкилий томонларини менга қўйиб бераверинг!»

Улмас ака гапларимизни жиддий қиёфада, дабларини қимтиганча эшитиб утирди-утирди-да, кейин бошини сарак-сарак қилиб, шоша-пиша дафтариға нималарнидир эзакетди, кейин бизга узатди.

«Собир ака! Эркин! — деб эзилганда унда, — Хурматинглар учун қўлдуқ! Лекин бу аҳволда халқнинг олдига чиқиб утиролмаيمان. Қийналиб қоламан. Ҳар чорак соатда процедура қилишим керак... Эзадиганимни эдим, катта-катта уинону-мукофолларни олдим. Худо хоҳласа, яхши ниятларим кўп. Худо умр берса, пайгамбар ошимни қилиб бераман, юртга дастурхон ёзаман...»

Афсуски, уша яхши ниятлар ниятлгича қолди. Улмас ака пайгамбар ёшига етолмади. Мана энди бўлса кўп уйлайман, нега ушанда «Юбилейни утказамиз», деб қаттиқ туриб олмадик, деб афсусланаман.

Ушанда айни пайти, Улмас ака эндиғина 60 ёшга тулганди...

Юқорида, Улмас ака умрининг охирида жуда кўп эди, ижодий нзланишлар билан банд бўлди, дедим.

Уша кўнларнинг бирида, Улмас аканинг вафотидан бир-икки ойча аввал янгамиз Зухра опа уйга қўнғироқ қилиб қолдилар: «Улмас аканигиз сураяптилар. Бир кириб утсангиз!» Эртасигаёқ бордим. Улмас ака қўлимга иккита катта-катта қўлёзма берди ва чўнтағидан дафтариғасини олиб, унга нималарнидир эзиб менга узатди. Унда шундай эзилганди:

«Эркин, мана шу янги ҳикояларни ўқиб чиқсангиз-у, маъқулини радиодаги йигитларга бериб қўйсангиз. Сурапганди. Узр! Машинкалатолмадим. Мабоодо кучиртирсангиз, менгаям бир нусхадан олиб келсангиз яхши буларди...»

Мен Улмас акага «маъқул» ишорасини қилдим ва уша кунёқ таини бир машинистка аёлга кучиришга бердим. Бахтга қарши, ҳали аёлнинг ёш боласи касал бўлиб қолар, ҳали тахририятдаги қўлёзмалар билан чағлиб кетар, ҳадеганда Улмас аканинг қўлёзмасига қўни тегавермасди. Ҳикоялардан бирини — «Ота ва угил» ни унда қолдириб, иккинчисини «Муъжиза» ни қайтариб олдим. Узим уйда ёзув машинкасида кучириб, унга ёрдам бермоқчи бўлдим. Ҳикояларнинг ҳамми катта, буининг устига Улмас аканинг хати жуда майда, кўп уринларда обдан чизиб-чизиланган жойлар, тузатишлар, қўшимчалар кўп эди. Қисқаси, ҳикоялар айтилган муддатда тайёр бўлмади. Анча кечикди. Ва ниҳоят, минг бир хижолат билан олиб бордим. Зухра опа Улмас аканинг ишораси билан ичкаридан пул олиб чиқди, «Машинистканинг ҳақи» деди. Мен «керакмас» дедим. «Битта ҳикояни у, биттасини узим кучирдим», дедим. Улмас ака таажжубланди. «Қайси бирида имло хатоси кўп бўлса, уша мен кучирганим бўлади», деб ҳазиллашди. Улмас ака эса жилмайиб қўйди-да, дафтари варағига тез-тез эзиб, менга узатди. Уқидим. «Булмаса, пулининг ярми машинисткага, ярми машинистга!..»

Қулишдик. Барибир пулни олмадик. Кейин Улмас ака яна «суради»: «Ҳикоялар қалай? Чидаса буладимми?!»

«Яхши, — дедим бу саволга жавобан. — Худди сценарий уқигандек бўлдим. Телевидениегами, киностудияга берса буларкан!»

Улмас ака дафтариғасига яна эди:

«Асли, шуларнинг асосида сценарийми, пьесами эзиш ниятим йўқ эмас. Насиб қилса, қўрамиз!»

Афсуски, булар ҳам насиб қилмади. Уша ҳикоялар қўлёзма ва машинкаланган ҳолда қолиб кетди.

Очигини айтсам, Улмас аканинг «архиви» ни яхши билмайман. Лекин сезишимча, у ерда «узига иккинчи умр бағишлайдиган» сценарийчию режиссерларни кутиб ётган қўлёзмалар кўп бўлиши керак. Эндиликда буни вақт курсатади...



Шу уринда яна бир гап.

Маълумингизким, «Фотима ва Зухра» романи илк маротаба «Шарқ юлдузи» ойномасида чоп этишга тайёрланаётган пайтда Улмас Умарбековнинг узи ҳали ҳаёт эди.

Уша кезлари унинг худди илк мапқи босилаётган ёш қаламкашдек қувониб, ҳайжонланиб юрганлари ёдимда. У романи босилажак ойномани асланечук бетоқатлик билан орзиқиб кутарди.

Умуман, Улмас акани яқиндан таниган кишилар яхши билишади. У ҳар бир асарига алоҳида меҳр билан қарайдиган ёзувчилар сирасига қиради. Шу сабабдан ҳам асарининг тақдирига бефарқ қаралмасди...

Қисқаси, роман босилди. Кенг китобхоналар ҳукмига ҳавола этилди. Уйлашимча, маънавий парокандалик ҳукм суриб турган уша паронгта ҳам Улмас аканинг бу асари ҳар сафаргидек ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Ҳар сафаргидек турли фикр-мулоҳазалар билдирила бошланди...

Шу уринда, асари босилиб чиққан-у, лекин сувга тушган тошдек сас-садоиш йўқ бўлиб кетган ушлаб ижодкорларни номма-ном эслаб, айтгим келади. Лекин булдай беодобгарчиликдан тийилмаман. Чунки, бу хил бечораваш кимсаларнинг «ёзувчи»лигини бола-чақаси, уч-туртта қариндошидан булак ҳеч ким билимайди. Худонинг берган жазоси шу бўлса керак, деган фикр менга дада беради. Айтмоқчиманки, Улмас ака бу маънода ана шунақа «ҳамкаслари»дан фарқли улароқ линакамига бахти кулган адиб эди. Унинг биронга асари йўқки, адабий ҳаётда бенз кетган еҳуд баҳсу-мунозараларга сабабчи бўлмаган бўлсин! Шу жумладан, сунги — «Фотима ва Зухра» романи атрофда ҳам турфа гап-сузлар, мунозаралар бошланди. Афсуски, бу пайтда энди адибнинг узи йўқ, у ёруғ дунёни тарк этган эди.

Ва уша кезлари Улмас ака сунги учрашувларимиздан бирида чуқур таассуф билан, қийналиб айтган сузларни эсладим. У ушанда гуе яқин келажақда ушга, узидан кейин қоладиган асарларига писбатан буладиган муносабатини ички бир туйғу билан ҳис қилгандек эди.

«Одамлар ургасида меҳр-оқибат камайиб борапти... — деганди у маънос қиёфада. — Адам қиладиган жойи шунақки, аксарият одамлар берилган умрининг қанчалар қисқа, қанчалар омонат эканлигини, бир-бирларига ганимат эканликларини унутиб қуяёзганлар...»

Улмас ака ушанда умр ҳақида, одамлар ҳақида олдийгинга қилиб шундай деганди. У табиятан балиндарвоз, зурма-зуракни «ақли гап»ларни, сохта файласуфликни ёқтирмасди. Шу сабабдан ҳам, у умрининг охиригача олдийгинга яшаб утди. У ҳам айрим «арбоблар» каби куш қаватли дангилтама иморатлар қуриши, менгчанлардек яшани мумкин эди. Ҳолбуки, бу нарса унинг ҳам қўлидан келарди...

Шу уринда яна бир воқеа ёдимга тушади. Бир огайним билан Улмас акани кургани борганимизда у адибнинг муъжазгина ҳовлисидаги, уйдаги олдийликни, туриш-турмишидаги соддаликни куриб ҳайратга тушганди. Шундай бўлиши табиий эди. Кимсан, узоқ йиллар давомида катта-катта лавозимларда ишлаган, катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган одамнинг, тапқли ёзувчининг (редакция бош муҳаррири, киностудия директори, Ёзувчилар Уюшмаси Раиси, Маданият ишлари Вазир, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг уриносари) бу қадар камтарона яшани бир курган кишини ҳайрон қолдиришидан ажабланмаса ҳам буларди.

Улмас ака ана шундай — олдийгинга яшаб утди ва куз олдимизда ана шундайлигича — олдий, содда, камтар, самимий ва олижаноб қиёфада бир умрга муҳрланиб қолди.

Ким билсин, балки унинг умр буйи интилган ва эришган энг буюк нарсаси ҳам шу бўлса ажабмас!..

...1994 йилнинг уша куз кунларидан бирида «Тезяков» бозорига йулим тушдию, қайтишда адибнинг уйи тарафга бурилдим. Унинг ҳовлиси ана шу бозор яқинида эди.

Хуллас, таниш кучага бурилдим, таниш дарвоза тепасидаги кунги-роқни босдим. Кутилмаганда эшикни Улмас аканинг узи очди. Иссиқ кийинган, афтидан қасқадир кетаётган эди. Ичкарига бошлади. «Йўқ, сизни йўлдан қайтармай», дедим. Дорихонага кетаётган экан. «Дори коғозни берсангиз, олиб келиб берақолай» десам, унамади. Нимадир дейишга чоғланиб лабларини жуфтлади ва ютишиб-ютишиб куча тарафга имо қилди ва шивирлагудек бўлиб, «Куз... Яхши... Кузини... яхши... кураман», деди.

Икковлашиб йўлга чиқдик. Дорихона собиқ «Киров парк»нинг орқасида экан. Улмас ака қайтаётганимизда бог ичидаги йўлқадан утишни таклиф қилди. Куз теварак-атрофга узининг зарин сепини ёйган кезлар эди. Ҳаво бирмунча совуқ бўлишига қарамай, кук юзида офтоб чарақлаб турар, эрталаб ёғиб утган қисқагина ёмғирдан кейин дов-дарахтларнинг қорамтир шохларидан сарғиш, қизгимтир, зарғалдоқ япроқлар ювиб қўйилгандек яптираб «очиқиб» кетган, узоқдан қараган кишига худди рассомларнинг буюк қорадиган тахтачасига ўхшаб куринарди.

Улмас ака йўлка четиданги думалоқ-думалоқ жажжи япроқлари олгин тангалардек товлашиб ётган пастаккина дарахт рунарасида тухтади. Дарахт узоқдан сариқ гуллардан тузилган катта гулдаста янглин кузга таниланиб турарди. Унга узоқ тикилиб қолди, кейин кузлари кулиб менга қаради: «Кузини... кун, ж-жа... кун ёзганман...»

Бенхтиёр эсладим. «Куз ҳавоси», «Олтин япроқлар», «Кузнинг биринчи кун»...

«Ҳар йили кузда, ҳазонрез кезларида кучага чиқаман, сердарахт хиебонларини узоқ-узоқ айланаман...» деб ёзган эди у уз ҳикояларидан бирида.

«Олтин куз ҳавосидан туйиб нафас олиш иштиёқида уйдан чиқдим. Бироз этни жунжитадиган шабада эсарди. Кечаси ёмғир ёғиб утибли шекилли, асфальт йўлкалар нам...», деб бошланади бошқа бир ҳикояси...

Машҳур асарларидан бири эса «Ҳар кун шу хиебондан утаман» деган сузлар билан бошланади.

«Ҳа, у куз фаслини жуда севаркан», кунглиман кечди меннинг. Мана энди, тақдирнинг аччиқ ҳазилини қарангки, унинг узи ҳам айнан уша, узи севган фаслда вафот эгди ва уша кунлари мен яна бенхтиёр хиебондан сунги сайримизни эсладим...

Улмас Умарбеков вафот этган пайтда энди 60 ёшга тулган эди. Мен олгимш ёшли кишиларнинг кунини курганман.

Раҳматли отам олгимш ёшга тўлмаёқ соғлари онпоқ оқариб, юз-кузларини ажин қолаган эди. Кейин Ойбек домлани, Абдулла Қаҳҳорни, Миртемирни, Мирзакалон Исмоилийни, Ғайратийни, Собир Абдуллинни курганман... Олгимш ёшда улар анчайин кекса, том маънодаги муйсафид бўлиб қуришардилар...

Улмас ака эса олгимш ёшида ҳам сира узгармагандек туюлади назаримда. Ҳаминшадек укам ва куркам, монгурунч бўлабонлаган соғлари чиройли кузақланган, қомати йиғитлардек тик, қаранглари тетик, юзида биз ҳеч қачон унутолмайдиган «умарбековча» ёқимли табассум... Сира олгимш ёшли муйсафидга ўхшамасди!

Менимча, У бундан кейин ҳам уни курган, билган, яқиндан таниган кишилар хотирасида шундай сақланиб қолса керак...

Салим Ашур

СОЧЛАРИНГ НУРИДА  
ГУЛЛАДИ ШАМОЛ

## Ой тўлди

Ой тўлди. Атрофи юлдузга тўла,  
Еругида китоб ўқисанг булар.  
Минг йилки одамлар юрган бу йулда,  
Ҳар тош косасига ҳасратим тўлар.

Ой тўлди. Мунаввар тортмоқда дала,  
Зиёга тўлмоқда ҳар битта сулук.  
Гуёки фалақда фархунда лола,  
Фалакнинг сепида дур кўзли узук.

Ой тўлди. Дунёнинг ками ҳам тўлди,  
Аммо битмаяпти кўнгулнинг ками.  
Ой тўлди. Еришиб кетгандай бўлди,  
Етти қават ернинг етмиш қатлами.

Ой тўлди. Бу кўнгул тўлмайди сира,  
Ойдек кетганига тўлди неча ой.  
Ой билан баробар юрар сайрда,  
Дунё деб аталган бу кўҳна сарой.

Ой тўлди. Сайҳонга тўлиб нур оқди,  
Шарқирар сойда нур, сувларда сувсар.  
Кўкда ким ярадор қушларни ёқди,  
Бошимга ёғилар зардек болу пар.

Ой тўлди...

## Сизни соғиниб...

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Юлдузлар уйғонар, кўз очар улим.  
Сизни кўмсамайман, лекин негадир  
Сочингизни кўмсаб юлқинар кўлим.

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Тарс-тарс ёрилади ташна томоғим.

Сизга боргим келмас, лекин, негадир  
Кучангизни излаб борар оёғим.

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Тун. Афлок жонимга бермагай тузим.  
Сизни кўргим келмас, лекин, негадир  
Бир кўрай деб юм-юм йиғлайдир кўзим.

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Уз дилим ўзимга ўтказар зулим.  
Менинг айтгим келмас, лекин, негадир  
Исмингизга дуниб боргайдир тилим.

Қовжираб-қовжираб қулогим ёнар,  
Тугондай бузилиб кетар лабларим.  
Сиз гоят бахтдорсиз мени унутиб,  
Сизга эшитилмас ёлгон гапларим.

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Бурканиб шўҳрату шону шарафга,  
Менга керакмасиз...  
Сизни соғиниб,  
Тўрт мучам кетади тўртта тарафга.

## Богда

Сен боқсанг — хира сув тиниқ тортади,  
Оққушнинг буйнидек қайрилар гуллар.  
Билмайсан, ҳар битта дарахт ортидан  
Пойлаб қочар маккор соя ва нурлар.

Сенга уриб олар ўзини насим  
Ва утган йулидан атир сочади.  
Шохларда урмалар яшил нафасинг  
Ва дил даричасин чертмай очади.

Шамол атрофингда уралашади,  
Навдалар, куртаклар интилар сенга.  
Сафсарлар, гавҳарлар аралашади,  
Барча сенга боқар, боқмайди менга.

Юзини юзингда юваётир сув,  
Инидан узилиб тўкилар қушлар.  
Тошлар балиқлардек юзаркан дув-дув,  
Изингдан, изингдан, изингдан тушар.

Илдизлар тирмашиб чиқар тупроқдан,  
Сўқмоқлар қайрилиб сенга қарайди:  
Сочингда озор бор эгма тароқдан,  
Тарогингни ошиқ дунё тарайди.

Ойдек бир маромда утиб борасан.  
Тутиб қололмайди бог деган тузок.  
Энди ҳар япроқнинг содиқ ёрисан.  
Сенга эргашади ўттиз йиллик бог.

## Бу кеча

Бу кеча... тош отиб синдирдим ойни,  
Кузларимга кумди узини юлдуз.  
Бу кеча сочингдай силадим сойни,  
Куксимга чуқурроқ чукти чучук туз.

Бу кеча... оламга қарши урушдим,  
Тишимдай чирсиллаб ёнди бошоқлар.  
Бу кеча ишқ тегиб йиқилиб тушдим,  
Кафандай чулғади яшил байроқлар.

Бу кеча... руҳимнинг майдонларида  
Яшинвор кўшинлар бўлдилар мағлуб.  
Бу кеча юрагим сандонларида  
Олов рақс этарди оғриқдай оғриб.

Бу кеча... келсанг гар бешта иқлимни,  
Бешта бармогинга тақиб қўярдим.  
Бу кеча... келсанг гар дардчил дилимни  
Оёгинг тагида қушдай сўярдим.

Бу кеча... кечаги кечани кеча  
Дунёни устимдан ечиб отардим.  
Кафтимда портлаган гунчаларингда  
Томчи сиёҳ сиёҳ қоларди гардим.

Бу кеча... чулларнинг тул йулларида  
Карвонлар тасбеҳдай кетдилар тузиб.  
Буронлар кумилган тирик гурлардан  
Гирводлар чиқтилар гуруллаб ўсиб.

Бу кеча... чинорлар чуқтилар ерга,  
Бешумор тоғларни исён — ер ютар.  
Бу кеча очунда битта мен қолдим,  
О, чинлар умримдан мен каби утар.

Бу кеча... замин ҳам комил ҳомила,  
Заминдай, жаҳондай, бахтдай етим, мен.  
Бу кеча... уттиз йил илгаригидай,  
Онамнинг қорнида ёниб кетдим, мен...

## Чироқлар ўчдилар

Ёҳу, бандни бузиб, занжирни узиб,  
Сочларинг нурида гуллади шамол.  
Чулингда йулимдай сочилиб, тузиб,  
Улимдай тузгиди заввол.  
Ё камол  
Жамолингни кўриб бекамол қолди,  
Еллар толди уриб кокилларингни.  
Шамоллар қўчанга... ўҳ, ётиб олди,  
Чироқлар ўчдилар...  
Бедилларингни

Қийнадинг — Карбало саҳроларида,  
Ошиқлардан Ёдгор олтин ошиқлар.  
Сен дайро — муҳаббат дунёларида,  
Қиргогинга бордим чанқоқ, ташналаб.  
Бир ҳовуч шамолда, бир ҳовуч хуснинг  
Юзимга оловдай септилар нурни.  
Кунгулга ўт тушди бутун улуснинг,  
Азал кўрмагани бундоқ сурурни.  
Тобон шамдониди ёнаётибман,  
Дунё — гузал соя, муҳаббат — тусмол.  
Кучангда шамолдай яна ётибман.  
Кучангда мен каби изиллар шамол.  
Ёҳу!..

## Чархпалак

Жаранглаб бўлдилар кўнгироқларим,  
Туғади найимнинг хуш оҳанглари.  
Бир-бир ташлаб кетди овунчоқларим,  
Уфқимда ҳаёт ва мамот жанглари.

Туғади найимнинг хуш оҳанглари,  
Жаранглаб бўлдилар кўнгироқларим.  
Уфқимда ҳаёт ва мамот жанглари,  
Бир-бир ташлаб кетти овунчоқларим.

Бир-бир ташлаб кетди овунчоқларим,  
Уфқимда ҳаёт ва мамот жанглари.  
Жаранглаб бўлдилар кўнгироқларим,  
Туғади найимнинг хуш оҳанглари.

Уфқимда ҳаёт ва мамот жанглари,  
Бир-бир ташлаб кетди овунчоқларим.  
Туғади найимнинг хуш оҳанглари,  
Жаранглаб бўлдилар кўнгироқларим.

Неъмат Иброҳим

## ИМОНИМ, ҚИММАТИМ ИШҚДИР...

### Тавалло

Ҳамон мулки ниҳондирсан,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!  
Ажаб, бир бенишондирсан,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!  
Қолиб сангин садоларда,  
кезиб марғуб нидоларда,  
Адашдим, мен, видоларда,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Баҳад ботин саволдирсен,  
бениёз, баркамолдирсен,  
Қуёшдай безаволдирсен,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Ғамим қупдир, қуллолмасмен,  
фалакка интилолмасмен,  
Бу ҳолимни биллолмасмен,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Нечук сеҳру фусун улдинг,  
ҳажрдин багри хун бўлдим,  
Забун бўлдим, забун бўлдим,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Сафо сенсен, сурур сенсен,  
салоҳ сенсен, судур сенсен  
Ва кунглум ичра нур сенсен,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Бу ишқда мубтало менмен,  
қотили Карбало менмен,  
Садо менмен, сало менмен,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Субутим, сумбатим ишқдир,  
ҳимоят, ҳимматим ишқдир,  
Имоним, қимматим ишқдир,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Қуяр ошиқи бедиллар,  
қуяр маҳфилу манзиллар,  
Қуяр диллар, қуяр тиллар,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Кечир, дунёи дунларни,  
жувонмарг бу жунунларни,  
Кечир, биз багри хунларни,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

Ғуборинг юлдузу моҳдир,  
менга бу Қаҳқашон роҳдир,  
Дилим шоҳ, манзилим «оҳ»дир,  
аё, маҳбуб, аё, маҳбуб!

## Ассалом нур

Ассалом нур, сен сувайдо  
ичра ёнган дурсен,  
Ишқдирсен, кунглум ичра  
ишқдек маҳрурсен.

Олқагайсен, то абад,  
маҳмил булиб руҳим маним,  
Токи жисмим аро дурсенким,  
асир мажбурсен.

Бир умрким, чорлагайсен  
ул Сафо, Марво каби,  
Ё Мусонинг тийнати  
тоблаган тоғ-Турсен.

Ғаҳ бу олам ичра бағрим  
тиглаган жононсену  
Ғаҳ у олам ичра дилни  
олқагувчи ҳурсен.

Бу жаҳолат ибтидоси  
истади қатлинг сенинг,  
Сен Насимий, ёки Машраб,  
ё шаҳид Мансурсен.

Токи шуҳрат ичра маҳвинг  
бор экан, огоҳ бўлай,  
Токи асрорим эурсен,  
бир умр мастурсен.

## Эй дилим

Изладим, эй дил, куйиб  
ул хайли маҳдумдин сени,  
Субҳидам нурдан сураб,  
шудринги маъсумдин сени.

Мен фано туфроғида  
саргашта ул Махнун каби,  
Изладим қон йиғлабон  
хоқдин сени, қумдин сени.

Ҳам Ҳисор марқадларин  
бир-бир зиёрат айладим,  
Эй дилим, излаб улғ  
муршиди марҳумдин сени.

Неча ою неча йиллар  
шунгидим девонга мен,  
Ахтариб байтлар аро  
Бедили маъдумдин сени.

Ё Навоийдан наво  
излаб кезарсан бенаво,  
Кошки топсам эрдим ул  
дурри манзумдин сени.

Мавлавийдан бир дуо  
истаб адам бўлдингми ё,  
Изладим «Каъбам!» дея,  
Балҳдин сени, Румдин сени!

## Жалолиддин Румий

# ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДИР<sup>1</sup>

Туркчадан Улуғбек  
Абдуваҳоб таржимаси

Фасл. Буюрдики: Кеча-кундуз жанжал қилиб, бир аёлнинг феълини тузатмоқ ва гузаллантирмоқ истаяпсан. Унинг поклигини уз поклигинг билан тозалашмоқчи бўляпсан. Аслида, узингни у билан тозалашинг уни узинг билан тозалашингдан яхшироқдир. Сен унинг воситасида гузаллаш, унга томон юр. Имконсиз булса ҳам, у айтган нарсани қабул эт. Рашк ҳарна қадар эркакларнинг сифатларидан бири булса ҳам, ундан воз кеч. У бошқа эркакларнинг васфларини сенга айтса ҳам қизганма, чунки сендаги яхши сифатлардан кейин ёмон васфлар ҳам майдонга келади. Шунинг учун ҳам пайгамбар: «Мусулмонликда буйдоқлик йўқдир» (ҳадис) деган. Роҳиблар ёлғиз яшайдилар. Устига-устак, тарки дунё қиладилар. Улуғ Тангри пайгамбарга жуда нозик бир йўлни курсатди. Бу қандай йўл? Бу — аёлларнинг инжиқликларига, ёмонликларига таҳаммул этиб, уларнинг ҳар қандай олди-қочди гапларини эшитмоқ ва уларга нисбатан қаттиққўллик билан ёндашиш жараёнида ўзини тузатмоқ мақсадида уйланишдир. Тангри: «Сен энг юксак ахлоқ соҳибсан», дея буюрган.

Одамларнинг ёмонликларига сабр қилмоқ гуё уз нопоклигини уларга суртиб тозаллаган қабидир. Сенинг феъли-хўйинг таҳаммул билан яхшиланади. Уларники эса зулм ва ёмонлик сабабли бузилади. Буни билиб олдинг ва энди узингни покла... Нафсинга бас келолмасанг ҳам, ақлингга шундай бир дарс бер: фараз қилайлик, у ўртамазда никоҳ бўлмаган маҳбубадир. Шаҳват устун келганда, унинг олдига бораман. Демак, бу ҳолда, ҳамият ва рашқдан воз кечмоқ керак. Нафсингни тарбия қилиб, мужоҳада ва таҳаммул завқи вужудга келгунгача ҳамда уларнинг имконсиз булган нарсаларидан узингда турли ҳоллар ҳосил булгунгача буни шу тарзда қабул этишга интил. Кейинроқ уз-ўзингга берган бу дарссиз ҳам мужоҳада ва пушаймонликнинг шогирди булурсан. Чунки энди ўз фойдаларингни унда очик курадиган буласан...

Худди шунинг учун ҳам пайгамбарнинг йўли (Олами Муҳаммадий) юз очгунча (яъни, инсонда шарият руҳи ҳосил булгунча) рашқ ва ҳамиятни тарқ этмоқ, хотиннинг харажати, кийим-кечак орзуи каби юзмингларча ҳисобсиз ташвишига сабр қилмоқ, заҳмат чек-

моқдир. Исонинг йўли ёлғиз қолмоқ ва шаҳватни кўрлаштириш учун интилмоқ эди. Муҳаммадники (с.а.в.) эса, одамларнинг ва хотинларнинг заҳматларига таҳаммул этмоқ, гамларни тортмоқдир. Модомики Муҳаммаднинг йўлидан кетолмасанг, ҳеч курса, Исонинг йўлини тутки, айрим нарсалардан маҳрум булмагайсан. Агар юз тарсаки емоқдан бир лаззат туйсанг, бунинг самарасини кузинг билан курасан ёки «Модомики буюрадилар ва хабар берадилар, демак, бу ерда бир нарса бор. Озгина кутайлик-чи, ваъда қилинган натижага балки эришарман!» дея ғойибга ишонасан. Бундан кейин эса: «Заҳматлар эвазига мукофотга ҳозир муяссар бўлмасам-да, ниҳоясида хазиналарга қовушаман», деб кунгилини туқ қилганинг учун ҳам ниятинг ҳосил булур. Ҳатто истаганингдан, кутганингдан ҳам авлороғига эришажаксан. Сузларим ҳозир сенга таъсир қилмас ҳам, камолга етганинг сари улар ўз кучини курсата боради. Ва сен хотин нимаю дунё нималигини тушунасан.

Агар унда ёмон иш қилмаслик жавҳарида (табиатида) булса, сен ҳатто бунга монъелик қилсанг ҳам, у албатта узининг гузал фитратига мувофиқ иш тутати. Сен хавотир олма ва унинг ақлини, кучини, ниҳоят, ишини қориштира. У барибир ўз билган йўлидан қолмайди. Унга гов булмоқлик рағбатини орттиришдан бошқа ишга ярамайди.

Одамлар: «Биз Шамсиддин Табризийни курдик!» дейишмоқда. Эй ахлоқсизлар! Уни қаерда курдингиз? Томда турган туяни кўрмаган одам: «Мен игна тешигидан ип утказдим», демоқда. Бир гузал ҳикоя бор. Иккита нарсага кулгим қистади: бири — Занжининг бармоқлари учини қорага буяши, иккинчиси — курнинг ташқарини томоша қилмоқ ниятида бошини деразадан чиқариши. Улар ҳам шуларга ўхшайдилар. Ич кузлари кур булгани ҳолда, вужуд деразасидан бошларини ташқарига чиқарадилар. Гуё бир нарсани куради-гандек! Ақлли одам учун улар баҳосининг нима қиймати бор? Чунки улар ҳеч нарса курмагандир. Аввал куриш хоссасини вужудга келтириб, кейин қарамоқ лозим. Дунёда жуда кўп курган, васлга эришган валийлар мавжуддир. Булардан ташқари, яна шундай авлиёлар борки, уларга Ҳақнинг гизлагани (яширгани) Мастурони Ҳаққ дейилади.

Валийлар: «Эй Тангримиз! Яширганингдан бирини бизга ҳам курсат!» дея йиғлаб-сиқтамагунча истақлари ижобат бўлмас. Чунки ташқи кузлар билан исталган нарсани куриб булмайди. Бу иш қўлай эмас, ҳатто малаклар ҳам бу масалада ожиз қолганлар: «Биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз».<sup>1</sup> Биз ҳам ошиқмиз, руҳониймиз, нурмиз. Бани Одам эса оч, еб туймас ва қонхурдир.

«Қонлар туқадиган» ояти шулар ҳақида нозил булгандир. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг уз-узидан кўрмоғи учундир. Руҳоний булган фаришталарнинг на моли, на мавқеи ва на пардалари бор. Уларнинг бор-йўғи нурдан иборатдир. Тангри жамолига булган ишқлари ягона дардлариридир. Узоқни кўрган кузлари эса, инсоннинг: «Мен кимман, қаердан билайин. Эвоҳ!» дея узидан кўрқиши ва бир завқ ёки нур юз очганда: «Мен бунга лойиқманми?» дея Тангрига минг марта шукр айтиши учун иқдор ила инкор уртасида яшайди.

Сиз энди Шамсиддиннинг сузидан кўп завқ оласиз. Чунки инсон вужудга кемасининг елкаси иймондир. Елкан булса, шамол кемани муаззам бир ерга олиб боради. Булмаса-чи, суз ҳаводан иборатдир.

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши 3—4, 5—6-сонларда.

<sup>1</sup> Қуръони Карим, 2/30.

Ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги таклифнинг йўқлиги қандай яхши! Таклиф, такаллуф ва тортинишлар бегоналар учундир. Ошиққа ишқдан бошқа ҳамма нарса ҳаромдир. Бунга яна ҳам чуқурроқ аңглатардим, бироқ энди бемавриддир. Сув кўнгили ховузага келиб қўйилиши учун купгина дараларни ошиб ўтиши керак бўлади. Йўқса, е гапирган, ё эшитган сиқилади. Миллатнинг безганлигини кетказмаган хатиб икки пулга қимматдир. Ҳеч бир ошиқ севгилиси гўзаллиги турғисида далил кўрсатмайди ва ҳеч кимса ошиқнинг кўнглидан маъшуқага қарши кин топа олмайди. Бу ерда далилнинг фойдаси йўқ, бу ерда фақат ишқ толиби бўлмоқ керак. Қўйидаги байтда муболага қилган бўлсак ҳам, ишқ борасида муболага эмас: «Эй Сенинг суратинг мингларча маънодан гўзалроқ бўлган (севгили)!» дея буюрилганидек, муриднинг шайхи сурати учун ўз маъносини фидо қилганини кўрмоқдамиз. Чунки бир шайх ҳузурига келган мурид ўз маъносидан кечиб, шайхга муҳтож бўлган кишидир.

Баҳоуддин: «Булар балки ўз маъноларини шайхнинг маъноси учун тарк этишадигандир», деди. Мавлоно буюрдики: Бундай бўлмаслиги керак. Агар бундай бўладиган бўлса, уларнинг ҳар иккиси ҳам шайх ҳисобланади. Энди ичингда бир нур ҳосил қилмоқ учун гайрат кўрсатмоғинг шарт. Нур ёрдамида сени паршон қилган оловдан қутулсан ва ишонч ичра яшай бошлайсан. Кейин кўнглинда амирлик, вазирлик каби дунё ҳоллари чақмоқдек ёниб ўчади. Худди шундай, дунё аҳлининг ичида ҳам Тангри кўрқуви, авлиё оламининг шавқи жинсидан гайб оламининг аҳволи порлайди ва улар ҳам чақмоқдек ёниб ўчади. Шунда аҳли ҳақ Тангрига йўналади. Шаҳват сингари дунёга оид ҳаваслар бош кўтарадилар-у, қарор тополмай, ўтиб кетадилар.

...Бир тўда одам ҳузуримизга келишмоқда. Агар индамасак, хафа бўлишади. Агар гапирсак, бунга мажбур бўлганимиз учун биз хафа бўламиз. Чунки улар кейин: «Биздан безди, зерикди ва қочди», дея гийбат қилишади. Бироқ ўтин идишдан нечун қочсин? Қочадиган бўлса, идиш қочади. Чунки оловга чидай олмайди. Утиннинг ва оловнинг қочиши қочиш эмас. Чунки, одатда, заиф бўлган нарсадан узоқлашилади. Демак, барча ҳолларда қочган — идиш. Худди шундай, бизнинг қочишимиз, аслида, уларнинг қочишидир. Чунки биз бир кўзгумиз. Улар қочса, бизда акс этади. Кўзгу одамларнинг унда ўзларини кузатадиган нарсадир. Агар улар бизни сиқилган ҳолда кўрган бўлсалар, демак, бу уларнинг гамлари ҳисобланади. Гам ва хафагарчилик заифликнинг васфидир. Шунинг учун бу ерга гам сигмайди. Унинг бу ерда ҳеч қандай иши йўқ.

Ҳаёт суви қоронгу бир ерда бўлади. Бу ер валийларнинг жисмидир. Ҳаёт суви ўша ерда. Инсон бу сувга фақат қоронғуликда етиша олади. Сен эса қоронғуликни севмайсан, ундан нафратланасан. У ҳолда, ҳаёт сувига қандай етишасан? Қўрқоқлардан қўрқоқликни, фоҳишалардан фоҳишаликни ўрганмоқчи бўлсанг, купгина нохуш нарсаларга сабр қилишга тўғри келади. Йўқса, мақсаднинг ҳосил бўлмайди.

...Фасл. Бир куни бир йиғинда ваъз ўқиларди. Мусулмонун кофир ҳамма йиғлар, турли аҳволга тушарди. Бири: «Кофирлар нега йиғлашади, устига-устак, тилни билишмайди. Мусулмонларнинг ҳам мингдан бири аранг тушунган бу ваъздан улар нимани аңгляптики, бу қадар йиғлаб-сиқташади?» деб сўради. Мавлоно буюрдики: Сўзнинг узини тушунишга ҳожат йўқ. Улар мовляттни, мақсадни аңгляшмоқда. Улар ҳам Тангрининг бирлигини эътироф этишадди. Унинг Яратувчи, Раззоқ, ҳамма нарсани Ўз тасарруфида тутувчи эканини, ниҳоят, ҳар ким Унга қайтаганини, афв ва жазо

Ундан булажагини билишади. Шунинг учун ҳам Тангрининг васфи ва зикри бўлган бу сузларни эшитишлари билан музтариб ҳолда қалбларида севинч ва завқ туймоқдалар. Бу суздан уларга севганлари ва истаганларининг бўйи келмоқда. Йуллар турли-туман бўлса ҳам, гоё бирдир. Ахир, курмаяпсанми, Каъбага элтувчи қанча йуллар бор. Ким Румдан, ким Шомдан, ким Ажамдан, ким Чиндан ва яна кимдир Ҳинду Ямандан йулга чиқади. Агар йулларга боқадиган бўлсак, буюк фарқлари бор. Мақсадга, гоёга назар солсак-чи, уларнинг ҳаммаси бир — Каъбага йўналгандир. Бу едаги ишқ жуда улугдир. Чунки бу ерда ҳеч қандай тушунмаслик, бошбошдоқлик йўқ. Каъбага келинганда, йуллардаги гавғолар, уришиб-сукишишлар барҳам топади. Чунки йулда бир-бирларига: «Кофирсан, фалонсан-писмадонсан», деганлар, Каъбага келишлари билан мақсадлари бир эканини тушунади. Масалан, косанинг жони бўлса, ўзини ясаганнинг қули бўлади. Уни севишарди. Коса ясаганларнинг баъзиси: «Буни шунақа дастурхонга қўйиш керак», деса, бошқаси: «Унинг ичини ювиш керак», дейди. Яна бири: «Унинг ташқарисини ювиш лозим», деса, бошқаси: «Унинг ҳамма томонини ювиш зарур», дейди. Ниҳоят, яна шундайлар борки, «Ювишга ҳожат йўқ», дейди. Келишмовчилик мана шунақа нарсалардир. Бироқ уларнинг барчаси косанинг ясовчиси борлигида, у ўз-ўзидан бино бўлмаганида келишадилар. Бунда келишмовчилик йўқ.

Энди одамларга қайтайлик. Одамлар Тангрини чин дилдан севадилар, Ундан истайдилар, Унга ялинадилар, ҳамма нарсани Ундан кутадилар, бор ва йўқ нарсалари ҳам Ундандир. Ундан узгасини ўз устларидаги қудрат соҳиби деб билмайдилар. Бу маъно на инкор ва на аймон этмоқдир. Унинг бир исми йўқ. Бироқ маъно шакл ва сузга айлиниши билан кўфр ёки иймонга айланади. Худди шундай, ердан энди чиқаётган ўсимликларнинг ҳам дастлаб муайян шакллари бўлмайди, секин-аста каттариб, дунёга юз очганлари сайин олдин латиф бу нозик кўринадилар. Язаганлари сари эса, кирланадилар, қўполашадилар, ранглари ўзгариб, хунуклашадилар. Бир-бирлари билан гаплашмаган мумин ва кофир зоҳиран бир хилдир. Тўшунча айланмайди. Инсоннинг ичи ҳуррият олаמידир, тушунчалар латифдир, уларга ҳўк қилинмайди. «Биз қўринганга ҳўк қиламиз, сирларни сенда Улуғ Оллоҳқ майдонга келтирмоқда ва сен улардан узингни ўтга-чўкка уриб ҳам, «ла ҳовла»ни айтиб ҳам қутуллолмайсан. Шунинг учун ҳам: «Тангрининг қўролга эҳтиёжи йўқ», дейишади. У тасаввур ва тушунчаларни қалам ва буюё сингари қўролларсиз сенда ҳосил қилади. Тушунчалар парвоздаги қўшлар ва қўл жайронлари кабидир. Маъно ибора ҳолига келиши билан инсоннинг кофир ёки мусулмонлигига, ёмон ёки яхшилигига ҳўк бўлиши мумкин. Жисмлар олами бўлгани янглиг тасаввур, тахайюл ва ваҳмларнинг ҳам ўз олами бордир. Улуғ Тангри эса, барча оламлардан бохабардир ҳамда на ичдадир ва на ташдадир.

...Улуғ Тангри тасаввурлар оламига, ҳатто ҳеч бир оламга сигмайди. Агар тасаввурлар оламига сифса эди, тасаввур қилган (киши) уни қамраган бўларди ва У тасаввурлар яратувчиси дейилмасди. Демак, У барча оламларнинг устида экани аңгляшлмоқда.

Улуғ Тангри пайгамбарига руё кўрсатди. «Қасамки, Оллоҳ ўз пайгамбарига (у киши кўрган) туши ҳаққи-рост қилди: албатта, сизлар (эй муминлар), иншооллоҳ, Масжид-ал Ҳарамга... кирурсизлар». Ҳамма: «Каъбага кирамиз!» деса, фақат баъзиларгина: «Иншооллоҳ, Каъбага кирамиз!» дейди. Бу «Иншооллоҳ!» деганлар ошиқлардир. Чунки улар бу нарса ўз қўлларида эмаслигини билмадилар. Ҳамма нарса ёрга боғли эканига икромлар ва: «Агар ёр

истаса, у ерга кирамиз!» дейишади. Зоҳирни кўрганлар учун Масжиди Ҳарам зиёрат қилинадиган Каъбадир. Ошиқлар ва Тангрининг хос қуллари наздида эса, Масжиди Ҳарам Тангрининг висолидир. Шунинг учун ҳам: «Оллоҳ истаса, дийдорига етишамиз!» дейди. Бироқ ёрнинг: «Иншооллоҳ!» дейиши жуда нодир ҳодиса. Бунинг ҳикояси ғайриоддий ва галатидир. Ғайриоддий ҳикояни эшитмоқ учун ғайриоддий одам керак.

Тангрининг шундай қуллари бордирки, улар азиздир, севгилидир. Ошиқларнинг барча вазифасини ҳам фақат шулар учун адо этади. Ошиқ: «Иншооллоҳ, эришамиз!» деганидек, Улуғ Тангри ҳам: «У ғариб (азиз) истаса!» дейди. Бироқ биз ҳозир бунинг шарҳига қизиқиб кетсак, восил булган валийлар калаваннинг учини йўқотадилар. Агар улар бундай аҳволга тушсалар, бу хил сирлар халққа қандай айтилади? Қаламнинг учи шу ерда синди...

Миноранинг тепасидаги теваани кўролмаган (одам) туянинг оғзидаги қилни қандай кўрсин?

Энди биринчи ҳикояга келайлик: «Иншооллоҳ!» деган ошиқлар: «Ишни қилган севгилидир. У истаса, Каъбага кирамиз!» демоқчи буладилар. Булар Тангрида ғарқ бўлгандир. Орага узга биров сиймайди. Ҳатто бу ҳақда гапирмоқ ҳаромдир. Узини фано этмагунча орага ҳеч ким киролмайди. «Оллоҳдан бошқа зот йўқдир». «Қасамки, Оллоҳ, ўз пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққи-рост қилди». Бу ошиқлар ва содиқларнинг рўйсидир. Шарҳи у дунёда маълум булади. Бутун оламнинг ҳоллари ҳам балки бир рўёдир ва буларнинг ҳам шарҳи у дунёда билинади. Масалан, тушингда отга минсанг, муродинг ҳосил булур. Бироқ отнинг мурод билан нима алоқаси бор? Сени дорга осигганини (руёингда) кўрасан, демак, бир улуснинг боши буласан. Дор билан элга бошчиликнинг нима яқинлиги бор? Дунёнинг ҳоли ҳам тушга ўхшайди. «Дунё ухлаган одамнинг рўиси кабидир» (Ҳадис). Бироқ у дунёнинг шарҳи узига хос бўлиб, бунисига ўхшамайди. Чунки у илоҳий шарҳдир. Ҳамма нарса унинг учун кашф этилган. Масалан, боққа кирган богбон дарахтлар шохидаги меваларга қарамасданок: «Бу хурмо, буниси анжир, анави нок, беригиси олма», дея олади. Худди шундай, тушларнинг таъбирини билишда Унинг учун ҳам қиёматга ҳожат йўқ. Богбон қайси дарахт қандай мева беришини билганидек, У ҳам рўёлар таъбирини олдиндан билади. Мол-дунё, хотин, кийим-кечак ва ҳоқозолар — атрофдаги нарсалардир. Ахир, оч-наҳор ҳолдан нон тополмасанг, чунтагиндаги юз дирҳам пулдан нима наф? Уни еб бўлмайди. Демак, хотин, бола-чақа, шаҳват ва кийим-бош кабилар совуқдан сақланмоқ учундир. Шу тарзда барча нарсалар бир-бирларига боғли бўлиб, то Азиз ва Жалил Тангрига қадар узайиб боради. Исталган, қидирилган Удир ва Уни бошқа нарса учун эмас, балки ўзи учун истайдилар. Чунки У ҳамма нарсанинг устида, ҳаммасидан авлодир, юксакдир, шарафлидир, гузал ва хушдир. Шундай экан, Уни Ундан тубан булган нарса учун қандай истайдилар? Ниҳоят Ундадир. Унга етишиш билан барча орзулар ҳам рўёбга чиқюси. Ундан илгариси ва нарёги йўқдир.

Инсон нафси шубҳа ва тахмин елидир. Сен ундан (инсондан) буларни ҳеч қачон ҳеч қандай восита билан даф этолмайсан. Буни фақат ошиқ бўлиш билангина бартараф қилса бўлади. Инсон ошиқ бўлиши билан (унинг) ичида ҳеч бир шубҳага тахмин қолмайди. «Сенинг севгинг сени кур ва кар қилади» (ҳадис), дея буюрилган.

Иблис Одамга сажда қилмай, Тангрининг амрига қарши чиқиб: «Мени оловдан, уни эса тупроқдан яратдинг», деди. Яъни, менинг зотим оловдан, уники тупроқдандир. Юксак булганнинг тубан бўл-

ганга сажда қилиши туғрими? Иблис Тангри билан шу тарзда мужодала этди ва Унинг лаънатиға учради, ҳузуридан қувилди. Ва: «Оҳ, Оллоҳим! Ҳаммасини сен қилдинг. Булар Сенинг бузғунчилигингдир. Устига-устак, мени лаънатлаб, ҳузурингдан бадарға қилмоқдасан», деди. Одам ҳам гуноҳ қилди. Оллоҳ: «Эй Одам, гуноҳинг учун сени жазоладим. Ҳаммасини ўзим қилганим ҳолда, сени қилди, дедим. Сен эса мен билан тортишмадинг. Ёки далилинг йўқмиди? Ахир, сен ҳам: «Ҳаммаси Сендан, Сен қилдинг, чунки дунёда Сен истаган нарса булади, истамаганинг бўлмайди», дейишинг мумкин эди. Шу қадар аниқ далилинг булгани ҳолда, Менга қарши лом-мим демадинг, нечун?» дея буюрди. Одам: «Эй Танграм! Биланам. Бироқ Сенинг ҳузурингда тарбиямни қўлдан чиқармоқни истамадим. Чунки Сенга булган ишқим мени кўйиб юбормадики, қарши чиқсам», деди.

Буюрадики: Бу шарият сув ичадиган жойдир, яъни, чашмадир, манбадир. Бу гуё шох девонига ухшайди. Унда ҳар турли беҳисоб ҳукмлар мавжуд. Оламнинг қарори шу билан қоймдир. Бироқ дарвишлар ва фақирларнинг ҳоллари подшоҳ билан қуришмоқдир. Ҳокимнинг илмини ва илми аҳкомни билмоқ қаерда-ю, подшоҳ билан қуришмоқ қаерда? Булар орасида катта фарқлар бор.

Асҳоб ва уларнинг аҳволлари мадрасага ўхшайди. Мадрасада муллар бордир. Ҳар мулланинг бир ҳожаси булади ва у муллага англашига, узига боғлиқлигига қараб ойлик (маош) беради. Кимга ун, кимга ийгирма ва кимга ўттиз кишилиқ (маош) тайин этади. Биз ҳам ҳар кимнинг англаши, қамраши даражасида сўз айтамыз. Чунки пайғамбар: «Инсонлар билан уларнинг ақллари нисбатида гаплаш» (ҳадис), дея буюрган. Тангри яхшироғини билгувчидир.

Фасл. Ҳамма бу иморатни (мақбара қуриш ёки таъмирлашни) ё мардлигини курсатиш учун, ёки ном чиқариш ва ёхуд савоб қозониш ниятида солади. Тангрининг бундан мақсади эса, валийлар даражаларини юксалтириш ва мақбараларига ҳурмат курсатишдир. Улар буюқдирлар, ҳурматга муносибдирлар, бироқ унга муҳтож эмаслар. Масалан, чироқ баланд бир жойга қўйилишни истаса, буни ўзи учун эмас, бошқалар учун истайди, чунки унинг ўзи ҳар қаерда ҳам нурли бир чироқдир. Унинг мақсади нурининг узгаларга фойда беришидир. Қуқдаги қуёш агар пастда булганда ҳам яна ўшади, нурли манбадир. Фақат у тубан тушса, дунё зулмат ичра қолади. Демак, у ўзи учун эмас, балки бошқалар учун юксакда яшамокда. Хулоса шуки, улар юқори ёки пастда бўлишдан, халқнинг ҳурмат курсатишидан озоддир. Агар сенга ҳам у оламнинг бир қатра лутфи ва зарра завқи курсатиладиган бўлса, сен тубанлик ва юксакликдан, ҳатто буларнинг барчасидан янада яқин булган ўзингдан ҳам зерикиб сикиласан. Шундай экан, нур ва завқнинг манбаи ва асоси ҳисобланган валийларнинг паст, юксак деган қайдлардан холи эканини уйламадингми? Улар Тангри билан мақтанадилар, Тангри эса, юқори ва қўйликдан мустағнийдир.<sup>1</sup> Унинг тажаллийси ҳамма жойда бордир. Юқорилик ва тубанлик бизга ўхшаш боши, оёғи булган инсонлар учундир.

Шундай одамлар борки, уларнинг ишларида ўз истаганлари бўшқа, Тангрининг мақсади бошқа булади. Тангри Мухаммад (с. а. в.) динининг юксаклишини ва дунё тургунча қолишини истаганидан Кўрьон учун жуда куп тафсир ёзилди. Тафсир ёзганларнинг мақсадлари ўз билимларини курсатиш эди. Замаҳшарий ҳам тил ва

<sup>1</sup> Мустағний — беҳожат.

диннинг бутун нозиклигини ўзининг жуда безақдор ва фосих жумлалар билан битган «Кашшоф» китобида акс эттирди. Буни у ўз фазлини курсатиш ва истаган нарсасининг ҳосил бўлиши учун қилди. Ҳолбуки, бу ҳам Муҳаммад (с. а. в.) динини юксалтиришдан иборат эди.

Барча инсонлар Тангри учун ишлайди, бироқ табиийки, (Тангрининг) бу ишдаги мақсадини билмайди. Шу билан бирга, инсонларнинг ҳам Тангри ишини бажарадиган гоялари бошқадир. Чунончи, Тангри дунёнинг қолишини истади; одамлар эса шаҳват билан машғул буладилар ва фарзанд тугилади. Улар ўз лаззатлари билан банд буларкан, ўзлари ҳам билмаган ҳолда дунёнинг давом этишини таъминлайдилар. Шу тахлит Оллоҳга қулликни адо этган буладилар. Худди шундай, улар муаззам масжидлар қуришади, эшиги, девори, бошқаси учун куп пул сарфлайдилар. Ҳолбуки, унинг қиймати қиблададир ва мақсад қибладир. Уларнинг нияти ҳалиги бўлиши билан баробар, яна қибланинг қадрини, буюклиги ортган булади.

Валиларнинг буюклиги кўринишда эмас. Валлоҳи, улар учун ҳам йқорилик ва қўйилик мавжуддир. Фақат, бу нарса хусусиятсиз ва ўхшашсиз кечади. Масалан, кумуш пул мис пулдан кучлидир, дегани нима маънога келади? Зоҳиран бундай эмас, албатта. Бироқ ҳамма гап уларнинг асосида, асосдаги жавҳарда. Ахир, кумуш пулни томнинг устига қўйсанг-у, олтин пулни ерга ташласанг, кумуш олтиндан устун була оладими? Ёки кепак элакнинг устида, ун эса остида қолади. Кўринишдан кепак ундан устундек туюлади, аслида-чи? Демак, устунлик суратда эмас, моҳиятда, ундаги жавҳардадир.

Фасл. Бири ичкари кирди. Мавлоно буюрдики: У азиздир, камтариндир ва булар ундаги жавҳардан майдонга келмоқда. Масалан, мевали шоҳ эгилади. Мевасиз дарахт эса гуддайиб туради. Пайгамбар ҳам жуда камтарин эди. Чунки ҳар икки оламнинг мевалари унда мужассам эди.

«Салом бериш борасида ҳеч ким Оллоҳнинг элчисидан устун бўлолмаган» (ҳадис). Пайгамбаримиздан олдин биров салом беришга улгурмаган. Чунки у ҳокисор бўлгани сабабли ҳар сафар ўзи бошлаб салом берарди. Зоҳиран, у аввал салом бермаса ҳам, камтарин бўлгани учун сўзни бошларди. Атрофдагилар салом беришни пайгамбардан ўрганган эдилар. Келиб-кетганларнинг ҳаммаси унинг соясидир. Инсоннинг сояси ўзидан олдин уйга киргандек туюлса ҳам, аслида, аввал кирган унинг ўзидир.

Баъзилари нарсаларнинг ибтидосига боқса, бошқалар интиҳого назар соладилар. Ибтидога қараганлар азиз ва буюк инсонлардир. Чунки улар: «Ниҳояга эътибор беришнинг нима ҳождати бор? Ахир, бугўй эксанг, арпа битмайди-ку!» дейишади. Демак, буларнинг қарашлари ўзгадир. Яна шундай бир қавм борки, улар Тангрига янада яқиндир ва на бошга ва на сўнгга боқадилар. Аввал ва охир буларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Чунки Оллоҳда гарқ бўлганлардир улар. Бошқа бир қавм эса, бутунлай дунёга гарқ бўлган ва ҳаддан зиёд гофил бўлганлари сабабли на бошга, на охирга боқадилар. Булар жаҳаннам оташининг утинидирлар. Шу тарзда Муҳаммадининг (с. а. в.) асл эканлиги маълум бўлмоқда. Чунки у тўғрисида: «Сен бўлмасайдинг, фалакларни яратмасдим» (Кудсий ҳадис), дея буюрилган. Шароф, тавозеъ, ҳикмат ва юксак мақомларнинг барчаси унинг ҳадияси ва соясидандир. Чунки булар ундан ҳосил бўлган. Масалан, қўл нима қилса ҳам, ақл шарофати билан қилади. Ақлнинг сояси ҳар на қадар йўқдек туюлса ҳам, унинг сояси, бир куланкаси бордир. Худди шундай, маънонинг ҳам борлиқсиз бир

борлиги мавжуд. Инсоннинг ақли соясиз, қулқасиз бўлмаса, унинг бутун аъзолари ишламайдиган ҳолга келади. Оёғи текис йўлда юролмайдиган, кузи курмайди, қўлоғи ҳар сўзни нотўғри эшитади. Шундай экан, барча иш-ҳаракат ақлнинг шарофати билан юзга чиқади. Аъзолар олатдир. Бу гуё замоннинг Халифаси кабидир. Бу улуг инсон — мисоли ақли кулл.<sup>1</sup> Халқнинг ақллари эса, унинг аъзоларидир ва нима қилса ҳам, ақли куллнинг соясидан қилади. Агар улар бирор таҳотога йўл қўйсалар, бу ақли кулл соясидан четга чиқиш билан изоҳланади. Масалан, ақлдан озаётган одам ақл соясидан, ҳимоясидан маҳрум қолади. Ақл фаришта жинсидандир. Гарчи малакнинг қўли ва қаноти бўлса ҳам, аслида буларнинг бари бир нарсадир, ақлдан иборатдир. Чунки, уни эшитсанг, ақлдан ўзга нарса қолмайди. Ахир, мумдан тайёрланган қушни қиздирсанг, у яна мумга айланади-қолади. Чунки мум мумдир ва ундан ясалган қуш яна ушадир. Худди шундай, муз ҳам сувдир. Буни билмоқ учун эритиш кифоя. Муз сув ҳолида экан, қўл билан тутиб бўлмасди, энди муз булди ва уни ушлаш, этакка олиш мумкин. Уртадаги фарқ шудир ва бундан ортиқ эмасдир. Муз ҳам сувдир, иккиси бир нарсадир.

Инсоннинг аҳволи ҳам шундоқдир. ...Тангри ҳар нарсани қила олади. Масалан, бола кичиклигида эшакдан ҳам баттардир. Ҳар турли ифлосликларга қўлини ботириб, оғзига олиб боради. Фақат онасигина бунга монъелик қилади. Эшакнинг ҳеч бўлмаса, бир нави тоза хоссаси бор. Чунончи, пешоб қилаётганда, оёқларига сачрамаслиги учун уларни кенгроқ очади. Мана шу эшакдан баттарроқ булган болани Улуг Тангри инсон айлайди. Шундай экан, эшакни ҳам инсонга айлантира олишига нега ҳайрон бўлиш керак? Оллоҳнинг ҳузурини гариб бўлган ҳеч қандай нарса йўқдир.

Қиёматда инсоннинг қўл-оёғи ва бошқа аъзолари тилга кирадилар. Файласуфлар: «Улар қандай қилиб гапира олади?» дейдилар. Ахир, аъзолар ҳол тили билан гапирмайдиларми? Масалан, қулга бирор яра чиқса, у: «Иссиғимни ошириб юборадиган овақт едим ва шундай булди», дея ҳол тили билан тушунтириш боради. Ёки кесилган жой: «Менга пичоқ тегди», дея хабар беради. Инсон аъзоларининг гапириши шу тарзда булади.

Суннийлар дейди: Қиёмат кунинида аъзолар тилга киради. Шунда инсон: «Сиз гапирмасдингиз, энди қандай қилиб буни эпламоқдасиз?» дейди. «Улар териларига «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар!» дейишганда, (терилар): «Бизларни барча нарсани сузлатган зот — Оллоҳ сузлатди», дедилар<sup>2</sup>. Қул: «Менга ҳаммани гапиртирган, ҳатто эшикни, деворни, кесакни ҳам тилга киргизган — Яратган суз берди. Ахир, сенинг тилингни қандай гапиртирди?» деди.

Тил ҳам сенинг оғзингда бир эт парчасидир, қўл ҳам шундоқ. Бир булак гуштнинг, яъни, тилнинг гапириши сенингча ақлга мувофиқ келади, чунки бунга куниккансан. Аслида, тил Тангри ҳузурини бир баҳонадир. Унга «Гапир!» дея амр этилган учунгина у гапирган. Худди шундай, Оллоҳнинг буйруғи билан ҳамма нарса тилга киради.

Суз инсоннинг қиймати қадр қадрлидир. Бизнинг сўзимиз сувга ўхшайди. Сувни мироб оқизадиган. Сув ўзини мироб қайси чулга ҳайдаганини қаердан билсин? Балки қарам даласигадир ёки пиёз

<sup>1</sup> Ақли кулл — ҳамманинг ақли.

<sup>2</sup> Қуръони Карим, 41/21.



даласига. Гул боғига булиши ҳам мумкин. Шунисини биламанки, сув кўп келса, демак, ер ҳам шунга яраша кенг, оз келса-чи, суғориладиган майдон ё бир уфоқ боғ, ёки турт томони девор билан уралган кичик ердир. «Оллоҳнинг ҳикмати эшитганларнинг ҳимматлари улчовида воизлар тилига қуяди». Мен бир этикдузман, менда тери кўп, аммо уни мижозимнинг оёғига лойиқ қилиб кесаман. Мен бир кишининг соясиман, унинг бўйи қанча бўлса, мен ҳам шу қадарман.

Ерда бир ҳайвонча (қурт) мавжуддир. У ер остида, зулматда яшайди. Куз ва қулоқсиз. Аслида, унинг кўз ва қулоққа эҳтиёжи ҳам йўқ. Мардликнинг муҳтожлиги йўқ экан, унга нечун кўз ва қулоқ берсинлар? Тангри оз булгани учун ёки хасислиги сабабли уни кўз ва қулоқсиз қолдирдимми? Йўқ! У буларни эҳтиёжга қараб берди. Эҳтиёжи бўлмаган кишига берилган ҳар қандай нарса ортиқча юқдир. Бироқ Тангрининг лутфи, карами ва ҳикмати юк бўлади эмас, балки киши зиммасидаги юкни туширади. Масалан, дурадгорнинг теша, арра, болга каби асбобларини тикувчига берсанг, булар унинг учун фақат кераксиз юқдир. Шунинг учун ҳам нарсани эҳтиёжга қура берадилар.

Қурт ер остида, қоронғуликда яшаганидек, баъзи бир одамлар ҳам бу дунёнинг зулмати билан кифояланади. Булар у оламга эҳтиёжлари бўлмагани каби, Тангрининг дийдорига ҳам муштоқ эмаслар. Улар кўзлари билан фақат дунёнинг ишинигина кўрадилар. Шундай экан, охират саодатини куришга ярайдиган кўзлар буларга нечук?

Рубоий: (Уйламаки, Оллоҳ йулига тушган эрлар йўқ, деб. Комил сифатлилар нишонсиз ҳам эмаслар. Сен сирларнинг маҳрами бўлмаганинг учун узгаларни ҳам ўзинг қатори ҳисоблабсанми?).

Дунё гафлат билан қоимдир. Гафлатсиз бу оламдан асар ҳам қолмайди. Тангри завқи (ишқи), охират тушунчаси, сархушлик, узидан кечиш ҳамда ваяд у оламнинг бутунлай у оламга кетамиз, бу ерда қолмаймиз. Улуғ Тангри икки оламнинг бор бўлиши учун бу ерда яшашимизни истади. Худди шу мақсадда икки оламнинг маъмур қолиши учун бирини гафлат, иккинчисини эса бедор бўлиши шарти асосида икки ходимни вазифалантирди.

Фасл. Буюрдики: Агар сизнинг (менинг борим ёки йўғимда) менга курсатган лутфингизга, ғайратингизга ва тарбиянгизга жавобан ташаккур этмоқ, ҳурмат билдирмоқ ва узр тиламоқ хусусида айбга йўл қўйсанг, бу узимни катта олганимдан ёки буларга эҳтиёжим йўқлигидан, ниҳоят, валинеъматнинг ҳаққини суз ёхуд иш-ла тулаш кераклигини билмаганимдан эмас. Асло! Балки, Сизнинг покиза иймонингизни билганимдан ва буни билхосса ҳамда тамоман Сллоҳ ризоси учун қилганингизни тушунганимдандир; ва жавобини ҳам Унинг ўзига ҳавола этапман. Чунки сиз нима қилган бўлсангиз, Унинг учун қилдингиз. Шунга қура, Тангридан қайтадиган муқофот ва савобнинг ҳаммасининг тула-туқис сизга етишини иштайман. Агар Сизни мадҳ этадиган бўлсам, Сизга нисбатан тавозеъ билан муносабатга киришсам, қўрқаманки, Тангри муқофоти ва савобининг бир қисмидан маҳрум қолгайсиз.

Аслида, ҳамду сано ҳам, тавозеъ ҳам, узр тилаш ҳам, барча-барчаси бу дунёнинг лаззатларидир. Модомики, дунёда бир молни ёки бир мақомни бериш йўлида қийинчилик ва заҳматларга таҳаммул айладинг, демак, муқобилини ҳам Оллоҳнинг узидан куришинг янада яхшироқдир. Шунинг учун ҳам мен узр тиламаяпман. Узр тиламоқ дунёни истамақдир. Чунки сарват ейилмайди, бошқа нарса

учун исталади. Сарват билан от, жория ва қул олишади. Мақтанмоқ учун, ҳар ерда сўйланмоқ учун лавозим ва мақом хоҳлайдилар. Хуллас, дунё буюк ҳурматталаб ҳамда мадҳ этилган нарсадир (Дунё деганларни дунё воситасида қулга киритилган нарсадир).

Шайх Нассожи Бухорий буюк ва кунгилчан бир зот эди. Уқиган одамлар ва уруғлар уни зибрат қилгани келишиб, қаршисида тиз чўкиб утиришарди. Шайхнинг ўқиш-ёзишдан саводи йўқ эди. Ундан Қуръон ва ҳадисларнинг тафсирини эшитмоқ истаганларга: «Мен арабча билмайман, сиз оятнинг маъносини айтинг, мен шарҳлаб берай», дерди. Булар таржимасини айтгандан кейин шайх: «Бу оят нозил бўлганда Мустафо фалон мақомда эди. Мақомнинг аҳволи мана бундай», дер ва бу мақомнинг даражалари, унга етишмоқнинг йўллари ҳақида батафсил маълумот берарди.

Бир куни Алавийи Муорриф Шайх Нассожи Бухорий ҳузурда бир қозини мақтади: «Бунақа қози ҳеч қайда йўқ. Пора олмайди, ўзи истаганича ҳўкм чиқармайди, холис ва адолатпарвар», деди. Бунга жавобан шайх: «Сенинг пора тўғрисидаги гапинг ёлгон. Сен ва Алавий бир одамсиз, устига-устак, Мустафонинг наслидан бўла туриб, пора олмайди, дея уни мақтаяпсан. Бу, ахир, пора бўлмай, нима? Мадҳ этишдан ҳам каттароқ пора борми?» деди.

...Сенинг гизли инграшингни асҳобнинг қулоқлари эшитади. Бир нарсали одам, яъни, жавҳари ёки бирор дарди бўлган киши дарҳол билинади. Масалан, туюлар қаторидаги бир туюнинг гандираклар юриши, оғзидан оққан сўлаги, галати кўзлари ва ҳоказо белгилари унинг мастлигидан далолат. «Уларнинг юзларида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир», дея амр этилган. Ахир, дарахт илдири олган озуқа унинг шох-шаббалари ҳолидан, барглари рангидан, мевасидан ошкор бўлади. Озуқа олмаган бошқа бир дарахтнинг сарғайиб сўлиши ҳам кўздан ниҳон эмас.

Бир соҳа тўғрисидаги китобни ўқиган одам, шу соҳага доир битта сўз эшитиши билан аввал ўқиганларини эслайди. Чунки у бу даражага етиш учун кечалари мижжа қоқмай ўқиган, меҳнат қилган. Қуръонда: «(Эй Мухаммад), Биз сизнинг қалбингизни (иймон ва Қуръон нури билан) кенг-мунаввар қилиб қўймадикми?»<sup>1</sup> дея буюрилганидек, у ҳам бир ишорат билан кўп маъноларни англайди. Янги бошловчи киши эса, айтилган сўзнинггина маъносини тушунади. Чунки у воқеадан ҳали хабардор эмас.

Сўз тингловчининг тушуна олиш даражасида келади. Ҳикмат талаб қилиниб тортилмагунча юз курсатмайди. Ким қанча иста, у ҳам шунча кўпроқ аён бўла боради. Агар киши: «Менга Сўз (ҳикмат) ошкор бўлмаяпти», деса, жавоб шу: «Сен нега уни талаб айламаяпсан, истамъчпсан, тортилмамаяпсан?». Сенга эшитиш қудратини бермаган зот, гапирганга ҳам гапириш салоҳиятини ато этмаган.

Пайғамбаримиз замонида бир кофирнинг мусулмон қули бор эди. Кўнлардан бир кун ҳўжайин унга: «Идишларни ол, ҳаммомга борамиз», деди. Йўл устидаги масжидда Мустафо асҳоби билан намоз ўқийтган эди. Қул: «Хўжайин, шу идишни ушлаб тур, мен кириб икки ракат намоз қилайин-да, югуриб хизматингга келайин», деди. Қул ёриб, намозини адо этди. Мустафо асҳоби билан бирга чиқди, бироқ қул ёлғиз ўзи қолди. Хўжайини уни узоқ кутди, ниҳоят, бақирди: «Эй қул! Чиқ бу ёққа!» Қул жавоб берди: «Мени қўйиб юбормаяпти». Қулни ким ушлаб турибди, дея (хўжайини) ичкарига

<sup>1</sup> Қуръони Карим, 48/29.

бошини сукди, аммо у ерда соя ва бир жуфт калишдан бошқа ҳеч нарсани курмади. Яна суради: «Ташқарига чиқшинга ким монельки қилмоқда?» Ул деди: «Сенга ичкари киришга монельки қилаётган; бироқ сен уни кўрмаяпсан».

Инсон ҳамиша ўзи кўрмаган, эшитмаган ва ўйламаган бир нарсага ошиқди. Кечаю кундуз уни қидиради, истади. Мен ўша кўрмаган кишимнинг қулиман. Инсон кўрган ва тушунган нарсасидан зерикади, қочади. Шунинг учун ҳам файласуфлар кўришни инкор этадилар. Улар дейишадики: «Курсам, тўяман, сиқиламан ва бу тўри эмас». Суннийлар эса: «Уни бир ҳолда ва бир рангда бўлганда кўрса бўлади. Чунки «У зот ҳар куни иш-амалдадир»,<sup>1</sup> буюрилгандек, бир онда юз хил рангга киради. Ҳатто юз минг марта тажаллий этганда ҳам, кўринишларининг бири иккинчисига ўхшамайди. Сен шу аснода Тангрини барча асари ва ишларида ҳар лаҳза, ҳар турли кўряпсан. Тангрининг бир иши бошқасига ҳеч ҳам ўхшамайди. Хурсандчиликда бошқача, қайғуда бошқача, қурқувда бошқачаю йиғида яна бошқача ақо этади. Модомики Тангрининг ишлари, ҳаракатлари, тажаллийси ва асарлари турли-туман экан, Унинг зотининг тажаллийси ҳам шундоқдир. Яъни, гуё ишларининг тажаллийси каби сен Тангрининг қудратидан бир қисм бўлганинг ҳолда, бир онда минг турли товланасан-у, Унинг ўзи жилваланмайими?»

Бири Мустафого деди: «Сени севаман». Мустафо: «Ақлингн ийи! Нима деяётганингн биласанми?» деб суради. Ҳалиги зот яна такрорлади: «Сени севаман». Мустафо: «Эсингн ийи, нима деяётганингн биласанми?» дея қайта суради. Одам яна ўшандай жавоб берди: «Сени севаман». Ниҳоят, пайгамбар: «Ундай бўлса, шу гапингда турки, энди сени уз қўлим билан ўлдиртираман. Ҳолингга вой!» деди.

Мустафонинг ҳузурига бир одам келди ва: «Мен сенинг динингн истамайман, қайтиб ол. Чунки қабул қилганимдан бери хонавайрон бўлдим, тинчимни йўқотдим. Хотиним ва молу дунёмдан айрилдим. Болам улди. Мени менсимай қуйишди. Қувват ва шахватим туғади», деди. Пайгамбар жавобан буюрди: «Бизнинг динимиз қаерга бормасин, борган еридаги одамнинг томиридан сугуриб олмагунча, уйини бузиб, ўрнини супурмагунча қайтиб келмайди. «Уни фақат таҳоратли — пок кишиларгина ушларлар». У шундай бир ёрдири, сенда узингга бўлган севингдан қилча қолган эса-да, сенга юзини кўрсатмайди. Уз вуслатига изн бермайди. Дўстининг сенга юз очишини истасанг, узингдан ва дунёдан зерикиб туйишинг ҳамда узингга ўзинг душман бўлишинг лозим. Худди шундай, бизнинг динимиз ҳам ўзи кирган кўнгилни Ҳаққа элتماгунча, уни мақсадга хизмат қилмайдиган кераксиз нарсалардан озод этмагунча қўймайди». Пайгамбар ҳалиги одамга: «Мана, сен шу сабабли тинчингн йўқотдинг ва гамга ботдинг. Гам емоқлик сени алдагани севинчларни қусмоқдир», деди. Ошқозонингга озгина нарса қолса ҳам, сени ҳузурсиз қилаверади. Истифрог<sup>2</sup> этаркан, инсон ея олмайди. Сен сабр қил ва қайгу чек. Чунки гам тортмоқ ва маҳзун бўлмоқ истифрог этмоқдир. Фақат шундан кейингина ҳақиқий севинч ҳосил бўлади. Бу севинч эса, гам ва қадардан озода: тикансиз чулу бошоғриги бермайдиган шаробдир. Ахир, сен кечаю кундуз дунёдан ҳузур қидирмоқдасан. Бироқ мақсадининг бу дунёда рўёбга чиқиши имконсиздир. Шунга қарамай, сен уни излашдан

бир лаҳза ҳам тўхтамаяпсан. Дунёда топган роҳатинг эса, бир қақмоқдек ёниб ўчувчидир. Чақмоқ ҳам дўл, ёмғир ва қорлар билан тўлади. Нега бу дунёда ҳузурга қовушолмайсан? Масалан, Анталёга<sup>1</sup> бориш нияти билан йулга тушидинг, бироқ адашиб Қайсари<sup>2</sup> томонга, кетиб қолдинг. Шунда ҳам Анталёга бораман, деб ўйласанг, хато қиласан. Чунки Қайсари йулидан Анталёга бориш имконсиздир. Агар Анталё йўлига тушилса-чи, йўловчи чўлоқ ва нотавон бўлса-да, манзилга эришгуси. Чунки манзилнинг ўзи шу ердир. Дунё иши заҳматсиз муяссар бўлмагани каби, охират иши ҳам шундоқдир. Шунга кўра, ҳеч бўлмаса, охират учун заҳмат чеккинки, меҳнатинг зое кетмасин. Сен: «Эй Муҳаммад! Динингн ол. Чунки мен ундан фақат нотинчлик кўрдим», дейсан. Бизнинг динимиз киши мақсадини ҳосил этмасдан, уни тинч қўймайди».

Ривоятларга кўра, жуда фақир бир муаллим бор эди. Камбағаллиги шу даражада эдики, қишда бир жубба киярди. Бир куни сел келди, унда бир айиқ боши лойқанинг ичида оқиб борарди. Муаллимга болалари (талабалари): «Бир пўстин оқиб келяпти, ол, керак бўлади», дейишди. Муаллим кийимга муҳтожлиги туфайли, ўзини сувга отди ва бориб «пўстинни» ушлади. Бироқ шу заҳотиёқ унинг чангалига тушди. Шогирдларинг: «Эй муаллим, ё пўстинни келтир, ё ўзинг кел», деган мурожаатларига, у: «Мен пўстинни қўйиб юбордим, бироқ у мени қўймапти, не қилай!» деб жавоб берди. Ахир, Тангрининг шуқри сени қандай қўйиб юборсин? Уз қўлимизда эмас, балки Тангрининг ихтиёрида бўлганимиз учун шукрона келтирмоғимиз лозим. Чунончи, боланинг кичиклигида, яъни, она билан сўтдан узга нарсани билмайдиган бир пайтда Тангри уни ҳеч тарк этдими? Аксинча, уни устриди, боқиб парвариш айлади. Унга ақл берди. Боланинг ичида мавжуд бўлган шу ҳол гуё у оламга ўхшайди. Инсон навбатдаги ҳолларга эришган сайин аввалги ҳолининг хомлик, болалик бўлганини ва ҳатто ҳеч нарса бўлмаганини англай боради. «Занжирлар билан жаннатга судраб олиб борилаётган қавмга ҳайронман. Уларни тутинг, боғланг ва Вуслатга элтинг. Кейин Жамолга, ундан сунгра Камолга олиб боринг».<sup>3</sup>

...Умарга коса тўла заҳарни келтирдилар. Умар: «Бу нимага ярайди?» деди. Улар: «Бу бировни ошкор эмас, балки яширин ўлдиришга ярайди. Қилич билан ўлдириб бўлмайдиган душманни шунинг бир заррасини бериб гўмдон қилса бўлади», деб жавоб беришди. Умар: «Жуда яхши қурол экан, менга беринг, мен ичай, чунки ичимда қилич билан етолмаганим бир душман бор. Дунёда ундан кўп ёмонлик қилган душманим йўқ», деди. Унга: «Бунинг ҳаммасини ичишга ҳожат йўқ. Озгинаси юзминг киши ёстигини қурилади», дедилар. Умар: «Менинг ичимдаги душман ҳам бир донга эмас, балки мингтадир ва юзминг кишини ерга ургандир», деди-да, косани олиб, заҳарни охиригача сипқорди. Буни кўрган у ердаги одамларнинг барчаси: «Сенинг дининг ҳақ дин экан», дейишиб, мусулмон бўлдилар. Умар: «Ҳаммангиз мусулмон бўлдингиз, бироқ бу кофир ҳануз иймон келтирмади», деди.

Умарнинг бу иймондан мақсади — авомнинг иймони эмасди. Унда бу иймон ортиги билан бор эди, ҳатто сиддиқларнинг иймонига эга эди у. Бироқ у назарда тутгани ва истагани набийларнинг, хос қўлларнинг иймони ва айнал-яқин эди. Бу шунга ўхшайди: бир арслоннинг шуҳрати бутун дунёга ёйилди. Бир одам уни кўриш учун

<sup>1</sup> Қуръони Карим, 55/29.

<sup>2</sup> Истифрог — қушиш.

<sup>1,2</sup> Анталёя, Қайсари — Туркия шаҳарлари.

<sup>3</sup> Қуръони Карим, 2-сура, 245-оят.

урмонга йул олди. Манзилга етгунча куп кийналди, бир йиллик умри утди. Ниҳоят, урмонга келди ва узоқдан арслонни куриши билан туриб қолди. Унга: «Сен арслон ишқида шунча йул босдинг. Унинг бир хусусияти — хузурига қўрқмасдан келиб, силаб-сийпаганга тегмайди. Агар қўриб келолмасачи, жаҳли чиқади, ҳатто бир нарса қилиши ҳам мумкин. Шунча заҳматлардан кейин бу туриш нимаси тагин?» дедилар. Йулоччи ҳам узиға-узи: «Модомки келдим, туришнинг маъноси йўқ. Арслонга томон бир-икки одам от!» деди. Лекин у ўша одимни отолмай турарди. Умарнинг ҳам иймондан қасди шу — арслон сари қўйлажак бир қадам эди. Бу одим фақат Оллоҳнинг хос қуллари билан яқиний бўлганларнинг ишидир. Одим шу одим, ортда қолгани унинг асарларидир. Бу иймон эса, қулларини жонларидан ювиб олган набийлардан бошқага насиб бўлмади.

Ёр хушдир. Чунки ёр ёрнинг хаёлидан қувват олади, ўсади ва яшайди. Бунга ҳайрон бўлишнинг ҳождати йўқ. Ахир, Мажнун Лайлининг хаёлидан куч олмаганмиди? Унинг ейиш-ичиши шундан иборат эмасмиди? Мажозий бир севгилининг хаёли унга шундай қувват бағишлар экан, ҳақиқий ёр бағишлайдиган қудратга нечун ҳайратда қолиш керак? Унинг хаёли сурат ва гайбатда мавжуддир. Шундай экан, уни нега хаёл деймиз? У хаёл эмас, балки ҳақиқатларнинг руҳидир. Олам хаёл билан қўимдир ва курингани, ҳис этилгани учун уни ҳақиқат, дея уйлайсан. Ҳолбуки, олам сен хаёл деган маъноларнинг бир нуридир, холос. Хаёл булган нарсага аксинча қаралса, у оламнинг айнан узидир. У маъно эса, бунга ўхшаганларнинг юз донасини вужудга келтириб, яна йўқ этади. Бу олам йиқилиб, битади. Маъно эса, йиқилгандан гузалроқ, яхшироқ, шу билан бирга, эскирмайдиган бошқа бир олам барпо этгуси. У эскилик ва янгиликдан покиза, нурлари ҳам булар билан сифатлангандир. Буларни майдонга келтирган удир ва буларнинг барчасидан озоддир, устундир. Чунончи, бир меъмор: «Уйнинг бўйи шунча, эни бунча, хоналари бунақа, саҳнаси унақа булади», дея тахмин қилса, бунга хаёл дейилмайди. Чунки ушбу ҳақиқат хаёлдан тугилади, унинг нуридир. Агар меъмор булмаган бошқа бир одам шундай уйласа, уники хаёл булади. Тангри яна яхшисини билгувчидир.

Фасл. Насоро<sup>1</sup> бир жарроҳ шундай ҳикоя қилди: «Шайх Садриддин асҳобидан бир нечтаси хузуримизга келдилар ва мендан: «Исо сиз уйлагандай Оллоҳми?» деб сўрадилар. Мен: «Биз бир Тангри борлигини биламиз. Бироқ динимизни куриш ниятида бунни билхоса яширамиз ва инкор этамиз», дедим.

Мавлоно бунни эшитиши билан: «Оллоҳнинг душмани ёлгон суйлапти! Бу мумкин эмас. Бу — шайтоннинг шаробидан сархуш бўлиб, йўлини йўқотган ва Оллоҳнинг эшигидан қувилган заволлининг гапи. Яхудийларнинг уйин ва хйллаларидан қочган, бўйи икки аршидан ҳам қисқа, ожиз бир одам қандай қилиб етти қават осмоннинг қурувчиси бўла олади? Ахир, бу осмонлардан ҳар бирининг қалинлиги беш юз йиллик йўл ва икки кўкнинг ораси ҳам шу қадардир. Буларни заиф кимса қай қудрати билан идора қилади? Сен бунга ишонсанми? Исодан аввал ер ва кўкларнинг яратувчиси ким эди? Тангри зolimларнинг гапларидан муназзаҳдир»<sup>2</sup>.

Насорининг: «Исонинг тупроқ қисми тупроққа, пок қисми покликка кетди», деган фикрига жавобан Мавлоно буюрди: «Агар Исо-

нинг руҳи Тангри бўлса, у ҳолда руҳ қаерга кета олади? Руҳ фақат аслига, яратганига кета олади. Агар Исо асл ва Яратган бўлса, у ҳолда, унинг кетадиган жойи қаердир?» Насоро деди: «Биз бу ишонччи отамиздан олдик ва уни ўзимиз учун дин айладик». Мавлоно буюрди: «Агар отангдан сенга сохта олтин қолган бўлса ва уни тоза бир олтинга алмаштириш имкони тугилса, алишмайсанми? Ёки отангдан чўлоқ бир қул мерос қолса-ю, уни давлолаш мумкин бўлса, ҳақим ва дори-дармон топила, сен ноғиронликни афзал кўрасанми? Бу отамдан қолган, уни узгартиришни истамайдан, дейсанми? Ақлли ва соғлом тўйгули киши бундай демайди. Ахир, Оллоҳ сенга отангнинг ақлидан бошқа ақл, дунёқарашидан ўзга дунёқараш ва ниҳоят, яхшини ёмондан фарқлаш хусусиятидан фарқли хусусият берган. Сен уларни ишлат ва йўқликка судраган эмас, балки тўғри йўлга элтган ақлга риоя қил. Масалан, ит қанчалик тубан бўлишига қарамай, султоннинг қўлида овга боришни урганани. Ота-онасидан ўрганган, курган нарсаларини — тўғри келган ёмон жойларда ётиб юриши, топган улимтигини еб кетишларни унутди. Қийғир ҳам шундай: Султоннинг тарбияси остида ов санъатини урганани, улимтик ейишни бас қилади. Куринадики, ҳатто паррандаю ҳайвон ҳам ёмондан яхшини ажрата оляпти ва иккиланмасдан, ургатилган яхшини қабул этипти. Ақл ва тамизда ҳаммадан устун булган инсоннинг бу хусусдаги сустваклиги жуда ёмондир. Биз бундан Оллоҳга сизгинамиз. Агар: «Исонинг Тангриси уни эъёзлади, ўзиға яқинлаштирди. Ким унга химмат қилса, Тангрига хизмат қилган, ким унга итоат этса, Тангрига итоат этган булади. Агар Тангри Исодан устун бир пайғамбар юборган бўлса, Исо воситасида курсатганини шу билан исбот этгандир. Пайғамбарга риоя — Оллоҳга риоя қилмоқ, Уни севмоқ — Оллоҳни севмоқдир. Шу тарзда бу сени Оллоҳга элтади. Ҳар нарсанинг сўнгги Унга боради. Яъни, сен ҳар нарсани гоё учун севасан. Бошқаси учун Уни талаб қиласан ва шу ҳолда севгинг Тангрига ниҳоя топади. Интиҳода Унинг зотини, айинни севасан», дейилса, тўғридир».

...Усмон халифа бўлиши билан минбарга чиқди ва халқ: «Ажабо, у не дер экан?» дея кутди. Бироқ Усмон индамади. Ақалли бир сўз ҳам айтмади, фақат бокди ва халқда шундай бир ҳол пайдо қилдики, ташқари чиқишга уларда мадор қолмади. Шу вақтгача қилинган юзлаб зикр, ваъз ва хутбалардан халқда бундай ҳол булмаган эди. Ҳамда улар бундай ҳол соясида узлари учун фойда ва сирларни ҳеч қачон бунчалик куп кашф этмаган эди. Йигин сунгиға қадар Усмон гапирмади. Фақат минбардан инмоқчи бўлгандагина: «Сиз учун фаол иймон маҳмадона иймондан хайрлидир» (Ҳадис), дея буюрди. У ҳақ гапни айтди. Чунки сўз айтмоқдан мақсад бир фойда бермоқ, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни узгартирмоқ ва ҳоказо яхшиликлар қилмоқдир. Ҳолбуки, Усмон ҳеч лом-лим демасдан, гапирган вақтидагидан купроқ фойда келтирди. Шунинг учун унинг айтгани тамоман савобдир.

Усмон узини фаол деди. Ҳолбуки, минбарда экан, куз билан куриш мумкин булган бирон иш қилмади. Намоз қилмади, ҳажга бормади, садақа бермади, зикр этмади ва ҳатто хутба ўқимади. Демак, амал ва феъл фақатгина бу куринган ҳақиқат ва фаолиятлардан иборат эмас. Булар балки у амалнинг суратидир ва у (амал) жондир. Мустафо: «Менинг асҳобим юлдузларга ўхшайди, уларнинг қайси бирига эргашсангиз ҳам, ҳидоятга эришасиз» (ҳадис), дея буюради. Инсон юлдузга қараб йўлини топади. Лекин юлдуз унга бирон нарса дейдими? Йўқ, асло. Киши юлдузларга боқиб, тўғри йўлини хатоларидан ажратиб олганидек, валийларга қараб ҳам

<sup>1</sup> Насоро — христиан динига мансуб киши.

<sup>2</sup> Муназзаҳ — пок.

мақсадига етишади. Валийлар уни Вуслат манзилига олиб борурлар.

Шеър: (Ишқни осон деб ўйлаган зот бир мартагина менга қарасин. Менинг ҳолим унинг (ишқнинг) нақадар кўрқинчли эканидан хабар беради).

...Шуни яхши билиш керакки, инсон қаерда бўлмасин, ҳамisha уз эҳтиёжининг ёнидадир. Ҳайвон ҳам шундай: эҳтиёж унга ота-онасидан ҳам яқинроқдир. Гуё унга ёпишгандир, ундан ажралмасдир. Инсон ўз-ўзини боғламайди. Чунки у доимо бу боғдан қутулмоқчи бўлади. Ҳар қандай боғдан озод бўлмоқни истаганнинг ўз-ўзини боғлаши имконсиз. Агар уни ўзга биров боғласа, ишонса буларди. Масалан, соғлом бўлишни хоҳлаган киши ўзини-узи касалга чалинтирмаслиги лозим. Чунки инсон ҳам соғлиқни, ҳам хасталикни бирданига истай олмайди. Киши доимо ўз эҳтиёжининг ёнида бўлганига кура, шу эҳтиёжни таъминлаганнинг ҳам ҳузурдадир. Яъни, илга (боғга, арқонга) боғли бўлгани учун ипни тортганга ҳам тобеъдир. Бироқ кузи арқонда бўлганидан унинг қадр-қиймати йўқ. Агар кузи арқонни тортганда бўлиб, ўзи арқондан қутулсайди, арқонни тортган унинг ўзи буларди. Унинг бу ҳолга тушишига сабаб — жиловдорнинг ортидан ипсиз-арқонсиз кетмагани ҳамда кузи унда (ипни тортганда) бўлмагандир. Шунинг учун уни боғладилар.

«Биз унинг бурнига тамга босамиз» (Куръон), дея буюрилганидек, унинг оғзига сувлиқ урамиз ва (у юришни) истамай қолганда, тортамиз. Чунки у сувлиқсиз ҳолда ортимиздан келмапти.

...Халқ: «Олам қадимдир», дейди. Бу гапни қабул қилиб бўлади-ми? Баъзилар борки: «Ҳодисдир», дейишади. Булар — оламда янада қадим бўлган валийлар ва набийлардир. Улуғ Тангри оламнинг яратилиш иродасини уларнинг руҳларида ҳосил қилгандан кейин олам майдонга келган. Улар оламнинг ҳодис бўлишини ҳақиқатан билиб, ўз мақомларидан хабар беришади. Масалан, умримиз олти-миш, етмиш йил эканлигини ва яшаётган уйимиз жуда илгари қурилган бўлмай, бир қанча йил аввал бино бўлганини билдик. Агар шу уйнинг ҳовлисида, деворида дунёга келган эшак, илон, сичқон каби жониворлар кўзларини очишлари билан уйни тикка ҳолда қуришиб, уни «қадим» десалар, бу биз учун далил булолмайди. Чунки биз унинг яқинда қурилганини биламиз. Бу ерда туғилиб усган ҳайвонлар уйдан бошқа жойни қурмаганлари ва билмаганларидек, дунё уйдан чиққан ва улгайган шундай инсонлар борки, уларнинг қадим бир асли йўқдир. Бу ердан кетганларидек, шу ерда йўқ булажақлар. Агар булар дунёни валийлар ва набийлардан қадим (эски) эканлигини айтишса, бу далил ҳисобланмайди. Чунки валийлар ва набийлар дунёда мингларча йил аввал мавжуд эдилар. Йил не демак, ҳисоб не демак? Чунки уларнинг на йили ва на ҳисоби бор эди. Улар дунёнинг кейин майдонга келганини қурганлар. Худди сен бу уйнинг яқинда қурилганини қурганингдек.

Заволли файласуф суннийларга: «Оламнинг ҳодис бўлишини қандай билдинг?» дейди. Ҳой эшак! Оламнинг эскилигини (қадимлигини) сен қандай билдинг? «Олам қадимдир» дейишнинг маъноси — ҳодис эмасдир демакдир. Ва бу далил инкор учундир. Иббот учун далил келтирмоқ бундан қулай. Чунки инкор учун гувоҳлик беришнинг маъноси шу: Масалан, «бу одам фалон ишни қилмаган. Бироқ бунини билиш мушкул». Бунини айтган киши у билан кеча-кундуз баробар бўлиши керакки, натижада: «Ҳа, у бу ишни қилмаган!» дея олсин. Ҳатто бу ҳам етарли эмас. Чунки у киши ухлаши ёки ёзилиш учун четга ўтган бўлиши мумкин. Яъни, ҳар лаҳза у билан бирга бўлишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам инкор учун гувоҳлик турғи

эмас. Чунки бу бир инсоннинг имкон доирасига сиғмайди. Иббот учун эса, гувоҳлик берса бўлади ва бу ута қулай. Чунки: «У билан бирга бўлганимда, ундай деди, бундоқ қилди», дейиш мумкин. Бундай гувоҳлик инсон имкони доирасидадир. Эй ит! Оламнинг ҳодис бўлишига далил келтириш оламнинг қадим эканлигига далил келтиришдан қулай эмасми? Сенинг шохидлигинг оламнинг ҳодис бўлиши натижасини беради. Шу аҳволда инкор учун бир далил келтирилган бўласан. Демак, ҳар иккиси учун ҳам далилинг йўқ, энди айт-чи, олам ҳодисми ёки қадимми?

Фасл. Мустафо асҳоби билан ўтиради. Кофирлар ҳар масалада унга эътироз билдиради. Шунда саҳобаларидан бири: «Дунёда бир киши бор, ваҳий унга келади. Унинг аломатлари бўлади ва булар унинг сўзида, бутун ҳаракатларида зоҳирдир. Сиз ҳозир ана шу аломатларни кўриб турибсиз, демак, унга эргашингки, у ҳам сизнинг қўлингиздан тўтсин», деди. Кофирлар бундай қилишга уялдилар ва келиб саҳобаларни урдилар. Мустафо: «Сабр қилинг. Улар ҳозирча голибдир. Мажбуран динларини қабул эттирмоқчи бўляптилар, демасинлар. Бу динни Тангри оёққа тургази», деди. Му-сулмонлар узоқ вақт яширинча намоз қилдилар ва Мустафонинг номини ошкор айтмадилар. Ниҳоят, «Сиз ҳам қилич олиб, бу йўлда курашинг», деган ваҳий келди.

Мустафонинг саводи йўқ, дейишади. Бироқ бу унинг ёзиш ва ўқиш бўлмагани учун эмас. Унинг ёзиш, ўқиш, билим ва ҳикмати онадан туғма бўлиб, буларни кейин ўқиб қўлга киритмагани учун саводсиз дейишади. Аслида, дунёда у билмаган нима бор? Ҳамма ундан ўрганadi. Жузъий ақлнинг куллий ақлда бўлмаган нимаси бор? У қўрмаган нарсасини ўзидан топмоқ, яратмоқ қобилиятдан узоқ. Бу одамлар ёзган китоблар, улар барпо қилган бинолар эмасдир. Одамлар бунга ҳеч нарса илова қилганлари йўқ. Узлигида янги нарса топганлари куллий ақлдир. Чунки жузъий ақл ўрганишга, куллий ақлнинг ўргатишига муҳтож. Ақли кулл муаллимдир. Унинг ўрганишга эҳтиёжи йўқ.

Худди шундай, барча энг аввал пайдо бўлган нарсаларни тадқиқ қилсак, асл ва интиҳо ваҳийдир, пайғамбарлардан ўрганилгандир. Набийлар ақли куллдир.

Ҳикоя. Қобил Хобилни ўлдириб қўйиб, мурдани нима қилишни билмай боши қотиб турганда, шеригини ўлдириб қўйган бир қаргага кўзи тушибди. Қарга ўликни тупроқ қавлаб кумибди. Қобил қаргадан жасадни кумишни ўрганиб олди. Мозор шу тарзда вужудга келди. Худди шундай, барча санъатларда ҳар жузъий ақл эгаси ўрганишга муҳтож. Ақли кулл эса, ҳамма нарсани уртага қўйган, топган ва майдонга келтиргандир. Ақли куллийни ақли жузъийга боғлаган валийлар ва набийлардир. Масалан, қўл, оёқ, кўз, қўлоқ ва инсоннинг барча туйғулари қалбу ақлдан ўрганиш қобилиятига эгадирлар. Ақл ва қалбсиз инсон туйғуларининг ҳеч бири ҳаракатга келмайди. Сенинг жисминг ақлнинг ва қалбингга нисбатан кўпол ва бесўнақайдир. Ақл ва қалбинг эса, латиф. Кўпол жисминг латиф бўлганлар билан қоимдир. Унинг тозалиги ва латофати ҳам қалб ва ақлнинг шарофати билан. Латиф бўлганларсиз жисминг танбал, ишەкмас, ифлос ва кирдир. Жузъий ақл ҳам куллий ақлнинг олати. Ундан ўрганади ва куллий ақлнинг қаршисида жуда кўполдир.

...«Ҳамма нарса Оллоҳдандир» дейишса, бунга жавоб сифатида айтамызки: Ўз нафсини айбламоқ ва оламни ундан қўтқармоқ ҳам Оллоҳдандир. Масалан, бир одам боққа ўғрилиққа кирди ва боғбоннинг қўлига тушди. Боғбон: «Оллоҳдан қўрқмайсанми?» Уғри:

«Нега кўрқай? Ахир, мева ҳам Оллоҳники, мен ҳам унинг қулиман. Демак, Оллоҳнинг қули Оллоҳнинг мевасидан еяпти», деди. Боғбор арқон келтирди ва ўғрини ушлаб, бир даррахта боғлади-да, таёк билан калтаклай бошлади. Шунда ўғри бақирди: «Оллоҳдан кўрқмайсанми?» Боғбор жавоб берди: «Ахир, сен Оллоҳнинг қули, бу эса Оллоҳнинг тағидир. Оллоҳнинг таёғи Оллоҳнинг қулини уряпти. Мен нега кўрқай?»

Натиха шуки, олам бир тоққа ухшайди. Яхши ёки ёмон сўзининг акси ўзинга, фақат ўзинга қайтади. Мен яхши гап айтган эдим, тоғ ёмон қилиб қайтарди, дея олмайсан. Чунки бу имконсиз! Чунки тоғда булбул сайраса, акс-садо бўлиб ҳеч қачон эшак ёки қарганинг овози қайтмайди. Агар акс-садо эшак овози булса, демак, билгилки, бу ёқда ханграган ҳам эшакдир.

...Иброҳим Адҳам подшоҳлик вақтида овга чиқди. Ёлғиз бир жайроннинг орқасидан қувди. Бироқ ҳадеганда жайронга ҳам етавермади. Оти чарчади. Бироқ подшоҳ тухтамади. Ниҳоят, жайрон тилга кирди: «Сен бу учун яратилмадинг. Оллоҳ сени мени овламоғинг учун бор этмади. Мени овладинг ҳам дейлик, хуш, нима булади?» Иброҳим буни эшитиши билан фарёд солиб, ўзини отдан ташлади. Уша атрофда бир чўпондан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Подшоҳ унга бутун кийим-кечагини, жавоҳирларини, отини бериб, чўпоннинг кийимини ўзи кийди ва йулга равона бўлди.

Энди айт-чи, унинг истаги нима эди-ю, Оллоҳнинг истаги нима эди? Иброҳим жайрон овламоқчи бўлди, бироқ Улуғ Тангри уни жайрон билан овлади. Билгилки, бу дунёда фақат ва фақат Оллоҳнинг истаги булур. Мурод Унинг мулки, мақсадлар эса мулозимларидир.

Умар мусулмон бўлмасдан олдин синглизининг уйига келди. Синглиз Қуръон ўқийдиган эди: «Тоҳо ма анзална»...<sup>1</sup> Акасини куриши билан Қуръонни яширди. Умар қиличчини қинидан чиқариб: «Айт, нима ўқийдиган эдинг? Йўқса, улдираман», деди. Синглиз кўрқанидан эътироф этди: «Улуғ Оллоҳнинг Мухаммадга юборган Каломидан ўқийдиган эдим». Умар: «Ўқи, эшитай», дегач, синглиз «Тоҳо» сурасини ўқиди. Умар янада газабланди ва: «Агар ҳозир сени улдирсам, ожиз кишини улдирган бўламан. Аввал бориб, унинг бошини олай-да, кейин сенинг масалангни кўрай», деди ва Мустафонинг масжидига йўналди. Йулда уни Қурайшга мансуб одамлар кўришиб: «Умар Мухаммаднинг жонини олишга кетяпти. Булса-булмаса, бу иш ёлғиз Умарнинг қулидан келади», дейишиб қолди. Чунки Умар жуда бақувват ва ута мард киши эди. Шу қадар эдики, Мустафо ҳам: «Эй Тангрим, менинг динимни Умар ёки Абу Жаҳл ёрдамида қулла», дерди. Ниҳоят, Умар мусулмон бўлгандан кейин йиғлаб: «Эй Оллоҳнинг элчиси! Агар Абу Жаҳлнинг номини менинг исмиждан олдин айтганингда, менинг ҳолим нима кечарди?!» дерди.

Хуллас, Умар яланғоч қилич билан масжидга яқинлашди. Шу аснода Жаброил Мустафога: «Эй Расуллоҳ! Умар келяпти. Мусулмон бўлиши билан уни қучоқла!» дея ваҳий келтирди. Умар масжидга кирар-кирмас, Мустафодан учган бир зий ёз қалбини забт этганини аниқ кўрди. Фарёд этиб, хушсиз ҳолда йиқилди. Рўҳида бир ишқ ва севги ҳосил бўлди, уларнинг жушқинлигидан Умар шу лаҳзада Мустафода эриб, йўқ бўлмоқни истади: «Эй Оллоҳнинг элчи-

си! Менга иймон таклиф эт ва у қутлуг қалимани айтки, эшитай», деди. Умар мусулмон бўлиши билан: «Мен қилич яланғочлаб, сени улдиришга келган эдим. Бу гуноҳимнинг каффорати уларок энди то тирик эканман, сенинг душманларингга қарши курашаман. Шу қиличим билан уларнинг бошларини танларидан жудо қиламан», дея қасам ичди. Масжиддан чиқар-чиқмас отасига дуч келди. Отаси ундан: «Динингдан қайтдинг, шундоқ эмасми?» деб сўради. Умар унинг бошини олди. Йулда унинг қонли қиличчини қурган Қурайшнинг улўғлари: «Душманингнинг боши қани?» дедилар. Умар: «Мана!» деди. Улар: «Йўқ, бу унинг боши эмас. Бу бош бу ерга тегшили», дедилар. Энди қара, Умарнинг қасди не эди-ю, Улуғ Тангрининг ундан муроди не эди?

Байт: (Умарнинг қулида қилич. Оллоҳнинг элчисини улдирмоқ учун келади. (Бироқ) Оллоҳнинг тузоғига илиниб, бахтидан пайғамбарнинг назарига тушади).

...Шеър: (Қалбимга: «Эй қалбим, билимсизлигингдан кимнинг хизматидан махрум бўлганингни биласанми?» дедим. Қалбим ҳам менга: «Мени нотўғри тушунибсан. Мен доимо хизматдаман. Боши гаранг бўлиб қолган у — сен!» деди).

Қаерда ва қай ҳолда булсанг — бул, фақат ошиқ ва дўст бўлмакка тириш. Мухаббат сенинг мулкнинг эса, хоҳ мазорда булсин, хоҳ қиёмату хоҳ жаннатда, сўнгига қадар дўст булурсан. Модомики, сен бугдой эқдинг, муҳаққаки, бугдой битади, омборда ҳам, тандирда ҳам у (бугдой) булади.

Мажнун Лайлига мактуб битмоқчи бўлди. Қаламни қулига олиб ёзди: «Хайлинг кўзимда, исминг тилимда, ёдинг дилимда... Шундай экан, мен кимга ва қаерга ёзай? Ахир, сенинг ўзинг шу ердасан-ку!» У қаламни шартта синдириб, мактубни парча-парча қилди.

Қанча-қанча одамларнинг қалблари мана шу ҳислар билан тула бўлиши мумкин. Фақат улар туйғуларини сўзга кучиролмайдилар. Бунга ҳайрон бўлишнинг ҳолати йўқ. Уларнинг ҳоллари ишққа қасида эмас, асос — қалбнинг тилаги. Ва булар ишқ ва севгидир. Чунончи, гўдак сутнинг ошиғи, у сутдан озуқа олади. Бироқ гўдак сутга таъриф беролмайди, тушунчасини сўз ҳолига келтиролмайди. Балоғатга етган кап-катта одам эса, сут ҳақида юз турли тушунтириш ва таъриф бергани билан у буларнинг ҳеч биридан сут таъмин олмайди, ололмайди.

Фасл. «Анави ёшларнинг исми нима?» (деб сўради). (Бири): «Сайфиддин» деди. Жавобан буюрдики: Сайф (қилич) қиндадир, уни куриб бўлмайди. Сайфиддин дин учун курашган, бутун куч-гайратини тамоман Оллоҳ учун йўналтирган, тўғрини эгриван фарқлаган, ҳақни битилдан айирган кишидир. Фақат, у курашни, аввало, узидан, ўзи билан жанг қилишдан, яъни, ўз ахлоқини тузатишдан бошлайди. «Аввало, нафсингдан бошла» (ҳадис), дейилганидек, у ҳам ўзига-ўзи насиҳат этади: Мен қанақа одамман ўзи! Қулим-оёғим, кўз-қулоғим, ақлу фаросатим булса. Мурод-мақсадларига етиб, давлатлар топган анбиё авлиёлар ҳам одам бўлиб, уларнинг ҳам икки оёғи ва икки қули бор эди. Уларда қандай маъно мавжуд эдики, юрган йўлларида эшиклар очиларди. Менда бу неъмат йўқ. Мен нималар қилиб қўйдим. Ахир, ҳеч ким мени ёқтирмаяпти ҳам?! У мана шу тарзда ҳаракат этса, Сайфуллоҳ ва лисонул Ҳақ булгуси. Чунончи, ўн кишидан тўққизтаси уйга кириб, биттаси ташқарида қолса ва уни киритмасалар, бу одам мутлақо ўзига-ўзи «Қизиқ, мен нима ёмонлик қилдимки, улар мени уйга киргизмаяптилар?» дея йиғлайди. Худди шундай, инсон ҳам гуноҳини буйнига олиб, ўзини одобсиз ва нуқсонли курмоғи лозимдир ҳамда: «Буни

<sup>1</sup> Биз сенга бу Қуръонни қийнаиб, жафо чекишинг учун юбормадик. (20/1-2).

Ҳақ қилди. У шунда истаса, мен нима қилай, агар истасайди, менга ҳам йул берадир», демаслиги керак. Бу Тангрига қарши куфр этмоқ ва қилич тортмоқдир. Бу ҳолда у Сайфуллоҳ эмас, Сайфу Ўлал-Ҳаққ (Оллоҳга қарши кутарилган қилич) бўлади.

Улуғ Тангри қариндош-уруғ ва яқинлардан покизадир: «У тугмаган ва тугилмагандир». Ҳеч ким Унга йул топмади, фақат куллик-ла йул топдилар. «Оллоҳ (сизларнинг айёр-эҳсонларингиздан) бой-бў-ҳожат, сизлар эса (У зотнинг ажр-савобига) фақир-муҳтождирсизлар». Ҳаққа йул топган зот тугрисиди: «У мендан яқинроқ, кадрдонроқ эди», дейишнинг янглиш. Чунки Унга яқинлик фақат ва фақат етарли даражада Унга қуллик қилиш билан бўлади. У денгизнинг киргогини инжуларга тўлдирди. Тиконга гул хийлатини<sup>1</sup> кийдиради. Бир ҳовуч топроққа ҳаёт, руҳ бағишлайди. Ҳеч қандай гаразсиз, ҳеч қандай алоқасиз ҳолда бутун оламнинг жузълари Ундан насиба оладилар. Одамларга «Фалон шаҳарда бир сахий зот эҳсон қиляпти» десанг, чопиб кетишади. Бироқ Оллоҳнинг беназир лутфидан хабарлари бўлгани ҳолда, нечун Ундан тиланмайди? Сен ҳам ҳеч нарса умид қилмайсан-да, танбал бўлиб утирган кўйинг: «Оллоҳ истаса, менга Узи беради», дейсан. Итнинг ақли ва идроки йўқ. Шундай бўлса ҳам, очиқиши билан одамнинг олдига келиб, нон бер дегандек ҳаракат қилади. Сен итдан ҳам тубанмисан? Ахир, у ерда ётволиб: «Агар истаса, менга ўзи беради», дейишга рози бўлмай, одамга ёлворяпти. Думини уйнатиб, сураяпти. Сен ҳам шундоқ қил, Тангридан иста ва тиланки, бундай ато соҳибининг ҳузурда тиланчилик қилиш айни муддаодир. Модомки, сенинг омадинг бўлмаса, у ҳолда, сахий ва давлатдманд одамдан омад иста. Тангри сенга жуда яқиндир ва сен уйлаган, тасаввур этган ҳар бир нарса билан биргадир. Чунки тасаввур-тушунчанинг яратувчиси Удир. Бироқ сенга жуда яқин бўлгани учун Уни кўролмайсан. Нақадар гариб бўлса ҳам, сен қилган барча ишда ақлинг сен билан биргадир. Сени ишга бошловчи ҳам у, фақат, сен буни ҳам кўрмайсан. Гарчи асарлари орқали кўрсанг ҳам, асосини, яъни, зотини, ўзини кўролмайсан. Масалан, ҳаммомга кирган одам унинг қайси бурчагига борса ҳам иссиқ у билан бирга бўлади. Бироқ шу иссиқликни вужудга келтираётган оловни кўролмайд. Қачонки у ташқарига чиқади, оловни кўради ва шунинг таъсирида жигонини билади. Инсоннинг вужуди ҳам мисоли бир галати ҳаммом. Унда руҳнинг, ақл ва нафснинг иссиқлиги бор. Фақат сен қачонки бу ҳаммомдан чиқиб, у оламга кетасан, шундагина ақлнинг зотини руй-рост кўрасан, руҳ ва нафснинг зотини мушоҳада этасан.

Самарқандда эдик. Шаҳарда тенги йўқ гузал бир қиз ҳам истикомат қиларди. Хоразмшоҳ Самарқандни олиш учун бостириб келиб, уни қамал қилганда, қизнинг: «Оллоҳим, мени зolim душманларнинг қўлига ташлама. Мен биламанки, Сен буни менга ҳеч қачон раво кўрмайсан», деганини эшитиб қолдим. Шаҳарни ўққа тутдилар. Халқни ва гузал қизни жорияларигача асир олдилар. Бироқ шунча гузал бўлишига қарамай, қизга биров тегмади, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Кимда-ким ўзини Оллоҳга таслим этса, бутун офату фалокатлардан омон қолгусидир. (Чунки) Унинг ҳузурда ҳеч кимнинг тилаги беҳуда кетмас.

Бир дарвеш ўлига шудай ўргатган эди: Бола отасидан нима сўраса, ота: «Оллоҳдан тила!» дер ва бола йиглаб Тангрига ёлборарди. Шунда унинг истагини (ота-онаси) бажо келтиришарди.

Йиллар шу аҳволда ўтди. Бир кун бола уйда ёлғиз қолди ва ҳариса<sup>1</sup> ичгиси келди. Бирдан гойибдан қоса тула ҳариса пайдо бўлди ва бола тўйгунча ичди. Ота-онаси уйга келиб ўғлидан: «Нима истайсан?» дея сўрадилар. Бола: «Ҳариса истадим ва едим», деб жавоб бергач, ота: «Худого шукр, бу мақомга эришдинг. Тангрига ишон, таваккулинг қувватланди», деди.

Марямнинг онаси уни туғиш билан уни Оллоҳнинг уйига (мабадга) вақф этажигини ва унга ҳеч қандай иш буюрмаслигини ваъда қилган. Марям (туғилиши билан) уни мабадинг бир бурчагида қолдирди. Закариё уни (парвариш қилмоқчи) булди. Уртада келишмовчилик чиқди. Уша замоннинг одатича, бундай пайтларда сувга чўп отилар ва кимники сув юзасида қолса, шу киши голиб ҳисобланарди. Тасодифан Закариёнинг омади чопди. Ва у ҳар куни Марямга емиш келтирадиган булди. Бироқ у ҳар сафар қўлида овқат билан келганда, Марямнинг олдида ўша емишдан турганини курарди. Ниҳоят, сўради: «Сенга қаровчи менман, буларни қаредан олдинг?» Марям: «Очиққанимда Улуғ Тангридан сураيمان ва У менга юборади. Унинг қарами ва раҳмати сунгсиздир. Унга ишонганнинг ишончи зое кетмас», деб жавоб берди. Закариё илтижо қилди: «Эй Тангрим, модомки ҳамманинг эҳтиёжини қондираётган экансан, менинг ҳам бир тилагим бор: Менга фарзанд бер ва у менинг ташвиқимсиз Сенинг дўстинг бўлиб, Сенинг ибодатинг билан машгул бўлсин». Улуғ Тангри Яҳёни дунёга келтирди. У туғилганда, отаси (Закариё) мункайган чол, ёшлигида ҳомиладор бўлмаган онаси кексайиб икки букилиб қолган кампир эди. Бу ва бунинг каби куплаб воқеалар Оллоҳнинг қудрати олдида баҳона эканини ва ҳамма нарса Ундан, ҳамма нарса узра мутлақ ҳоқим ҳам У эканлигини инсон билиши керак. Мумин ким? Мумин: «Деворнинг ортида кимдир бор ва у бизнинг барча ҳолимизни кўриб, кузатиб, билиб туради, фақат биз уни кўролмаймиз. Унга барча нарса аёндыр», деган одамдир. Масалан, сен биласанки, мен деворнинг орқасидаман ва сен рубоб чалаясан. Сен ҳеч қайқа қарамай, кетини узмай чалишда давом этапсан. Чунки сен рубобчисан!

Намоз — кун буйи қиём, рукуъ ва сажда қилишдангина иборат эмас. Ундан мақсад кишида ҳосил бўлган ҳолдир. Худди мана шу ҳол ҳамиша сен билан баробар бўлиши керак. Уйқуда, бедорликда, ёзаркан, ўқиркан... барча-барча ҳолларда Оллоҳнинг зикридан холи қолмагайсан. Ахир, шундай намоз қилганлар тугрисиди «Улар намозларида доим барқарор бўлгувчи зотлардир»<sup>1</sup> ояти нозил бўлганда! Шу ҳолда инсондаги гапириш, сукут, емоқ, ухламоқ, аччиқланмоқ, авор этмоқ ва ҳоказо барча васфлар тегирмоннинг айланishiга ухшайди. Айланиш мутлақо сув воситасида бўлади. Чунки тегирмон ўзини сувсиз синаб курган ва бу ҳолда айланолмаслигини билади. Шунга қарамай, у айланишни ўзидан деб билса, бу ута билимсизлик ва гафлатдир. Тегирмоннинг айланиш майдони тор ва бу мазкур оламнинг аҳволини эслатади. Сен Тангрига ёлбор ва дегинки: «Оллоҳим, менга ушбу айланолмайдиган бошқа руҳоний бир сайр насиб эт! Чунки барча тилаклар Сендан ҳосил бўлади ва Сенинг қараминг, раҳматинг бутун борлиқни камровчидир. Шундай экан, ўз эҳтиёжининг ора-сира билдириб тур ва Уни хотирлашдан, ёд этишдан чарчамаки, Унинг ёди руҳ қушига қувват, қўл ва қанотдир. Агар мақсадларинг рўёбга чиқса, нур устига нур. Ҳақнинг ёди

<sup>1</sup> Ҳариса — шўрванинг бир тури.

<sup>2</sup> Курьони Карим. 70-сура, 23-оят.

<sup>1</sup> Хийлат — кийим; тўн.

билан секин-аста ичинг ёришади ва сенда дунёдан бир узилиш ҳосил бўлади. Масалан, кукка парвоз қилган қуш осмонга етолмаса ҳам, ердан узоклашади, қушлардан анча юксакларга учади. Ёхуд оғзи тор идишдаги мушкни олмоқ учун қулини суққан киши мақсадига етолмаса-да, бармоғи хушбуй таратиб чиқади. Бурни ҳам ундан баҳра олади. Оллоҳни хотирламоқ ҳам шунга ўхшайди. Ҳар нақадар Унинг зотига етишолмасанг-да, ёд этиш билан Жалоло юксак булган Тангрининг сенда майдонга келтирган асарини сезасан. Унинг зикридан буюк фойдалар ҳосил бўлур.

...Фасл. Улуг Тангри яхшилик ва ёмонликни ирода этгувчидир. Бироқ У хайрдан бошқа нарсага рози бўлмайди. Чунки «Мен яширин хазина эдим, билинмоқ истадим» (Қудсий ҳадис), дея буюрилгандир. Ҳеч шубҳа йўқки, Тангри амр этади ва манъ қилади. Ходимнинг таъби берилган амрни истамаса. Демак, бу ерда бир янглишлик бор. Масалан: «Эй оч, ширилик ва шакар е!» дея амр қилинмайди. Бу амр эмас, балки икромдир. Манъ этиш ҳам инсон узи ёқтирмайдиган нарсага нисбатан бўлмайди. Чунончи, тош ёки тикон ейишни манъ қилиб бўлмайди. (Чунки тош ва тиконни шундоқ ҳам ҳеч ким емайди). Бир хайрнинг майдонга келиши ёхуд ёмонликдан сақлаш учун худди мана шу ёмонликка майл қилган бир нафс бўлиши лозим. Бундай нафсни ишташлик ёмонликни хоҳлашлик, демакдир. Бироқ У ёмонликка рози бўлмайди, рози бўлса эди, яхшиликни амр этмасди. Масалан, дарс бермоқчи булган устоз шогирдларнинг билимсиз бўлишини ҳам хоҳлайди. Чунки билимсизлик булмаса, ўқитиш-ургатиш ҳам бўлмайди. Бир нарса истамоқ, айна пайтда, унинг зарурларини ҳам истамоқдир. Шогирдларнинг билимсиз қолишларига рози ҳам бўлмайди, рози бўлганда, уларга ҳеч нарса ургатмас эди. Худди шундай, табиб ҳам ўз хунарини ишга солиш учун ҳамманинг касал бўлишини истайди. Чунки унинг ҳақимлиги халқнинг хасталиги билан вужуд топа олади. Бироқ халқнинг бетоб бўлишига ҳам рози бўлмайди. Агар бунга рози бўлсайди, касалларни даволамасди. Пул топиш учун нонвой ҳам халқнинг оч бўлишини истайди. Шу билан бирга, халқнинг очлигига унинг кунгли рози эмас. Йўқса, нон сотмасди.

Амирлар ўз подшоҳларининг душманлари ва мухолифлари бўлишини истайди. Чунки бусиз уларнинг мардлиги ва султонга булган садоқатлари юзага чиқмасди. Султон ҳам муҳтож бўлмаса, амирларни бошига тўпламасди. Айна пайтда, булар мухолафатга рози эмаслар, йўқса, уларга қарши курашишмасди. Инсон ҳам худди шундоқдир. Унинг нафсида ёмонлик омилларининг бўлишини Тангри истайди. Чунки у шукур ва тоат қилганни севади. Бу — инсон нафсида шундай омилларнинг мавжудлигига далолат. Бир нарсани истамоқ унинг зарурларини хоҳламоқдир. Бироқ у бунга рози бўлмайди. Чунки у мужоҳада билан бу нарсаларни ўз нафсидан кува олади. Англашиладики, инсон бир томондан яхшиликни, иккинчи томондан эса, ёмонликни истамоқда. Кимдир эътироз билдириши мумкин: «Инсон ҳеч қачон ёмонликни истамайди». Бу — имконсиз. Ахир, бир нарсани истамак унинг зарурларини истамакликсиз рўёбга чиқмас. Табиатан ёмонликка майл билдирмоқ-ла хайрдан нафрат этган саркаш бир нафс ҳам амр ва манъ қилишининг зарурларидир. Дунёдаги барча ёмонликлар худди шу нафснинг зарурлари ҳисобланади. Ёмонлик ва нафсни ирода этмаган нафснинг зарури булган амр ва манъ қилишни ҳам истамайди. Агар инсон яхшилик ва ёмонликка рози бўлсайди, уларни амр этмасди, манъ қилмасди. Хулоса шуки, ёмонлик ўзга биров учун исталади. Агар инсон ҳар яхшиликни истовчидир, дейилса, ёмонликни дафъ қилиш ҳам бир яхшилик

ҳисобланади. Модомики, ёмонлик бартараф қилинмоқчи экан, бу фақат унинг мавжудлиги билан бўлади. Ёхуд иймон талабгорларидан бири дейдики: «Иймон фақат куфрдан кейингина мумкиндир. Шунга кўра, куфр иймоннинг заруридир. Тўғридан-тўғрига ёмонликни ишташ хунук, аммо хайр учун исталса-чи, хунук бўлолмайди. «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор»<sup>1</sup>, дея буюрилади. Ҳеч шубҳасиз, қасос ёмонликдир, (бирок) халқни қотилдан қутқариш — куллий бир хайр. Жужый бир ёмонликни куллий бир хайр учун ишташлик чиркин эмас. Оллоҳнинг жужый иродасини тарк этиш, куллий ёмонликка рози бўлиш эса — чиркин. Она боласининг койилишини иштамайди, бироқ буни ота хоҳлайди. Чунки она жужый, ота эса куллий ёмонликни куради. Оллоҳ кўп ёрлақгувчи ва азоби шиддатлидир. У гуноҳларни вужуди билан ёрлақайди.

Бир нарсани ирода этмак унинг зарурларини ҳам ирода этмакдир, (дедик). Масалан, бизга эҳсон, тинчлик ва ислоҳ ила амр қилади. Агар душманлик булмаса, бундай амрнинг нафи йўқ. Садри Ислом дейдики: «Оллоҳ йўлида (кураш учун молларингизни) сарфланглар», дея буюрди. Бу билан У бизга мол топишни ҳам амр этади. Чунки мол уни топиш билан бўлади. Ахир, киши бировга: «Тур, намоз қил!» деса, бу билан у: «Сув топ, таҳорат ол!» деган, яъни, намознинг зарурларини ҳам бажо келтиришни амр қилган бўлади.

Фасл. Шукур — бир бог булса, неъматлар — шокирдир. Оллоҳ севган қулини балога дучор қилади: сабр этса, Узи учун сайлайди, шукур этса, кучлироқ сўяди, бошқалардан айиради. Инсонларнинг баъзилари Оллоҳ қаҳри учун, баъзилари эса меҳри (лутфи) учун шукур қиладилар. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам хайрлидир. Чунки шукур қаҳрни лутфга айлантирган бир зидди захардир. Камолотга эришган ақли инсон ошкор ёки гизли равишда жафоларга шукур қилган зотдир. Агар унинг мақсади оловга бормоқ бўлса, шукур-ла муродига сал аввалроқ етгуси. Чунки зоҳирий шикоят ботиндагини озайтиради. Пайгамбар: «Мен кўп кулгувчи ва кўп улдиргувчи одамман» (ҳадис), дея буюрган. Яъни, менинг жафокаш юзига қараб кулишим — унинг учун ўлим. Кулишдан мақсад — шикоят ўрнига шукурдир.

Ҳикоя. Асҳобдан бирининг уйда бир яхудий яшарди. Кир ювганда ё кул-оёғини ювганда, мағзавасини уй соҳибининг турар жойига оқизарди. Асҳобдан булган зот эса, шикоят ўрнига шукур этар, оиласини ҳам шунга буюрар эди. Орадан саккиз йил ўтди. Уй эгаси вафот қилди. Ҳол сўраш учун кирган яхудий ўз мағзавасининг нималар қилганини кўрди ва шунча вақт ичида бу ерда не-не кўнглисизликлар бўлганини англади. Ва: «Оллоҳ тақдирласин! Нега буни шу пайтгача айтмадингиз? Яна ташаккур ҳам билдириб турардингиз», деди. Марҳумнинг оиласи жавоб берди: «Раҳматли отамиз бизга шукур қилишни амр этар ва шуқрни ташламанг, дея бизни кўрқитарди». Буларни эшитиб, яхудий тўлқинланди ва мусулмон бўлди.

Байт: (Инсонга мутриб қандай севинч ва завқ берса, яхши одамларни эсламоқ ҳам кишини хайрга етаклайди).

Шукур неъмат сийнасини соғмоқдир. Кўкрак сут билан қанча тула бўлса-да, соғмагунингча сут келмас. «Шукур этмаслик ва шуқрга тўсқинлик қилаётган нарса нима узи?» дея сўрашди. Шаиҳ буюрди: Ношуқрликнинг боиси ҳам очкўзликдир. Очкўз кимса ҳар доим қули-

<sup>1</sup> Қурони Карим. 2-сура, 179-оят.

га киргандан купрогени истайди. Уни бу куйга солган бало — суклик. Кутганидан кам келиши — шукр йулидаги бир тусиқдир. Шунинг учун ҳам у уз нуқсонидан хабардор бўлганидек, бермоқчи бўлган нарсасининг қусуридан ҳам гофилдир. Муҳаққақки, очкузлик пишмаган хом мева ёки гүштни еган билан тенг ва ношукрлик мутлақо бир касалликнинг чиқишига сабабдир. Зарарли емиш еб куйганини билган одам ундан қутулиши зарур. Улуғ Оллоҳ ўз ҳикмати билан уни ношукрлик хасталигига гирифтор қилмиш. Шунинг учун ҳам ушбу ёмон иллатдан халос бўлиш чорасини кўрмаган зотнинг бир касаллиги юз бўлур. «Уларни (куфр ва исвндан) қайтишлари учун куп яхшилик (неъматлар) ва ёмонликлар (балолар) билан синаб кўрдик». Яъни, биз уларга қутилмаган ердан зирх кийдирамизки, бу гайб оламидир. Уларнинг нуқтаи назарлари (қарашлари) Оллоҳга яқин бўлган сабабларни куришдан нафрат қилади.

...Шеър: (Куфр ҳам, иймон ҳам сенинг йўлингда: «У бирдир, Унинг шериги йўқдир», дея югуриб-елади).

Бу уйнинг тамали гафлатдан. Чунки оламдаги барча жисмларнинг усиши гафлат мевасидир. Жумладан, сенинг вояга етган шу жуссанг ҳам ундан. Гафлат — куфр. Куфр бўлмаса, дин бўлмайди. Чунки дин куфрни тарк этмақдир. Демак, куфр бўлсинки, инсон ундан воз кеча олсин. Шунга кура буларнинг ҳар иккиси ҳам бир нарса. Чунки улар бир-бирисиз йўқдир. Улар қисмларга айрилмайди. Яратганлари (Холиқлари) ҳам бирдир. Агар Холиқлари бир бўлмасайди, айрилардилар, парчаланардилар. Чунки ҳар бири бир булакни яратган ҳисобланарди. Шунга кура, Яратган бир бўлгани учун Оллоҳ Бирдир. Унинг уртоғи бўлолмайди.

...Куръон бир келинга ўшайди. Румолини олганинг билан у сенга юзини кўрсатмайди. Ёки у турфа хил юзларда куриниш қудратига эга. Агар сен пардани очмай, бориб унинг даласида сидқидилдан хизмат этсанг ва ризосини истасанг, мутлақо сенга юзини кўрсатамақдир.

...Фасл. Исодан сўралдики: Эй Оллоҳнинг руҳи! Дунё ва охирадда қай бир нарса энг буюк ва энг мушкулдир. Исо жавоб ўлароқ: «Оллоҳнинг газабидир», деди. Яна сўрадилар: «Инсонни бундан нима қутқаради?» Жавоб берди: «Уз газабини энгиш ва ҳиддатини ютиш» (Куръон). Йул шу бўлиши керак. Нафс шикоят этмоқчи бўлганда, инсон унинг аксини қилади, яъни, шукрона келтиради ва шу қадар муболағалайдики, натижада қалбида севги майдонга келади. Чунки ёлгондан шукр қилмак Оллоҳдан муҳаббат истамақдир.

Буюк Мавлоно шундай буюради: «Махлуқдан шикоят Холиқдан шикоятдир» (Куръон). Сенга қарши қилган душманлик ва сақланган кин гизлидир. Худди оловдек. Масалан, сачраган бир учқунни кўрсанг, тезда сундирки, келган жойига — йўқликка дўнсин. Агар унга бошқа бир жавоб тоғмоқчи бўлсанг, учқун оловга айланади, қайтармоқ эса азобдир. «Ёмонликни энг гўзал сўзлар билан дафъ қил!»ки, икки томондан душманни бартараф қилган бўласан. Бири шудир: душман сенинг теринг ё гүштинг эмас, балки ёмон тушунчангдир. Узлуксиз адо этилган дуо кучи билан ундан қутулса бўларди. Иккинчиси, қалбингда мағфират этиш васфи пайдо бўлиши билан сенга қарши қилинган ёмонловнинг ёлгон экани ошкор бўлади. Яъни, у янглиш кўргандир. Модомки, сени бўлганинг каби кўрмадим, демак, ёмонланган унинг ўзидир, асло сен эмас. Ёғийни ёлгончилигининг майдонга чиқишидан баттароқ ҳеч бир нарса уялтирмайди. Куринадики, сен шукр ва мақтов билан унга оғу беряпсан. Чунки у сенинг нуқсонингни кўрсатса, сен унинг камолини намойиш этмоқдасан. Чунки сен Оллоҳнинг севгилисисан. «Оллоҳ яхшилик қилув-

чиларни севади» (Куръон), дея буюрилганидек, Оллоҳ томонидан севилган кам бўлмайди. Уни шу қадар мақтаки, дўстлари: «Ажаб, бизга душман бўлдимики, у билан бунчалар яқинлашибди?» дея саросимага тушсинлар.

...Фасл. Буюрдик: Инсон нафсида шундай бир нарса борки, ҳайвонларда йўқдир, дейишади. Аммо бу, инсон улардан ёмон, дегани эмас. Балки шундайди: инсондаги ёмон феъл-хўй, нафс ва бахтсизлик унда мавжуд бўлган яширин жавҳардандир. Фақат, феъллар, бахтсизликлар ва ёмонликлар жавҳарнинг пардаларига айланган. Жавҳар қанча гўзал ва буюк бўлса, парда ҳам шунга ярашади. Барча ёмонликлар жавҳар пардасининг воситасидир, парданинг кутарилиши эса, имконсиз. Шунга қарамасдан, улкан мужоҳадалар сунгида мумкиндир. Мужоҳадалар ҳам ҳар хил. Мужоҳаданинг энг буюғи — бу дунёдан юз угириб, Оллоҳга йуналган ёронга қўшилмоқ, аралашмоқдир. Мужоҳада яхши ва тўғри бир дўст билан юзма-юз ўтиришдан мушкулроқ эмас. Чунки уларни кўрмак нафснинг эриб йўқ бўлишидир. Шунинг учун ҳам илон қирк йил инсонни кўрмаса, аждархога айланади, дейишади. Қаергаки, катта бир қулф оссалар, билгилки, у ерда нафис ва қийматли нарса бордир. Жумладан, қаердаки, парда қалин ва мустаҳкам бўлса, уша ердаги жавҳар яхшироқдир. Чунончи, хазина устида илон ётади. Бироқ сен унинг хунуқлигига эмас, дафинадаги нафис нарсаларга боқ!

Фасл. Севгилим дедик: «Фалончи нима билан яшайди?» Қушлар билан қанотлари, ақлдилар билан уларнинг ҳиммат қанотлари орасидаги фарқ нимадан иборат? Фарқ шудир: қушлар қанотлари воситасида ҳар тарафга учадилар. Ақлдилар эса, ҳиммат қанотлари билан ўз жиҳатларидан (томонларидан) учадилар. Ҳар отнинг бир бошпанаси бор. Оллоҳ ҳаммадан яхшироқ билгувчидир.

Бу Асрори Жалилнинг таҳрири Муқаддас мақбарада, Жума куни, муборак Рамазон ойининг туртинчисида, 751-санада ниҳоясига етди. Ғани бўлган мен — Баҳоуддин Мавловийул Одилыйус-Сароийи, Оллоҳ унинг сўзини яхши айласин!

Омин! Йа Роббал олабийн!



## Мундарижа

### МУНИР ЛАҲЗАЛАР

Ватанни, халқни самимий севиш керак.  
(Тоир Юнус ва Одил Ёқубов суҳбати) . . . . . 3

### НАСР

Мурод Мансур. Жудолик диёри. Роман . . . . . 19  
Улмас Умарбеков. Оқсоқол. Ҳикоялар . . . . . 152  
Эркин Усмонов. Умрнинг нутилмас лаҳзалари . . . . . 188

### НАЗМ

Гулчеҳра Нур. Куксимга тафаккур утин истайман . . . . . 14  
Чулпон Эргаш. Раҳмоннинг қайтиши . . . . . 133  
Салим Ашур. Сочларинг нурида гуллади шамол . . . . . 194

### МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир . . . . . 200

ЗАРИФА САИДНОСИРОВА

# ОЙБЕГИМ МЕНИНГ



Ш.Шайкубов  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
БУГУНГИ  
МИНИАТЮРА  
РАНГТАСВИРИ



Ш.Шайкубов  
СОВРЕМЕННАЯ  
МИНИАТЮРНАЯ  
ЖИВОПИСЬ  
УЗБЕКИСТАНА

# МУСАВВИР

## MUSAVVIR

Sh. Shayakubov

MODERN MINIATURE PAINTING OF UZBEKISTAN

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин \* Таҳририятга келган бир босма табоқча булган материаллар муаллифларга қайтарилмайди \* Таҳририят ўз тавсиясига кура амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади \* Матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-83, Буюк Турон кучаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни \* Обунага монъелик курсатилган ёки ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент - 700000. Амир Темур тор кучаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди. 4.09.95 й. Босишга рухсат этилди. 13.10.95 й. Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт ҳисоб табоғи 18,48. Буюртма № 3865. Адади 11270.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.

